


Хайриддин Султон

ЎҮҚЧИЛИК  
ва  
ЎҮҚЧИЛИК



2017/54  
4895





Хайриддин Султон

Йўқчиллик  
ва  
Тўқчиллик

ҲИКОЯЛАР  
ҚИССА  
ТАРЖИМА

96

Китоб муаллифнинг турли йилларда ёзилган қисса ва ҳикояларидан тузилган. Ундан «Кўнгул озодадур» қиссаси ва «Уч юз олтинчи тўрт кун», «Бир оқшом эртаги», «Бадантарбия», «Гулдўғардиш», «Дўстим Эсонбой», «Е, Жамшид!» каби ҳикоялар ўрин олган. Тўпламга, шунингдек, француз адаби А. Сент-Экзюперийнинг Х. Султон томоидан таржима қилинган фалсафий-мажозий руҳдаги «Кичкина шахзода» қиссаси ҳам киритилган.

Инсон, унинг тақдир, одамнинг ҳаётда ўз ўрни ва қадрини топиш йўлидаги интилиш ва машаққатлари, бу борада ҳар бир шахс дуч келадиган маънавий-руҳий сновлар бу асарларнинг барчасини бирлаштириб туради.

X 4702620204 —4 26—00  
M 25(04)—00

© «Маънавият», 2000

2018/54  
4895

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--

Узбекистон

## ИҶҚЧИЛИК ВА ТУҚЧИЛИК

Раҳматулла хотиндан ёлчиган эди. Буни дўстлари ҳам, душманлари ҳам якдиллик билан эътироф этардилар. Чиндан ҳам, Нозимахон эрни эр қиладиган аёл эди. У асли марғилонлик, Кумушбиби юртидан; кулча юз, нозик қад, кўзлари доим кулибгина туради, қопқора, сунбул сочларини кестирмаганида албатта тақимини ўпарди. Раҳматулла эса самарқандлик, дашту далалар фарзанди. Улар Тошкентда ўқиб юришганида тасодифан бир зиёфатда танишиб, битирар йили турмуш қурдилар, ўқишни тугатгач, ризқ-насиба экан, шаҳарлик бўлиб, пойтахти азимда яшаб қолдилар.

Ҳар бир нарса каби меҳр-муҳаббатнинг ҳам аввали, авжи ва поёни бўлиши табиий. Раҳматулла тўйгача Нозимахонни телбадек яхши кўрарди, тўйдан сўнг, не-не йигитларни куйдириб уни деган шундоқ сулувни буткул ўзиники қилиб олганидан кейин, эҳтирослар совиб, ақл-ҳуши тиниш ўрнига хотинини илгаригидан кўра юз чандон кўпроқ яхши кўриб қолди. Нозимахоннинг тили шакар эди, кўзи, сўзи, вужуди пок эди, бир табассум билан оддий, нурсиз лаҳзаларни беқиёс байрамларга айлантириб юбора оларди.

Раҳматулла серфарзанд оилада, тўйғулар кўз-кўз қилинавермайдиган, муносабатлар бир қадар вазминсипо хонадонда ўсган, меҳрга зор эди ва шу булоқдан симирган сари ташналиги тобора ортиб борарди.

Тўртинчи йили — ўғиллари Элзод олти ойлик бўлганида Раҳматуллага ишхонасидан квартира берилди. Шу кунгача у хотини олдида мудом хижолат чекар, шундоқ аёлни ижарама-ижара саргардон қилиб юргани учун ўзини гуноҳкор сезар эди. Лекин шу чоққача Нозимахон унга таъна-дашном қилиш у ёқда турсин, бу тўғрида чурқ этиб оғиз очмаган эди. Ҳисобсиз кўч-кўчлар, феъли тор кампирларнинг қош-қовоғи, зулукдай сўрадиган ижара ҳақи... буларнинг барчасига у матонат билан дош берар ва шу матонати Раҳматуллага тоғдек юрак бўлар эди. Беҳзод, тили энди чиққан пайтда, қўлчаларини ёнига ёзиб, бошини қийшайтирарди-да, икки гапнинг бирида: «Ана, энди тамом!» деб қўярди.

Нозимахон бениҳоя завқланиб, ўғилчасининг шу қили-  
гини ўзлаштирган, навбатдаги ижара можароси чиқ-  
қанида кулимсираб: «Ана, энди тамом!» деб жилмаяр,  
унга қараб Раҳматулла ҳам кулиб юборар, шу тариқа  
кўнгилсизлик кулгига айланиб кетар эди. Кулги ара-  
лашгач эса, ҳар қандай даҳшатнинг ҳам даҳшатлик  
ери қолмайди.

Ниҳоят, ҳаммаси ортда қолди. Энди уларнинг ўз  
уйи — ўлан тўшаги бор. Энди кўнгиллари тусатандек  
яшайдилар, ҳеч ким уларнинг мушугини пишт демай-  
ди, деёлмайди. Кўчиб келган куни Раҳматулла ич-ичи-  
дан ният қилди: ўлмасам, бу уйда бирор кун ҳам хафа-  
гарчилик бўлмайди!

Дарҳақиқат, бу хонадонда то кечаги кунгача бирор  
киши товушини кўтариб гапирмади, болаларнинг хар-  
хашасидан бошқа бирор йиғи овози эшитилмади.

Ҳаммаси орасталикдан бошланди.

Нозимахон каталакдек хужраларда яшаган пайт-  
ларида ҳам эртаю кеч ҳаммаёқни қатрон қилиб ётарди,  
иссиқ сув, совуқ суви муҳайё уйга етишгач эса, тагин  
худо берди: кўз кўргандан кўз кўргунча атрофни чин-  
ни-чироқ қилиб ялаб-юлқаш билан овора. Раҳматулла  
баъзан кечқурун ишдан қайтиб, уйини таниёлмай қо-  
ларди: диван у ёққа сурилган, стол бу ёққа, гулдон-  
ларда анвойи гуллар... Хоналар ёруғ, ҳар томон ораста,  
болалар озода, бири-биридан ўзиб салом берган... Бош  
чайқаб, мийиғида кулимсираб қўярди-да, ювингани  
кириб кетарди. Остонада сочиқ узатиб турган Нозима-  
хонга шунинг ўзи кифоя, яшнаб-яшариб, оёғи олти  
бўлиб ошхонага югурар эди. Сўнг, қутичадек телеви-  
зорни вағиллатиб қўйганча, овқатлангани ўтиришарди.  
Раҳматулла тўрда, чуғурчуқдек чуғурлашган икки ўғил-  
часи икки ёнида, дастурхонда ҳил-ҳил пишган таом,  
пойгакда — аллақандай баҳорий либосда ўн саккиз  
яшар пайтидагидек очилиб кетган Нозимахон... Шунда  
бу хонадоннинг ҳавоси бахт билан тўлар, эшик-дера-  
залардан саодат ёғдулари кириб келаётгандек туюлар  
эди. Беҳзод билан Элзод ўйинчоқ таллашиб, уришиб-  
кулишиб, ниҳоят, ҳориб-чарчаб, таппа ташлаганча  
ухлаб қолар, Раҳматулла уларнинг пахмоқ сочларидан,  
пешонасидан суйиб, жой-жойига ётқизар, сўнг диванга  
ёнбошлаб, ҳар хил олди-қочдилар битилган ёстиқдай-  
ёстиқдай китобларни ўқишга тутинар ва уларда зикр  
этилмиш воқеаларга ишонар эди. Нозимахон нариги  
хонадан болиш келтириб унинг ёнбошига қўяр, зум

Ўтмай пастак столча устида бир чойнак аччиқ чой, тақсимчада тўртта майизми, бир бўлак ҳалвоми — бирор ширилик муҳайё қилар эди-да, ўзи тагин кундалик юмушларини тўхтаган жойидан давом эттирарди. Раҳматулла аста чой ҳўплаб хаёл суриб ётаркан, қалдирғоч уясидек хонадонини, мўъжазгина бахтини ўйлар, кўнгли ёришиб нимадир яхши ишлар қилгиси келар эди.

Вақт алламаҳалдан оққанда ётоқ бўлмасига кириб қўштўшакка чўзилар, худди чиллала куёвдай энтикиб, Нозимахоннинг кириб келишини интизор кутиб ётар эди.

Кута-кута кўзи илинганини сезмай қоларди.

Нозимахон қушдек енгил қадам билан сассиз кириб келарди — шунда у муқаррар равишда уйғониб кетар, юраги бир шири титраб, хотинига мўъжизага тикилгандек термилар эди.

Нозимахоннинг бўйнидан, юз-кўзларидан, сочларидан соф, сарин бир ис анқирди — гўё ҳозиргина поёнсиз бир чаманзорни оралаб, даста-даста гул тергандек... Бу муаттар, хушбўй ҳидлар уни эс-ҳушидан айиргудек маст қилиб қўярди. Икки йил бурун Москвага командировкага борганида, бор пулига ўғилларига кийим-кечак билан хотинига атаб ўнта ангишвонадек шишада фаранги атир олиб келган, ўшандан буён ҳар кечанинг ўз таровати, ўз элитгувчи бўйлари бор эди.

Бироқ, Нозимахон уни ҳаддидан оширмас, кўзларини, қовоқларини силаб:

— Ухланг. Эрталаб туролмайсиз, — деб мулойим шивирлар эди.

— Майли, — дерди у қувончдан, бахтдан, муҳаббатдан кўкси тоғдек юксалиб. — Майли...

Ҳаммаёқ осуда, қоронғи, фақат хонада тунчироқнинг нимтатир заъфарон ёғдусию икки ошиқ қалбининг безовта дуқури ва суҳбат — адоқсиз, алдоқсиз, орзу-хаёлдан, кулги ва табассумлардан, болаларнинг ширинлигидан, яхши кунлар ёди ва умидидан шарҳи ҳол айлагувчи суҳбат...

Улар кунни кеча қовушган келин-куёв эмас, қарийб беш йиллик эр-хотин, аммо тунлари бир-бирига айтадиган, айтиб адо қилолмайдиган гаплари шунчалар кўп!..

Ана шундай бахтиёр кечаларнинг бирида Раҳматулла шифтга хаёлчан тикилиб ётган хотинига:

— Ишхонадагиларни бир чақирсак бўларди. Мен ҳам кўп борганман «уй тўйлари»га... — деди.

Нозимахон, кўзлари юлдуздек чақнаб, унинг тўзғиб кетган сочларини паришон силади, алланечук ҳазин оҳангда:

— Ҳозир-а? Қўйинг-э, — деб пичирлади.

— Нега?

— Аҳволимизни қаранг!

— Аҳволимизга нима қилти?

Нозимахон беозор кулимсиради:

— Сал у ёқ-бу ёғимизни тузатиб олайлик. Ҳалиям студентга ўхшаймиз.

Раҳматулла қизарди, лекин сир бермай, нягини бепарво қашиди:

— Э, нима қиларди. Бизнинг ишхонада бунга эътибор берадиган одамнинг ўзи йўқ.

— Нега йўқ бўларкан? Муаттар Зокировна-чи? Лобархон-чи?

— Қизиқмисиз! — деди Раҳматулла бошини кўтариб.

— Билмайсиз-да, аёл зотининг бунга эътибор бермайдигани бўлмайди.

Раҳматулла нимадир деб гудранди.

— Албатта чақирамиз, чақиршимиз шарт, — деди Нозимахон, — мен розиман, фақат кейинроқ, хўпми? Шу билан ишхонангиздагилар бизни кига яна қачон келишади-ю...

Раҳматулла хотинининг ҳақ эканини ич-ичида тан олди.

У кичкинагина бир лабораторияда илмий ходим бўлиб ишлар, ҳамкасблари билан салом-алиги жойида, Нозимахоннинг магазинма-магазин елиб-югуриб, чақмоқдек кийинтириб қўйгани учунми, кўпчилик уни «бойвачча болалардан» ҳисоблар ва очигини айтганда, бу эътироф кўнглининг аллақайси бир жойларига хуш ёқар, ўзгалар назаридаги шу мартабадан тушиб қолиш ҳисси хийлагина кўнгилсиз туюлар эди. Нозимахон тўғри айтади, меҳмон чақиргандан кейин бирйўла манзур бўладиган қилиб чақириб керак. Дунёда лаб бурчига яширин мурувватомуз табассумдан кўра оғир нарса йўқ. Демак, даставвал у ёқ-бу ёқни тузатиш лозим, ундан кейин...

Аммо Раҳматулла эртаси уйига разм солиб, дурустроқ мулоҳаза юритиб кўрсаки, у ёқ-бу ёқни эмас, ҳаммаёқни тузатиш керак экан. Энг аввал тузукроқ ме-

бель даркор — уч хонали уй ютаман деб ҳувиллаб ётибди, деворлар ялаёнғоч... Топган-тутгани ҳозир оиладан ортмайди. Нозимахон яна олти ойча уйда ўтириши керак — сентябрда Элзод бир ярим ёшга тўлса, кейин...

Ўша кундан бошлаб Раҳматулла хўжалик магазинларининг доимий томошабинига айланди. Киради, кўзи ёниб, антиқа хорижий мебелларга термилди, фикран уйига қўйиб, чамалаб кўради, акси тушиб турган ярқироқ жиҳозларни астагина силайди, сўнг... жимгина чиқиб кетади.

Ниҳоят, у хаёлий режалардан чарчаб, узил-кесил қарорга келди-да, бир кечаси хотинига ниятини айтди: — Бунақада бўлмас экан. Ишимни ўзгартираман.

Нозимахон қўрқиб кетди:

— Нега?

У дилидаги ҳамма гапни ошкор қилди. Нозимахон кўзига ёш олди: «Қўйинг, борига бозор, оз бўлсаям баракасини берсин, бир кун яхши бўлиб кетар...»

— Қачон келади ўша яхши кун? — деди Раҳматулла кулимсираб. — Мана, ўттиздан ошдим, умримнинг ярми ўтди ҳисоб.

— Яқинда мен ҳам ишга тушаман, ҳадемай, ҳарна... — Нозимахон юзини унинг кўксига босди.

— Мен кўп ўйладим, Нозимахон, — деди Раҳматулла хаёлчан. — Бошқа иложи йўқ. Менинг ҳам кечқурун бахмал креслоларда ястаниб, рангли телевизор томоша қилгим келади. Шанба кунлари ўғилларимни, сизни машинамга ўтқазиб, далаларга опчиққим келади. Уйга тўртта одам келса, сизни уялмасин, дейман.

— Вақти-соати билан бўлар, — деди Нозимахон. — Лекин менга ҳеч нарса керак эмас. Сизу болаларим омон бўлса бас.

— Бу юришимда вақти соати сираям келмайди, — деди Раҳматулла қатъий. — Чол-кампирдан ёрдам йўқ, биласиз. Ҳали нечта укаму сингиллар қаторлашиб турибди. Иложини топсам, мен уларга қўл қоқишим керак. Хуллас, аҳвол шунақа. Ҳамма умид энди ўзиниздан.

— Илмий ишингиз нима бўлади? — деб сўради Нозимахон анча жимликдан сўнг.

— Э! — деб бепарво илжайди Раҳматулла. — Илмий иш дейсиз-а, Нозимахон! Мен дунёга келиб энг зўр иккита кашфиётимни яратиб бўлдим: бири Беҳзод, бири Элзод!

Нозимахон унинг юзига оҳиста уриб қўйди.

— Очиғи, мана шу колбалар мени сира-сира қизиқ тирмаган, — деб давом этди Раҳматулла. — Уқишга кириб, шунча йил шаҳарда адашиб-улоқиб юришларим бемаъниликка ўхшайди-ю, лекин аслида бунда катта бир маъно бор: бўлмаса, сизни учратмасдим-да!

У шундай деб хотинининг елкаларидан қизғин меҳр билан қучди.

— Энди нима бўлади? — деди Нозимахон секингина.

— Эндими? Энди яхши бўлади. Армиядаги касбимни қилавераман, биринчи класс шофёри, гулдек ҳунар, ҳамма жойда жон-жон деб ишга олишади. Ишлайман, ишдан одам ўлмаган, сиз ҳам биргалашасиз, уй-жойимизни тузатиб олгандан кейин...

— Пенсияга чиқамиз, — деб кулди Нозимахон.

— Э, йўқ, шошманг-да, унақа! Кейин, битта пўчқ қизчамиз туғилади, отини Қундуз қўямиз, менга шу исм жудаям ёқади...

— Бекор айтибсиз! — деб эркаланди Нозимахон. — Мана шу иккита безорингизнинг ўзиям...

— Безориларни уйлантириб қўямиз — жазоси шу! Мен ҳам сизга уйлангунча қандоқ безори эдим, эсингиздами? Қаранг, мана энди, бинойидек қуюлиб...

— Ҳо-о, қаёқда, суюлиб кетяпсиз-ку! — деди Нозимахон жилмайиб ва бир зум ўтгач: — Соат неча бўлди-ки-а? — деб сўради.

— Соат... айни вақти бўлди! — деди Раҳматулла кўзлари чақнаб.

— Йўқ, йўқ, шошманг. Шошманг, ростдан ишни ташламоқчимисиз?..

— Уф! Тағин сўрайди-я! Дадангиз темирчимас-ку! Душанбадан «РАФ» минаман, бир қурилиш ташкилоти билан келишиб қўйганман. Учирмайсизми чироқни?

— Менга қаранг, — деди Нозимахон, — шунчалик зарур бўлса, битта-яримтадан қарз олиб турақолайлик? Кейин ишлаб-ишлаб узармиз. Ҳаммаям шунақа қилса керак?

— Кимдан оламиз?

Узоқ жимлик чўкди.

— Ойимларнинг олдиларига бориб келсаммикан?

— Ойингиз бизни жудаям яхши кўрадилар, — деди Раҳматулла ўйлаиб. — Ҳатто жонларини беришга ҳам тайёрлар, биламан. Лекин ҳозир бизга жон эмас, беш-олти минг сўмгина пул керак, холос. Аммо ойингиздан олмайман. Нега олмаслигимни ўзингиз яхши биласиз, тўғрими?

Нозимахон индаёлмай қолди ва қайтиб бу хусусда оғиз очмади.

— Бари бир ишингизни ташламайсиз, — деди бир маҳал. — Шунча йил ўқиб... майли, кўп емасак, оз ермиз, озгинадан жамғариб борсак ҳам...

— Йўқ, — деди Раҳматулла кескин қилиб, — уй-жой деб бола-чақани сирмайман. Мениям ўғилларим ҳамма-нинг боласидек соғ-саломат ўсиши керак.

— Илмий ишдан кетар экансиз, унда, шаҳарда қолиб нима қилдик? — деди Нозимахон пича ранжиб. — Қишлоққа кета қолайлик?

— Қайси қишлоққа? — деб кулди Раҳматулла. — Самарқанддаги қишлоққа сиз арқон билан боғласа ҳам бормайсиз, мен ҳам шаҳри Марғилонга Отабек бўлолмайман. Демак, ўз-ўзидан равшанки, биз фақатгина нейтрал зонада яшашимиз мумкин.

Шундай деб, ўзининг топқирлигига ўзи ҳам ҳайрон илжайди.

Шу-шу, уларнинг подъезди қаршисида ҳаворанг “РАФ” дам-бадам кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Кузга бориб Нозимахон ҳам ишга тушди. Уйларидан анча олисдаги лойиҳа идорасида ишлай бошлади. Энди эр-хотиннинг мурод-мақсади ягона — тезроқ уёқ-бу ёқни тузатиб, “одамларга ўхшаб яшаш”. Энди тунги суҳбатлар ҳам қисқарган, соатлаб болаларнинг оғзига завқ билан термилиб ўтиришга деярли фурсат йўқ, шошиб ишга бориб, шошиб қайтишар эди.

“Дом”чилик, сиртдан ҳамма ўзи билан ўзи овора-дек кўринса-да, бари бир аёллар қўшничесиникига дамбадам “элак сўраб” чиқиб турар, шу боис тўққиз қават аҳлининг туриш-турмуши бир-бирига аён, ҳавас, ҳасад, рақобат, гийбат, миш-миш — барчаси бунда аралаш-қуралаш эди.

— Заҳролар уйини ремонт қилдирибди, саккиз миנגа тушибди, — деб қолди Нозимахон бир куни. — Кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади.

Раҳматулла пиёладаги чойини ҳўплаб, эснади.

— Оғзим очилавериб-очилавериб, аллақачон ёпилмайдиган бўлиб қолган. Заҳронингиз ким?

— Бешинчи қаватдаги-чи, Умар акалар?! “Ноль саккиз”и бору ўн еттию йигирма тўрт?..

Нозимахоннинг рақамга хотираси зўр эди, бир эшитган-кўргани миясига муҳрдек ўрнашарди-қоларди.

— Ха-а... — деди Раҳматулла бир оздан сўнг хаёлчан. — Қизиқ, одамлар қаердан топаркин пулни? Шу-

лар ҳам бизга ўхшаган оила, эр-хотин ишлайди... — деб қўйди.

— Э, ишлаган билан... Ҳаракат қилади-да, — деди Нозимахон маънодор чимирилиб.

— Биз ҳам ўшалардан кам ҳаракат қилмасмиз?

— Бари бир уларга етиб бўлмайди, — деди Нозимахон ва чойнакни олиб, ошхонага чиқди. Қайтиб келиб, чойни шопирди-да: — Заҳронинг қулоғидаги бриллиантнинг ўзи беш минг туради, — деб қўшимча қилди.

Раҳматулла бошини эгганча хотинининг товушини, ҳолатини таҳлил қилиб, енгил тин олди: хайрият, минг шукурки, ҳасад йўқ, маломат йўқ, шунчаки... ахборот!

— Қаерда ишларканлар, беш минг сўмлик бриллиант тақиб? — деб сўради азбаройи эрмак учун.

— Вой, билмасмидингиз ҳали... — Нозимахон аҳли аёлга хос иштиёқ билан сўзлай кетди.

Заҳро асли пединститутни тугатган экан, юраги чатоқлигидан, шовқин-сурон тўғри келмай, ўз соҳасида бир кун ҳам ишлаёлмабди, маоши оз бўлсаям майли, деб аэропортда кассирлик қиларкан. Умар ака — жарроҳ, буйрак касалликлари бўйича мутахассис экан. Иккита қизлари бормиш, Беҳзод билан Элзод тенги, худди Фотима-Зуҳра эмиш...

— Яхши, келин ҳам оёғимизнинг тагида экан, қуда бўлиб қўя қоламиз, — деб кулимсиради Раҳматулла.

— Э, улар... — Нозимахон бирдан гапини ямлаб, хомуш тортиб қолди, анчадан сўнг: — Чой ичасизми? — деб сўради аллақандай бегона оҳангда.

— Йўқ, — деб бош чайқади Раҳматулла ҳорғин — хотинининг тили учуда қолиб кетган гапини у жуда яхши тушунган эди.

Жойига кириб ётгач, қаттиқ чарчаганига қарамай ухлаёлмади — уйқуси ўчиб кетди. Бояги гап туриб-туриб энди нашъа қила бошлади. Хотини: “Улар сизни бир тийинга олмайди”, демоқчи эди, демади — аяди...

Нега бунақа? Нима учун бундай? Аслида, у — фақат пешона тери билан, ҳалол кун кўрадиган одам, уларни бир тийинга олмаслиги керак эмасми? У, уларнинг олдида эмас, улар бунинг олдида уялиши керак эмасми? Ахлоқан, мантиқан шундай бўлиши керак-ку? Нега унда...

Йўқ, у ҳеч қачон ҳаромхўрлар, каззоблар олдида тили қисик бўлиб қолмайди! Меҳнатнинг, меҳнаткашнинг нималарга қодирлигини кўрсатиб қўяди! Меҳнат — ҳалол ва халос бўлишининг ягона йўли: у ҳали ишлай-

ди, виждонан, қора терга ботиб ишлайди ва имони комилки, ҳадемай чеккан заҳматларининг роҳатини албатта кўради! Шундагина у ҳозир саломига базўр алик оладиган ўша бешинчи қаватдагилар билан теп-па-тег, ҳатто баланд келиб гаплаша олади. Лекин, бунинг учун тезроқ, кўпроқ ҳаракат қилиш керак, жон койитиш керак, танбалликка, беғамликка ўт очиш керак!

“Игит киши қирқ ёшгача бирор нимага эришса эришди, бўлмаса — тамом-вассалом, — деб ўйлади, — нарёғи маълум — йўл тадориги...”

Бир ҳафтадан кейин ўт ўчириш командасига ишга кирди. Уч кунда бир боради, кечаси. Кундузлари “РАФ”ни ҳайдаб юраверади.

Витя амаки билан у янги ишхонасида танишди.

Витя амаки — эллик-эллик беш ёшлар чамасидаги ориқ, қоқчакак киши, қоровул. Бу оламда унинг қўлидан келмайдиган ҳунар йўқ — дурадгорлигу сувоқчилик, чилангарлигу устачилик... Ичкиликни хуш кўриши ва кайф қилган чоғларида бир оз эзма, мантанчоқ бўлиб қолишини ҳисобга олмаганда, беозор, улфат одам. Ўзининг мақтаниб айтишича, велосипеддан тортиб атом бомбасигача тузата олади.

Танишган кунидека икқаласи ҳам бир-бирига бениҳоя кераклигини англади. Витя амаки уч кунда бир навбатчиликка келар, қолган вақт одамларининг шахсий буюртмаларини бажарар эди. Ҳожатмандлар орқасидан гала-гала бўлиб ялиниб юришарди: “Виктор Андреевич, Виктор Андреевич...” Бироқ, Витя амаки кейинги икки йил ичида ўзининг хийла қариб қолганини пайқаган, аввалги куч-қуввати йўқ, тўрт марта ранда тортса, қора терга тушиб кетади. Хуллас, унга ёш, бақувват, мўмин-қобил бир ёрдамчи ҳавадек зарур эди. Раҳматулланинг ичмаслиги айни муддао бўлди. Сархуш устанинг ёнида ҳушёр шогирд турса яхши-да, иш ҳам унумли бўлади, ҳисоб-китоб ҳам.

Шанба куни улар шаҳар ташқарисига — бир мансабдор одамнинг далаҳовлисига фин ҳаммоми қуришга бордилар. Уста томоқ хўллаб олгач, иш юришиб, ота-бола бўлиб кетдилар. Витя амаки ҳақиқий уста эди, ҳар бир қоққан михини бир санъат асари деса, арзирди.

Ўркач-ўркач адирлар қўйнидаги бу мўъжазгина чорбоққа, қулф уриб ётган турли-туман гул-чечакларга термилиб тураркан, Раҳматулланинг ҳаваси келди, яна

оҳиста хўрсинди, дилидаги қат-қат орзулар ёнига тагин бир ният тугун бўлиб тугулди...

Нозимахон зийрак аёл эмасми, эрининг хатти-ҳаракатларини кўриб, қўл қовуштириб ўтираверса бўлмаслигини дарҳол англади. Кечқурунлари бичиш-тикиш курсига қатнай бошлади ва кўкламга чиқиб, бир куни кечаси Раҳматулланинг қулоғига:

— Бозорнинг ичидаги магазинга зўр тикув машинаси кепти, немисларники, — деди. — Биттасини олиб берасиз-а?

Раҳматулла чала мудраб ётган эди, кўзларини очишга эриниб:

— Қўйсангиз-чи, — деди.

— Йўқ деманг, — деди Нозимахон унинг елкаларига суйканиб, — оберақолинг, менга жудаям зарур. Хўпми? Хўп, деяқолинг энди, майлими?..

Аёлнинг тунги ғамзаларига қайси эркак дош берибдики, Раҳматулла дош берсин!

Раҳматулла энди уйда камдан-кам бўлар, баъзан у ишхонасидан бунисига югуриб кетаётиб, беш-ўн дақиқага бош суқиб ўтганида, болаларини мудом ҳовлида, Нозимахонни эса машинасини шақирлатиб ўтирган ҳолда кўрар эди. Гоҳ унинг атрофида нотаниш аёллар уймалашиб турар, Нозимахон эса бирпас ишини қўйиб, у билан икки-уч оғиз гаплашарди-да, тагин мижозлари ёнига шошиларди. Ҳадемай, у зўр чевар бўлиб донг чиқарди, энди шаҳарнинг нариги четларидан ҳам қиз-жувонлар, келинчаклар “Нозимахон тиккан кўйлаklar”ни орзу қила бошладилар. Раҳматулла хотинининг бу ишига бошда шунчаки бир ҳавас деб қараган эди, ammo кундан-кунга унинг шуҳрати том баравар ошиб бораётганини кўриб ҳайрон қолди-ю, мамнун илжайиб қўйди.

Уйдаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янги жиҳозга улар худди ёш боладек қувонишар, хоналари тўлиб кўрки очила борган сари ўзлари ҳам тобора очилиб боришмоқда эди.

Бир якшанба куни Витя амаки шамоллаб, Раҳматулла уйда қолди. Эрталаб хотинининг олдида иккита қиз кўрингандек бўлувди, кечга бориб ҳам улар кетмади. Раҳматулла ошхонада чой ичиб ўтирганида Нозимахон кириб келди.

— Жўнатвордингизми мижозларни? — деб сўради Раҳматулла ярим ўгирилиб.

Нозимахон жавондан пиёла олиб, унинг рўпарасига ўтирди.

— Мижозмас улар.

— Ие? —

— Сизга айтмадим-а, ҳали, тунов куни кечки пайт жой сўраб келиб қолишди. Бири Бўкадан экан, бири гулистонлик, медтехникумда ўқишаркан. Раҳмим келиб... Йўқ деёлмадим... — Нозимахон унга гуноҳқорона тикилди.

Раҳматулла қаттиқ аччиқланди, тўнғиллади:

— Бир оғиз маслаҳат...

— Ўзингизни бир ҳафтадан бери энди кўриб турибману қандай маслаҳат қиламан? Жаҳлингиз чиқмасин, вақтинча. Кичкина хона бари бир бўш ётибди-ку... Сиз доим ишда бўлсангиз, қўрқаман иккита бола билан...

Раҳматулла индаёлмай қолди.

Нозимахон, ўзи ижара азобини кўп тортганиданми, қизлар билан тинч-тотув яшаб кетди. Фақат Раҳматулла анчагача норози бўлиб юрди: “Қизлар эшитади!” деб. Нозимахон уни энди яқинига йўлатмас, ижарачилар уйига кетган аҳён-аҳён кечалардагина у хотинининг висолидан баҳраманд бўлар эди...

Гулсара билан Дилдор очиқ, содда-самимий қизлар эди, бир йил туриб, хайр-хўшлашиб чиқиб кетишди. Уша куни кечқурун Нозимахон эрига олти юз сўм тутқазиб:

— Мана, Гулсара билан Дилдордан эсдалик, — деди...

Умуман, Нозимахон энди бутунлай ўзгариб кетган, уни устма-уст ҳайратга солмоқда эди: бир оқшом қарасаки, яп-янги “Оптима” машинкасини чиқиллатиб ўтирибди.

— Ҳа? — деди у таажжубланиб.

— Муборак бўлсин демайсизми? — деди Нозимахон ўридан туриб. — “ГУМ”даги бир таниш аёлга тайинлаб қўйган эдим, кеча ишхонага телефон қилиб қолди, опкелдим. Қаранг, энг зўр маркаси! — У ярқираб турган машинкани меҳр билан силаб қўйди.

— Нима қиласиз бунини?

— Роман ёзаман, — деб кулди Нозимахон.

— Йўқ, беҳазил? Биров сўраганмиди?

— Ўзимга олдим, ўрганаман.

— Нега?

— Керак-да. Вой, қўлингиздагини беринг, гўштми?..

Билмас эканман, ҳамма пул машинкада экан! Бир бети қирқ тийин-а! Холида опа айтди, ўргатаман, деди.

— Холида опангиз ким тагин?

— Сиз танимайсиз, кўйлак тиктирувди. Редакцияда ишлайди.

Раҳматулла нима деярини билмай стулга чўкди.

— Чарчадингизми? Ҳозир овқат опкеламан.

— Йўқ, кетаман. Витя амаки кутиб турибди. Тезиков томондан иш олганмиз. Эрталаб ўшанақаси ишга ўтаман, кечқурун навбатчиман. Болалар қани?

— Ҳа-а... — Нозимахон муҳим бир гап эсига тушгандек, унга синовчан термилди. — Болаларни боғчада қолдирдим, ҳафталикка.

— Нима-а? — Раҳматулла ўрнидан туриб кетди.

Нозимахон унинг авзойини кўриб, капалаги учди:

— Ишим кўпайиб кетиб... вақтинчага...

— Нега ундай қилдингиз?! Нега?! — дея бўғилиб шивирлади Раҳматулла. — Етимчами сизга? Отаси ўлганми, онаси ўлганми?! Боқмайман, десангиз, майли, айтинг, детдомга топширворай!

Нозимахон, қуралай кўзлари жиқ ёшга тўлиб, ёлворди:

— Мени нимага қийнайсиз, мен...

Раҳматулла ўзини босолмай қўл силтади, асабий тутақиб, ошхонага кирди, негадир холодильник эшигини очиб-ёпди, остона олдига қайтиб, туфлисини кияётганида, ичкаридан Нозимахон мунғайиб чиқди, индамай эгилиб унинг туфлисини арта бошлади... Раҳматулланинг кўнгли бузилиб кетди, бу бечорада не гуноҳ, деб ўйлади, айби — сенга кўшилиб арава тортаётганими, ўзи учун қилмаяпти-ку, шу рўзгор деб, бола-чақам деб... Вақтинча-ку ахир буларнинг барчаси, оз қолди, кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетар...

Бироқ, қовоғини очмай, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Пайшанба кунини Витя амаки билан ўша ишни тугатиб, кайфи чоғ қайтди. Нозимахон ҳеч гап бўлмагандек, очик юз билан қарши олди, айланиб-ўргилиб, атрофида парвона бўлди, болалар ҳамон боғчада экан, у индамади — турмуш тагин изига тушиб кетди.

Бу орада уйларининг ёнгинасида кечки мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Раҳматулла бир кунини шу ердан шошиб ўтаётиб, симёғочдаги эълонга кўзи тушиб қолди: мактабга зудлик билан қоровул керак. Эълонни йиртиб олди, уйга кириб, Нозимахонга кўрсатди:

— Яна бир кеча бўшман-ку, шунинг сизнинг номингизга расмийлаштираман, нима дейсиз?

Нозимахон қаршилик қилмади, вақтинча бўлса, майли, ўзингиз биласиз, деди, агар жуда қўрқсам, яна бирорта ўқувчи қизлардан ёнимга оларман, келиб юришувди, деди. Унинг ҳозир бош кўтариб қарашга фурсати йўқ, стол устида қўлёзмалар — бировнинг китоби, бировнинг дипломи, аллакимларнинг диссертациялари уюлиб ётар эди.

Шу тариқа Раҳматулла уйдан ихтиёрий “бадарга” бўлди. Энди у асосан ишхонада истиқомат қиларди: бирида ётиб турар, иккинчисида овқатланар, яна бирида соқол олар эди. Баъзан буларнинг барчаси кўзига ҳирси дунё каби кўриниб кетар, аммо энди бирор нимани ўзгартиришга журъати етмас эди.

Кунлар ўтаверди, ойлар ўтди.

Ёзга бориб, Раҳматулла ишни катта қилиб юборди: Нозимахоннинг нозик дидию Витя амакининг олтин қўллари ва ўзининг куч-қуввати қўшилиб, уйда фаройиб муъжиза рўй берди. Пул бўлса, миянинг ҳам янги-янги тарҳлари очилиб кетаркан. Қарийб тўрт ой давом этган “фундаментал ремонт”дан сўнг уйлари ажойиб-хонанинг ўзига айланди-қолди. Ҳожатхонагача дуб эшиклар ўрнатилди. Раҳматулла жонига тегиб кетган эски қақир-қуқурларни — алмисоқдан қолган жиҳозларни мамнуният билан ахлат уюмига улоқтирди. “Орхид” югослав мебели, уч минг сўмлик япон стереосистемаси, французча кинескопли рангли телевизор, ҳар бир хонада шифтга қадар қоқилган шоҳона араби гиламлар — ҳамма-ҳаммаси нақ унинг хаёлидагидек, балки хаёлидан ўн чандон зиёда эди.

Эр-хотиннинг қувончи чексиз. Буларнинг барчаси уларнинг ўз меҳнати билан бунёд бўлган, уйқусиз тунлар эвазига, ҳузур-ҳаловатдан, бола-чақадан кечиб тортган заҳматлари эвазига келган, бундаги ҳар бир буюмнинг ўз тарихи бор, бу тарих қон ва тер билан суғорилган, улар учун бениҳоя азиз, муқаддас!

Энди бу уйларда роҳат-фароғатга чўмиб, фақат яшаш лозим эди; бироқ, афсуски, Раҳматулланинг бунга вақти йўқ: тонг саҳардан ит қувган мушукдек ишхонага чопади, шанба-якшанба кунлари уни Витя амаки бетоқат кутади.

Куз оқшомларининг бирида “уй тўйи” қилиб беришди. Жуда кўп одам келди: Раҳматулланинг учала ишхонаси, Нозимахоннинг коллективи, лабораториядан

Муаттар Зокировна бошчилигида саккиз киши. Самарқанду Маргилондан қариндош-уруғлар, қўни-қўшни, мижозлар, ижарачилар... Зиёфат олиймақом бўлди, ҳамма уларга ҳавас қилди, ҳамма уларга қойил қолди.

Меҳмонлар тарқаб, энг яқин одамлар қолгач, Раҳматулланинг отаси айтган гап шу бўлди:

— Бошқа уйга кўчганмисан, ўғлим?

Раҳматулла кулиб, Нозимахонга қаради, Нозимахон гул-гул яшнаб, дастурхонни ноз-неъмат билан тўлдираркан, жилмайди:

— Уша уйимиз, фақат ўғлингиз у ёқ-бу ёқни сая тузатиб бердилар.

Эртасига ота уйга отланди. Раҳматулла уни пастга кузатиб тушганида, шунчаки айтгандек:

— Зерикдим, ўғлим, — деди. — Уйинг худди магазинга ўхшаб қопти. Қандоқ яшайсизлар бунда?

Раҳматулла яна кулиб қўя қолди.

— Ҳай, омон бўлинглар, — деди отаси вокзалда хайрлашаётиб. — Ишқилиб, ҳаром йўлга юрма, болам. Ҳаром буюрмайди.

— Э, нима деяпсиз, ота! — деди Раҳматулла ранжиб.

— Ҳозир замон тўқчилик, — деди отаси унинг гапини эшитмагандек, — ҳамма нарса бор. Сизлар йўқчиликни кўрмагансизлар, илоё кўрманглар. Лекин йўқчиликка дош берса бўлади-ю, тўқчиликка... Билмадим-да, болам.

Раҳматулла кўнгли ғаш бўлиб қайтди.

Эртаси кечқурун Нозимахон машинкасини чиқиллатиб ўтириб, бир гап айтиб қолди:

— Тагин озгина ҳаракат қилсак, янаги йил кўклагга машина олсак ҳам бўлади.

— Э, бас энди! — деди Раҳматулла энсаси қотиб. — Чарчадим, яшаш ҳам керак. Неча йилдан бери отпускасиз ишлайман. Сиз ҳам кўп уринаверманг, болаларга қараи, ўзингизга...

— Ўзимга нима қипти? — деб кулди Нозимахон. — Ё... — Бошини кўтариб, унга карашма билан тикилди.

— Тирикчилик деб жуда қатордан чиқиб қолдик. Қанча бўлди қўлимга бир китоб олмаганимга...

— Машиннаям жуда зарур-да, — деди Нозимахон ўзининг гапини маъқуллаб. — Машина олайлик, кейин, майли, илмий ишингизга қайтасиз.

Раҳматулла ҳуштак чалиб юборди.

— Уйлаб гапиряписизми? Илмий иш — илм, ҳаммом қуриш эмас сизга!

— Э, агар сиз хоҳласангиз...

— Мен энди тинчгина яшашни хоҳлайман.

— Майли, олдин машина олиб беринг.

Раҳматулла, бир кўнгли, хотинига жуда кўп гапларни айтмоқчи бўлди. Нозимахон, ёдингизда бўлса, талай қийин кунларни ҳам бошимиздан кечирдик, сиз билмайсиз, Элзодни касалхонада олиб ётганингизда, бир кун овқат қилиб боришга ҳам пул тополмаган пайтим бўлган, йўқчиликни ҳам кўрдик, шуларга ҳам дош бердик, ҳаммаси ўтди, энди ундай қилмайлик, борига шукр қилиб, тинч-тотув яшайлик, мен ҳам чарчадим, жоним темирдан эмас, азбаройи шу уйим-жойим деб, бола-чақам деб... Лекин ҳозир Нозимахоннинг қулоғига “08” маркали “Жигули”нинг сигналидан бошқа нарса кирмас эди.

Кунлар кунларни қувиб, улар эса дунё қувиб ўта бошладилар.

Ноябрь байрами арафасида ниҳоят ниятларига етишди: подъездлари тагида сутранг “Жигули” пайдо бўлди. Озгина етмаганига Витя амаки қарашиб юборди.

Шанба куни Раҳматулла йиллаб орзу қилганидек, ўғилларини, хотинини машинасига ўтқазиб, далага олиб чиқди. Паркент томонларга бориб, икки кун роса маза қилишди: қимиз ичишди, тоғлар-боғларни кўришди, қайтишда бир қоғоз қутини тўлдириб хусайни олиб келишди. Шу сафарнинг ўзидаёқ Раҳматулланинг ҳамма чарчоқлари тарқаб, дилида зигирдек ҳам ғубор қолмади.

Душанба куни эрталаб стул суянчиғидаги жинси шимини шоша-пиша олиб кияётган эди, Нозимахон тўхтатди:

— Қўйинг, кийманг энди шуни.

— Нега? — деди Раҳматулла ҳайрон бўлиб.

— Беармон кийдингиз-ку, ҳаққингиз қолдим!

— Э, қўйсангиз-чи! — Раҳматулла шимига қўл чўздди.

— Йўқ, кийманг. Кўчада мундоқ атрофингизга қарайсизми ўзи?

— Нима бўпти?

— Ҳамманинг эғнида жинси. Қадриям қолмади. Сиз кийманг энди. Бошқа нарса олиб бераман ўзим.

Икки кундан кейин Нозимахон унга хитойи жужун-

дан ўзи антиқа қилиб тиккан шим совға қилди. Раҳматулланинг боши кўкка етди.

— Нариги ҳафта уйнимизга телефон тушади, — деб хушxabар айтиб қолди Нозимахон, у чиқиб кетаётганида. — Қийналмайсиз энди. Суюнчини чўзаверинг.

— Ростдан-а? Ана бу зўр иш бўпти! Дарров навбатимиз кепти-да?

Нозимахон хандон ташлаб кулди:

— Соддасиз-эй, хўжайин! Навбатингиз ўттиз йил-даям келмайди.

— Ҳа-а? — деди Раҳматулла гангиб.

— Э, бир хонаси келиб қолди-да.

Маълум бўлишича, Нозимахон телефон идорасида каттакон бўлиб ишлайдиган Сусанна Владимировна деган бир аёлга “кечки” кўйлак тиккан экан, опа-сингил бўлиб қолишибди, у ёрдам беришга ваъда қилибди, албатта, озгина совға-салом кетса керак, лекин ўсма кетар, қош қолар, дегандек, баҳонада телефонли бўлиб қолишади.

— Аммо, бизнинг “дом”га ҳали телефон келмаган-ку? — деди Раҳматулла бошини қашиб.

— Нега келмас экан? Заҳролар икки йил бўлди-ю, тушириб олишганига...

Э, падарига лаънат! Яна ўша Заҳро! Яна ўша бешинчи қаватдагилар! Қачон тугаркин бу пойга?!

Раҳматулла шошиб бораркан, ўзинча ўйлади: қарздан қутулиши билан ўт ўчиришни ҳам, қоровулликни ҳам, Витя амакини ҳам ташлайди-ю, тўйиб-тўйиб ухлайди!..

Аммо Нозимахоннинг режалари бутунлай бошқача экан, хафа бўлди: ётиб еганга Сулаймон тоғи ҳам чидамайди, янгини эски асрайди, ҳали камчилик кўп, бу беш йилликда видеоманитофон оламиз, ундан кейин иккаламиз Японияга саёҳатга бориб келамиз, дунё кўриш керак, ахир...

Раҳматулла у билан тортишиб ўтирмади.

Чоршанба куни бир соат бўш вақти бор эди, уйига кириб, энди чой қўйиб турганида, Нозимахон ишдан келиб қолди.

— Кеча печенье пиширган эдим, шанба куни болалар келса ейшар, — деди халатини кийиб чиққач, унинг олдига дастурхон ёзаркан. — Олинг. Овқат қилайми?

Раҳматулла ҳуши оғиб, хотинига тикилиб қолди.

— Очилиб кетибсиз... — деб шивирлади унинг хипча белидан қучиб.

— Қўйинг, ҳали бир дунё ишим бор. Қўйинг...

— Мен Қундузни соғиндим. Жудаям... — деб шивирлади Раҳматулла. — Қачон...

— Э, нима кёраги бор? Энди ўлсам ҳам тугмайман.

— Бекорларни айтибсиз! — Раҳматулла пўниса қилди. — Ҳали...

— Тугмоқ осонми сизга? Бўлар, шунча азоб тортганим. Мен ҳам одамдек яшай энди. Овқат қилайми, нега индамайсиз?

— Йўқ, — деди Раҳматулла алланечук бўшашиб, руҳсиз. — Кетаман ҳозир.

Бу воқеа чоршанба кунини бўлди. Пайшанба кунини кечқурун Витя амаки уни Чилонзорга ишга олиб кетди, эрталаб ўшанақасини ишхонасига борди. Кеча иш жуда қаттиқ бўлган, ўтган кунини Эски шаҳардаги ёнғинини тонг отгунча ўчиришган, боши чўяндек оғир эди.

Кечга томон Юнусободдан ишчиларни олиб келиш учун йўлга чиқди. Кун қайтгани билан ҳаво иссиқ, худди қўрғошин ёғаётгандек, нафас олган сари кишининг ичи ёнади. “Қозоғистон” кинотеатри ёнида светофорнинг қизил чироғига тўғри келиб, машинани тўхтатди, йўлга тикилиб тураркан, силкиниб-силкиниб, тош осгандек пастга босиб кетаётган қовоқларини очди, Галаба боғи олдига етганда, кўзи бир лаҳза, бир лаҳзагина илиндию...

Уни шанба кунини пешинда чиқаришди. Самарқанддан эрталабки рейс билан қариндошлари учиб келишди. Қиёмат бўлиб кетди. Йиғлаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам.

Учала ишхонасидан одам келди. Ҳамма жойда уни ниҳоятда яхши кўришаркан. Учала идоранинг ҳам касаба уюшмалари ёрдам пули ажратиб, Нозимахонга топширди.

Нозимахон бир кечада адоин тамом бўлган, кўзлари одамга маънисиз боқарди, пулдан бош тортди.

— Ҳеч нарса керак эмас, — деб шивирлади у, — ҳеч нарса...

Эрининг “уч”и ўтгач, Нозимахон қора кийиниб ишга тушди. Отпускаи беришмоқчи эди, рад қилди. Одатдагидек, яна кечқурунлари гоҳ машинкасини, гоҳ тикув машинасини юргизиб алламаҳалгача ишлаб ўтирибди. У Раҳматулланинг “йиғирма”сини жуда катта қилиб ўтказмоқчи — икки юз кило гуруч дамлаб, етти маҳаллага ош бермоқчи, учала ишхонасидан, Самарқанду Марғилондан одам чақирмоқчи...

## ЎСТИМ ЭСОНБОЙ

Сизга дўстим Эсонбой ҳақида гапириб бермоқчиман-у, зеркиб қолармикансиз, дейман-да. Чунки Эсонбойнинг оғиз тўлдириб айтгулик жиҳати кам: эрталаб ишга боради, кечқурун келади, биров билан иши йўқ, жиндек вақт топса, рўзғорию бола-чақасига андармон.

У колхозда ишлайди, Хол аканинг боғ бригадасида. Аввал табелчи эди, икки йил бўлди, ўз ихтиёри билан топширди. “Нега бундай қилдингиз, Эсонбой?” деб сўрасам, кулимсираб: “Қийин экан. Эрталаб ҳар кимнинг эшигида, жон ака, бугун хомтокка бориб келинг, деб сарғайиш жонимга тегиб кетди”, дейди.

Эсонбой кўкламда ток очади, боғ чопади, суғоради. Ўзда ўтоқ қилади, чуғурчуқдан кўрийди. Кузда эса биринчилардан бўлиб, Бекободгами, Бўкагами, Оққўрғонгами “ўн кунга” пахтага кетади, шу кетгани бўйи планлар тўлиб, ҳосил байрами бўлаётганда уйга кириб келади.

Дўстим Эсонбой билан ўн йил бирга ўқиганмиз. Ун беш йил бурун. Ушандан буён саккиз синфдош улфат бир давра бўлиб, куз, қиш кунлари “гап” еймиз. Бу давра шунча вақтдан бери тарқамай келаётган экан, буни фақат Эсонбойнинг хизмати деб билмоқ керак.

У зиёфатларда жимгина чой қуйиб ўтиради, гапирса ҳам, болаларининг қилиқларини айтиб кулади: Кеча Жалолга “Амакинг армиядан келса, шапкасини сенга беради”, десам, “Амаким солдатми?” деб сўради. “Ҳа” десам, “Бизникими, немисникими?” дейди.

Ҳар галги ўтиришимизда албатта бир нохуш воқеа юз берган бўлади: улфатлардан бирининг хотини аразлаб кетган, кимдир қўшниси билан шайтон эчки устидан сан-манга борган, биров ишхонасида бошлиғи билан айтишиб қолган... Можаролар обдан муҳокама қилинган, элчилик вазифаси сўзсиз Эсонбойнинг зиммасига тушади.

Дастлаб бунга жуда ҳайрон бўлардим. Эсонбойдек камгап, тортинчоқ одамга бундай юмушларнинг топширилиши соқовга азон айтишни буюргандек кулгили туюларди. Лекин кейинчалик, у бир неча бор ўзимнинг ҳам мушкулумни осон қилган, бунга тан бердим.

Дўстим Эсонбой билан уйимиз яқин — иккаламиз ҳам қишлоқнинг четига янги ҳовли қилиб чиққанмиз. Уйимизнинг нарғи шундоқ далага туташиб кетган, гирдо-гирди қирлар... Эсонбой баъзан кечқурунлари

чопонига ўраниб, ўғилчасини кўтарганча “ҳангомалашгани” келиб қолади. Хурсанд кутиб оламан—эшигингдан дўст келса, яхши-да. Чой устида ундан-бундан гурунглашамиз, лекин, асосан, мен жаврайман, Эсонбой бош ирғаб жим эшитиб ўтиради. Баъзан жағим чарчаб, гап тополмай қоламан. Шунда бир-биримизга қараб, индамай чой ичаверамиз. Ниҳоят, Эсонбой ўрнидан туради: “Биз борайлик энди”. “Оббо, Эсонбой, — дейман кулгим қистаб, — тоза мириқиб ҳангомалашдик-ку, а?” У индамай кулимсираб қўяди. Уни кузатиб қайтар эканман, кўнглим доим тинч, осойишта бўлади.

Агар мен министр бўлганимда эди, ҳеч иккиланмай Эсонбойни ўзимга ёрдамчи қилиб олган бўлардим — камсуқум, камтар, камгап: қудуқнинг ўзи—истаган сирни айтиш мумкин. Лоақал генерал бўлганимда ҳам, ўйлаб ўтирмай Эсонбойни ўзимга адъютант қилиб олардим—қалқондек ишончли, садоқатли, асло панд бермайди. Афеуски, шу пайтгача на министр бўлдим, на генерал, бундан кейин ҳам бўлмасам керак — олти киши ишлайдиган шу “2-алоқа бўлимнинг бошлиғи” вазифасидан нари ўтмаслигим тайин, негаки, ўтган йили вилоятдан келган комиссия мени мақтаб, шу ердан пенсияга чиқасиз, деган. Эсонбойнинг нодир салоҳияти куйиб кетаётганига ачинаман, муносиб жойга тавсия қилай десам, бахтга қарши, на бирор министр, на бирор генерал билан ошнаман.

Мана, дўстим Эсонбойни ҳозиргина кузатиб қайтдим. Бу гап у бежиз келмаган экан, мени Маъруф билан ярашинг, деб даъват қилди. Маъруф — даврадош улфатимиз, автосервисда уста, ўтган ҳафта хоккейдан тортишиб ўтириб, иккаламиз жиндек қизаришиб қолдик. У ҳам ён беришни истамади, менинг ҳам кейин узр сўрашга бўйним ёр бермай, тумтайишиб тарқалишган эдик. Энди бу шанба Маъруфнинг уйига йиғилишимиз керак. Эсонбой шундан хавотир олиб...

— Маъруф ўзи пушаймон. Эртага бормасангиз бўлмайди, болалар хафа бўлади, — деди у.

— Қандай қилиб бораман? — дедим қовоғимни солиб. — Ўзингиз кўрдингиз-ку, Эсонбой! Бу, Маъруф жуда шишиниб кетган экан, билмас эканмиз. “Сенга гапини ким қўйибди!” дейди. Йўқ, Эсонбой, оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин, деган замонлар ўтиб кетган. Мендан хафа бўлманглар, шундоқ одам билан қандоқ улфат бўлай?

— Майли энди, кўнглингиздан чиқаринг, — деди

Эсонбой гуноҳқорона ерга тикилиб. — У ўзи ҳовлиқ-мароқ, биласиз-ку. Энди, ўзимиз оз қолдик, бундай бир-биримизга терсайишиб юрсак... Ҳаммамиз бир одам бўлсак...

Эсонбой секин, аммо шундай салмоқ ва салобат билан сўзлайдики, худди кинодаги Юсуфбек ҳожи дейсиз. Отабекка ўхшаб, ганини қайтаролмай қоласиз. Хуллас, эртага “гап”га бораман, Маъруф қизариб қўл чўзади, яраш-яраш, ўйин-кулги...

Эртаси кечга яқин ишхонада йўқолган бир телеграммани тополмай хуноб бўлиб ўтирсак, эшик аста қия очилди: Эсонбой. Ичкарига оҳиста мўралади-да, “Ие”, деб қайта ёпди.

— Кираверинг, кираверинг, — дедим.

Эсонбой ийманибгина кириб келди:

— Ишдан қўяман-да...

— Э! — дедим қўл силтаб. — Иш бари бир чатоқ. Утиринг... Бўпти, қизлар, яна бир яхшилаб қидириб кўринглар-чи.

Эсонбой стулга омонатгина чўкди. Мен унинг кир-тайиб кетган кўзларига, озгин, чўзинчоқ, аллақандай сирли ва ғамгин чехрасига қарадим. Эсонбойнинг юзи умри мутгасил азобда кечган зоҳид қиёфасини эслатарди. Доим шунга ҳайрон бўлардим. Чунки у бадастир бир оилада ўсган, бағри бут — ота-онаси саксондан ошгани билан ҳали бардам-бақувват, ака-укалари шай, икки ўғилчаси бор, хотини — мулойим, зийрак Мастурахон касалхонада ҳамшира, эр-хотин ўртасида гап қочганини биров билмайди. Лекин нега бу қадар ғамгин кўринар экан?

— Ҳа, дўстим Эсонбой? — дедим чой узатиб. — Қани, элликтадан отайлик энди. Олинг.

Эсонбой индамай кулди.

— Иш тугаб қолгандир? Қетмаймизми? — деди девордаги соатга кўз қирини ташлаб.

— Э, бир одам ўлган экан, шунинг телеграммаси йўқолибди, тополмай гарангмиз, — дедим нолиб.

— Чатоқ бўпти, — деди Эсонбой астойдил ачиниб.

— Топилар, — дедим чой хўплаб. — Уларга-ку ўлиб бўпти, топилди нима, топилмади нима — бари бир, энди тирилтириб бўлмаса!..

— Қўйинг-э, — деди Эсонбой ранжиб. — Мен ҳам қидиришворай бўлмаса?

— Қизлар қидирипти. Хўш, оламда нима гаплар?

— Тинчлик. Фақат, шу бизнинг кучук йўқолиб қопти.

— Қуттиоёқми? Ия, нима бўпти?

Эсонбой елка қисди.

— Эрталаб Жалолтой, айланиб келсин, деб занжирдан бўшатиб юборган экан. Шу пайтгача йўқ, ҳайронман.

— Оббо! Овулига кетиб қолмадимикан? — дедим тусмоллаб.

Хўкиздек келадиган зотдор бу итни Эсонбойга уч йил бурун Ҳожикўлдаги қозоқ ошнаси Усган оғай совға қилган эди. Очиги, менинг ҳам унга ҳавасим келиб юрарди. Бирор ёққа борар бўлсак, Эсонбойдан Қуттиоёқни сўраб олиб, ҳовлига боғлаб кетардик — на қулф, на калит керак, одам тугул чивинни ҳам йўлатмайди.

— Бориб келдим, йўқ, — деди Эсонбой бош чайқаб.

— Келиб қолар, — дедим унга далда бериб ва негадир ишонч билан такрорладим: — Келади, келмай қаёққа борарди, шундоқ ақлли ит!

Бу гапдан кейин, худди кучугини топиб, жойига боғлаб бергандек, Эсонбойнинг кўнгли кўтарилиб кетди.

Эртаси чошгоҳда оёғимга резина этик кийиб, ҳовлидаги икки туп анжирни кўмаётган эдим, йўлдан Эсонбой ўтиб қолди. Салом-алик қилдик.

— Бош оғримаяптими? — дедим ҳорғин қиёфасига қараб. — Кеча...

— Э, йўқ, — деди у сигарет тутатиб. — Қуттиоёқни тополмаяпман.

— Ҳалиям келмадими? — дедим ажабланиб. — Ахир, мен айтувдим-ку... — Бирдан тилимни тишладим. Нима, сен авлиёмидингки, ҳадеб айтганинг бўлаверса! — Эълон берсакмикан? — дедим дабдурустдан.

— Эълон? Қўйинг-э, ноқулай бўлар, — деди Эсонбой ўнғайсизланиб. — Мен-ку унча парво қилмаяпман-а, Жалолтой йиғлаб қўймапти. Урганиб қолувди.

— Нима қилсак экан-а? — дедим чиндан ҳам бошим қотиб.

— Мен яна товуқ ферма томонларни бир қараб кўрай-чи, — дея Эсонбой йўлга тушди.

У кетгач, кўнглимда ғашликми, хижолатга ўхшаш аллақандай бир ҳис туйдим. Бордию менинг мушугим йўқолганда ҳам, Эсонбой ҳозир ёнимга кириб, пою пиёда, лой кечиб қидиришган бўларди!..

Кечқурун чопонга ўраниб, Эсонбойдан ҳол сўрагани бордим. Дарвозахонада енг шимариб, сигирга терт қораётган экан, шу заҳоти қўлини артиб, уйга қистади.

— Ишни қилаверинг, кейин, — дедим-да, сал нарида турган бўш челақни тўнкариб, ўтирдим.

Эсонбой тоғорадаги сомоннинг сувини сирқитаркан:

— Сигир жонивор ҳам қариб қолган, — деди.

— Сотворақолмайсизми бўлмаса? — дедим маслаҳат бериб.

— Мастураҳон унамаяпти-да, — деди Эсонбой хо-муш. — Кейин ўзимнинг ҳам кўзим қиймаяпти — қассоб сўяди-да.

— Э, қизиқмисиз, Эсонбой, мол бўлгандан кейин сўйилади-да, ахир! — дедим кулимсираб. — Ҳамма нарса инсон учун, деган гапни эшитганмисиз?

Эсонбой бу гапни эшитмагандек, сомон устига кепак сепа бошлади.

— Кучукни топдингизми? — дедим ўрнимдан туриб: дарров оёғим увишиб қолибди.

— Тополмадим-у, дараги чиқди, — деди Эсонбой, сўнг тоғорани оғилга олиб кириб қўйди-да, қўлини ювиб, тагин қистади: — Қани, юринг, ўтирамиз гаплашиб.

— Раҳмат, — дедим. — Эртага идорада мажлис, ҳозир сизга қақшаб, чакагимни қаритсам, кейин ўзимга жавр бўлади. Ҳали соқол олиш ҳам керак. Хўш, қаерда экан?

— Қуттиоёқни айтаяпсизми? Ҳа, боя Тиркаш сартарошни кўрувдим, шу айтди, кучугинг “генерал”нинг ҳовлисида, деб.

— “Генерал”нинг ҳовлисида нима қилади? — дедим анграйиб.

— Ким билади дейсиз, — деди Эсонбой энсасини қашиб. — Боши оғиб бориб қолгандир-да.

— Бари бир итингиз зўр! — дедим қойил қолиб. — Қалласи ишлайди-да, адашган жойини қаранг — “генерал”нинг уйда!

Эсонбой жилмайиб қўйди.

“Генерал” деганимиз — Искандар ака, ўша машҳур Искандар Самадов. У илгари қўшни колхозда раис эди, беш-олти йил аввал уч-тўртта колхоз совхозга айлаштирилиб, агросаноат бирлашмаси тузилдию Искандар Самадов унга бош — генерал директор этиб тайинланди. Шунда мажлисда қатнашган Назир гаранг чойхонага чиқиб: “Искандар раис генерал бўпти”, деган, шушу, унинг номи “генерал” бўлиб кетган. Биз этагимизни тугиб юрган кезларда Искандар раис гижинглаган арғумоқ миниб юарди, ўша пайтдаёқ мулкиллаган

чолга ўшарди, ундан буён, ўххў, озмунча замон ўтмади, лекин у ҳамон от устида!

— Бордингизми? — дедим Эсонбойга.

— Бормоқчи эдим, — деди Эсонбой, — боя Ҳалима хола чиқибди, деразамнинг иккита кўзига ойна солиб бер, дейди.

— Ҳа, борасиз-да, — дедим хотиржам бўлиб ва Эсонбой билан хайрлашдим.

Эртасига эрталаб тўғри район марказига — мажлисга кетдим, тушдан кейин қайтиб келсам, қизлар: “Эсонбой ака сизни икки марта сўради”, дейишди. Ҳайрон бўлиб ўтирган эдим, бир оздан сўнг ўзи кириб келди.

— Ҳа, тинчликми? — дедим уни кўрган заҳоти.

— Тинчлик, — деди Эсонбой. — Телеграмма топилди?

— Э, икки марта шунга келдингизми? — дедим таажжубланиб. — Қуттиоёқдан гапиринг. Опкелдингизми?

Эсонбой деразага тикилганча бирпас жимиб қолди.

— Опкелдим, — деди ойнадан кўз узмай. — “Генерал” Бодомтепага кўчиб кетган экан-ку, янги ҳовлисига. Илҳом аканинг “Волга”сини кира қилиб бордим.

— “ТЭА”ни-я?

— Ҳа. Плани тўлмаётган экан.

— Ҳўш, бердимиз? — дедим бетоқат.

— Ўзи йўқ экан, хотинига айтувдим, сал Ҳайрон бўлди, кабобчи Зайниддин ака опкелиб берувди, деди.

— Зайниддин ака? Нима бало, ўша ушлаб олган эканми?

Эсонбой гамгин бош чайқади.

— Унақамас шекилли. “Ўзим боққанман, қўлбола, Искандар ака тайинлаган эдилар”, деганмиш.

— У, ярамас! — дедим кулишимни ҳам, аччиқланишимни ҳам билмай. — Майли, кучугингизни сизга тортиб кабоб қилиб юбормабди, шунгаям шукр қилинг. Айтдингизми, ахир, Зайниддин ўғирлаб келганини?

— Йўқ, — деди Эсонбой. — Энди, ноқулай бўлди-да... Бир амаллаб олиб келувдим, кейин ишкали чиқиб қолди.

— Ҳа?

— Қуттиоёқни машинага ортаётганимизни уч-тўрт киши кўрган эди. Жойига боғлаб, боққа кетдим, бугун сув тегадиган эди. Бир пайт Илҳом ака бориб қолди, хафа. “Генерал” чақиртириб роса сўкибди.

— Ия! Қизиқ-ку! Нега сўкади?

— Уғрисан, муттаҳамсан, дебди. Итимни ўғирлаб

кетибсан, дарров жойнга обориб қўй, бўлмаса, нақ тиқиб қўяман, депти. Шунга мени излаб борган экан, жон ука, бир этак болам бор, шу итни берсанг берақол, дейди.

— Ол-а! Сиз нима дедингиз? — дедим ҳаяжонланиб.

— Мен... — Эсонбой кўрсаткич бармоғи билан қошининг ўртасини сийпаб, бир оз тараддудланди. — Ҳайрон бўлиб турибман.

— Ие, нега ҳайрон бўласиз? — дедим бирдан кўтарилиб. — Нима, ё бирор тил қисиклик жойингиз борми? Тўғри боринг-да, шундоқ-шундоқ деб айттинг. Йўқ, шошманг! Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, ҳеч қаёққа бормасдим. Ҳа! Керак бўлса, ўзи олдингизга келсин. Шундай қилинг!

— Мен ҳам бормоқчи эмасман, — деди Эсонбой ўйланиб. — Илҳом ака қўймаяпти. Кучукни бермасанг ҳам ўзинг бир жавоб-муомала қилгин, дейди.

— Э, нега бунча қўрқади, нима, жонини оладими? — дедим баттар тутақиб. — Ҳай, борсангиз боринг, фақат дадил-дадил гапиринг, тушундингизми?

— Майли, бўлмаса, — дея Эсонбой аста ўрнидан турди.

“Тавба! Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик, дегани шудир-да”, дедим ўзимча ғудраниб ва тағин ишга шўнғиб, бу можарони пича унутгандек бўлдим.

Кечқурун ишдан қайтаётсам, Эсонбой гузарда турибди.

— Кетдикми? — дедим.

— Ҳозир нон келар экан, оливолай, — деди у. — Шошмаяпсизми? Тағин сизни йўлдан қўймай?

— Ҳе! — дедим қўл силтаб.

— Мастурахон бугун навбатчи эди, нон опкелинг, деб тайинловди, — деди Эсонбой.

Нонни олиб, бирга жўнадик. Бояги гавғо нима билан тугаганини билгим келиб, ичим пишиб кетяпти, бироқ Эсонбой бамайлихотир, чурқ этмай боряпти.

— “Генерал”га учрадингизми? — дедим ниҳоят сабрим чидамай.

— Ҳа, “генерал”... — У мийнгида кулимсираб қўйди, кулганида юзи янада ғамгинроқ, янада маҳзунроқ кўриниб кетди. — Бордим.

— Хўш?

— Машинасига ўтириб энди жўнаб кетаётган экан. “Искандар ака...” деб оғиз очишим билан: “Ҳа, сенми Эсон дегани? Муттаҳамлар, дарров кучукни жойнга

боглаб қўйларинг!” — дедию эшикни қарсиллатиб ёпиб  
жўнаворди.

— Индамадингизми? — деб сўрадим таққа тўхтаб.  
Эсонбой ҳам гангиб тўхтади.

— Нима дейман? — деди менга ҳайрон боқиб.

— Э, шартта ёқасидан олмайсизми, ким муттаҳам,  
деб!

— Энди... — Эсонбой секин йўлга тушди. — Катта  
одам, ноқулай...

— Менга қаранг, — дедим унинг енгидан тортиб, —  
сиз ўзи газета-пазета ўқийсизми?

— Нима эди?

— Йўқ, ростини айтинг, газета оласизларми?

— Ҳа, — деди Эсонбой бош ирғаб. — “Ёш ленинчи”  
оламиз, иккита. Мастурахон ҳам ишхонасида ёзилган  
экан.

— Ахир, — дедим бўғилиб, — газета ўқисангиз, олам-  
да нималар бўлаётганидан хабарингиз бордир? “Катта  
одам”, дейсиз-а! Ахир, не-не “катта одамлар” тариқдан  
ҳам кичкина бўлиб кетди-ю, сиз бўлса... Э, дўстим Эсон-  
бой!

Эсонбой индамади, мен ҳам жим боравердим. Хийла  
вақт шу алпозда кетдик.

— Энди нима қилмоқчисиз? — дедим уйимга яқин-  
лашгач.

— Нима қилардим, — деди Эсонбой қўлларини  
ёзиб, — майли, хафа бўлмасин, эрталаб обориб бераман.  
Илҳом ака келадиган бўлди.

— Сираям оборманг! — дедим баттар асабим қўзгаб,

— Майли, энди, шу битта кучукни деб...

— Э, гап кучукдами! — дедим надомат билан. —  
Гап кучукда бўлганда, бундай тутақиб ўтирармидим?!

Эсонбой тўрхалтасини чап қўлига олиб, ўнг қўлини  
чўзди:

— Юринг уйга, ўтирамин, — деди у хотиржам.

— Ростдан обориб берасизми? — деб норози тўнғил-  
ладим.

— Ҳа, энди... Ҳаммамиз бир одам бўлсак, арзима-  
ган нарсага...

— Ана, ана энди ўзингизга келдингиз! — дедим ач-  
чиқ билан қувониб. — Сиз-ку шундай деяпсиз — отан-  
гизга раҳмат, лекин ҳаммамиз бир одам бўлсак, нега  
у аблаҳ шунни билмайди?

Эсонбойнинг кўзларида яна ҳорғин бир учқун чақ-  
нади.

— Бу-ку бир ит экан, — дедим хужумни бўшаштирмай, — аммо сизга ҳайронман, шунча жанжалу можароларни тинчитган одам, ўзингизга келганда...

— Энди, эрта тағиц кўз-кўзга тушади, шуларни ўйлайсан-да, — деди у аста.

— Тўхтаг! — дедим миямга келган фикрдан жонлаиб. — Бундай қиласиз: эрталаб тўғри уйига борасиз. Бўпти, Искандар ака, ит — мешики, деяпсиз, мен ҳам даъвогар, келинг, иккаламиз икки ёққа ўтиб турамиз, галма-гал чақирамиз, кимга келса, шунки бўлади, дейсиз. Уриш-жанжалсиз, энг ҳалол йўли шу, деиғ. Улсаям рози бўлмайди! Қалай?

— Қайдам, — деди Эсонбой чайқалиб.

— Ланж бўлмаг-да, Эсонбой! — дедим тумшайиб.

— Йўқ, бошқа нарса... — деди Эсонбой. — Кеча хотини айтди, шу, бултур бир ўғли йўлган экан, шундан кейин жуда одамови бўлиб қолган, дейди. Қуттиоёқ боргандан бери кечқурун, эрталаб бирпас-бирпас ўйнаётган экан. Шундан сал кайфи очилади, дейди.

— Кайфини очса, бошқа ит қуриб кетибдими? Ана, Зайниддин яна топиб беради-да! — дедим. — Менга бари бир, лекин ўғлингизга нима дейсиз?

Эсонбой бу гапдан сўнг бирданига хушёр тортиб қолди.

— Жалолтой йиғлайди, — деди анчадан кейин. — Майли, яна бир бориб кўрай-чи...

Кечаси алламаҳалгача баданим қизиб, уйқум келмади. “Генерал”нинг сурбетлигию Эсонбойнинг бўшағлиги бирдек аччиғимни чиқарар эди.

Эртаси кун бўйи Эсонбойни хавотир аралаш кутдим. Дарағи бўлмади. Ишдан келгач, нари-бери тамадди қилиб, уйига ўтиб бордим. Йўлакда остонага хумдек бошини қўйиб ётган Қуттиоёқ шарпамни сезиб кўзини очди, мени таниб, эркаланиб думини силкиб қўйди. Эсонбой ошхонасининг томидаги қийшайиб қолган мўрнини тузатаётган экан, илдам тушиб келди.

— Э, Қуттиоёқ, эгангга ишонма! — дедим ҳазиллашиб. — “Генерал”га ўз қўли билан элтиб беришига бир баҳя қолди-я! Юр, яхшиси, ўзим опкета қолай сени.

Эсонбой қўлини сочиққа артаркан, кулимсиради.

— “Генерал”дан қутулиб, “полковник”ка тутиламанми, десаиғ-чи, хумпар! — дея Қуттиоёқни секин турти у.

Ховлидағи тахтаси йиғиштириб қўйилган сўрига суянганча сигарет тутатдик.

— Қалай бўлди? — дедим Эсонбойга тикилиб.

— Яхши, — деди у осойишта. — Эрталаб борувдим, йўқ экан, ишга чиқиб кетибди. Хотини ачиниб қолди, ҳафтасига икки кило гўшт еса керак, бизга берақолинг, деди.

— Бекорларнинг бештасини айтибсиз, демадингизми? — дедим тутун буруқсатиб.

— Йўқ, — деди Эсонбой кулимсираб.

— Ишқилиб, энди ғалва қилмасмикан?

— Қилмас-ов. Боя Илҳом ака келувди, “генерал”нинг шофёри Аброрга айтган экан, у пайтини топиб сўрабди. “Ҳа, бир шашликчи бизни чалғитган экан”, дебди.

— Ана, нима девдим сизга! — дедим қувониб ва елкадан тоғ ағдарилгандек енгил тортдим.

Дўстим Эсонбойнинг озғин, маҳзун чеҳраси ҳам ёришиб кетди.

Ана шундай гаплар. Зерикиб қолмадингизми? Қани, юринг, бугун оқшом Эсонбойнинг уйида “гап”имиз бор. Э, тортинманг, азбаройи хурсанд бўлганидан ўтқазгани жой тополмай қолади. Юринг, юраверинг, ахир, дўстим Эсонбой айтмоқчи, ҳаммамиз бир одам-ку.

1984

— Э, бўлди-да, ота, одамни номусларга ўлдирдингиз-ку! Шу ердан кўчиб кетсам қутуламанми сиздан?!

Дадаматов ахийри шундай деди. Саноқул бобо мажбур қилди. Дадаматов жаҳл устида шундай деди-ю, энди пушаймон бўлиб ўтирибди. Пушаймон бўлгани сари эса баттар аччиғи чиқмоқда.

Аслида, нега шунчалик тутаққанига ўзи ҳам ҳайрон.

Саноқул бобо уни урмаган бўлса, сўкмаган бўлса, тухмат-маломат қилмаса, ундан бир тама тиламаса... Айби — қанда қилмай ҳар кун салом берганию дуои жонини қилиб турганими?

Наинки шунинг учун киши бировдан ранжиса? Айниқса, Дадаматовдек зуваласи лойдан эмас, мумдан ясалган мулойим бир одам, шунинг учун бировни ранжитса? У наҳот шу умидда юртига кўчиб келган бўлса?

Ақл бовар қилмайди. Менинг, масалан, бунга сираям ишонгим келмайди. Чунки Бегмат Дадаматовни беш қўлдай яхши биламан. Билганим учун ҳам шу гапларни ёзиб ўтирибман. Келинг, унинг кимлиги ҳақида сизга ҳам пича гапириб берай.

Хўш, Дадаматов Бегмат Эрматович, урушдан аввал, ўттиз олтинчи йили бизнинг қишлоғимизда туғилган. Ҳамма қатори ўқиб, ҳамма қатори машаққату ранжаламлар тортиб, кон техникуми, кейин шу соҳанинг институтини тугатиб, қишлоғимизга қайтиб келмади — Шарғунга, кўмир конига ишга кетди. Қишлоққа кам келарди, аҳён-аҳёнда — Май байрами ёки Янги йил арафаларида тили бизнинг лаҳжаларга ўхшамайдиган, кўзлари катта-катта, чиройли хотини билан паст-баланд кўчаларимизда пайдо бўлиб қоларди.

Бегмат Дадаматов маржон шодасидек тифиз қишлоғимиздан узилиб кетган биринчи дона эди, шу боисмики, кўпчиликнинг назарида алланечук галати, жуда оқпадар бўлмаса ҳамки, ҳар қалай, дарбадар бир кимса бўлиб кўринарди.

Бегмат Дадаматов, табиийки, бу гаплардан беҳабар, шунинг учун ҳам нарвойи фалак юрар эди. Кейин-кейин, у кекса отасию қари онасини кўргани келаркан, хотини билан бирга бежирим кийимлар кийган ўғил-қизларини ҳам эргаштириб келадиган бўлди. Болаларининг тилиям бизнинг лаҳжаларга ўхшамас, бинобарин, бегона эди.

У биринчи марта қишлоққа сутранг “Волга”да кириб келганида, ҳар турли мишмишлар тарқади. Бировлар:

“Кутарилиб кетибди, машина олиб юраркан”, деди, бировлар эса: “Эрмат сариқнинг ўгли кўмир эмас, пул конида ишларкан”, деди. Қимлардир суюнди, кимлардир куйди.

Бир куни Дадаматов, қайсидир байрамда, чол-кампири зиярат қилгани келиб, отасини ўсал ҳолда кўрди, онаси бошида сув томизиб ўтирарди. Уртада қандай гап-сўз ўтгани бизга номаълум, аммо бир ҳафтадан сўнг Дадаматов қишлоққа кўчиб келди. Энди “Волга”си йўқ эди. Яна мишмиш тарқади. “Ол, ишдан ҳайдалиб кетибди”, “Бало экан, ҳовли-жойнинг умидида... ҳаҳ, моли дунё ўлсин ширин бўлмай...”.

Тешик қулоқ, Бегмат Дадаматов, табиийки, бу гаплардан энди хабар топмай қолмади, лекин бари бир парвойи фалак юраверди. Ҳатто беписанд кулиб қўйганини ҳам биров кўрмади. Хуллас, қишлоқ унга кўниқди — ортиқ номини сақич қилмай қўйди.

Дадаматов озроқ муддат чол-кампирининг каталакдек уйида яшади, кейин, кузга бориб, Даламаҳалладан анчагина бадастир ҳовли-жой сотиб олиб, кўчиб ўтди. Район марказига — электр идорасига ишга кирди. Тили бизнинг лаҳжаларга ўхшамайдиган ўғил-қизлари қишлоқ болалари билан бир мактабда ўқий бошлади. Хотини ҳамшира экан, касалхонага жойлашди.

Дард бошқа — ажал бошқа, шифтга боқиб ўсал ётган Эрмат бобо кўкламга чиқиб ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди, кутилмаганда отга, беданага меҳр пайдо қилди, тагида булутдек айғир, устида почапўстин, қўйнида бедана, қаерда улоқ, қаерда пойга бўлса, барида ҳозир у нозир. Орада унинг оғзига сув томизиб ўтирган кампири боёқиш омонатини топширди. Чол ҳозир саксон учда, қайсарлик билан ҳамон ўзининг ҳовлисида, ўн олтига кирган невараси Шермат билан тирикчилик қилади, аҳён-аҳёнда нега менга кампир топиб бермайсан, деб Бегмат Дадаматовга галва қилиб қўяди. У эса бунга жавобан кулади, холос.

Бегмат Дадаматов ҳақидаги гапга шу ўринда нуқта қўйсақ ҳам бўларди, лекин Саноқул бобо... Дарвоқе, Саноқул бобо! Агар Саноқул бобо бўлмаганида, ҳикоямизнинг ҳам ҳеч бир ҳикоялик ери қолмасди.

Саноқул бобо, Бегмат Дадаматовнинг ҳаётида ҳам, худди шу ҳикоядагидек, мутлақо дафъатан пайдо бўлди.

Саноқул бобони мен ҳам танирдим. Кутубхонадан китоб олгани борганимда кўрардим. Кўча бошидаги харсанг тошда, ҳассасини иягига тираб, кўзларини чала

юмиб, носнинг кайфини сурганча офтобшувоқда мудраб ўтирарди. Салом берсангиз, хафа бўларди: кайф қочса керак-да.

Дадаматовнинг олган ҳовлиси кутубхонанинг орқа-еида, шундоққина сой бўйида эди ва аччиқ ичакдек тор бир кўчадан юриб, Саноқул бобонинг кўҳна ёғоч дарвозаси олдидан ўтиб асфальт йўлга чиқиларди.

Ҳамма машмаша Дадаматов кўчиб келганидан кейин бошланди.

Сешанба куни эрталаб шошиб ишга бораётса, нимдош кўк яқтак кийган, чувак юзли, кўзлари шиллиқ бир чол тавозе билан салом берди:

— Э, ассалому алайкум, тўрам!

Дадаматов гангиб тўхтади, гарчи атрофда ўзи ва рўпарасидаги чолдан бўлак кимса бўлмаса-да, ён-верига аланглади, сўнг ҳайронлик билан, музтар ва хоксор қўл қовуштириб турган қария томон юрди, сўрашгани қўл чўзди:

— Ассалому алайкум, ота.

Шунда чол ёшига ярашмаган абжирлик ила чаққон югуриб келди, унинг кафтини қўшқўллаб кафтига олди, кўзига суртгудек бир алфозда товуши товланиб деди:

— Бардам-бақувватгина юрибсизми, тўрам? Тани жонингиз соғми?

Дадаматов баттар довдиради, сўнг юзи ёришиб жилмайди: “Қарилик-да!”

— Мени биров билан адаштиряпсиз-а, ота, — деди хушхол кулимсираб.

Чол ундан баттар таажжубланди:

— Э, нега адаштирай, тўрам? Шукр, ҳали эс-хушдан айиргани йўқ. Яратган эгам ўзи адашгулик қилмаса, адашмайман, тўрам. Ҳа, ҳовлилар муборак бўлсин энди? Кўп суюндим, тўрам, кўп суюндим. Илоҳи омин, яхши тўйларга буюрсин, туп қўйиб палак ёзинг!

— Раҳмат, — деди Дадаматов, — раҳмат, айтганингиз келсин.

— Муни қаранг, тўрам, фалакнинг гардиши деб шуни айтаркан-да, бўлмаса, ким ўйлабди сизнинг бизга қўшни бўлиб қолишингизни? Шукр, минг шукр, яратганингиз инояти буям бўлса!

Дадаматовнинг вақти бениҳоя зиқ эди.

— Ҳай, ота, — деди узр сўраб, — майли, омонлик бўлсин.

— Э, тўрам, қани, бир пиёла чойимиз бор-а? Эрталабки насиба-я, тўрам?

— Бошқа сафар, — деб Дадаматов гапни қисқа қилди.

“Отамнинг ошиаларидан, — дея ишонч билан ўйлади у йўлда бораётиб, — лекин нега бунча “тўра”лайди — ҳайронман...”

Кечқурун ишдан қайтиб таажжуби баттар ортди: кимдир бир тоғора сомса ташлаб кетибди.

— Ким берди? — деб кундузи уйда қолган саккиз яшар қизчасидан сўраган эди, у:

— Бир чол, оти... оти Саноқул бобо, — деди.

Ҳайроналик билан сомса ейилиб кетди. Эртасига яна одатдагидек ишга бораётган эди, худди кечаги муюлишда ўша чолга дуч келди. Дадаматовга у кечадан бери жўйдан жилмагандек туюлди. У ҳарчанд олдин салом беришга ўзини чоғласа-да, бари бир улгуролмади — чол эпчиллик қилиб қолди:

— Э, ассалому алайкум, тўрам! Қалай, бардам-бақувватгина? Уй ичилар, бола-чақа омонми?

“Тўрасига бало борми?! — Дадаматовнинг бирдан энбаси қотди, бироқ чолнинг юз-кўзида ҳеч қандай ҳазил-мазах ифодасини кўрмади.

— Раҳмат, — деди у қуруққина қилиб ва шу заҳоти: “Э, сомсани шу юборган бўлмасин тагин?” — деган фикр хаёлидан ўтди.

— Қани, тўрам, ўтсинлар, ўтсинлар! — Чол икки букилиб, қўл қовуштирганча унга йўл бўшатиб турарди.

— Менга қаранг, ота, — деди Дадаматов. — Нега мени “тўра” дейсиз, мен... тушунмадим. Умуман, сал галати бўляпти, мени отим Бегмат, отимни айтиб чақираверинг.

Чолнинг нурсиз, чағир кўзлари ваҳимага тўлди:

— Йўғ-э, йўғ-э! — деб шивирлагандек бир овоз чиқарди у. — Худо сақласин, нега отингизни айтар эканман, айб бўлади, тўрам. Қани, ўтсинлар, ўтаверсинлар, баҳузур.

Дадаматов бўғилиб кетди:

— Тўра деманг, илтимос.

Чол кўзларини пирширатди:

— Нима дейин?

— Отимни айтинг, қўшни денг, ҳа, ана, ўғлим, денг.

— Йўқ, — деди чол қатъият билан бош чайқаб. — Сиз тўрамнинг авлодлари бўласиз-у, мен қандай қилиб...

— Қанақа тўранинг? — деб сўради Дадаматов қичкиргудек бўлиб.

— Дадамат қозининг-да, — деди чол ва унинг бу қадар нодолигига ачингандек, бош тебратиб қўйди. — Раҳматли бувангиз менинг тўрам эдилар, мен у кишининг эшикларида қарол эдим. Яйилмада мөлларини боқардим, жувоз ҳам ҳайдаганман, мола ҳам босганман. Мени жойи жаннатда бўлгур қози бувам одам қилганлар. “Э, Саноқул, — дер эдилар раҳматли, — дунёда одам кўп, лекин одамийси кам”. Узлари қандоқ одам эдилар-а! Ҳар-оқшом гуломгардишга<sup>1</sup> ўз қўллари билан гўжами, аталами-умочми, худонинг буюрган насибасини кўтариб келар эдилар. Бир марта денг, Тахтасонда ерлари бўларди, баҳори буғдой эккан эдик, тизза бўйи бўлиб қолганида, мени чақириб айтдиларки...

Дадаматов кўчанинг қоқ ўртасида меровсираб, рўпарасидаги эски кавушдек кўрмисиз чолдан кўз узмай анграйиб турарди.

“Епирай! Нималар дейди-я, бу?! Тош асридан қолганми ўзиям, нима бало?!”

— ...ҳайитнинг эртаси тўрам билан Норжонтолга, Алимқул қозоқнинг овулига бордик. Борсак, тумонат одам, бир тўй бўлган экан, Алимқулнинг укаси отдан йиқилиб ўлибди, қий-чув, қиёмат...

— Ота, — деди Дадаматов бетоқат, — қачонги гап буларингиз?

Кўзлари қисилиб, завқу шавққа чўмган Саноқул бобо ўйланиб қолди.

— Қачонги дейсизми? Э, кўп бўлгани йўқ ахир. Ниқодай пошшо ағдарилган йилимикин, валлоҳу аълам, ё ундан кейинги йилими... Ишқилиб, мулла Абдураҳим уязнинг кенжа ўғли Қорабозорда отхона босиб ўлган йили эди. Раҳматли Абдураҳимнинг мучали хўк эди, мана шундан мучал ағдарадиган бўлсак... Кечагина бўлган гаплар-да, бари, тўрам.

Дадаматов, гўё уни биров бошлаб лақиллатгандек, жаҳли чиқди, аранг ўзини босиб, Саноқул бобо билан хайрлашди.

Индинига ҳам ўша ҳол такрорланди. Дадаматов бу сафар аччиғланмади-ю, вазминлик билан шундай деди:

— Энди, бизни иззат қилганингиз учун раҳмат, ота, лекин бундан кейин мени “тўра” деманг, илтимос. Чунки...

<sup>1</sup> Гуломгардиш — қул-хизматкорлар яшайдиган жой.

— Ие, нега? — деди Саноқул бобо.

— Чунки, — дея давом этди Дадаматов унинг сазолини эшитмагандек, — мен сиз айтаётган қози бобони кўрган ҳам эмасман, у киши биз дунёга келмасданоқ кўкариб чиққан эканлар. Кейин, илгари нима гаплар бўлеа бўлгандир, аммо ҳозир “қарол”у “тўра-пўра” деган гаплар қолмаган, ота. Шунинг учун бунақа деб, мени хижолатга қўймасангиз. Ахир битта-яримта эшитган қулоққа ҳам хунук. Пўлни ҳам баҳузур кесиб ўтаверинг, ёшингиз улуғ!

— Йўқ-йўқ, — деди Саноқул бобо, — бундай демай, айб бўлади, сизнинг мартабангиз улуғ.

Дадаматов қовоғини солди:

— Ота, ҳозиргина келишдик-ку.

— Қўйинг-э, — деди Саноқул бобо бўш келмай. — Қози бобонинг арвоҳи-чи, тўрам?!

— Э, жуда “тўра”лагингиз келса, отамга боринг! Зеркиб нима қиларини билмай ётибди.

Саноқул бобо кулимсираб, бошини қуйи солди.

— Майли, тўрам.

— Ахир, мен партияний бўлсам, катта бир идорада ишласам, сиз эса бундоқ қилиб турсангиз. Гап теккизиб қўясиз, ота, менга.

— Худо сақласин, тўрам, — деди Саноқул бобо чўчинқираб. — Сизга қасд қилганлар паст бўлсин.

— Э, боринг-э! — Дадаматов қаҳрланиб қўл силтади ва шарт бурилиб жўнади. Икки юз қадамлар юриб боргач, бирданига... кулиб юборди.

Кечқурун отасидан хабар олгани борди. Отаси айвонда, туллак беданасининг патига сув пуркаб ўтирарди. Бир оз гурунглашгач, у аста сўради:

— Саноқул бобо отангизнинг қароли бўлганми?

— Қайси Саноқул? Сано тентакми? — Отаси беданани кўтариб, чироқ шуъласига солди. — Отамнинг қароли кўп эди. Саноям ишлаган. Тентак у, — дея отаси ичкари уйга қараб қичқирди: — Ҳой, Шермат, бормисан, токчадаги халтада тарик бор, олиб чиқ!

Дадаматов ўрнидан кўзгалди.

Эртасига яна Саноқул бобога дуч келишини ўйлаб, юраги безиллади — рост кўчани қўйиб, паст кўчадан юрди, сой ёқалаб айланиб ўтиб, ишга кеч қолди.

Якшанба куни маҳаллада тўй бўлди. Дадаматов ҳам чиқди. Тўй эгалари қўярда-қўймай уни ичкари уйлardan бирига судрашди. Дадаматов салом бериб кирганида бир уй одам чой ичиб чақчақлашиб ўтирарди, ҳамма

унга ўтирилиб қаради. У пойабзалини ечиб, пойгакдаги бўш жойга чўкмоқчи эди, туйқус юқоридан:

— Қани, тўрам, буёққа, буёққа ўтсинлар, — деган чийилдоқ овоз эшитилди.

Дадаматов, юраги шув этиб, тўрга қаради. Саноқул бобо, икки букчайганча, бурчакка қисилиб, унга хоки-сор термилиб турарди.

— Утираверинг, — деди у ғижиниб.

— Йўқ, йўқ, тўрам, мен... қандоқ ҳаддим сиғади, ахир, қўйинг, энди, одамни хижолат қилманг, тўрам, одобсизлик бўлади-да, э!

Дадаматов ҳамма томошаталаб бўлиб турганини сезди ва базўр шайтонга ҳай бериб, Саноқул бободан юқори ўтиб ўтирди, у эса пилдираганча келиб унинг жойига чўкди.

Кўпчилик бир-бирига ажабланиб қаради.

Дадаматовга тўй татимади.

Бир куни олти яшар ўғли шундай деб қолди: “Дада, тўра дегани нима дегани?” “Ҳа, нега сўраяпсан?” “Йўқ, айтинг, яхши гапми, ёмон гапми?” Дадаматовнинг боши қотди. “Саноқул бобонг айтдимиз? Ҳазиллашган, парво қилма!” “Менам Саноқул бобони тўра десам бўладими?” “Йўқ!” “Нега?” “Бас энди, эзма бўлма”, дея дарғазаб жеркиб берди у.

Аслида-ку, энди Саноқул бобога кўникиб, тақдирга тан бериб қўя қолса бўларди, лекин қайсарлик бобида у ҳам Саноқул бободан заррача қолишмасди, яъни уларни ўхшатмасдан учратмаган эди.

Дадаматов ҳаммасидан ҳам кўра, бу ғалати муносабатнинг эл ичра ошкор бўлишидан қўрқарди. Қўрқиб юргани содир бўлди: Куруқсой қишлоғидаги подстанция ночор эди, ҳадеб куйиб қолаверарди. Куруқсой аҳли ҳам исми жисмига мос халқ экан, тагини суриштирмай, тинимсиз ёзгани ёзган эди. Қўли қичиган экан, майли, ёзаверсин, лекин кошки аризадан трансформатор ясаб бўлса! Ахирин бўлмади — район газетаси уриб чиқди. Эргашев деган мухбир, билибми-билмай: “Район электрлаштириш идораси (бошлиғи ўрт. Дадаматов Б.) токайгача меҳнаткашларнинг ҳақли талабларига тўраларча муносабатда бўлади?!” деб дарғазаб савол қўйди.

Мақола жума куни чиққан эди, Дадаматов таъби хира бўлиб кечқурун уйига қайтаркан, ўтган-кетганининг бари кўлини бигиз қилиб уни кўрсатаётгандек туюларди. Эчкининг ўлгиси келса, қассоб билан ўйнашади, деган гап рост. Рост бўлмаса, худди шу пайт Саноқул

бобо Дадаматовга кўз оғригидек рўпара келиб қолади-ми?

— Ассалому алайкум, тўрам...

Дадаматов бирдан портлади:

— Э, бўлди-да, ота, одамни номусларга ўлдирди-гиз-ку! Шу ердан кўчиб кетсам, қутуламанми сиздан?! Саноқул бобо ҳангу манг бўлиб қолди.

Дадаматов шу жаҳл устида бориб ҳовли-жойини текинга бўлсаям сотишга тайёр эди, бахтига, уйда меҳмон бор экан, хотинининг уруғлари келишибди, шулар билан чалғиб, ҳовуридан тушди.

Шу бўйи Саноқул бобо билан салом-аликни йиғиштирди. Кўча-кўйда дуч келиб қолгудек бўлса, тескари қараб ўтадиган бўлди. Чол эса, юзида ҳануз ўша хоксор табассум, кўл қовуштириб не гуноҳи борлигини билмай гарангсиб турарди.

Қиш кунларининг бирида Саноқул бобо оламдан ўтди.

Дадаматов эл қатори таъзияда қатнашди. Қабристонга борганда ҳам, қайтаётиб ҳам ўзини бениҳоя гуноҳкор сизди.

Эртасига Саноқул бобони эсидан чиқарди. Одатдагидек, шошиб йшга жўнади.

Бирор ҳафта чамаси ўтиб, Саноқул бобонинг дарвозаси ёнида чолнинг ўттиз ёшлар яшарган қиёфасини — куя еган телпак кийган ўғлини кўрди. У кўлига куҳкуҳлаб, лабидаги папиросини четга улоқтирди-да, Дадаматовнинг истиқболига пешвоз юрди:

— Ассалому алайкум... — Йигит бир оз тараддудланиб, такрорлади: — Ассалому алайкум... тўрам...

Дадаматов сесканиб тушди.

“Э, гавбангдан кетай! Булар ўзи авлоди билан жинни эканми, нима бало?!”

Унинг ранги олинганини сезиб, йигит шоша-пиша гапирди:

— Энди, ака, нима қилай, бобойнинг васияти...

— Қанақа васият? — деди Дадаматов гангиб.

Йигит аламзадалик билан афтини буриштирди.

— Отам касал бўлгандан бери яккаш бир гапни такрорлардиларки, шу Бегмат акангни ҳамманг ҳурмат қиласан, у киши тўрамнинг авлоди, сизлар ҳам шундай деб чақиринглар... Энди, ака, ота рози — худо рози, ахир...

— Э, қўйсангиз-чи! — деди Дадаматов ва шарт бурилиб жўнаркан: “Бу чол ўлса ҳамки қутулмас экан-

ман-да", деб ўйлади аччиқланиб. Кўчанинг бошига етгач, алланарса эсига тушгандек, жадал юриб изига қайтди. Саноқул бобонинг дарвозасини қоқди. Қия очик дарвозадан қўлида паншаха ушлаган бёяги йигит чиқиб келди:

— Э, келинг, келинг,—деди у ортига чекиниб.

— Менга қаранг,—Дадаматов остона ҳатлаб ичкари ўтди:—Энди, бир келишиб олсак: майли, отаингизнинг васияти ўз йўлига, лекин иккинчи мени бунақа деб шарманда қилманг. Маъқулми? Бобо раҳматлининг шунча азоб берганлари ҳам етар.

— Йўғ-э, нима деяпсиз, ака, сизга азоб бериб...

— Агар бунгаям кўнмасангиз,—дея Дадаматов боя ўйлаб қўйган гапига кўчди,—мен чиндан ҳам сизга тўра бўладиган бўлсам, менинг амримни бажарадиган бўлсангиз, бундан буён мени Бегмат ака деб чақиришингизни буюраман. Тушундингиз-а?—У таҳдид билан кўзларини йигитга тикди.

— Э, мен бир нарса деяпманми, ака, ўзим ҳам...

— Бўпти, омонлик!—Дадаматов енгил тортиб, йўлига равона бўлди.

У кечқурун яна шу кўчадан уйига қайтади. Кечгача эса ҳали анча бор.

1987

Биринчи бўлиб Исломбой келди.

У чироғи чарақлаб турган ойнабанд, сиркор айвонда уст-бошидаги қорни қоқиш баҳонасида тўхтаб, ўртадаги уйга деразадан разм солди: онаси ғишт печка олдида тахмонга тикилиб ўтирибди, Уринбой устарада ялтиратиб қирилган бошини сийпаганча ёнбошлаб ётибди. Бурчакдаги қаторасига солинган ўринда тўрт боланинг боши кўринади.

“Хайрият!”

Исломбой негадир енгил тортди.

— Вой-бўй, ёмон исиб кетибди-ку, — деди у ичкари қирган заҳоти.

Уринбой шошиб ўридан турди, ўнг қўлини кўришишга узатаркан, чап қўли билан хонтахта устидаги дўншисини олиб бошига қўндирди:

— Йўғ-э, уй совуқ-ку.

Шилпиқ кўзлари олазарак жавдираган кампир пойгакка тиз чўкиб, пичирлаб фотиҳа ўқиган бўлди.

— Хуш кепсан, — деди Уринбой.

У Исломбойдан беш ёш кичик, аммо акасини ёшликдан сенсираб чақирар эди.

— Қалай, тинчмисан? — деб қўйди Исломбой ҳам мулозамат тақозосига кўра.

— Шукр.

— Эсон-омонмисан? — деб сўради кампир. — Утаканг ҳам ёрилиб кетгандир, бемаҳалда...

— Тинчликми? Энди ётувдим, Самар бориб қолди.

Онаси буришиқ бармоқлари билан жигарранг кўйлагининг этагини текислаб ўтираркан, индамади. Дафъатан оғир жимлик чўкди. Ғишт печка устидаги кўк чойгум аста шиғиллай бошлади. Дам ўтмай бу ҳасратли хониш Исломбойнинг ғашига тегди.

Эшик очилиб, бошини няғи аралаш шолрўмол билан танғиган Анзират — Уринбойнинг хотини кўринди.

— Келинг, ака, — деди Анзират Исломбойга қараб, бўғиқ товуш билан.

Исломбой жойидан хиёл қўзғалди:

— Э, келин, тинч-омонмисан?

Келини сезилар-сезилмас бош ирғади. Исломбой унинг салқи қовоқлари шишиб, кўзлари қизарганини пайқади.

«Э, баттол! Хотини билан яна ит-мушук бўпти шекилли! Бу оғироёқ нарса бўлса... Ҳаҳ, эшак!»

— Қалай, яхши ўтирибсанми? Бола-чақа?— деди у келинидан ҳол сўраб.

Анзират жавоб қилмай, қора бахмал нимчасининг барини торта-торта қайнонасининг ёнига чўкди, бурини тортиб ерга тикилди ва уввос солиб йиғлаб юборди.

Исломбой шошиб қолди:

— Ия, ҳаё?

Келинидан жавоб бўлмагач, аввал ранг-қути ўчиб, кўзида ёш филтиллаган онасига, кейин эса пешонаси тириша бошлаган укасига қаради:

— Ҳа?

Энди кампир ҳам пиқ-пиқ йиғлашга тушди. Исломбой чидаёлмай бақириб берди:

— Э, тилдан қолдингларми, нима бало?

Уринбой шипга тикилиб ғалати илжайди, буринининг учини қайта-қайта чимдиб, йўталга ҳам, кулгига ҳам ўхшамаган бир овоз чиқарди, йиғи босилавермагач, чақчайиб ўшқирди:

— Ҳовлиқма, ҳовлиқма, менга аза очишга ҳовлиқмаларинг ҳали!

Қайнона-келини бу гапдан кейин баттар ўкраб юборди.

— Нима бўлди, ахир?!

Анзират кўпчиган юзларини кафтининг орқаси билан артди, йиғи аралаш пиқиллаб:

— Укангиз... укангиз... — деди-да, яна бошини буркаб йиғлашга тушди:

— Астафидулло! Мени шу йиғихонликка чақирдингларми, ойи?

Кампир дарҳол обидийдани бас қилди, ўғлига ваҳима билан тикилиб, худди шундай ваҳима билан шивирлади:

— Уйимиз куйди, болам! Уринбойнинг ютқазиб қўйибди!

Исломбой бу гапдан ҳам кўра онасининг ваҳимали товушидан қўрқиб кетди, анча вақт миясига жўяли бир фикр келмай, чойгумнинг шигиллашига қулоқ солиб ўтирди, ниҳоят, укасига қарамай:

— Қанча?— деб сўради.

Уринбой хонтахта устидаги нон ушоқларини жим-жилоғи билан нари-бери сураркан, беўхшов кулимсирашга уриниб:

— Кўп,—деди.

Исломбой етиш икки томири бўйлаб миясига юрган бор ғазаб, бор нафрати тилига келиб тўпланганини сизди, ўзини қандоқ босиб турганига ўзи ҳам ҳайрон қолиб, овози деярли ўзгармай сўради:

— “Кўп”ниям бир сөн-саногни бордир, ахир?

Уринбой индамади.

Исломбой беш дақиқадан сўнг тоқати тоқ бўлиб:

— Гапир, итвачча!—деди.

Укаси илкис бошини кўтарди, манглайдаги чизиқлар чуқур тортиб, хўмрайди. Анчадан кейин ўзига-ўзи гапиргандек деди:

— Кофир бўлма, онанг олдингда ўтирибди, итга рўпара қилгани уял.

Кампир бир оқариб, бир қизарди, елкалари қунишди.

Исломбойнинг жағи қалтиради:

— Кофир бўлмасам, баттар бўлмайманми, сенга нима, даюс! Сенинг бу қилмишларингга одам кофир тугул, чулчут бўлиб кетар!

Унинг дағдағасига бурчакда ётган болалардан бири сачраб уйғонди, уйқули кўзларини йириб очганча анқайиб қолди.

— Тўнғизнинг териси нимаю сөн аблахнинг бетинг нима?! Ёзда “Бу б...ни иккинчи оғзимга олсам, йигит ўлай”, деб тавба-тазарру қилганларинг эсингдан чиқдимми, қасамхўр! — Исломбой жони жаҳони ўртаб бақираркан, икки чаккасига буров солингандек, бошида оғриқ қўзғалганини сизди. — Бу кунингдан қасам уриб ўлганинг яхши эмасми, хунаса!

Анзираат қайнағасининг вазоҳатини кўриб йиғидан тўхтади, олазарак кўзлари билан гоҳ эрига, гоҳ қайнонасига қарар ва бетўхтов бурнини тортар эди.

Уринбой бошини солинтириб ўтирган кўйи вазиятини ўзгартирмай, секин дўнғиллади:

— Кўп ҳам шошма, ўлигимни кўришга жуда орзуманд бўлсанг, эрталаб ниятингга етасан!

Исломбой бу гапнинг маъносини ўйлаб ўтирмай, баттар шовқин солди:

— Э, дард-э! Уламан, деб қўрқитмоқчимисан мени? Улмасанг ўмбалоқ ош-а! Э, ўлсанг ҳам куйсам шунчалик куяман-да, жонимга ўт қўйвординг-ку!

Кампир қўрққанидан ўрнидан туриб кетди, рўмоли елкасига сирғалиб тушганини ҳам пайқамай, бошини сарак-сарак қилиб титраб-қақшаб ялинди:

— Ҳай, ўзингни бос! Жон болам, ўзингни бос! Қўни-қўшни эшитади-я! Бемаҳалда...

Исломбой онасини ғазабга олди:

— Э, бутун юрту олам эшитсин-а! Билсин, бу касофатингизни! “Биров билмасин, биров билмасин”, деб, “Уринбойжон-Уринбойжон” қилиб, мана, оқибати, ҳаммамизни кафангадо қилиб ўтирибди!

— Қандоқ қилай... — дея кампир йиғламсиради. — Қандоқ қилай, болам? Кўзимнинг оқу қораси Уринбой оғамнинг ўрнини босар, деб Уринбой от қўювдим. Бева бошим билан емай едирдим, киймай кийдирдим, шу иккита норастамни боши эгилмасин, деб ит кўрмаган кунларни кўрдим. Майли, мени қанча уриб-сўксанг розиман, лекин шу қоқвошни қарғама. Оғамнинг арвоҳи чирқирайди-я! Гирмоннинг ўқига учганми, тирикми, худо билади. “Уринбойнинг ўлсин”, дейсан, мен бунга қандоқ чидай? Худо ўзи инсоф бермаса, мен қандоқ қилай?

Кампир зор-зор йиғлади. Исломбойнинг ўпкаси тўлди, пешанасини қашиган бўлиб, кўзёшларини артди. Чойгум ҳамон чўзиб ҳуштак чалар эди.

Уринбой бирдан дарғазаб кўзларини акасига қадади:

— Нега менга ҳокимлик қиласан? Уйнаган — мен, ютқазган — мен, тўлайдиган — мен, сенга нима кетикуйдиллик?! Ака бўлсанг, акалингизда тур! Менга агар сариқ чақанг ўтган бўлса, ҳаммаси ҳисобли, ҳа!

— Ҳой, ҳой қақшамагур, акага шунақа дейдими?

— Қўйинг... — деб пичирлади Анзират кўзларини катта очиб.

— Майли, гапириб олсин. — Исломбой бор кучини тўплаб, базўр жилмайди. — Ичидаги фисқи фасодини тўксин-чи, қани! Майли, биз энди кетикуйди бўлиб қолган бўлсак, сариқ чақа бўлиб қолган бўлсак... майли, худо бордир, кўриб тургандир, ахир. Эшигимга неча марталаб кўзининг сийдигини оқизиб борганини ўзи билмаса, худо билар, худога солдим. “Тўйдирганинг бўғзига...” деб шуни айтади-да!

Худонинг номи ўртага сукунат солди. Чойгум биқирлаб қайнай бошлади.

— Бунақа таъна-маломатни қўйларинг, — деди кампир анчадан кейин. — Гапни кавласа, гап чиқади. Қозилашган қариндош бўлмас. Айлантириб келганда иккитасан, бир-бирингдан тонолмайсан, бирингни тепкингни биринг кўтарасан-да, қандоқ қиласан?

Анзират ўрнидан туриб, қайнаб-тошаётган чойгумини четга суриб қўйди.

— Сен каттасан, шу укангга ота ўрнига отасан,— дея кампир Исломбойга ялинчоқ оҳангда қаради.— Бунинг паст-баланд гапларига хафа бўлма. Сендан бошқа кими бор, ахир? Нима қиламиз энди, бир йўл-йўриқ бер. Эрталабгача обормаса бўлмас экан.

Иеломбой сийрак, қизғиш мўйловининг учини қимтиб, ўйга чўмди: «Кошки яхшиликни билса бу аблаҳ!».

— Ойи, жуда қизиқ гапирасиз-да,— деди у норози чимирилиб.— Ахир, кўриб турибсиз-ку, бунингиз писта пўчоқча кўрмаётибди-ку ака жониворни! Бир оғиз гапирсангиз осмонга сапчийди! Кўппакка ўхшаб одамнинг бетидан олади! Бундоқ ётиғи билан арзи ҳол қилса, маслаҳат сўраса эканки, бир йўл-йўриқ айтсангиз. «Қанча?» — деб сўрасам, менга қараб ишшаяди.

Кампир Уринбойнинг ҳурпайиб олганини кўриб, муқаррар даҳанаки жангнинг олдини олишга шошилди:

— Майли, болам, сен оғир бўл, жаҳл келганда ақл кетар...

— Ҳўй, менга қара, қанча ахир?!— деди Исломбой бўғилиб.

Уринбой акасининг гавдасига синчиклаб разм солди, томоқ қирди ва икки бармоғини кўрсатди.

— Қанча бунинг?

— Йигирма минг.

Исломбойнинг қулоғи шанғиллаб кетди:

— Эски пулгами?

Укаси кулгисини яширишга уришиб илжайди:

— Эски пул қолганми шу замонда?

Исломбой Уринбойдан кўз узолмай қолди.

Укасининг нақадар даҳшатли аҳволга тушганини бирдан яққол англади ва унинг ночор, асабий кулгисини кўриб, юрагида шафқат уйғонди, лекин зум ўтмай вужудига қаҳр-ғазаб ёпирилди: «Баттар бўлсин!»

Тўрт жуфт кўз Исломбойга қадалган эди. У укасининг қулоқ-чаккасига қулочкашлаб тортиб юбориш истагида ўртанарди, лекин, негадир, тўсатдан эзилиб шивирлади:

— Шунчалик ҳам бўладими, ука!

Жимлик чўкди. Печкада нимадир чирс этди.

— Амакиларнинг билан аммангни айтиб келсинми? — деди кампир Исломбойга.

— Нима каромат қилиб берарди ўшаларингиз? —

деди Уринбой хўмрайиб. Аммо онаси унга эътибор бермади.

— Қайдам, бемаҳалда...—деди Исломбой чайвалиб, мойил бир оҳангда.

— Тур, Самар, физиллаб Саломат амманг билан Ориф амакингни чақириб кел.—Қампир печкага суяниб ўтирган найнов неварасига қараб, кескин оҳангда буюрди. — Йўлдан Зариф бувангни ҳам айт. “Тез бораркансиз”, де. Қўрқмайсанми?

Самар, қор уриб турган зим-зиё кўчада ёлғиз юришдан қўрқса ҳамки, уйдаги мотамсаро аҳволдан кўра ташқарини афзал билиб, индамай чиқиб кетди.

Ҳамма ўй суриб қолди.

Исломбой укасининг қандай қилиб бу бебош йўлга кириб кетгани ҳақида бош қотирарди. Лекин хаёли беихтиёр укасининг бошига тушган бу улкан фалокат, бу улкан фалокатнинг даҳшатли оқибати ва ундан ўзига етадиган зарар-заҳмат тўғрисидаги фикрлардан нари кетмасди.

Уринбой ҳануз ҳайрон эди: аввалига устма-уст қўли келиб турган эди, ошдан олдин ҳам дов урди, кейин нима касофат бўлди-ю... Умрида бундай катта ўйинни кўрмаган эди...

Қампирнинг муштдай юзи яна ҳам кичрайиб кетган, чакагини ушлаб мум тишлагандек ўтирар, афт-ангоридан нимани ўйлаётганини билиб бўлмас эди.

Анзиратнинг юрагини тагин ваҳима чангаллади. Қаердадир қулоғига чалинган гаплар эсига тушди: агар ютқазган одам пулни тўлаёлмаса, хотинини олиб бориб бераркан. Унинг ич-ичидан титроқ йиғи хуруж қилиб кела бошлади: “Шўрим қуриб...”

Исломбой калласидан нохуш ўйларни сидириб ташламоқчидек, жаҳл билан пешанасини сийпалади.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Энди... Ким билади дейсан... Ҳовлини сотсамми-кан, деб турибман.

— Нима-а?!

— Ҳа? Бошқа иложи йўқ. Эрталаб ҳовлига савдо киради. Соат ўнга обормасам, мени ўлди деяверларинг.

Келин қайнонага, қайнона келинга ялт этиб қаради ва бир-бирининг кўзидаги қўрқувни кўриб, ҳар иккиси Исломбойга нажот билан мўлтираб, йиғига ҳозирланди. Исломбой кафтларини муштлаганча қизил якандозга таяниб:

— Хўш? — дея укасини таъқибга олди.

— Нима “хўш?”—Уринбойга бу савол ниҳоятда малол келди.

— Кейин-чи?

— Нима “кейин?”

— Э, бунча талмовсирайсан? Ё биратўла эс-хушингда ҳам айрилганмисан? Хўп, уйниям сотарсан, кейин нима қиласан, деяпман? Қиш чиллада бир этак чурвақанг билан қаерга сизгасан?

Уринбой ақасининг жаҳлидан қолишмайдиган бир ғазаб билан жавоб қилди:

— Юрагинг чиқмасин, ҳалиям сеникига бормайман, кўрқма.

— Мана шу-да! — Исломбой қарсиллатиб хонтахтага урди. — Ҳам гарлик, ҳам пешгирлик, дегани шу-да! Қилар ишини қилиб қўйиб, нега яна ўрқачлайсан, муттаҳам!

— Муттаҳамлик қилиб бировнинг хотинини қўйнига киргайм йўқ, билдингми!

Исломбой сезилар-сезилмас қизарди. Бу — унинг фақат уқасигина биладиган ёшлик гуноҳига заҳаролуд шаъма эди. Узини ўнглаб бирор нима дегунича бўлмай, айвонда одам шарпаси кўринди, зум ўтмай, эллик беш-олтмиш ёшлардаги семиз аёл эшикдан ҳарсиллаб-гурсиллаб кириб келди. Исломбойнинг сўзи бўғзида қолди.

— Уҳ, ўлдим! Намунча жаҳаннам уйларинг!—деб аёл бошидаги тивит рўмолини ечди.

— Келинг, амма,—деди Анзират шоша-пиша ўрнидан тураркан.

Салом-алиқдан сўнг Саломат хонтахта устидаги чойнақни олиб жўмрагидан симирди.

— Ҳалқумим қоқ бўлиб кетди-я! — деди сочини тузатиб.—Шу бугун Даламаҳаллага икки марта бориб келибман-а! Анув қоранг ўчгур Тожи гумбазда озгина духобам бор эди, қора терга тушиб борсам, “қуда чақриқ”қа кетиб қолибди, нес!

— Ётувдингизми, амма? Безовта бўлиб... — деди Исломбой.

— Худо урди-кетди, намозшомдан ётаманми? Эртага бозор-ку, олиб чиқадиган ул-булларимни кўриб ўтирувдим, Самар бориб қолди. Ҳа, тинчликми, ишқилиб? Ҳой, Анзират, қатиғинг бўлса, ярим пиёла олиб кел, кўнглим гумуриб ўлаётибди.

Айвонда “қув-қув” йўтал товуши эшитилди. Соқол-

мўйлови текис кузалган, бир-бирига ниҳоятда ўхшаган иккита чол эшикдан бошлашиб кирди:

— Ассалому алайкум.

Юзлари қизариб кетган Самар анчадан кейин кириб, эшикни ёпди.

Бир пиёла чой ичилгач, кампир йиғламсираб воқеани баён қилди. Чоллар индамай тинглашаркан, қовоқлари уйилиб борарди. Саломатнинг сурма тортилган кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Вой, яшшамагур! — деди сонига шапатилаб, — бир қоп пул-а, уволи тутмайдими, жувонмарг?!

Амакиларнинг кичиги — Зариф найза чўнтағидан носқовоғини олиб нос отди-да, узоқ сукутга чўмди. Тўтибурун Ориф бақироқ эса салмоқлаб сўз бошладди:

— Жиян, мендан хоҳ хафа бўл, хоҳ хафа бўлма, лекин, мана, ҳаммангнинг олдинда айтаман, бу ишинг қип-қизил аҳмоқлик! Шу лаънатини ўйнамасанг, хотиннинг талоқ тушадими, а?

Анзираг токчадан коса олиб, ташқарига чиқди.

— Шунисига куйиб кетаман-да, амаки! — деди Исломбой уҳ тортиб. — Нимасига ўйнайди бу бадбахт! Нима барака топасан шуни ўйнаб, денг!

— Узинг ўйнамаганингдан кейин қаёқдан биласан, — деди Уринбой секин.

— Фалокатинг ўзингдан бери келмасин-э, нега ўйнар эканман! — деб гувранди Исломбой.

Зариф найза наमतнинг четини қайириб, оғзидаги носни туфлади.

— Энди нима қилмоқчисан?

Кампир рўмолининг учи билан кўзини артиб:

— Уйни сотар эмиш, — деди-да хўнграб йиглаб юборди.

Саломат бир газ бўйи ирғиб тушди:

— Сотиб бўпти! Сотиб бўпти! Бекоргиналария айтибсан! Ота-бувамиздан қолган бу ҳовли! Сенга қиморга бой бергин, деб бериб қўйганимиз йўқ муни! Қаердан топиб тўласанг тўлайвер, қани, ҳовлига текканингни кўрай-чи! Бир тийинлик ҳаққинг йўқ, ҳовли онангнинг маҳрига тушган!

— Улигим шу ҳовлидан чиқса, девдим, — деди кампир пиқиллаб, — қандоқ қилай...

— Э, ақиллайверади-да, кенвойи! — деди Саломат бобиллаб. — Ҳовлига сиз хўжайин. Сизга ҳеч ким хўжайин эмас!

— Бунча пулни қасрдан олади?

— Ютқазини билган эррайим тўлашним уйла-  
син, сизга нима? Э, садқаи кўзёшингиз-а.

Уринбой Саломатга еб қўйгудек ўқрайди:

— Амма...

— Нима “амма?” Нима “амма?!” Хў, амманг ўлиб,  
аммасиз қол!

Уринбойнинг дами ичига тушиб кетди.

— Ростдан ҳам, ҳовли — онангинг маҳри, — деди  
Ориф бақироқ. — Отанг раҳматлининг васияти шундоқ  
бўлган эди. Энди, тагин билмадим...

— Вой, нега билмайсиз? — деди Саломат акасини  
ғадаблаб. — Нега билмайсиз? Ота рози — олло розими,  
ахир?

— Бунақа бекорчи гапдан фойда йўқ, — деди Зариф  
найза. — Ҳар бало бўлгандаям, шу ёмон жиян — жи-  
гаримиз. Хўкизининг шохига урсанг, туёғи зирқирайди.  
Ҳозир буни ҳар қанча сўкиб-сўзлагандан тариқча наф  
йўқ. Қани, нима қиламиз, шундан гапиринглар. Тўг-  
римни, кеннойи?

Ташвиш ва ғам-койишдан эсини йўқотаёзган кам-  
пир:

— Қандоқ қилай, шу кўргиликлар ҳам бор экан, —  
деди.

Чурқ этмай ўтирган Анзират бирдан тилга кирди:

— Худо хайрингларни берсин... Сизлардан бошқа  
кимимиз бор? Кафангадо бўлиб кўчада қолмайлик, бир  
нарс қилинглар...

— Қирққа кирдинг, ука, қирққа! — деди Ориф ба-  
қироқ увишиб қолган оёғини уқалаб. — Ердан қор  
кетгандан қор тушгунча тупроқ тирнаб дунё орттир-  
санг-у, наҳот, обориб дарёга оқизсанг!

— Э, ака, — деди Зариф найза, — бу гаплардан фой-  
да йўқ дедим-ку. Бўладиган ишни айтинглар. Бу шўр-  
ликнинг ҳозир минг жойига пичоқ урсангиз, бир томчи  
қон чиқмайди-ю, нима қиламиз ҳадеб эзгилайвериб?  
Нима дейсан, Исломбой?

Исломбой печкага қараб, томоқ қирди.

— Нима дердим... Менга қолса, ҳовлини сотишга  
қаршиман.

— Вой, ҳовлини оғзингга олмаларинг, дедим-ку! —  
деб бақирди Саломат. — Ота-буваларимнинг арвоҳи...  
Ҳовлидан умидларингни узларинг, дедим-ку!

— Ҳа, хўп, ана ҳовлига савдо кирдиям, дейлик, —  
деди Зариф найза. — Хўш, чамангда қанчага олади?

Саломат акасига олайиб қараган эди, Зариф найза:  
— Жонинг чиқмай турсин, мисолга айтяпман,—  
деди.

Исломбой ўйлаб-ўйлаб:

— Ўн бештага олар,—деди.

— Олмайди ўн бештага!—Зариф найза оғир қўз-  
галиб қўйди. — Ўн иккитага олсаям катта гап. Утган  
жума Тўра чўтирнинг ҳайҳотдек ҳовлиси ўн тўрттага  
савдо бўлди-ю!

Ориф бақироқ ҳам укасининг фикрини маъқуллади.  
Амакиларининг бу борада омилкөр, пухта кишилар  
эканини билгани учун Исломбой индамай қолди.

— Хўш, ҳовлинг ўн иккитага борсин,—деди Зариф  
найза энди Ўринбойга қараб.—Қолганини нима қила-  
сан? Ул-булинг борми?

Ўринбой қилмишининг бутун даҳшатини энди ту-  
шунгандек, ранги қув ўчиб, амакисига бетлаб қара-  
ёлмади, не-машаққат билан бош чайқади.

— Ҳа, унда... Сен нима дейсан, Саломат?

Саломат лабини бурди:

— Укам ошиқ отаётганда менга маслаҳат солган  
эмас! Ўзи пиширган ош, ўзи айланиб-ўргилиб ичавер-  
син!

— Хўш. Шошма, кўп қақшама. Эрта бир гап бўлиб  
қолса, ачинмайсанми?

— Қанақа гап? — дея Саломат сийрак киприклари-  
ни пирпиратди.

— Энди-да... шу пулни вақтида обормаса, жиянинг  
соғ қолмайди, шуни биласанми?

Саломат акасига қараб бақрайди.

— Ҳа? Нега кўзингни лўқ қиласан?

— Вой, худо асрасин, нега ачинмайман, жигарим..

— Хўш...

Исломбойнинг танглайигача музлаб кетди: “Иўғ-э,  
ўлмас... ўлдирмас...”

Анзират хўнгиллаб йиғлаганча уйни бошига кўтар-  
ди, унга аввал кампир, кейин Саломат қўшилди, ҳам-  
ма Ўринбойни гўё охирги марта кўраётгандек, муш-  
гайиб қараб қолди.

Шу вақтгача атрофдагиларга ёвқараш қилиб ўтир-  
ган Ўринбой ўйиннинг мудҳиш қонуниятларини эслади  
шекилли, бирдан кўзига ёш олди.

— Хўй, азани тўхтатинглар,—деди Зариф найза  
ҳамон хотиржам оҳангда. — Бемаҳалда йиғиям беҳосият

бўлади. Ака, нима қилсак экан, ўзингиз бир нарса денг.

Ориф бақироқ кўк салласини орқага суриб:

— Энди... Уринбой минг ёмон бўлгани билан ўртада акамизнинг арвоҳи бор,— деди.— Эртами-индин, ахир борамиз акамизнинг олдига... Майли энди, ёрилган бош — ёрилган, қийин бўлса ҳам, оғирчиликнинг озроғини оламиз-да бўйнимизга, қолиб кетмас, ахир.

Уй жимжит бўлиб қолди.

— Одамлар савоб учун кўприк солади, етим боқади...

— Э, буни секинроқ айтасизми, ака, — дея унинг гапини маъқуллади Зариф найза. — Кеча намозда домла айтди: умр бўйи боши саждага тегмаган бир йигит бор экан. Шу бир куни кўчадан ўтиб кетаётиб мундоқ ёнига қараса, бир деворнинг тешигидан ичкарида зино қилаётган эркак билан аёл кўриниб қолибди. Шартта қўлига битта кесак билан бир чангал лой олиб, тешикни суваб ташлабди. Шу йигит кейин ўлганда жаннати бўлган экан. Сабабки, бировнинг айбини бекитган экан.

— Албатта, худойимнинг даргоҳи кенг.

— Лекин зино қилган, бировнинг ҳақини еган, қимор ўйнаган одам дўзахи бўлар экан, — деди Зариф найза писанда билан.— Майли, мана, ахир, кўплашиб... Локин, мен битта гапни очиқ айтман: Уринбой шу қилиғини ташлайдиган бўлса, қўлдан келганча қарашиб-юборармиз. Илло-билло, йўқ, дейдиган бўлса...

— Ташлайди, ўзиям тавбасига таянгандир.

— Уғил-қизи бўй етиб қолди, шуларнинг ташвишини қилсин...

Исломбойни қора ваҳм босди: “Мен нима дейман?”

— Нега индамайсан? — деди у Уринбойга ўқрайиб. Уринбой мунтазир нигоҳларга дош беролмай, яна ерга қаради.

— Жон болам, қилмайман, де, ростини айт, — деб ялинди кампир. — Ташладим де.

— Майли, ташладим... — деди Уринбой худди ёш боладек ва баттар хўрлиги келиб, боши ерга теккудек эгилди.

Қариндошлар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Хўш, бўлмаса, гапиринг, ака, — деди Зариф найза.

Ориф бақироқ чакагини қашиб қўйди:

— Энди... Мен ҳали уйга бориб Акбар билан ҳам

маслаҳат қилай-чи. Нима бор, нима йўқ, ўзим тузук ҳам билмайман.

— Майли, ахир, қурбингиз етганча-да, ака, ҳимматингиз.

— Хайрли ишга қанча ҳиммат қилсанг ҳам оз-ку, лекин... Ҳай, майли, уёқ-буёқни қоқиштириб уч минг амаллаб берармиз.

Исломбой амакисига қараб анграйди.

— Хўп, ака, уч минг... Бу, ҳаммамизникиям қарз, Уринбой шу фалокатлардан эсон-омон қутулиб олса, еб кетмайди, албатта. Хўш, мен... Ёзда узумнинг пулидан бир ярим минг қолган эди, саксон килоча тоза майизим бор, хўш, унинг устидан ҳам битта-яримтадан икки минг кўтариб турсам бўлади. Жума вавақдаям минг сўммим бор, бултур олган, эртага сўраттираман.— Зариф найза ҳисоб-китобини яқунлаб, атрофга синовчан қараб қўйди. — Хўшш... Саломат, сен нима дейсан?

Саломат этагидаги нон ушоқларини кафтига қоқиб олди.

— Жаҳлим чиқиб, шундоқ кофирлигим тутувди-ку... Бу шўртумшуқнинг кўз ёшини кўриб, юрагим ўлгур тагин эзилиб кетди. Ҳар бало бўлсаям, ҳовли сотилмасин. Бир этак бола-я!

— Ҳовлини қўявер, нақд гапни гапир.

— Нақд гап ҳам ўлсин... Энди, очиғи, йўқ эмас, худога шукр, уч-тўрт тангам бор. Насиба бола кўрса, бешиктўйи қиларман деб тугиб юрувдим. Қолгани ўлимлик бўлар, десам, бу яшшамагур куёв Насибаниям йўлдан урибди, эр-хотин кунора келиб: “Мошина олиб берасиз?”, деб ҳиқиллайди. Битгаю битта қиз, тиниб-тинчиб кетишини ўйлаб... Укамнинг бошига мундоқ иш тушиб турганда, мошинага бало борми! Охир-оқибати бари бир куёв-да, куёв—ёв, ўғил бўлармиди менга!

— Ҳа, яша! — Ориф бақироққа бу гап ғоят хуш ёқди.

— Ҳа, жигар-жигар, дигар-дигар! Майли, беш минг сўм мени танимдан, азонда опкелиб бераман!

— Худо хайрингизни берсин, амма, имонбойи бўлинг, — деди Анзират ва яна йиғи бошлади.

— Ҳўй, ҳўнгилламай тур!— деди Зариф найза уни жеркиб.— Хўш, етти ярим мингу беш минг — ўн икки минг. Хўп! Қани, Исломбой?

Исломбойнинг баданига титроқ кирди.

— Менга олдин бир нарсани ҳал қилиб беринглар, амаки,— деди у. — Қани, ака-укачилик шунақа бўлади-

ми? Мен ака бўлиб буни на тергай олмасам, на наси-  
ҳат қилолмасам... Бир оғиз гапирсам, итдан баттар  
беҳурмат қилиб ташласа... Мен тағин...

— Дийдиёнгни қўй, — деди Зариф найза. — Ака-ука  
кейин суришиб кетаверасанлар. Алам устида ҳар бало  
бўлади, шунга тиртайиб ўтирибсанми? Қани, қанча  
бероласан, шундан гапир?

Исломбой бор куч-қувватини тўплаб:

— Мени тўрт тангаям бероладиган қудратим йўқ, —  
деди.

— Нима?

Саломат қўлини пахса қилиб чақчайди:

— Худо урди-кетди, уят-э! Шунчалик ўлар жойда-  
мисан! Қимсан уста Исломбой, қадаминг пул-а!

— Ҳамма сизга ўхшаб чайқовнинг ўрдагими, амма!

— Вой, таъна қилманг, Исломбойвачча! Фарлик уят,  
ўгрилик уят, тирикчилик айб эмас!

— Ҳой, қақиллайверасанми ҳадеб! — дея можарони  
кесди Зариф найза. — Хўш, Исломбой, ростдан ҳам  
қурбинг келмайдими? Йўқ, очигини айтавер, ахир, би-  
ровдан ўтганини биров қаёқдан билади!

— Қурбим етмайди, амаки, — деди Исломбой овози  
маъюсланиб. — Қурбим етса, наҳот, жигаримдан ая-  
сам? Хабарингиз бор, кичкина қизимни фотиҳа қилиб  
қўйганман. Қудам ҳеч ҳол-жонимга қўймаётибди. “Кўк-  
лам чиқсин”, десам ҳам кўнмаётибди. Қиз узатишнинг  
ўзи бўлмаса...

— Ҳой, бетавфиқ, миянгни еганмисан? Укангни сў-  
йиб кетай деб турибди-ку, тўйингни гапирасан-а, тош-  
меҳр! — Саломат яна бобиллаб гапга аралашди. — Қи-  
зинг бирон йил сабр қилиб турар, эрсираб кетмас жуда!

— Оғзингизга қараб гапиринг, амма! — Исломбой  
кўзлари олайиб, Саломатга даҳанини чўзди. — Оғзин-  
гизга қараб гапиринг!

— Ҳа? Оғзимга нима қипти?

— Қўй, айланай, тур, уйингга кет, — деди кампир  
Исломбойнинг енгидан чангаллаб. — Худо хайрингни  
берсин, уйингга бора қол.

— Ҳайдаяпсизми? Ҳайдаяпсанларми?! — дея ваҳшат  
солди Исломбой. — Бунақа экан, нега чақириб келувди-  
ларинг?!

— Ҳеч ким сени ҳайдаётгани йўқ, ука, — деди Ориф  
бақироқ жеркиб.

— Йўқ, Исломбой, хафа бўлма, амманг минг қил-  
саям, бари бир аёл, аёллигига боради, — деди Зариф

найза. — Қурбинг етмаса, нима қиламиз, майли, ўзинг биласан. Зоримиз бор-у, зўримиз йўқ.

Бу гап сўнги томчи бўлиб, Исломбойнинг тўлган сабр косасини тошириб юборди.

— Амаки! — дея вишиллагандек ғалати овоз чиқарди у. — Нега мени қийнайверасиз, амаки?! Нега мундоқ ҳоли кунимни сўрамасдан, ҳаммангиз ҳар тарафдан талайверасиз? Бирортангиз билмайсиз, кўрган куним итникидан баттар, ахир! Мана, укам бир кечада йигирма минг бой бериб кепти. Йигирма минг! Ешим қирқ бешга чиқди, лекин шу пайтгача хотинимдан бесўроқ бир сўм сарф қилолмайман, биласизларми шуни?! Шу пайтгача буни инсон зотига айтган эмасман! Мен укамга бугун бир сўм опкелиб берай — эртага уйимда қиёмат!

Оғир сукунат чўкди. Аллақайси бўғот тагида мов мушуклар юракни таталагудек ёқимсиз увиллади.

— Бу савдо ҳар кимнинг уйида бор, ука, — деди Ориф бақироқ.

— Келиннинг бунчалигини... ёпирай, ҳеч сезмаган эдик-ку, — деди Зариф найза.

“Хотинингни сотиб бўлса ҳам қутулдинг-а, эҳ, расво!” деб ўйлади Уринбой.

Саломат эса тап тортмай дилидагини тилига чиқарди:

— Ҳали шу аҳволда эркакман, деб дўппи кийиб юрибман, дегин? Хотиндан хароб бўлиб юрган экансан, рўмол ўраб қўя қолгин эди биратўласи!

— Амма, — деди Исломбой оғриқ зарбидан тишини тишига босиб. — Олтмишга кирдингизми? Дунёга товуқ-фаҳм билан келиб, товуқфаҳм билан кетар экансиз-да! Ҳадеб менга писқон учиргунча, суяк жиянингизга бир оғиз насиҳат қилсангиз бўлмайдими? Шу хунаса қимор ўйнамаса, бу ғавғолар йўқ эди.

Саломат бирдан кўпириб-тошиб шовқин солди:

— Уйнаган бўлса, ажаб қипти! Хўп қипти! Буниям эркак ўйнайди, қани, хотин ўйнаб кўрсин-чи!

Исломбой қалтираб ўрнидан туриб кетди, кўз ўнги қоронғилашиб, аммасининг устига бостириб борди.

— Амма! — деди ҳирқираб. — Е сиз кетинг, ё мен кетаман! Худо ҳаққи, кетинг, кўзимга кўринманг бир бало қилиб қўймасимдан!

— Вой, худойим-эй! — дея қаҳқаҳа урди Саломат. — Рухсор чиллаширға кучинг етмаган, менга йўл бўлсин!

Исломбой қаттиқ сўқинди, эшикни силтаб очаркан, қарсиллатиб пешонасини уриб олди.

— Чиқмаларинг! — деди Саломат унинг орқасидан қўзғалган кампир билан Анзиратга. — Қораси ўчсин!

— Бекор қилдинг, — деди Ориф бақироқ секин.

— Э, баттар бўлсин! Худо урди-кетди, бир қориндан тушган жигар-а! Майли, ҳеч ташвиш қилма, аканг бўлмаса, мана, мен — амманг бор! Етса — молим, етмаса — жоним! Э, йиғламанг, кеннойи, садқан кўз ёшингиз-а! Улимликсиз қолсам ҳам майли, юрту эл тўрт газ кафан топиб кўмар. Эртага сиз ўлсангиз: “Вой онам”, дейишгаям ярамас экан бу тошбағир! Ака, қанча етмаётувди?... Бўпти, эрталаб мен уйдан олиб бераман! Вой, ака бўлмай гўрга боргур, тўнғиздан тўқ-а! “Ҳижжа-режа” эрталабгача давом этди.

Эрталаб кўзлари қизарган Уринбой уйдан судралиб чиқди-да, тўғри кечаги жойга йўл олди. Қор тинган, қуёш йилтирайди.

У шахдам бориб таниш эшикни очди. Кечаси билан яна ўйин бўлган шекилли, хона тамаки ва ароқ исига тўлган эди.

Тўрда яғриндор бир киши майкачан бўлиб кўк духоба болишга ёнбошлаб ётар, дастурхон ёнида иккита йигит мастава ичиб ўтирар эди.

— Ҳорманглар-р! — деди Уринбой имкони борича ўзини беписанд тутишга уриниб.

— Э, келдингизми? — деди майкачан киши шифтдан кўз узмай. Хиёлдан сўнг ёнбошига ағдарилиб, илжайди. — Яхши ётиб турдингизми?

— Мана, олиб қўйинг, — деди Уринбой ва қўйнидан қора рўмолга ўралган тугунчак чиқариб, кўрпачага ташлади. Мастава ичаётган йигитлар унга қараб қолишди.

— Э! — деб қўйди майкачан киши ҳамон илжайиб. — Шунақа бўлувдими?

— Шунақа бўлувди,— деди Уринбой ғижиниб.

Унинг-олдига бир коса мастава суриб қўйишди. Рўпарасида ўтирган холдор йигит пиёлага ароқ тўлдириб узатди. Уринбой нндамай симириб, бир паррак шўр бодринг тишлади.

— Шу пулни жудаям олгим келмаяпти-да,— деди майкачан киши яғринини кўтариб. — Менга қаранг, бир нш қилсак-чи: яна бир кўрмайсизми? Толе-да, “Ол, қулим!” деб юборса, тамом-вассалом. Ҳеч нарса кўрмагандек бўласиз-қўясиз. А?

— Ҳаммасигами? — деб сўради холдор йигит.

— Бўлмаса-чи! А!

Уринбой бу гапни бемаъни ҳазил деб билган бўлса-да, зада юрагига титроқ тушди.

“Йўқ, йўқ, йўқ! Худо сақласин!”

...Қасос, лаззатли қасос туйғуси унинг юрак-бағрини ўртаб борарди.

Қани энди, ҳозир, шу лаҳза, шу дақиқа қўлида даста-даста пул бўлсаю тўғри акасининг уйига бостириб борса, қўйнидан даста-даста пул олиб олдига ташласа, бўзрайган юзига даста-даста пул билан бир тушириб: “Пул топилади!” деса-ю жисми жаҳонини ёндираётган аланган оташдан қутулса!

Қасос, лаззатли қасос!...

Бирдан у ўзини идора қилолмай қолди: қўллари бўйсунмай олға чўзилди, қайноқ қон вижир-вижир тўлқин уриб, томирлари бўйлаб югура кетди.

Ошиқни кафтига олиб маҳкам чангаллади, нафасини ичига ютиб, кўзларини чирт юмди:

— Ё, Жамшид!

1981

## БИР ОҚШОМ ЭРТАГИ

Уни қишлоқда ҳамма танийди-ю, исмини ҳеч ким билмайди. Ҳамма уни “Қори”, “Қори ака”, деб чақи-ради, орқаваротдан эса “Кўр Қори”, деб атайдилар. Кўча-кўйда тупроққа қоришиб юрадиган иштончан гў-даклар унинг ортидан: “Қорака, Қорака, бугун кино қанақа?” дея чувиллашиб қочадилар-да, сал нари бор-гач: “Елпесе”ни айтиб беринг!” деб бақиршади.

У бундан хафа бўлмайди. Қачонлардир ота-онаси бешик устида умид билан қўйган асл номини ўзи ҳам унутиб юборгандек, кулиб қўя қолади. Хуллас, паст бўйли, озгин елкалари туртиб чиққан, юзи ирғай ҳас-сасидек чўтир бу киши барчага баробар беозор эрмак — “Қори ака”, вассалом.

Кўз ўрнида — туксиз қошлар тагида йилтирайдиган иккита кўкимтир соққа; эгнида — қишин-ёзин қора тринкадан камзул-шим, оёғида — укаси бир замонда ҳарбийдан кийиб қайтган қўпол ботинка; лабида — ...қўшиқ!

Қори ашула айтишни яхши кўради. Яхши кўради-ю, яхши айтмайди. Яхши айтса, яхши кўрмасди-да. У пана-панада ўзича хиргойи қилиб юрадиганлардан эмас — тўйларда расмана ўртага чиқиб, гоҳ тақсимча, гоҳ чил-дирма чертиб ашула тортади.

Унинг ҳовлиси қишлоқнинг дала йўли бошланадиган нариги четида. Яқин-атрофда бу икки хона, олди пеш-айвонли уйдан бошқа бирорта иморат йўқ. Уйи “туп-канинг тагида”лиги сабабли Қори акани ҳеч ким тўй-маъракага айтмайди. Лекин кечқурун неча жойда тўй бўлса, барчасида унинг ҳозир у нозирлигини ҳамма билади.

Бугун ҳам шундай бўлди.

Ноғора тараклайди. Сурнай нола қилади. Йигит-яланг ўртадаги гажакдор жувоннинг муқомига маҳлиё. Кўзлар сархуш, қулоқлар батанг.

Бу шовқин-суронни фақат Қоригина эшитмайди. Тахта курсининг бир четида, пиёладаги совиб қолган чойга тикилган кўйи жимгина ўтирибди. Вужуди ўзига хўп таниш бўлиб кетган ўша бир оғиз гапга маҳтал:

“Энди навбат — маҳаллий хушовоз хонандаларимиз-дан Қори акага!”

Аммо ҳали унганча узоқ — еру кўкни бузиб сурон солаётган карнай-сурнай тина қоладиганга ўхшамайди.

Қори нурсиз кўзлари билан тўрдаги чорпояларга

синчиклаб разм солди. Ишқилиб, қари-қартанглар кетиб қолмасин-да!

У буни кўп синаган: чоллардан бирортаси даврани бошқараётган жингалаксоч, маҳмадона йигитни чеккага имлаб, қулоғига нимадир деб шивирлайди. Йигит ўнг кафтини кўксига босиб илжаяди, бориб микрофонни оларкан, яна оғзининг таноби қочади:

— “Энди навбат — маҳаллий хушовоз хонандаларимиздан...”

Сўнг Қори пайпасланиб ўртага чиқади. Авваллари бу гапни эшитганида уялар, гаши келар эди, ахийри кўникиб кетди.

Совиб қолган чилдирмани дарҳол қўлига тутқазадилар. Бир томоқ қириб, кулимсирашга уринади-да, кейин...

Кейин нима қилишни Қори яхши билади: қий-чувларга, чор атрофдан ёғилаётган қочириғу луқмаларга кар бўлиш керак, тамом-вассалом! Даврада қари-қартанг кўпроқ бўлса — айни муддао: ортиқча гап-сўз кўтарилмайди. Тўрттала ашуласини айтади: пешонасининг терини артиб, секин жойига ўтиради — тамом-вассалом!

Лекин ҳали унгача узоқ, кутиш керак. Тўй ҳам қиёмат бўляпти-да: Мажид буғалтир ўғлини уйлантиряпти-я!

Қори осмонга қараб хомуза тортди. “Ёмғир ёғмасмикан?” — деб ўйлади.

Унинг тайин бир касби йўқ. Ёшлигида, кўзи дардга чалинмасдан илгари колхоз боғида ишлаб юрарди. Кўзи хиралашиб қолгач, пенсияга чиқаришди. Ушанда қишлоқ шўросининг раиси, раҳматли Умар меш бир кун уни идорасига чақириб: “Қори, пенсадаман, деб узун кекириб ётаверманг, милтиқнинг ўқидек овозингиз бор экан, юртнинг хизматини қилиб тулинг, кам бўлмайсиз”, деб тайинлади. Шу-шу, Қори “маҳаллий хушовоз хонанда” бўлиб қолди...

Сурнай узун нолиш қилиб тинди. Олағовур кучайди. Қори сергакланиб тиззалари орасидаги ирғай ҳассасини ўнг қўлига олди. Жингалаксоч йигит илжайиб ўртага чиқди.

— Раҳма-ат, саломат бўлинглар!—дея хитоб қилди у машшоқларга. — Азиз меҳмонлар! Бугун Сотимбой билан Дилафрўзхоннинг бахт тўйига шаҳардан севикли хонандамиз Собитхон акам ўз дўстлари билан ташриф буюрганлар. Ҳозир Собитхон акам бу икки ёшга бахт

тилаб, дил сўзларини қўшиқ орқали ифодаламақчилар. Марҳамат, Собитхон ака!

Қори билинар-билимас хўрсиниб, ҳассасини ёнига суяб қўйди. Навбат энди шаҳарлик меҳмонларга келган бўлса... Ҳали Обиджон бор, ундан кейин Фотиҳ, кейин Кабирқул, ундан кейин...

— Тинглам, дўстлар: Собитхон акам қўшиқ айтади, қалб қўрини қўшиб айтади!

Қори бош чайқади. Бу бола бунча сўзамолликни қаердан ўрганган экан-а? Ҳаммани оғзига қаратиб ўтирадиган бунақа чиройли гапларни қаердан оларкин? Тўйда отарчилар-ку бўлгувчи эди, энди даврани бошқарадиган “очарчилар” ҳам чиққан. Илгарилари бунақа эмас эди...

Илгарилари... Унинг кўнгли сув ичгандек бирдан ёришиб кетди. Илгари бутун бошли қишлоқда Қорининг ўзи ягона хонанда эди. Бирорта тўй, бирорта базм усиз ўтмасди. Кейин эса... Кейин оёқ тагидан мана шу зумрашлар чиқиб...

Лекин бугун Қори уларни боплайди. У ўзича сирли илжайиб қўйди. Ҳа-ҳа, барчасини боплайди! Ишқилиб, чоллар кетиб қолмаса бўлгани.

У пиёладаги совиб қолган чойдан ҳўплаб, ашулага қулоқ солди:

— “Ой юзингга тўймай-ма-ан...”

“Қизиқ, — деб ўйлаб кетди Қори, — бу, ашулани ёзадиган одамлар ашулага хотинини ёзармикан? Мана, ўзим ҳам доим “Жамолнинг васфини эй, ой...” деб айтаман. Ахир, бу осмондаги ой эмас-ку! Хотиним... хотиним эмасдир, ҳар ҳолда?”

У кўзларини юмди. Кўз ўнгига кимлиги номаълум “ой жамол” эмас, қоп-қора бўшлиқ келди.

“Пулни ҳам қириб оляпти. Эҳ!..”

Қори ўйлаб кетди: навбати келганда, индамай ўртага чиқади-да, “Яратибди”дан бошлайди. Кейин, йўқ, яхшиси... “Яратибди”дан бошласа, ғала-ғовурда биров билармикан? Ёки...

Қори безовта эди. Бироқ қуюқ-сууюқ овқат тортилиб, “миллий ноғора базм” ва “хушовоз хонандалар” бир неча қур давра айлангунча сабр-тоқат билан кутиб ўтирди.

Сўриларда одам сийраклашиб қолган. Боягина игна ташласа ерга тушмайдиган қаторлар энди тишсиз оғиздек кўзга хунук кўринади. Ниҳоят, “очарчи” ўртага чиқиб илжайди:

— Энди навбат — маҳаллий хушовоз хонандаларимиздан Қори акага!

Уч-тўртта чол ўтирган тўрдаги чорпоя томондан: “Э, Қори, қаердасиз?” “Ҳа, бўлақолинг, чаққонгина!” деган хитоблар янгради.

Қори каловланиб ўридан тураркан, негадир тиззаси қалтирагандек бўлди. “Оёғим увишиб қолибди-да”, деб ўйлади.

У нимадан бошлаш ҳақида ҳали муқим бир қарорга келмаган эди — жингалаксоч йигит қўлига чилдирмани тутқазиб ишшайди:

— Мана, Қори ака, ишқилиб ўзингизга инсоф берсин, жудаям музлатворманг! Бир жуфтгина бўлса бас!

Қори беписанд илжайди. Сўнг чилдирмани одатдагидек так-так чертиб, хирқироқ овоз билан бошлади:

— *Ишқингда мани волаю ҳайрон яратибдур...*

Бир дам тинчиган тўйхона яна олағовурга кўмилди. Қори ҳарчанд эътибор бермасликка тиришса-да, тўрт томондан ташланаётган луқмалар қулоғига чалинар эди:

— Яшанг, Қори ака, сиздан бошқа ҳеч ким ўлмасин!

— Оғзини қара, оғзини! Худди колхознинг боғига ўхшайди, ваҳ-ҳа-ҳа!

Пойгак томондаги бурчакда ўтирган қўқон дўппили озғин ўспирин афти буришганча кимгадир жаҳл қилиб баланд овоз билан қичқирди:

— Э, жўнатвор, тўртта қатламасини бериб!

Кенжа деган қоп-қора, бақалоқ йигит Қорининг чаккасига пул қистираркан, оғзидан ароқ ҳидини гупиллатиб:

— Ҳали ҳам даққионусдан қолган ўша пластинками, Қори ака! — деб кулди.

Қори ашулани шартта тўхтатиб: “Ука, мана, ҳозир кўрасиз!” — деб юбораёзди.

У “Яратибди”ни тезроқ тугатиш учун ҳеч қаёққа қарамай шоша-пиша айтаётган эди, тўсатдан дароз бўйли, эгнидаги кўк нейлон кўйлагининг этаги шимидан чиқиб кетган йигит гандираклаб ўртага тушди. Мингинчи лампочка тагида тўхтаб, чўнтагини кавлаштира бошлади, кўзини қисганча бир даста пулни ёруққа солиб кўрди. Иккита беш сўмликни ажратди-да, куракдек кафтида гижимлаб, Қорига яқинлашди.

— *Тарсобачани ғорати имон яратибдур...*

Йигит Қорининг енгидан тортди:

— Хўв, манга қаранг! Бу, ҳаде-еб, нима бало деб чулдираяпсиз? А? Чулчутмисиз ё?

Қори енгини унинг чангалидан чиқаришга уриниб, илжайди:

— Ука, бу Машрабнинг ашуласи...

— Бошши қотирманг! Ашрап-Машрапингиз билан ишим йўқ. Давай, бир “Лаълихон”ни тортинг, ҳа, қани, шу ойимча бир йўргаласин!.. Дў-ст, қаддингдан!..

Қори уни ҳазиллашяпти, деб гумон қилиб кулди.

— Нимага иршаяпсиз? А? Хўв, сиздан сўраяпман, нега иршайдингиз? Е очиб қўйибдими?

Атрофда кулги, қийқириқ:

— Ха, Соли паранг, чўтал ундирмагунча қўймайсан!

— Шуни “Елпесе”га ўйнатсангиз-чи, Қори ака!

Қори атрофга жавдираб қаради. Жингалаксоч йигит сўрининг олдида гажакдор жувон билан гап сотиб турар, чоллар ўтирган чорпоя бўшаб қолган эди.

— Қани, айтмайсизми? Мана пул, мана, кўряпсизми? “Лаълихон”ни битта айтасиз — ҳаммаси сизники. К-келишдикми? ..Хўв, кўзидан акаси, қани, буёққа қаранг!.. Э, Қори, ҳалиям қаққайиб турибсизми?

— Уни билмайман, ука. Мен бошқа нарса айтиб берақолай? Яқинда ўрганувдим.

— Бошқа нарса? Нима у? А? “Елпесе”ми?

— Мана, ҳозир...

— Шош... шошманг, олдин отини айтинг. Оти қандақа?

— “Кўча боғи, биринчи”..

— Нима-а? Вей, сиз мени маст деб, а? Биз сизга масхара бўп қолдикми? Ман масми?! — у кўксига муштлади. — Айтинг, мастми?

— Йўқ, ука, сизни маст дедимми?

— Бўлмаса, нега... ҳиқ уйингизнинг номерини айтиб бошимни қотирасиз? А? Хўв, манга қаранг...

Оломон сийраклашиб қолган, гур-гур кулги... Қорининг томоғига нўхатдек бир нарса тиқилди. Атрофга жавдиради. Жингалаксоч йигит уларнинг ёнига яқинлашди:

— Э, нима жанжал? Ҳа, Қори ака, бўлдими?

— Йўқ, Қори ҳозир “Лаълихон”ни айтади, нарироқ тур! Чақир анави опангни!

— Ҳа, Қори ака, айтсангиз айта қолинг, шу Соли паранг ҳам бир хурсанд бўлсин! — деди йигит кулимсираб.

— Билмайман-да, ука.

Соли паранг гандираклаб, унинг енгидан ушлади:  
— Нега билмайсиз? А? Бизга келганда билмас бўп қолдингизми? Йўқ! Ё бизнинг пулимиз ҳаромми? Йў-ўқ, айтасиз! Айттираман!

— Улма, Соли паранг!

— Э, бўлди-да, ўртани ҳам совутиб юбординглар!

— Ноғора базм бўлсин!

Жингалаксоч йигит ўртага тушиб келаётган иккита норғул йигитчага кўз қисиб қўйди-да, микрофонни қўлига олди:

— Яна навбат — ноғора базмга! Марҳамат, Усмон ака!

Йигитлар кула-кула Соли парангни судраб олиб чиқиб кетишди. У эса яккаш оғзидан тупук сочиб бақира-рар эди.

Сурнай янгради. Гажакдор жувон муқом билан даврага тушди. Келишган, атлас кўйлак чиппа ёпишган қомат ширакайф кўзлар ўнгида тагин жилва қила бошлади.

Жингалаксоч йигит Қорини етаклаб жойига ўтқазди. “Чўталдан олинг энди”, деб кулди-да, нари кетди.

Қори муздек клёнкага тирсагини қўйиб ўтирар, бадани мисдек қизиб борар эди. Тўсатдан умрида қилмаган ишини қилди — стол устидаги ароқ шишасини очди. Пиёладаги совиб қолган чойни сешиб ташлади-да, тўкиб-сочиб ароқ қуйди, ёнида ўтирган йигитларни лол қолдириб, симириб юборди. Аччиқ суюқлик ичини ўт каби сидириб кетди.

Бир вақт кўзларини қисганча осмонга қаради. Етти қароқчи шундоқ тепасида милт-милт қилади. Осмон унга белангандек оппоқ...

У ҳассасини олди-да, шартта ўртага чиқди. Давра гувиллар эди. Довдираб қолган хушмўйлов доирачи индамай чилдирмасини узатди.

— Чақир... боягини...—деб илжайди Қори ва ичкари уйда беҳузур ётган Соли парангнинг чиқишини кутмасдан ашулани бошлаб юборди:

— *Дарянинг бетинде-е  
Бир кавун еде-е-м...*

Хирқироқ товуши фавқулудда шанғиллар, бироқ ўзи эшитмас эди. Давра ҳамон гувилларди. Бирдан чилдирмани ерга урди-да, титроқ лабларини маҳкам тишлаганча гандираклаб тўйхонадан чиқиб кетди.

Остона ҳатлаб кўчага қадам қўяркан, кўксига муз-

дек сой шамоли урилди. Зум ўтмай шамол миясида  
гувиллай бошлади: “Биров — худонинг бандаси, биров —  
банданинг бандиси...”

Дала йўлига тушиб олгач, пастак бир дўннга ўтириб  
нафас ростлади. Ғира-шира қоронғиликда қишлоқ гум-  
гурдек қорайиб кўзга чалинарди. Осмон бала-а-анд  
эди. Бирдан кайфи чоғ бўлиб кетди. Ирғай ҳассасини  
чертиб, аста хиргойи қилди:

*Эй сарвиноз гулшани, сарви малоҳатингни...*

Кейин хилват боғкўчалар оралаб уйига жўнади.

1979

Биринчи куни Афзал кўчага чўнтагини тўлдириб чиққан экан, сой бўйида ўйнаб юришганида оғзига тикилиб турган Матлабга бир дона қурут берди.

Афзал Матлабга ёқиб қолди.

Кечқурун онасидан: “Афзал-чи, менга қурут берди, ўртоқ бўлсам майлими?” — деб сўради. Онаси: “Яхши бола экан, майли, ўртоқ бўлгин”, деди.

Иккинчи куни кўчадан чап-тўзонга ботиб келди-да, дадасига: “Дада, ўртоғим-чи, мени хўтигига миндирди”, деб мақтанди. Дадаси “Ким у ўртоғинг?” деб сўраган эди, у: “Ўртоғимни билмайсизми, Афзал-да!” — деди ва дадасининг шундоқ яхши болани танимаслигидан беҳад ажабланди.

Учинчи куни Афзал танаффус пайти унга иккита “қурбақа перо” берди. Уз-ўзига. Бутунлай.

Тўртинчи куни алгебрадан комиссия ёзма иш олганида, Афзал олдин ўзининг, сўнггра Матлабнинг вариантыни ишлаб, парта остидан аста узатиб юборди. У билинтирмай кўчириб олди ва Афзални яна ҳам яхши кўрди.

Бешинчи куни дарсдан қайтаётганида 7-“Б”даги Қосим лайлак орқасидан келиб, оёғидан чалиб юборди. У асфальт йўлга юзтубан учиб кетди. Афзал абжирлик билан суяб қолди, сўнг бўйи ўзига иккита келадиган Қосим лайлакдан тап тортмай, папкаси билан афт-башарасига қараб солди — бошлаб Матлабнинг ўчини олди.

Олтинчи куни Матлаб хотира дафтарига шундай деб ёзди: “Афзал менинг жонажон дўстим, кеча М.га ёзган хатимни олиб бориб берди...”

Еттинчи куни Афзал Матлабнинг уйига келди, қора хуфтонга қадар томсувоққа биргалашди. Кечқурун ош еб ўтиришганида Матлабнинг онаси уларни “қиёматли дўст бўлинглар”, деб дуо қилди.

Саккизинчи куни дарсга шошиб келишаркан, осма кўприкдан йиқилиб Матлабнинг оёғи синди. Афзал уни опичлаб касалхонага олиб борди.

Тўққизинчи куни Матлабнинг дадаси шундай деди: “Майли, модомики Афзал илтимос қилиб келибдими, институтга борганинг бўлсин”.

Унинчи куни Матлаб улкан шаҳарда на ижара, на ётоқ тополмай саргардон юрганида Афзал уни ёруе

ва иссиқ хонасига — кампир аянинг уйига олиб бориб жойлаштирди.

Ун биринчи куни кечаси Афзал унинг ақли етмаган курс ишини бажаришга киришди. Тугатиб, бундоқ ёнига қараса, дўсти аллақачон ухлаб қолибди. У кулимсираб, Матлабнинг устига кўрна ёпди.

Ун иккинчи куни Афзал Москвадан — аспирантуранинг битирув имтиҳонларидан бир ҳафтага рухсат олиб келиб, Матлабнинг тўйида куёвжўралик қилди.

Ун иккинчи куни Матлаб Афзалнинг уйига бориб, бир бошпана олмоқчи эканини айтди ва икки минг сўм қарз сўради. Афзал берган тўрт минг сўмни олиб қайтаркан: “Ховли олсам, ҳали мебель ҳам керак бўлар. Афзалнинг таниши бормикан?” — деб ўйлади.

Бир юзу ўн биринчи куни Матлабни бўлим мудирлигига тайинлашди. Ичи қора, ҳасадгўй ганимлар: “Афзал деган амалдор оғайиниси сим қоққан эмиш”, деб гап тарқатишди.

Икки юзу ўттиз еттинчи куни тонг саҳарда Деҳлида хизматда турган Афзални телефонга чақириб қолишди. Матлаб! Қизи қаттиқ оғриб қолибди, кўҳна ҳинд табобати биладиган ноёб бир доригина эм бўлиши мумкин экан. Афзал дўппа-тўғри элчининг ҳузурига кирди, эртасига ўша ноёб дори дипломатик алоқа каналлари орқали бетўхтов Тошкентга жўнатилди.

Икки юзу етмиш тўққизинчи куни Афзал Матлабнинг аризасига қўл қўяркан: “Машина муборак энди”, деди ва шу заҳоти: “Мана, устимиздан яна битта анонимка тушадиган бўлди”, деб кулимсиради.

Икки юзу саксон саккизинчи куни Матлаб дардини айтиб борганида, Афзал уни қаттиқ койиди, сўнг тўғри М.нинг уйига бошлаб борди. “Қариганда бу нима қилиқ?!” деб, ўзича бир умрга юзкўрмас бўлиб олган эрхотинни яраштириб қўйди.

Уч юзу йигирма иккинчи куни Афзал ректорга қўнғироқ қилиб, “меҳнат зарбдори Матлаб Мансуровнинг ўғли қабул қилинмаса, жудаям уят иш бўлиши”ни айтди.

Уч юзу эллик тўртинчи куни бир газета редактори

Афзалнинг ҳузурда тик туриб ахборот берди: “Матлаб Мансуровичнинг устидан тушган хат билан шахсан ўзим шуғулланаман. Хотирингиз жам бўлсин, у кишини хижолатга соладиган иш бўлишига йўл қўймаймиз”.

Уч юзу олтмиш тўртинчи куни Афзал телефонда кимгадир шундай деб илтимос қилди: “Энди, биродар, бу Матлабнинг эмас, менинг қизим, тушундингизми? Фараз қилингики, мен ўзимнинг қизиму ўзимнинг куёвим учун сўраяпман. Ҳа, Яманга. Қани, олдин икки йилга боришаверсин-чи. Раҳмат, умрингиздан барака топинг”.

Уч юзу олтмиш бешинчи куни...

Афзал ўзига умидвор термилиб турган Матлабга қараб: “Иложи йўқ, қўлимдан келмайди”, деди ва креслога ҳорғин чўкиб, хўрсинди.

Афзалнинг сўзи ҳам, ўзи ҳам Матлабга ёқмади.

Биринчи куни дунё кўзига қоронғи, ўзини қўярга жой тополмай юрди, икки кўзи телефонда бўлди: албатта Афзал телефон қилар, узр сўраб, хушxabар айтар...

Иккинчи куни соқов бўлиб олган телефонга тикилатикила, умидини узди.

Учинчи куни алами дилидан тилига қараб ўрмалади.

Тўртинчи куни Афзал ҳақида: “Кимлиги ўзи бошидан маълум эди-ку! Шу нокасга ялиниб борган асли мен аҳмоқ”, деб ўйлади.

Бешинчи куни шу фикрни хотинига айтди. Хотини “Йўғ-э”, деган эди, кечқурун овқатни шўр қилибсан, деб роса урди.

Олтинчи куни чойхонада чой ичиб ўтираркан: “Ҳа, энди, дўстимиз яхши одам-у, шу пайтгача инсон бола-сига яхшилиқ қилган эмас”, деди. Чойхўрлар унга ялт этиб қарашди. Бунга сари унинг ғазоби янада ошди.

Еттинчи куни чойхонада шу гапни тағин такрорлаганида, чойхўрларнинг айримлари маъқуллаб бош ирғаб қўйди. У эса худди кўксига муздек шамол теккандек енгил тортди.

Саккизинчи куни бир маъракада Афзалнинг таърифи бўлганида, у товуш чиқармай кулди. Маърака аҳли бунга сезиб бир-бирига маънодор қаради.

Тўққизинчи куни дам олиш уйида бир гуруҳ одам телевизордан одоб-ахлоқ мавзуида маъруза қилаётган Афзалнинг сўзларини тинглаётганида, Матлаб чуқур сўлиш олди-да: “Қани эди, шу гапларга аввало ўзимиз амал қилсак”, деди, сўнг даврадагиларга шундай изоҳ

бердики, бир нуроний мўйсафид: “Э, бети қурсин бу имонсизнинг!” деб телевизорни ўчиртириб қўйди.

Унингчи куни Матлаб тўй қилди, Афзални айтмади ва суриштирган ёру биродарларига: “Ҳа, у киши... айтган эдик, бизни назарлари илмаган бўлса керак”, деб жавоб қилди.

Бир юзу тўқсон тўққизинчи куни у қадрдон бир дўстининг таъзиясида мотам тутиб ўтираркан: “Дунё дунё бўлиб Афзалдайини худбинни кўрмаган бўлса керак. Мана шу биродаримизни ҳам Афзал ўлдириб юборди”, деди, ўртаниб ух тортди.

Икки юзу олтинчи куни Афзал ҳақидаги фикрларига бир кимса эътироз билдирган эди, Матлаб ундан қаттиқ ранжиди ва эртаси кундан унинг исмини ҳам Афзалнинг номи билан “хутба”га қўшиб ўқий бошлади.

Икки юзу тўқсон иккинчи куни у қизини кўргани борди, куёви қўярда-қўймай кабинетига олиб кирди. Яман манзаралари акс этган суратлар орасида Афзалнинг ҳам портрети деворда осиглиқ турарди, у беҳад аччиқланди, “ювуқсиз”нинг башарасига қарашдан орқилиб, онга ҳам ўтирмай уйига жўнади.

Уч юзу учинчи куни Афзалнинг юбилеи бўлди, газета-журналларда қутловлар чиқди, у юксак мукофот билан тақдирланди. Афзал хотини билан бирга келиб махсус айтиб кетганига қарамай, Матлаб юбилей кечасига бормади — борадиган оёқларини чошиб ташлашга ҳам тайёр эди. Эшикни ичидан қулфлаб, ҳамма чироқларни ўчириб, гўё отаси қайтадан ўлгандек мотам тутди.

Уч юзу эллик тўртинчи куни Матлабнинг сабр косаси тўлиб-тошиб кетди, қўли беихтиёр қаламга югурди: Афзалдек учига чиққан ўғри, муттаҳам, порахўр бир кимсанинг номзодини сайловга қўйиш меҳнаткаш халққа нисбатан бориб турган ҳақорат эканини меҳнаткаш халқ номидан... ёзиб юборди! Афзалнинг қанчалар манфаатпараст, ошанапарастлигини исботлаш учун жаҳл устида ўзини ҳам аямади: Афзал унга қачон нима берган, қандай ёрдам қилган — барини ёзди!

Энди Матлабнинг бутун умиди эртадан — уч юзу олтимиш бешинчи кундан.

## БАДАНТАРБИЯ

Имомназаровга дўхтир очиқ айтди:

— Яна беш-ўн йил яшай десангиз, югуринг, бадантарбия қилинг. Юрагингизни ёғ босган...

Имомназаров қайғуга ботди. Юрагини ёғ босганини ўйлаб эмас, югуриш, бадантарбия ташвишини ўйлаб... Уф, қачон югурадию қаерда?

Лекин, начора, жон ширин, эртасига тонг қоронғи-сида бадантарбия либосини кийиб, кўчага чиқди. Уфқ энди ёришиб келмоқда, маҳалла жимжит. Имомназаров енгил нафас олиб, қўлини тепага кўтарди, эгилиб-букилиб турди, қорни тиззасига тегиб, жиндак машақат туғдирса-да, ҳафсала билан машгулотни давом эттирмоқчи бўлди. Шу тобда...

Жуда кўп классик вазиятларда бўлганидек, шу тобда лип этиб рўпарадаги дарвозадан кўшни аёл чиқиб қолди. Аёл дўконга, сутга шошилаётган бўлса керак, қўлида бидони, унга қарамай зипиллаб ўтиб кетди. Имомназаров уни кўрган заҳоти жойида тош қотиб улгурган эди, аёл кўздан ғойиб бўлгач, бирдан эси жойига келиб, симёғоч панасига ўзини тортди. Беш-ўн лаҳза шу алфозда тургач, аста атрофга аланглади: ҳеч ким йўқ. Имомназаров секингина симёғоч ортидан чиқди, кўкрагига нафас тўлдириб, югуришга чоғланди. Уч қадам қўйган ё қўймаган ҳам эдики, муюлишда дўппию чопон кийган уйқусираган йигирма чоғли одам пайдо бўлди. Имомназаров шартта тўхтаб, йўл четига чиқди, қўли ўз-ўзидан кўкси устида қотди, лабларида бемаъни, мулзам бир табассум кўриниш бергандек бўлди. Тўданинг олдида келаётган нариги кўчалик Барот ака унга синовчан бир назар солиб, сўз қотди:

— Имомназарип ака, Тўйчивойники тўй-а, бугун, ошга кетяпмиз, қани юрсинлар!

— Хўп, — деди Имомназаров туришини ўзгартирмай, — хўп.

— Кутиб турайликми? — деб таҳдид билан сўради Барот ака.

— Ҳозир етиб оламан, — деб ялинди Имомназаров, — ҳозир...

— Ҳа, шундоқ бўлсин.

Имомназаров тўда кўздан йўқолгунича тишини тишига қўйиб кутиб турди-да, яшаш иштиёқида югурмоқчи бўлди. Ун беш қадамлар лўкиллаб борган эдики, ён кўчадан бошлашиб иккита отахон чиқиб қолди. Улар-

нинг бири мошранг дупписига бир шингил райҳон қис-  
тирган, иккинчисининг қўлида иккита нон, оҳиста гу-  
рунглашиб борар эди. Имомназаров уларни кўриб таққа  
тўхтади. Чоллардан бири ортига ўгирилиб, унга кўзи  
тушди:

— Э, ҳай, дәмла? — деди ажабланиб. — Қаллаи  
саҳарлаб баҳай?

— Шундоқ, — деди Имомназаров яна бояги табас-  
сумини бетига тақиб, — жиндак ҳаво олиб...

Чолларнинг иккови ҳам энди Имомназаровнинг  
уст-бошига кўз югуртириб, бош чайқаб қўйишди. Бу  
қарашдан Имомназаров хийла нам тортди.

— Қани, мулла Эрназар, — деди нон кўтарган оқ-  
соқол, — чойхонага юринг биз билан. Бир пиёла чой  
дегандек...

— Раҳмат, — деди Имомназаров, — раҳмат.

— Мундоқ чойхона-пойхоналарга чиқиб туринг,  
ака, — деди иккинчи отахон ҳам насиҳатомуз, — зе-  
рикмайсиз.

— Хўп бўлади, — деди Имомназаров.

У энди ортига — ўзининг уйига қараб югуришга  
қарор қилди. Энди саккиз қадам юрган ҳам эдики,  
қўшнисининг бир ҳафталик келини кўчага сув сепаёт-  
ганини кўриб, қаёққа қочарини билмай тўхтади. “Бу  
одам жинни бўлган экан, деб ўйламайдими?” Шартта  
қаршисидаги дарвозага ўзини урди. Йўлакка кириб  
бориши билан айвондан тушиб келаётган қўшниси  
Тўхтасин акага кўзи тушди.

— Э, келинг, келинг, Эрназар ака, — деди у пешвоз  
юриб.

Имомназаровнинг боши қотди: бунга нима дейди?

— Яхшямисиз, — деди апил-тапил, — шу ...теле-  
фонингиз ишляяптими?

— Ишляяпти. Телефон қилмоқчимидингиз? Марҳа-  
мат.

— Йўқ, бизники ишламай қолди. Ўз-ўзидан. Шу...  
шунга билай деб... Хўп, раҳмат.

Тўхтасин ака унинг орқасидан таажжуб билан куза-  
тиб қолди.

Ҳартугул, қўшнининг келини уйга кириб кетибди.  
Имомназаровнинг туриб-туриб жаҳли чиққан, энди  
ҳеч кимга эътибор бермай ҳаёт учун курашишга қатъ-  
ий қарор қилган эди. Маҳалланинг этак томонига қа-  
раб чопди. Ўттиз метрча маза қилиб чопиб борди.

Толейга, бирор зот учрамади. Шундай роҳат қилдики...  
Лоп этиб рўпарасидан почтачи чиқиб қолмаганида...

У узоқдан Имомназаровни кўриб суяниб кетди...

— Э, Эрназар ака, Ельциннинг нутқини ўқидингизми?

— “Дод! — деб юборди ичида Имомназаров. — Дод, бадантарбия душманларининг дастидан!”

Нонушта қилиб бўлгач, Имомназаров ҳар қачонгидан барвақтроқ отлана бошлади. Ташқарига чиқиб, рулда газета ўқиб ўтирган шофёри билан омонлашдида, унга жавоб бериб юборди. “Бугун бир пиёда борай-чи”. Шофёр ҳайрон бўлиб жўнади.

Имомназаров шу тариқа ишга пиёда равона бўлди. Қарийб ўттиз йилдан буён бу одамнинг оёғи ер искаганини кўрмаган маҳалла аҳли бу жумбоқнинг тагига етолмай, унинг ортидан ҳайрат назари билан қолаверди.

Имомназаров катта йўлнинг четидан пиёда юриб, шаҳарни томоша қилиб, марказдаги ишхонасига етиб олди. Кечқурун яна шофёрни озод айлаб, инқиллаб-синқиллаб, лекин кимсага сир бермай яёв қайтди. Йўлда учраган танишлари унга ташвишланиб қарадилар, аммо Имомназаров бунга парво қилмади.

Ҳаёт учун кураш давом этарди!

Имомназаров эртаси куни бадантарбия қилмади, тонг қоронғисида нонушта қилиб, ишга пиёда жўнади.

Тушга яқин укаси ҳаяжонланиб телефон қилди:

— Ака, — деди товуши титраб, — тинчликми?

— Тинчлик, — деди Имомназаров, кайфи чоғ ҳолда.

— Ака, доим сизга айтардим-а, ўша Шокировнингизга ишонманг, деб! Сувиловнинг ўзи экаи-ку аблаҳ!

— Нима қилди? — деб сўради Имомназаров ҳайрон бўлиб.

— Ахир, тагингизга сув қуйибди-да?! Шошмай турсин, даъюс!

— Нима деяпсан? Қаёқдан олдинг бу гапни?

— Ҳамма айтаяпти-ку?

— Нега айтади?

— Ахир, икки кундан буён пиёда эмишсиз-ку?

— Хўп, нима бўпти?

— Гап тарқалиб кетди-да, ахир! — Укаси қизишиб қичқирди. — Сиз маҳкамми ахир?.. Э, одамни кўрқитмай... Нега бунақа қиласиз, ака. Ҳозир бировга сир

берадиган замонми? Бугуноқ мининг-э машинани! Уф, давленияларим ошиб кетди-я!

Имомназаров креслога ясланди, кайф қилиб кулди: “Оббо, кўкнори-ей!”

Тушдан кейин хотини ҳовлиқиб қўнғироқ қилди:

— Хўжайин, мен савдо марказидаман. Анов нарса-ни Турсунихўжага тушунтириб тайинлаганмидингиз?

— Ҳа, нима гап?

— Бермаяпти-ку?

— Нега бермас экан?

— Билмасам, мужмал қилади. Муомаласи ўлгур ҳам совуқроқ. Тинчликми ишқилиб, яхши ўтирибсизми?

— Ҳа, яхши ўтирмай-чи? Қани, у баччағарни чақир-чи телефонга?

— Йўқ, ишим бор, деб бир ёққа кетворди.

— Бўпти, кечқурун гаплашармиз.

Имомназаров яна креслога ясланди, лекин бу сафар боягидек наъша қилиб кулолмади — нимадир халақит берди.

Қадрдон дўстларидан иккитаси зарур юмуш билан сим қоқиши керак эди, кун кеч бўлди ҳамки, улардан дарак бўлмади. Охири, ўзи телефон мурватини бурашга мажбур бўлди. У томондан антиқа жавоблар келди: дўстларининг бири мажлис қилаётган экан, котибаси уэр айтди, иккинчиси эса гапни қисқа қилди: жуда шошиб турган экан.

Имомназаров бу ажабтовур муомалалардан дили ранжиб, оқшом чоғи яна пиёда уйига қайтди. Чойхона олдидан ўтаётганида у кунги чолларга кўзи тушди. Улардан бири ўрнидан туриб кулиб кўришди, қўярдақўймай сўрига бошлади, чанқагандирсиз, деб бир пиёла чой тутди ва унинг юзига ачиниш билан қаради.

— Хафа бўлманг, иним, — деди кейин бир маҳал, — амал, давлат — қўлнинг кири, келади-кетади. Ишқилиб, тан-жон омон бўлсин.

— Ҳа, албатта, — деб маъқуллади шериги, — зерикканда, мана, чойхонага чиқиб туринг, одамнинг тафтини одам олади.

Имомназаровнинг юраги баттар сиқилди. “Нима бало, булар тил бириктириб олганми?!” — деб ўйлади гижиниб.

— Аста судралиб уйи томон бораркан, одамларнинг ўзига бўлакча бир назар билан қараётганини сезди: биров ачинган, бировнинг юзида масхара...

Кўнглига ғулғула тушди. Кундузи у билан гаплашишдан ўзини олиб қочган дўстларининг онасини Учқўрғондан кўрсатиб сўкмоқчи бўлди. Жаҳл билан телефон олдига ўтириб, дастакни кўтариб қараса — жимжит, ўлик сукунат. Гўё телефони қабристонга улангандек на бир садо, на бир сас бор!

Имомназаров энди ростакамига қўрқиб кетди. “Балки, — деб ўйлади кўкрагини чангаллаб, — балки мен ишдан олингандирману буни ўзимдан бошқа ҳамма билса керак... Бўлмаса, нега телефон ишламайди? Хрущевни ҳам ишдан олишдан аввал телефонини узиб қўйган дейишарди...”

Кечаси алламаҳалда “Тез ёрдам” келиб, Имомназаровни касалхонага олиб кетди.

Эрталаб уни синчиклаб текширгач, дўхтир шундай деди:

— Очиғини айтсам, яна беш-ўн йил яшай десангиз, югуринг, бадантарбия қилинг. Юрагингизни ёғ босган...

Имомназаров инграб юборди.

1987

## БИР ҚАМАР СИМО

Кечқурун шом аралаш Лоҳурга кириб келдик.

Лоҳур!

Бобурийлар салтанатининг шавкатли пойтахти!

Меҳрибон ва марҳаматли Оллоҳ бизни шу табаррук масканга ҳам етказди, минг шукур!

Эртаси нонуштадан сўнг тўғри шаҳардаги тарих музейига бордик.

Ичкари кириб, бундаги ашё-анжомлар билан таниша бошлаган ҳам эдикки, кутилмаганда чироқ ўчди, мозийгоҳ қоронғиликка чулғанди. Шигиллаб ишлаб турган кондиционерлар тўхтади, нафас олиш оғирлашди. Намчил, бўғиқ ҳаво кишини лоҳас қила бошлади.

Музей хизматчиларидан бири келиб, электр токининг кечгача бўлмаслигини маълум қилди.

Омадимиз чопмаганидан ранжиб, ташқарига қайтиб чиқар эканмиз, ғира-шира залларнинг бирида девордаги сувратга қараб нимадир чизиб ўлтирган ёшгина, ниҳоятда сулув бир қизга дуч келдик.

Энди бу маҳлиқо шундай гўзал эдики, бамисоли мавлоно Фурқат айтганларидек:

*Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,  
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.*

Биз уни музей ходимаси гумон қилиб, чироқнинг қачон ёнишини, бобурийлар тарихи бўйича тушунтириш берадиган бирор кишини топиш мумкинлигини суриштирдик. Билсакки, у бу ерда ишламас экан. Исми Акифа Маннон бўлган бу соҳибжамол рассомлик коллежида ўқиркан. Ёши ўн саккизда.

Бизнинг меҳмонлигимизни сезиб, табассум қилди. Бир таниши тарихчи олим экан, кўп илмий китоблар ёзган, шу одам билан таништирмақчи бўлди.

У музейдаги деворий сувратдан нусха кўчириб, тасвирий санъатдан вазифа топшириши керак экан. Чироқ ўчиб қолгани боис унинг ҳам иши тўхтаган эди.

Биргалашиб ташқари чиқдик. Биз шаҳарда бобурийларга дахлдор яна қандай жойлар борлигини сўрадик. Акифа ўйланиб, Шоҳи Қалъага боринглар, деди. Сўнгра кулимсираб, агар хоҳласанглар, мен ҳамроҳлик қилай, деди. Бажонидил рози бўлиб, Шоҳи Қалъа — Шоҳлар қалъасига йўл олдик.

Лоҳурнинг ифтихори бўлмиш бу тарихий-меъморий ёдгорлик мажмуасига бизни Акифа бошлаб келди.

Шоҳи қалъа... Бобурийшоҳлар қалъаси. Қарийб уч гектар сахни эгаллаган бу ҳайратомуз мўъжизалар Бобур Мирзо сулоласи томонидан уч юз йил мобайнида мунтазам равишда қуриб борилган. Авлодларнинг диди, маҳорат, меҳнат ва заковатлари бир-бирини тўлдириб, шу муҳташам иморатлар вужудга келган.

Акифахоним бизга ўз шаҳри тарихидан, бинобарин, бобурийлар тарихидан завқу шавқ ила ажиб ҳикоятлар сўйлаб берди.

Қадимий қалъанинг илк дарвозаси буидан тўрт юз эллик йил муқаддам саодатли шоҳ Акбар томонидан қурдирилган. Қолган учта дарвоза кейинчалик Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб Оламгир ҳукмронлигида бунёд этилган. Йилнинг ўн икки ойида ўн икки тусда товланиб тургувчи Жавоҳир масжиди, Алифон кўприги, Ойнаи Жаҳон саройи, Девони хос, Девони ом, Оромгоҳ, Мумтоз Маҳалбегим кўшики, икки ошёнели Акбар қароргоҳи каби иморатлар беқиёс гўзаллиги, бетакрор жозибаси ила бир-бири билан ҳусн таллашиб туради.

Шоҳи қалъада Шоҳ Жаҳон номига нисбат берилгувчи иншоотлар айниқса кўп. Бобур Мирзонинг чевараси бўлмиш бу мумтоз зот тарихда донгдор ҳукмдор ва буюк ошиқ сифатида ном қолдирган. Биргина шу масканнинг ўзида унинг суюкли маҳбубаси — Мумтоз Маҳалбегим шарафига барпо қилдирган кўшк ва саройлари, меъморлик санъатининг юксак намуналари бўлган оромхоналар ўндан ортиқ. Улардаги ҳар бир тош, ҳар бир гишт, беқиёс зар сочиб турган ранглар жилваси Мумтоз Маҳалнинг нурафшон сиймоси, покиза қалби ҳақида, афсонавор ишқ қиссаси ҳақида ривоятлар сўйлаб туради.

Ям-яшил дарахтларга бурканиб ётган боғ тўридаги чоғроқ иморат менинг диққатимни тортди. Нақл қилишларича, Мумтоз Маҳалбегим юлдуз тўла осмонга термилиб ором олишни хуш кўрар экан. Ёмгир фасли ва намгарчилик кунларида зебо санамининг дилгир бўлмаслигини ўйлаб Шоҳ Жаҳон махсус хобхона қурдиради. Хобхонанинг деворларига ишланган нақшу нигорлар ўзи бир олам бўлса, унинг шифтидаги антиқа безакларнинг ўзи бир олам. Ложувард рангдаги шифтга турли хил қимматбаҳо тошлар, гавҳару ёқутлар шу

қадар маҳорат билан ўрнатилганки, хона ичида чироқ ёқилса, кўз ўнгингизда гўёки юлдуз тўла осмон жилва қилаётгандек бўлади.

Умуман, Шоҳи Қалъадаги аксарият иморатларда Мумтоз Маҳалнинг афсонавий муҳаббати ёрқин ифода топган. “Мумтоз ўлмаган, унинг руҳи мана шу фаввораларда, гулзорларда, анави кўшкларда яшаб турибди. Ахир, муҳаббат ўлмайди-ку, тўғрими?” — деди Акифа ўйчан оҳангда.

Шоҳи Қалъага тинимсиз одам оқиб келиб турибди. Кун иссиқ, тик оёқда юриб чарчаган эдик, сабзавор майсага ўлтириб пича ҳордиқ чиқардик. Кимдир муздек шарбат келтирди, бир пиёладан ичдик.

Бу ерда кино ёки фото тасвирга олиш таъқиқланган. Сувратга олиш учун қўшимча ҳақ — мўмайгина रुपия тўлаш лозим.

“Ажаб дунё, — деб ўйладим ўзимча таъсирланиб, — боболар қурган иморатни набиралар сувратга ололмаса...”

Ва шунда кўнглимдан армон аралаш андуҳли бир фикр ўтди: ким билсин, тарихнинг ҳукми сал ўзгачароқ битилганида — Бобур Мирзо туғилган юртидан бош олиб кетишга мажбур этилмаганида, бу нодир тарихий обидалар ватанимизда — Андижондами, Самарқанд ёки Тошкентдами қад ростлаб турган бўлмасмиди? Ёки Аградаги тенгсиз Тож Маҳал мақбараси Марғилон ёки Шаҳрисабзда бунёд этилиб, жаҳон аҳлининг ақлу ҳушини ром этган бўлармиди?

Афсуски, бу ҳақда энди фақат тахмин ва армон қилиш мумкин, холос.

Зиёратимиз тугаб, Акифа биз билан хўшлашди. Уйининг манзили, телефон рақамини бериб, оқшом меҳмондорчиликка таклиф қилди. Миннатдорлик ила таклифни қабул этиб, меҳмонхонага қайтдик.

Қўналгамизга келиб қарасак, ҳамроҳларимизнинг баъзилари бетоб бўлиб қолишибди. Салкам икки ой автомобилда жазирама ўлкалар бўйлаб босилган оғир ва машаққатли йўл, асабий ва жисмоний ҳорғинлик, бегона иқлим ўз таъсирини кўрсата бошлаган эди. Кимнинг ошқозони, кимнинг қорни, кимнингдир буйрак ва жигари оғриган. Билган маслаҳатимизу бор дори-дармонимиз билан бир-биримизни даволашга киришдик.

Шу тариқа беморларга андармон бўлиб, Акифа-хонимнинг таклифи буткул ёдимиздан кўтарилибди.

Эрталаб эндигина чой ичиб турган эдик, меҳмонхона хизматчиси кириб, ташқарида бизни машина кутаётганини маълум қилди. Чиқиб қарасак, баланд бўйли, қоп-қора бир йигит кулимсираб турибди.

Акифахоним бизга машина юбориб уйига чорлабди.

Беморлар меҳмонхонада қимирламай ётадиган, биз икки-уч киши музейга борадиган бўлдик.

Ташқарида мунтазир турган машинага чиқиб, Акифа Манноннинг хонадонига бордик. Ҳашаматли, озода ва ораста бир қасрки, таърифига сўз йўқ. Шинам, салқин бир хонада бизни қабул қилдилар. Акифанинг бувиси — зиёли, нуруний Ҳамида Маннон хоним, укалари Рафи ва Ҳадя Маннонлар билан танишдик. Хонадон соҳиби — Абдуллоҳ Маннон реклама-тижорат соҳасида ишлар экан, айти кунларда Америкага — у ерда таҳсил олаётган катта қизини кўргани кетибди. Акифанинг онаси — Жувайра хоним педиатрия профессори бўлиб, хизматда экан.

Акифа муздек ва лаззатли шарбатлар келтирди. Тўрдаги деворда генерал кийимидаги басавлат ҳарбий кишининг суврати осифлиқ турарди. Ҳамида хоним сувратга қараб изоҳ берди: бу одам унинг акаси бўлиб, собиқ бош вазир Зиё ул-Ҳақ даврида авиация фалокатида ҳалок бўлган.

Маннонлар оиласи асли кашмирлик экан. Бундан қирқ-ўттиз йиллар муқаддам бу шаҳарга келиб ўрнашганлар. Ҳамида хонимдан бу хабарни эшитгач, беихтиёр Акифага разм солдим. Ҳам гўзал, ҳам ҳаёли, ҳам маданиятли бу қизни илк бор кўрганимдаёқ мавлоно Фуркатнинг сатрлари бежиз ҳаёлимга келмаган экан...

Дейдиларки, жаҳонда энг ҳусндор аёллар Кашмирда бўлармиш. Ҳусни жамоли билан кишини афсун қилиб кўядиган пари пайкарларни шу боис “кашмири” деб атайдилар. Ҳатто Қодирий домла ҳам “Ўтган кунлар”да Кумуш таърифида шу сўзни ишлатади.

“Бобур Мирзо бизнинг юртимизга ислом нурини олиб келди. Оллохнинг марҳамати ва у подшоҳнинг саъй-ҳаракатлари билан биз мусулмон бўлдик. Бунинг учун Бобуршоҳдан бир умр миннатдормиз”, деди Ҳамида хоним.

Мен бу кекса муслима аёлга арзимас совға — палов дориворлари жойланган қутича тортиқ қилдим.

Акифа хоним кеча борганимиз тарих музейининг директори билан гаплашиб қўйган экан, шу ёққа жўнадик.

Музей ходими, тарихчи олим жаноб Хуршид бизга ҳамроҳлик қилди.

Дастлаб миниатюра расмлар зали билан танишдик. Бу бўлимда кўплаб турли мавзудаги, турли услубдаги сувратлар орасида Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзебнинг мўъжаз расмлари бор.

Бир миниатюрада Аврангзеб Оламгирнинг ов манзараси тасвир этилган. Тиниқ, ёрқин ранглар билан ишланган Шоҳ Жаҳоннинг ҳам портрети бор. Расмларнинг бирида машҳур Зебуннисобегим сиймоси ифода топган. Маҳзун шоира уч канизак қуршовида, эгичда қорамтир либос. Андуҳ билан қимтилган лаблари гўёки “Бу жаҳон бозорида ҳар бир нарсага харидор топилди, вале, афсуским, ёлғиз Зебуннисога харидор топилмади”, дея шивирлаб тургандек...

Сувратдан нигоҳини узмай турган Акифага аста назар ташладим. Ва ногоҳ Зебуннисобегим билан... Акифабегим сиймолари ўртасида аллақандай муштараклик мавжудлигини, улар бир-бирига ниҳоятда ўхшашлигини пайқадим!

Кашфиётимдан ўзим ҳайратга тушиб, гоҳ расмга, гоҳ рўпарамдаги бу тирик сувратга синчиклаб разм солдим. Наҳотки, кўз ўнгимда бобурий маликалардан бири турган бўлса?!

Музейда “Бобурий ҳукмдорларнинг аёллари” деган махсус бўлим ташкил қилинган экан. Фил тишидан ишланиб, гоят нафислик ила зийнат берилган бу мўъжаз расмларда Нуржаҳонбегим, Мумтоз Маҳалбегим, Гулбаданбегим, Бегим Соҳиба, Равшаноробегим, Жудан Бай, Зебуннисо сингари бобурийлар салтанати тарихида муайян из қолдирган аёлларнинг гўзал сиймолари тажассум топган.

Акифа Нуржаҳонбегимнинг сувратини кўрсатиб ажойиб нақл сўзлаб берди. Жаҳонгир Мирзонинг суюкли хотини бўлмиш Нуржаҳонбегим етим-есир хотин-қизларга доимо ҳомийлик қилар экан. Қаердаки ота-онасидан айрилган етим қиз бўлса, савоб йўлида шу қизни ўзи бош бўлиб куёвга узатар, ҳар бирига ўзига яраша сеп ҳам қилиб берар экан. У маликалик даврида беш юзта қизга ана шундай мурувват кўрсатиб, сепи билан узатган экан.

Подшоҳларнинг рафиқалари учун кўп ибратли мисол.

Кунимиз музей ва унинг қошидаги кутубхонада ўтди. Акифа ҳамма ишнини йиғиштириб қўйиб, бизга парвона бўлди.

Кутубхонадан чиққанимизда вақт шомга яқинлашган эди. Биз ҳам мамнун эдик, ҳам маҳзун. Қаршимизда асрлар қаъридан юксалиб келаётган Шоҳи Қалъа ажодларимиз шаън-шавкати ва шукуҳининг, миллатимиз ва инсоният маданиятининг тирик тимсоли янглиғ салобат ва виқор тўкиб турар эди. Ортимиздаги сокин, осойишта кутубхона бағрида эса жаҳонга сиймаган бобурий боболаримизнинг бемисл тарихи, гаройиб тақдирлари, уларнинг тафаккур хазиналари ва ноёб инсоний кечмиш-изтироблари минглаб саҳифалар аро сочилиб ётар эди...

Акифахоним бизни меҳмонхонамизга қадар кузатиб қўйди. Дарвоза олдида бу гўзал инсонга ташаккур изҳор қилиб, хайрлашдик. Хайрлашар эканмиз, мен кулимсираб мавлоно Фурқатнинг ўшал Байтини жиндак таҳрир билан ўқидим:

*Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Лоҳурда,  
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.*

Акифахоним байтни эшитиб, табассум қилди. Назаримда, у байтнинг мазмунини таржимасиз ҳам тушунган эди...

1993



«КҮНГУЛ ОЗОДАДУР...»

Қисса

Уша йили куз шундай тиниқ, шундай маънос келган эдики, беихтиёр одамнинг йиғлагиси келарди.

Кечалари шаҳарда хазон ёқиларди.

Ярим тунга қадар равонда ўлтирардим, ўпкам тутун ҳидига тўларди, димоғим ачишиб “Зарбулмасал” ўқирдим ва қор тушгунча оёғимга этик сотиб олишимгаю қонимга ташна қилган диссертацияни ёзиб тугатишимга негадир қаттиқ ишонар эдим. Гарчи бундоқ хомхаёллар билан шу равонда ўзимни алдаб неча кузу неча баҳорни бесамар ўтказиб юборган бўлсам-да, бари бир бу сафар ишончим комилдек туюларди.

Дейдиларки, илон-чаёнларни ўрганаётган одам, охир-оқибат шу газандаларга ҳам меҳр қўйиб қолар экан. Шунданмикан ёки ёш умримни бағишлаб ўлтирганим учунми, қай бир замонларда яшаб ўтган Муҳаммад Шариф Гулханий деган ринднафас бир одам ҳам энди менга отамдек азиз бўлиб қолган, узун, совуқ кечаларда уч хонали Ыўм-бўш уйда ёлғизлик нимадир — билмас эдим. Ой охирларида, шунча пайтдан буён “оғзига сўк солиб олган” телефон туйқусдан тилга кириб, уй бекаси Динора опа малол келтирмайгина ижара ҳақини эслатганида, ғойибга тикилганча пўписса қилиб қўярдим: “Хўш, мавлоно Гулханий, бека ижора истар, оқчадан чиқарсинлар! Кечаю кундуз шунда ҳозир у нозир бўлсангиз, ё ҳалим-

хона бундаю зикрхона ундами?!” Мавлоно Гулханий ранжиб жавоб қилар эдиларки: “Биз қўй кўрмасак ҳам, қий кўрган эрдук. Қул билан қўймоқ есанг, қустирмай қўймас, чўри билан чалпак есанг, қайтармай қўймас”. Сўнг тумтайиб, индамай қолардилар, менинг эса, у киши Гулом исмимга мутоиба қилганига дарҳол фаҳмим етақолмас, англаб етгач, бисёр завқим қўзғаб кулиб юборар эдим.

Умуман, менинг гуломлигим унинг муҳаммад шарифлиги аксарият лутфу зарофатларимизнинг қизгин ва туганмас пайровига айланган эди: “Нечукким айтмишлар, — дер эдилар у киши сохта қовоқ уюб, — қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас”. “Ҳаққаст рост, тақсир, — дер эдим мен, — гуломлигим чин бўлмаса, сизнинг этагингиздан тутармидим? Яхшилар била юрдунг — етдинг муродга, ямон била юрдунг — қолдинг уётга. Бу ўзингиз айтган сўзлар, тонмассиз, тақсир? Мана, китобингизнинг йиғирма учинчи саҳифасига зикр этилибдир. Агар мен аҳмоқ бўлмасам, ана, олмайманми, шоири замон “Офарин Бийроннинг эжодида лирик қаҳрамон эволюцияси” деган мавзунию бўлмайманми шу пайтгача дўхтир наук! Ҳайф сизнинг тарихан чекланган масалингизгаю ҳайф меннинг нодон умримга!” Бу иддаоларимга жавобан мавлоно беписанд кулар эдиларки: “Ушбу сўзинг бирла изҳори фазб қилғонингми?! Ҳеч билмас ўхшайурсанки, юмуқ юкуниб бийк бўлмас, эчку югуриб кийк бўлмас”.

Шу зайлда кеч кириб, қоронгилик тушарди. Кечалари эса тушимда гала-гала қуш чарх урарди. Ҳар қушларки, ақлингиз шошади. Бойўгли билан Бойқуш, Япалоққуш билан Турумтой, Қордон билан Кўрқуш хилват бир вайронада базм қуриб чуғурлашар, қизиғи шундаки, мен уларнинг тилига бемалол тушунар, тагимга тўртта гувала қўйиб ўлтирганча офтоб элтиб, ҳар бирига жўяли-жўяли кенгашлар берар эдим. Баъзи тунлар бу маталгўй паррандалар момик патлари билан юз-кўзим, қўл-оёқларимни қитиқлаб уйғотарди, улар мени бедор бўлмоққа, яна “Зарбулмасал” китобини варақламоққа даъват этардилар. Гоҳ эса кўзларимга Ҳўқанди латифнинг кўкнори хаёлидек чалқаш жинкўчалари орасида, бўйрадек бир саҳида кўкка сачраб ёнаётган гулхан кўринарди. Гулхан теграсида ҳаммом гулаҳхонасини макон тутган мавлоно Гулха-

ний ўзи сингари озодаваш хаёл соҳиблари — Маҳзуб, Мажзуб, Мунтазир таҳаллусли уч ринд шоир билан суҳбат қуриб ўлтирган бўларди. Олов четида қора қумғон биқирлаб туради, жийда чой ҳиди атрофга таралади. Бу манзара эса мумтоз бир адибнинг ушбу сўзларини кўнглимга етаклаб келади: “Мен мана шундай гулхан ёнида ўлтиришни ва шу ҳолда чой ичишни жуда яхши кўраман. Бу ўлтиришнинг шоирона, дарвешона бир маъноси бор. Шу гулхан ҳаётини ҳануз менинг эсимдан чиқмайди ва шу ҳаётга ҳаминша кўнгилда бир муҳаббат сақлайман...” Муҳаммад Шариф тўрда, бошини қуйи эгиб ўлтиради, мудом табасум, киноя ва мутоиба жилва қилгувчи озгин, заҳид юзларида қайғу кўланкаси. Ва шунда уни бу чоққа қадар бунингдек қиёфада кўрмаганимни эслаб ҳайратга толардим. Унинг сувратига закийлик, дилкаш некбинлик қайга ғойиб бўлганини ўйлаб бошим қотарди. Гулхан эса чарсиллаб ёнади, теваракка учқунлар сачраб-сўнади. Шу тобда аланга ёғдуси эмас, толесиз қисмат ёғдуси Муҳаммад Шарифнинг сийратини ёритиб тургандек туюлади. Шу ғариб, файзсиз маконига боқиб ва шу ғариб, файзсиз макондан юлдузлар қадар юксалиб мавлоно Гулханий кўзларини ярим юмган кўйи байт ўқий бошлайди:

“Кўнгул озодадур, — деб шивирлайди унинг лаблари, — кўнгул озодадур, дунёга арзи эҳтиёж этмаз...”

Бундай лаҳзаларда Муҳаммад Шариф кўзимга нақ тажассуми изтироб бўлиб кўринади. Эрталаб, уйқудан уйғониб, кечаси қоралаган қоғозларимни титкилайману “Гулханийнинг қувноқ ҳажвиётида...” деган сатрларга назарим тушиб, ўзимга, оламга нафратим ошиб кетади. Бундай лаҳзалардан сўнг ўлиб-тирилиб тўлдирилган саҳифа-саҳифа қоғознинг ҳузурини сават кўради.

Кўнглим совиб, ишга бораман.

Ишхонадаги буткул фаолиятимни бир огиз қилиб “озгина” деган сўз билан ифода этиб қўя қолиш мумкин. Лекин бу фақат менинггина фаолиятим десам, ҳақим кетади. Ҳаммамизнинг ҳам ишхонадаги ҳаётимиз шу “озгина” деган сўзда мужассам. Ҳар қалай, мен ўзим кўрган идораларни айтаянман, бошқаларига кафолат беролмайман. Хуллас, ишдаги кун тартиби тахминан шундай: озгина салом-алик, озгина газетхонлик, озгина кашандалик, озгина ғийбат, озгина ҳасад, озгина

ҳақиқат, озгина овқат, озгина сайр, озгина шахмат. Шу. Кун кеч бўлади. Дарвоқе, бу орада озгина иш ҳам қилиб қўйилади — бошлиқ сўкмаслиги ва виждон қийналмаслиги учун. Илгарилари бу ҳол менга беҳад эриш туюларди, ўзимни худди ишламасдан тишлаётгандек сезардим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур экан киши — мана, тақдирга тан бериб, ўрганиб ҳам кетдим.

Кечқурун уй-уйига, тепа тўйига бўлганида биров дўконга жўнайди — гўшт истаб; биров боғчага йўл олади — боласини истаб; бировлар эса шаҳар кезмоққа тушади — май истаб... Ишқилиб, оқшом чоғи ҳар ким ҳам нимадир истаб қолади.

Мен эса имиллаб уйга қайтаман.

Мавлоно Гулханийнинг чиндан ҳам гўлаҳ бўлганига баъзан ишонгим келади: кун бўйи уйда ўлтиради-ю, бирор ивирсиган нарсага қайрилиб қарай демайди. Қайтага, маталгўй паррандаларини елкасига қўндириб, уйнинг тўс-тўполонини чиқариб, маҳмадона қушлари билан бирга бандан бечораларни гийбат қилиб ўлтирган бўлади: “Муҳаммад Юсуфбой деган содда бир мардум бозордин ўз заифасига кафш олибдур, бир ношинохт ўткинчи кишига кўрсатубдирки: “Бу кафш маним заифамни аёғига лойиқ келурми?” Ул жавоб берибдурким: “Заифангни аёғини кафтимга кўтариб кўрганим йўқ”. Бойқуш билан Бойўғли ҳуҳулаб кулади, Турумтой дераза рафидан қандилга сакраб қиҳиллайди, Япалоққуш билан Қордон уйни бошларига кўтариб чаҳ-чаҳ отади. Муҳаммад Шариф ҳам, маталгўй қушлар ҳам гуруннга шунчалар берилиб кетишганки, қўнгироқ тугмасини ҳарчанд боссам ҳамки, бирортаси эшитмайди. Ахийри ўзимнинг калитимни қулфга солиб, эшикни очиб ичкари кираман. Ҳангома қизиган, ҳеч ким менга бош кўтариб қарамайди. Уст-бошимни ечиб, ошхонага ўтаман. Турумтойнинг ҳиқирлаган товуши, шўх қичқириқлари қулоғимга чалинади: “Одамитот орасинда Ёдгор пўстиндўз отлиғ бир одам бор эрди. Гоҳо ўзини ўткур сўфи от қўяр, гоҳо миришқору ҳушёр ва донишманди рўзгор олиб айтур эрдик: “Ун ёшимда ҳазрати Нух пайғамбар об-азобда қолғонларида кемаларин итариб боҳам эрдим”. Ва яна айтур эрдик: “Андоғ ҳам эрмас. Ун беш ёшимда ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни кофирлар манжинаққа солиб ўтга отарда бир поясинда ҳозир эрдим”, дер эрди. Боз айтур эрдик. “Андоғ ҳам эрмас. Ингирма беш

ёшимда ҳазрати султони орифин Ҳожа Аҳмад Яссавий хонақоҳларин обод қилурда лой тегиб, гишт берган ман эрдим”, деб айтур эрди. Ул ерда ўлтургон ёр-жўралари айтур эрдик: “Эй, Ёдгор ака, рост нақл қилинг”, десалар, айтур эрдик: “Қул Муҳаммад баҳодирдин бўлагини билсам, худо урсун”, дер эрди. Ёдгорнинг пўстин тикканини кўрсангиз, чокидин бармоқ ўтар эрди. Бозорға олиб чиқса, харидорлар бармоғини чокига суқуб айтур эрдик: “Бу на тикиш?” Ул жавоб берурки: “Мушт ўтмаса, хўб тикиш”, дер эрди...”

Шарақлаб кулги кўтарилди. Маталгўй қушлар патир-путур қанот қоқиб, чағир-чуғур билан қирғоғидан ошган завқу шавқларини изҳор этдилар. Энди ҳангома навбати Кордонга етган эди, у Муҳаммад Шарифнинг тиззасига қўниб олиб, у ён-бу ён шох ташлаб, Бозанда ва Навозанда қиссасини бошлади. Бироқ энди бу қисса қулоғимга кирмас, ошхонадаги курсига омонат чўкканча, Ёдгор пўстиндўз сабаб хаёлим ўзим билган одамизот орасига — ишхонадаги турли феъл-атворлик кишилар сари оғиб кетган эди.

Ёдгор пўстиндўзни ўйлаб ўлтириб аввало илмий раҳбарим Эшмуҳамедов домла ёдимга тушди ва унинг ақлу заковатига ичимда яна бир карра тасаннолар ўқидим. “Гулҳаний тарихан чекланган”, деб оёқ тираб туриб олганида у, ахир, қанчалар ҳақ экан! Мен нодон, нима учун устоз билан бу борада масала талашиб юрибман — ўзим ҳам ҳайронман. Эҳ, мавлоно Гулҳаний, агар чиндан ҳам тарихан чекланган бўлмаганингизда, Муҳаммад Юсуфбойдек гўл бир кимсаю Ёдгор пўстиндўз каби лоф бандасини шунчалар мазаммат қилмаган бўлур эдингиз! Ахир, булар букунги мен кўрган одамизот орасиндаги турфа зотларга қиёс этилса, арши аълода учиб юрган фаришталар янглиғ покдомон эмасми? Билмайсизки, мен хизмат ва ҳиммат камарини боғлаган мўътабар идорада бир Роҳибар бор эди, лак минг Ёдгор пўстиндўзларингиз ёлгон бобида унинг қаршисида ип эшолмай қоларди. Бир айёми нофаржомда барчамизни машваратга чорладилар, гурас-гурас келиб курсиларни ишғол этдик, беш-ўн сония ўтиб Роҳибар салобат ва зиё тўкиб, анвойи атирлар исини анқитиб ҳузуримизга таширф буюрдилар, ортларинда сочи барра қўзи терисидек жингалак Муовин, қўлларида лаган, оёқ учинда пил-

дираб келдилар. Роҳибар барчамизга нимтабассумлар улашиб, бир хушхабар ила бошларимизни фалак тоқига еткурдиларки: "Аё фарзандларим, билмагайман ҳеч, сизларнинг бахтингизми бу ёинки менинг, ҳар нечук, Тиёншон тоғларининг бағридан корхонамизга ажойиб, хушҳаво чорбоғлар ато бўлди. Айни кунларда барака топкур бинокорлар сизни деб, сизларнинг азиз фарзандларингизни деб бунёд бўлаётган гўзал кўшкларга сўнгги пардоз бераётирлар. Аё ҳамкасбларим, оғаларим, иниларим, барчангизни ана шу хушҳаво чорбоғлар ила муборакбод этаман. Умид қиламанки ва ишончим комилки, яқин кунлар ичинда сизлар ана шу муаззам кўшкларда ўлтириб, корхонамизнинг муҳим ишлари ила машғул бўласизлар, ширин-шакар болажонларингиз ям-яшил ўтлоқларда яйраб-яшнаб капалак қувиб юрадилар, дилбар рафиқаларингиз эса тонгги шабнамларни кечиб, мунаққаш кўзаларда муздек қаймоқ келтириб, сизга меҳрларини қўшиб тортиқ этадилар. Корхонамиз билан чорбоғлар орасинда мунтазам автоуловлар қатнаб туради. Аё дўстлар, тасаввур қилиясизларми, ахир қандоқ саодатли кунларга етиб келдикки, бундан буён бизда уй-жой муаммоси деган муаммонинг ўзи бўлмагай".

Барчамиз азбаройи ҳайроналик ва шоду хуррамликдан ҳушимизни йўқотар даражага етган эдик, тилимиз калимага айланмасди. Бир пайт ёнимга қарасам, Жалолиддин деган ҳамкасабамиз, кўнгли мумдек йигит, дастрўмолини кўзига босиб пиқ-пиқ йиғлаяпти. Ҳай, телба бўлдингизми, нега обидийда қиласиз, десам, севинчимдан, ука, дейди, севинганимдан, ўзимни тутолмасам, қандоқ қилайини? Боёқишнинг ҳоли-куни менга маълум эди, тўрт болаю касалманд аёли билан қарийб ўн йилнинг нари-бериси кўч-кўронини ортмоқлаб ижарама-ижара саргардон юарди. Илоё, деб пиқилларди Жалолиддин, илоё Роҳибаримизнинг умрлари узун бўлсин, мингга кирсинлар, деб дуо қилардим, унча-мунча ичиб тураман, ука, дуом ижобат бўлмасмикин, деб хавотирим бор, қишлоқда саксон учга кирган онам яшайди, шуларга айтаман, шулар дуо қиладилар, э, ука, пичоқ суякка бориб етган эдику! Мен ҳам беҳад мутаассир бўлдим, кўп қатори ичимда Роҳибарни олқадим. Роҳибар минбарни табаррук қилиб тушишлари билан лип этиб Муовин у жойга кўтарилди ва қўлидаги лаганга Роҳибарнинг муборак

исми шарифларини солиб андоғ элай бошладикй:  
“Агар биз шундоғ доно, шундоғ сахий ва шундоғ мурувватли Роҳибар қўл остида ишлаётганимиз учун тақдирга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлсак, бир кеча-кундузда йигирма тўрт соат шукрона айтсак ҳам қарзимизнинг ўндан бирини узолмаган бўлур эдик...”  
Кўп сухандон одам эди Муовин! Роҳибарнинг таъриф-тавсифини Одам Ато замонидан бошлаб келиб шу қадар чапдастлик ила Гитлер деган малъуннинг номи билан чамбарчас қилиб боғладикй, шундоғам тарихий ҳақиқатлар кашф этдикй, биз гумроҳ бандаларнинг қўлимиз ушлашдан бўшамай қолди ва охир-оқибат, ушлайвериб-ушлайвериб ёқаларимиз яғир бўлиб кетди. Гўёки шундоғ бўлган эканки, қаттол уруш чоғларинда Роҳибаримиз ҳали қирчиллама йигит, радиокарнайдан зафар хабарларини ўқиб, ёвга талваса солиб турган кезларида Гитлер деган падаркуш махлуқ оғзидан туфуклар сочиб қасам ичган эканки, Шўролар юрти-ни босиб олган куним, Роҳибарнинг тилидан осиб ўлдираман! У, баттол, баччағар Гитлер! “Умр бўйи рост сўздан ўзга сўзни билмаган Роҳибаримизнинг му-борак тилларига ҳароми Гитлер шундоқ қасд қилган эдиким, мана, оқибати — ўзи паст бўлди, жаҳаннам қаърига қия бўлиб кетди! Бизлар эса, баҳтиёр замондошлар ўлароқ Роҳибаримизнинг булбулкалом тилларидан мана шу хабарни тинглаб турибмиз”, дея сўзига нуқта чекди Муовин. Роҳибар камтар одам эди, Муовин тўлиб-тошиб сўзлаган дамларда бошини қуйи эгиб, юзлари лоладек қизариб ўлтирди. Эртаси Жалолиддин ишга хандон-хушон, яшнаб-яшариб келди. Аёли хастахонада экан, хушхабарни айтиб суюнчи олса, муштипарнинг юраги ёрилгудек бўлибди, ортиқ шифтга боқиб ётолмабди, эри билан уйига қайтибди — эрта-индин чорбоққа кўчилса, шошиб қолмайин, деб, ахир, матал борким, камбағал бўлсанг — кўчиб боқ! Ҳаммамиз ҳам ўзимизча тараддуд бошлаб юбордик: ким палос олган, ким ўрин-кўрпасини янгиллаган, ким хашарга одам айтган... Аммо орадан ҳафта ўтди, ой ўтди, икки ой, уч ой — ҳижратдан дарак йўқ. Роҳибар ҳам, Муовин ҳам пинак бузишмайди — гўё ҳеч қачон бундай гап бўлмагандек. Вақт ўтар, вақт ўтган сари энди биз ўзимиз ҳам иштибоҳ қила бошлаган эдик: ростдан ҳам шундай гап бўлганмиди ёинки бу алоқ-чалоқ, оммавий бир тушмиди? Шунини ҳам бирор кимса

аниқ билмас эди. Роҳибарни ёлгон гапирган деб ҳатто хаёл қиларга ҳам ҳеч зотнинг ҳадди сизмасди, бинобарин, бунинг босиринқи бир туш ёки ғанимлар тарқатган овоза экани ҳақиқатга яқинроқ эдиким, ахийри шундоқ хулосан ҳукмга келинди: бу бўлмағур мишмиш мана шу боши бузуқ Жалолиддиндан чиққан бўлиши мумкин, ўзиям ичиб юради, гапининг ҳам тайини йўқ, мияннга шундоқ бедаво хаёл келса келгандир, Балки кўзингга бир балолар чалингандир, лекин баттар бўлгур, нега энди бунга Роҳибарнинг муборак исми шарифларини аралаштирасан, даъюс?! Эҳ, мавлоно Гулханий, замонлар кўп ғаройиб эди, шарҳига юз “Зарбулмасал” ҳам ожиз! Жалолиддин кўч-кўронини кўтариб қишлоғига, саксон уч яшар онасининг дуосини олгани равона бўлди. Корхонамиз эса шу тариқа чорбоғ афсонасини унутди. Жалолиддинни ҳам буткул унутиб юборган эдик, ўтган йили дафъатан, улкан уммон ортидаги тиллоси мўл мамлакатларнинг биридан мункиллаган аллома чол-камбир уни йўқлаб идорамизга келиб қолишди. Даққиюнусдан қолган бир қўлёзмага шу Жалол махсум ижарама-ижара ҳижрат айлаб юрганида чала-ярим шарҳ тузган эканки, мазкур шарҳ ҳозирча олам аро ягона экан ва ўшал қўлёзмага ҳам жаҳон айвонида шу баттол Жалолиддиндан ўзга кимсанинг тиши ўтмас экан. Ажнабий алломалар келиб “мистер Д. Жалал-эд-дин”ни топиб бер, деб турибди, ҳаммамиз гаранг, охири Роҳибар томонидан фармони олий бўлдиким, Муовин билан Фулом ўшал баччағарни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келтирсинлар. Ҳайё ҳайт, деб жўнадик, эртаси чошгоҳда аранг Жалол махсумнинг юртини топиб бордик. Топиб бордигу баттолнинг ўзини таниёлмай қолдик: семириб кетибди, юзлари ялтирайди, чатаноғини кериб лапанглаб қадам ташлайди. Биз борганда бола-чақаси билан пиёз юлаётган экан, мана, деди, шукр, бу йил ҳосил чакки эмас, беш-ўн тонна пландан орттирсак, жужуқларнинг ризқи, тагин иккитага кўпайишганмиз, пиёздан ола кетинглар, бўз ерники, дориси камроқ. Роҳибарнинг фармоню ажнабий меҳмон дарагини айтган эдик, парво қилмади, негандир бригадирини мақтаб кетди: ўзи карис, лекин ўзбек бўлиб кетган, жуда ишбилармон, деди. Келиб Роҳибарга кўрган-эшитганларимизни баён этдик. Роҳибар тавозе билан жилмайиб, таржимон орқали ажнабий чол-кам-

лирга тушунтирдик, “мистер Д’Жалал-эд-дин” ҳозирги кунда ўлкамизнинг шарқий вилоятларидан бирига илмий сафарга жўнаб кетган ва бениҳоя банд, шу сабабли жаноблардан узр сўраймиз ҳамда илтимос қиламизки, бир пиёла чойимиз бор, шуҳрати етти иқлимга машҳур ўзбек паловига марҳамат қилсалар. Палов — буюк санъат асаридир, оҳ-оҳ!... Қизталок аллома чол ҳам ўзига етгунча қайсар экан, “Но!”, деб бош чайқаб туриб олди, тепакални ялтиратиб, тўтиқушдек яккаш бир гапни такрорлагани такрорлаган: “Мистер Д’Жалал-эд-дин!” Роҳибар унга қандай бас келди — буниси менга қоронғи, мавлоно Гулханий. Сиз эса... топган гапингиз — Ёдгор пўстиндўз. Қани эди, агар шўрлик пўстиндўз тирик бўлса, бошидан сув ўгириб ичар эдим.

Қорним очқаб, бошим ғувиллай бошлаганини сездим, ўрнимдан туриб, чой қўйдим. Дастурхон ёзиб, бўйдоқ бир ғулумни меҳмон қилишга тараддуд кўра бошладим. Ичкари хонада ҳамон қушлар базми авжида, аҳён-аҳён Муҳаммад Шарифнинг қув, беозор овози эшитилиб қолади. Бойўғли бошқаларнинг товушини босиб кичқиради: “Уқуғонинг йўқму мулла Гулханийнинг “Зарбулмасал” китобини, анда неча аҳмоқларнинг фазл бобини баён қилур”.

Бойўғлининг содалигидан ич-ичимда куламан, у билан оч қоринга баҳс очмоқчи бўламан-у, эринчоқлик голиб келади, қайноқ чой хўплаганча, шанғиллаб сўйлаётган Турумтойнинг гапига қулоқ тутаман: “Одамизот орасинда Холвоқи мисгар деган одам бор эрди. Намозшом вақтида бировни меҳмонхонасига таом устига меҳмон бўлубдур. Нечанд ҳарифлар иштаҳойи таом бирла суфра атрофини қуршаб ўлтуриб эрдилар. Холвоқи мисгар эшикдан кириши бирла азон овози келди. Анда ўлтурғон одамлар айтдилар: “Аввал намоз ўқуб, андин сўнг таом тановул қилоли”, дедилар. “Ҳар ким намоз ўқумаса, таомдин маҳрум”, дедилар. Холвоқи мисгар асло намоз учун пешонаси ер ўпган йўқ эрди. Ура қўпуб, таҳорат қилуб, намоз ўқуб, андин сўнг нафси бирла даржанг бўлуб айтур эрдиким: “Эй тошни егур нафс, мани кўкнори ҳолимга боқмай кетимга совуқ сувни сазовор этиб, ахир мени намозхон қилдинг, рангимни каҳрабодек сарғартиб”, дер эди...

Кулгининг зўридан хўплаган чойим туйилиб, қалқиб кетдим, пиёла қўлимдан тушиб чил-чил бўлишига

бир баҳя қолди. Маталғуй, маҳмадона қушлар яна қаҳ-қаҳ отиб кулдилар — одамизот устидан, одамизот орасида!

Йўқ, бари бир, Эшмуҳамедов домла закий одам “Гулханий — тарихан чекланган”, деб чиндан ҳам тўғри айтади. Мавлоно Гулханий, мени маъзур тутинг-у, лекин андиша деган нарсани сиздан анқонинг уруғига ҳам топиб бўлмайди. Коинот гултожи ва сарвари бўлмиш инсони шарифни аллақайдаги исқирт қушларга мазах қилдириб қўйганингиз учун ҳам ҳар не жазога мустаҳиқсиз. Сизнинг бахтингиз шундаки, тўқсон саккиз фонз саводсизлик замонида ялло қилиб ўтиб кетгансиз — гулхан ёнида туршак шимиб, қуш ўйнатиб, байту ғазал битиб! Эҳ, мавлоно Гулханий, биз билан замондош бўлганингизда эди, ҳолингиз не кечарди — мен тасаввур қилолмайман, қўлимдан келмайди. Ҳар қалай, шуни аниқ Биламани, охир-оқибат “Зарбулмасал” ҳам чала қолиб, тириклайин рўян кавламоққа<sup>1</sup> равона бўлур эдингиз. “Бирпасликка йўлиқди, бечора”, дер эдик сўнг ортингиздан бош чайқаб. Мабодо, умр вафо қилиб, “Зарбулмасал”ни битирган чоғингизда ҳам, аҳволингизга маймуну нажжорлар йиғларди. Агар менинг сўзларимга иштибоҳ қилсангиз, масалчининг ҳолини, ана, Зоҳиджон Обиддан сўрангиз. Аввало, миллатнинг бадрашк ўғлонлари наъра тортиб чиқар эрдиларки, ҳайҳот, ўзбек элига бундоғ тавқи маломатлар таққани мулла Гулханийга ким ҳуқуқ берди, нечун минг йиллик урф-одатларимиз устидан бу қадар қабиҳ қаҳқаҳа ила куладир? Баъдаз, бўлак мунаққидлар айтур эрдиларки, ўртоқ Муҳаммад Шариф эскилик сарқити бўлмиш урфу одатларни завқ ила тасвиру тарғиб этмиш, қани, буёққа келтирингизлар уни! Яна бир гуруҳ мунаққидлар айтур эрдиларки, Муҳаммад Шарифнинг эжоди ҳануз анъана ботқоғи ичра қолибдур, кўп таассуф! Ва ниҳоят, баъзи арбоб кимарсалар айтур эрдиларки, умуман, ғалати, қаҳрамонлар номи ҳам... ҳам, ҳалигидек — Бойқуш билан Бойўғли, андин сўнг, минг чалдевор хусусида, ўртоқ Гулханий қаерда кўрди экан бундоғ вайрона мулкни? Коса тагида нимкоса йўқмикан? Ва умуман, ўйлаб кўрмоқ керакким, бу хатолиғ тасодифми, қонуният?

<sup>1</sup> Рўян кавламоқ — у дунёга равона бўлмоқ маъносида.

Ана шунда кўрар эдик ҳолингизни, муҳтарам Муҳаммад Шариф!

Маталгўй, маҳмадона қушларингиз ўшал замон сизни тарк айлашарди — пир этиб жанубга, илиқ-иссиқ ўлкаларга учиб кетишарди. Семизликдан ёхуд танбалликдан учолмай қолиб кетганлари эса дарҳол жабрдийда оҳангда сайрай бошлардилар: “Муҳаммад Шариф деган золимнинг дастидан дод, йигирма йил менга кун бермади, ҳамма меҳру иноятини Бойўғлига тортиқ этиб, менга фақат жабру ситам ўткарди! Дод, дод устига до-од!”

Одамизот эса, афсуски, сиз кўлиб айтганингиздек, хом сўт эмган бандадир, умр бўйи тизангизда ўлтириб, кўзингизнинг ёғини ўйиб емоқчи бўлган олчоқ қузғунларнинг ифлос лафзларига яна ишонадир...

Мавлоно Гулханий, наслимиз назаридан пинҳон қолган умрингиз тарихини тадқиқ этмоқ умидида беҳуда уринар эканман, кўпинча фикрим мана шу каби хаёллар, яъни Эшмухамедов домлам айтмоқчи, илмга алоқаси йўқ майда-чуйдалар устида тариқдек сочилиб кетади. Хўп, деб ўйлайман шундай кезларда, борингки, Муҳаммад Шариф Гулханий тарихан чекланган бўлақолсин, ана, дейлик, диалектик материализмни тушуниб етмаган ҳам бўлсин, лекин бугун биз — тушуниб етганлар гўр қиляпмизми? Айтайлик, мен ўзим ёки домла Эшмухамедов? “Гулханий Мадалихон буйруғига кўра қопга солиб, дарёга чўктирилган, деган фикрга қандай қарайсиз, домла?”, деб сўрайман гоҳо зерикканда. “Ким билади, дейсиз, — деб елка қисади домла, — тарихчиларнинг баъзилари бунга анча ишонч билан қарайдилар, баъзилари шубҳа билдирадилар. Дарвоқе, қоп деганингизга эсимга тушди, бир-иккита янги қоп топиб кўйишимиз керак, совуқ келяпти, картошка билан сабзини ғамласак, қишга тўпар-а, сиз нима дейсиз, деҳқон боласисиз-ку, ахир?” “Қайдам, — дейман мен ҳам мужмал қилиб, — ўра-пўрага яхшилаб кўмилса... Сув кирмаса, чиримайди”. Эшмухамедов домла гўё оламшумул ҳикмат эшитгандек мени эхтиром билан йўлаккача кўзатиб кўяди. Бечора билмайдики, мен чиндан ҳам деҳқон боласиман ва айни шундай тўпори ғурур домланинг дарвозасидан қоп орқалаб киришимга йўл қўймайди. Бундан кўра қопга солиниб, дарёга ғарқ бўлганим афзал. Бу ғурур чекинмагунча домла ҳам бир қадам чекинмайди. “Гулханий — та-

рихан чекланган”, деб илму урфон остонасида кўрагимдан итарганча тураверади. Менинг эса боёқиш Муҳаммад Шарифни, очиги, сира ҳам чеклагим келмайди — озгина виждони ва эс-хуши бор одам “Зарбулмасал”ни қайта бир мутолаа қилса, бунга минг карра имон келтиради.

Мавлоно Гулханий зикр этмиш ҳар бир мақол ортидан бир тақдир даричаси яққол кўриниб туради.

“Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуюлмас”. Тўғри, дейсизми? Улмаиғ.

“Аслини хатоси бўлмас, нокасни атоси”. Кўз ўнгингиздан бепадар нокаслар гурас-гурас саф тортиб ўтаётган бўлса, ажаб эрмас.

“Ҳаромзоданинг қуйруғи бир тутам”. Қуйруғини яшириб юрган ҳаромзоданинг кимлигини дарров танидингиз-а? Боракаллоҳ.

“Икки кема тутқонлар қолди фарқоб ичинда”. Бу, энди, тан олмоғим керакки, виждони билан домласи ўртасида саргашта кезиб юрган бир гулом таърифиди — яъни камина қулингиз хусусида.

*“Ота сўраб нетарсан эрни ўзи бўлгон сўнг,*

*Йўл сўраган номарддур от устига мингон сўнг”.*

От устида кўр тўкиб ўлтирган бу одам — домлам Эшмухамедов. Бечора, кўп йиллардан буён эгардан тушолмайини қолган бўлса ҳам, баъзи бир йўриқларда қувваи ҳофизаси салобатидан бисёр фарқ қилур. Айниқса, домланинг қишлоқ маишати ва деҳқон меҳнати ҳақидаги тасаввурлари ҳам хийла омонат, ўзи янглиғ кўҳна. Уттиз йиллар муқаддам маталу топишмоқ тўплагали охирги маротаба бориб келгани ҳисобга олинмаса, домла шундан буён қишлоқни фақат “ойнаи жаҳон”да кўриб энтикади, холос: “Оҳ, — дейди, — оҳ, гўзал маъво! Оҳ, бободеҳқон!” Билмайдики, ҳозир ҳеч қайда деҳқон қолмаган, ҳамма ялнисига пахтакор бўлиб кетган. Бинобарин, менинг пахтакор отам ҳам ҳафта сайин автобусда район маркази сари зув-зув қатнайдики, дўкон-пўконга картошка, пиёз-миёз келиб қолармикан! Қарқуноқдек оғзини очиб ўлтирган саккиз болани масал билан боқиб бўлмайди, мавлоно Гулханий!

“Оре, рост айтасиз, — деган гулдирак товушдан чўчиб тушдим. Рўпарамда шамшоддек бўлиб Муҳам-

мад Шариф турарди. — Машойихлар сўзи будурким, қуруқ қошиқ оғиз йиртар”

“Маъзур тутсинлар, тақсир, — дедим шоша-пиша ўрнимдан кўзғалиб. — Бу мулоҳазани зинҳор сизга эмас, домлам Эшмуҳамедовга айтмоқчи эдим, хаёлим чалкашиб... Марҳамат, ўлтирсинлар”.

Дарҳол мавлоно Гулханийга курси қўйиб бердим. У баҳузур жойлашиб ўлтиргач, ўртадаги дастурхонга боқди, киноя билан бош чайқади:

*“Аз карам нест мадҳали кардан,  
Хон ниҳони таоми худ хўрдан.  
Беҳ аз он суфра суфраи оташ  
Ки нашўд з-ў гуруснаи дил хуш”<sup>1</sup>*

Хижолатдан юзларим лов-лов ёнмакка бошладики, вужудимдан кўтарилаётган ҳарорат оташига баҳузур кабоб пиширмақ мумкин эди. Бисёр довдираб, янз узр айтган бўлдим:

“Қушлар базмида беҳад банд экансиз, тақсир, шу важдан...”

“Ҳаққат рост, — деди Муҳаммад Шариф чой хўп-лаб, — ҳозиргина пашшадин то анқоғача жумла туюрларга фармон юборилдиким, барча паррандалар йиғилсунлар, аларнинг мажлисинда Бойўгли қизига маҳр солайин”

“Қўб маъқул, мажлис қайда бўлур?”

“Ушбу гуломгардишда, — деди мавлоно Гулханий менга маънодор боқиб, — шул ошиёна менинг дидимга хийла ўлтиришди”.

Қулоқларим том битиб, тилим танглайимга ёпишди. Пашшадан то анқоғача... демак, бу кеча ҳам уйқу ҳаром экан-да. Оқ саҳаргача уйим яна қушлар бозорига айланар экан. “Номи калон, шаҳри вайрон, оти улуг, суфраси қуруқ, уйда чакса уни йўқ, томининг бошида қўш танур, итининг оти — Маржон, эгасининг оти — Қалжон”, деган ибора менга, фақат менга содиқ келур”, деб ўйлайман ғамга ботиб.

“Таом емакда сўзлаб таом емак суннатдур. Монанди ҳайвонотдек хомуш таом емак озода мардумлар шеваси эрмас”, — деди Муҳаммад Шариф таъна қилиб.

<sup>1</sup> Меҳмондан қизғониб таомни ўзи ейиши карамдан эмас. Оч қорин тўймайдиган суфра (дастурхон)дан олов суфраси афзалроқдир (форс.).

Сўзлашмоқдин ўзга чорам қолмади. Зеро гўдак каби беғубор, навқирон йигит янглиғ сезгир, мўйсафид мисол донишманд бу кимсанинг қош-қовоғига қисматим боғланган, қисматдан эса зинҳор қочиб бўлмагай.

Мен унга дилимни ўртаб ётган шубҳаларни сўйладим. Оламнинг норасо ишларидан гапирдим. Не-не аждодларим ақли етмаган саволларга ундан жавоб сўрадим: одам недур, нечун дунёга келур? Келмагидан мурод надур, кетмагидан фарёд надур? Нечун ҳақ мудом таъқибдадур? Разолат ҳануз қолиб келур? Не боис то ҳамон сув келтирган хордир? Бани башар тоқайгача сабий қолур?..

Мен узоқ сўйладим — бева хотин ҳасратидек узоқ. Умрим бино бўлиб, ўттиз йилдан буён неки ранжу алам тортдим, кимдан меҳр ёхуд қаҳр кўрдим, қайда вафо бадалига жафо чекдим — барини бир-бир шарҳу баён этдим. Кўпдан бери ҳеч кимсага юрагимни бу қадар очиб дард ошкор айламаган эдим — руҳим то-зариб, ғуборлар чекиниб, бемаҳал қариган вужудим ёшариб бораётгандек туюлаверди. Ниҳоят, ҳориб-толиқдим, тек қолиб, қаршимда теран сукутга чўмиб ўлтирган Муҳаммад Шарифни кўрдим. Ҳасратлариму кўз ёшларим учун заррача хижолат чекмадим — ахир, иккимиз ҳам сирдош, ҳам қайғудош эдик! Мавлоно Гулханий менга ғамгин нигоҳини узоқ тикиб турди, ўзи билан ўзи сўйлашгандек оҳиста: “Сен манга донишварлик кўргузарсан”, деди. Сўнг хиёл сукут сақлаб сўрадики: “Айбга буюрма, йигит, нечун ҳануз ёлғизсан? Мана, эрта оқшом ҳатто Куланкир султон чимилдиққа кирур, наинки сенинг юрагингда ишқ ўтидан йилт ётган нишона топилмаса?” Шунда мен бисёр тўлиқиб, саволига савол бердимки: “Аё мавлоно Гулханий, ишқ деганлари надур?” Мавлоно Гулханий табассум ила айтдиларки:

*“Ишқдур бир наштаи комилким, андиндур мидом,  
Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо”.*

Бош ирғаб хомуш ўлтирар эканман, уни яна уст-ма-уст саволга тутгим келарди: э, муҳтарам Муҳаммад Шариф, қай чоғдин ишқ аро маст ўлдингиз? Муҳаббат жоми Сизни фақат сархуш этдими ёхуд саодат бағишлаган онлари ҳам бўлди? Саодатманд ошиқ эрсангиз, унда бу маҳзун байтлар боиси недур?

Мавлоно Гулханий кўнглимда кезган хаёлларни англагандек, сас-садосиз кулиб қўяди-да, тагин чой ила машғул бўлади. Менинг дардманд дилим эса ушбу дамлар бир маҳрами асрор тилайди...

“Эй ҳамрози комил! Мен бу сирни ўзим бирла қаро ер қаърига олиб кетарман, деб ўйлар эдим, шу чоққа қадар кимсага тиш ёрганим йўқ эди, найлайки, шу ҳазин кечада қулфи дилим очилиб кетди, илло, Сизга айтганим — ўзимга айтганим эмасми?”

Бу ҳам бир ишқ қиссаси эди, мавлоно Гулханий. Билмадим, девона кўнглимни Сиз яшаб ўтган замонлар ақидаси ила Фарҳод ёхуд Мажнун кўнглига менг-замоқ ақл ва адаб юзасидан жоиз бўлурмикан? Ҳар нечук, аздаҳидил шу нарсага иқрорманки, муҳаббат савдосининг катта-кичиги бўлмас, ишқ ё чин, ё сохта бўларкан, холос. Аё Муҳаммад Шариф, менинг барча сирру асрорим ботиний кўздек ўзингизга аён, ёдингиздадур, бир пайтлар, бундан кўп ойлар муқаддам, саодатли кечаларда мен У билан қандоқ ғойибона суҳбатлар қуриб ўлтирдим! У кезларда Сизга қайрилиб ҳам боқмасдим, зинҳор топмагайман. Ахир, не қилайки, кўзим Ундан ўзга кимсани кўрмаса, қулоғим Ундан ўзга одамнинг овозини эшитмаса!

Байт:

*Балои ишққа учраб телбадурман, англағил, эй шоҳ,  
Киши мандек балоға мубталолик кўрмасун асло.*

У бир гавҳари асл эди. Тақдири азалда эса гуломлар манглайига ҳеч вақт бундоғ давлат битмаган экан — бу марварид гул менга насиб этмади.

Мен мудом унинг ёнида — кунлар ҳаётида, тунлар хаёлида ҳозир у нозир эдим. Оқшомлари, унутмагандирсиз, шу совуқ симларга дилим пайваст, ярим тунга қадар у билан бирга нафас олардим.

Эҳ, мавлоно Гулханий, нимасини айтайин энди, надарларига лаънат, ўт кетсин бундайин номард дунёгаки, мени бунчалар нотавон этиб яратмаса! Нотавон бўлмасам, кўксимдаги гулимни ҳўкиз пойига ташлаттириб қўярмидим, оғзимдаги ошимни итларга олдиармидим?! Жони жаҳонимдан жудо бўлиб, бир кечада бор будидан айрилган қиморбоздек шипшийдам бўлиб қолармидим?

Уни илк дафъа учратганимнинг ўзиёқ ғаройиб бир масалга ўхшарди.

Сўнги бор учратганим эса чин марсия бўлди.

То ҳануз ҳозиргидек аниқ эслайман: ёз пайти, ўн олтинчи август эди, кун чошгоҳдан ўтган, эллик биринчи автобусда кетиб борардим ва ўзимча муқояса қилардимки, ҳаммомни ҳам гилдиракка ўрнатиб, одам таҳиса бўларкан.

Бундоғ хомхаёлга берилганимнинг боиси шундаки, маошгача етти куну киссамда уч сўм қолган эди. Асли, бундай дамларда миянинг мурватлари ҳам фавқулодда жадал ишлаб кетади. Тезюрар автобус ойнасидан ташқарига ланж ва лоқайд термилиб турарканман, биринкетин тирбанд бўлиб, тўхтаб ётган трамвайларга кўзим тушди ва одамзот ақлининг ноқислигидан ичимдан қаттиқ койиндим. Э, бу қандоқ нодонликки, деб мулоҳаза қилдим ўзимча, шунча улов бир-бирининг кетига тиқилиб ётмаса-ю, автобусга ўхшаб баъзиларини тезюрар қилиб қўйса бўмайдими! Кейинроқ шу ажойиб фикрни ишхонамда Жўллийбой деган ака-мизга айтган эдим, ёмон саросимага тушиб қолди. “Ука, — деди ачиниб, — бир дўхтирга кўриниб қўйгин, балонинг олдини олган тузу. Гулханийнинг матали деб адон тамом бўпсан-ку”. Хуллас, офтоб одамнинг миясини атала қилиб юборадиган жазирама кунларнинг бирида автобусда оламшумул хаёллар суриб келаётган эдим. Гала-говур тўполон ичра тўсатдан ёнгинамда най чалингандек бўлди. Ҳушимни йиғиб, бошимни буриб қарасам, оқ, оппоқ кўйлак кийган бир қиз, шоир айтмоқчи, кўксига соя солгудек узун киприкларини ҳадик билан пирпиратиб турибди: “Ҳозир тушмайсизми, ака?”

Тамом! Ана шу бир оғизгина сўз — “ака” деган калом тақдиримни ҳал қилган эди.

Ниҳоят тилга кириб, “Иўқ”, дея гўлдирадиму шу заҳоти афсусланиб, тилимга тирсақлар чиқишини тиладим. Энди кўнглимни кучли бир хавотир эгаллаган эдики, бу бечора новдадек нарса экан, бу меш қоринлар, сумрайган башаралар, халтаю тўрвалар орасидан — иссиқда ҳолсизланган, асаби қақшаб, қонга ташна бўлиб турган оломон орасидан қандоқ қилиб ўтиб оларкин? Шу тобда унга зиғирдек бўлса ҳам озор етишига, уст-бошининг бирор ери гижим бўлишига сира чидаёлмасдим. Истардимки, унинг маъсум чеҳрасига ҳеч қачон, ҳеч вақт на ташвиш, на ғам-койиниш кўланка солмаса, оқ, оппоқ кўйлагига ҳеч қачон, ҳеч вақт бир доғ тушмаса...

У ур-йиқит тўполон ичра — одамизот ўрмони ичра

Ўз манзили сари йўл изларди. Нозик-ниҳол жүссаси, ҳадик тўла кўзлари бу асов галаён орасида яна муш-типар, янада шафқатга зор кўринар ва бунга сари тобора юрагим эзилиб борарди. Шундоқ ёнгинадан, кимсага малол етказмасликка тиришиб, шарпадек сирғалиб ўтаркан, бир сония, атиги бир сониягина укпардек тўзгиган сочлари нягимга тегдию бошларим айланиб кетди. Э, худо, дедим ичимда, ўзинг мадад бер, э, худо! У оппоқ либосда, сочлари тўлқин-тўлқин чайқалиб олға бораркан, беихтиёр мени ҳам ўз ортидан эргаштирди: боя ёнимдан ўтаётганида икки тола сочи кўйлагимнинг тугмасига ўралиб қолган экан...

Юрагим гурсиллаб, автобусни ларзага сола бошлади.

Энди ўйлаб қарасам, ўшанда соч толаси эмас, тақдир риштаси бизни бир-биримизга боғлаган экан.

Апил-тапил қадам ташлаб борарканман, қўрқардимки, ҳозир у илкисроқ бир ҳаракат қилиб юборадию жонига озор етади. Бундан ҳам кўра қаттиқроқ қўрқардимки, сезиб қолиб, сочларини қуллик асоратидан қутқарадию қайтиб уни кўрмайман... Шу тариқа унга банди бўлиб, асиру мафтун бўлиб, зулфи занжирини бўйнимга боғлаб, изларини кўзимга суртиб тоғу тошлару бепоён водийлар бўйлаб эргашиб кетаверсам, кетаверсам... Майли, у мени сезмасин, меҳру марҳаматини инъом этмасин, фақат мени ит каби қувмаса бас, ит каби ортидан узоқ-узоқларга эргашиб кетаверсам, нафасини туйиб турсам, кўзларим ўнгида оқ, оппоқ кўйлаги ҳилпираб, тўлқин-тўлқин сочлари чайқалиб бораверса... шунинг ўзи кифоя. Шунда мен армонсиз ўлардим. Шунинг ўзи менга улуг саодат бўларди.

Бир маҳал кўзимни очсам, Алвастикўприк устида турибмиз. У — оппоқ либосда, озод, ҳур, мағрур, мен эса — кулранг кўйлакда, банди бечора. Йўлимни тополмайман — ҳушим ўзимда эмас, топсам ҳам кетолмайман — измим ўзимда эмас.

Яна уч-тўрт қадам соядек эргашиб бордим.

У соямни кўриб тўхтади.

Мен ҳам индамай туравердим.

— Нима керак сизга? — деди у алламаҳал ўтиб, лекин қайрилиб қарамади. Товуши титраб кетганидан билдимки, чўчияпти: ахир, қоқ чошгоҳ чоғи, Алвастикўприк устида турибмиз-да!

— Ҳеч нарса, — дедим кулимсираб, — тугмамни қўйворсангиз бўлар энди...

— Вой! — деди у шундагина нима гаплигини фаҳмлаб ва шоша-пиша ортига ўгирилмоқчи бўлганида, тўхтатиб қолдим, сўнг авайлаб тугмамни тутқунликдан халос этдим у бироқ ўзим... — Кечирасиз, — деди у қипқизариб, яна нима деярини билмай, такрорлади: — Кечирасиз...

— Шунинг учун кестириб ташлаш керак, — дедим ҳазиллашиб.

— Рост айтасиз, ўлсин, рўдапо бўлмай, жонимгаям тегиб кетди ўзи. Бир куни автобус эшиги қисиб олиб тоза куйдирувди, — деди у ҳасрат қилиб.

— У, ҳали сен эмас, бутун бошли автобусни ҳам эргаштириб кетганман, денг? Одам-подами билан?

У садаф тишларини ярқиратиб кулиб юборди.

Кулги — улуғ мўъжиза, бегоналарни таниш, танишларни дўст, дўстларни қилўтмас қадрдон қилади. Мана, мавлоно Гулханий, сиз билан ҳам худди шу боис ошно бўлиб турибмиз, шундоқ эмасми?

Унинг исми Қундуз эди. Исми Қундуз эди-ю, лекин ўзи юлдуз эди. Менинг қўлим етмаган юлдуз. Толеим осмонида бир чақнаб сўнган юлдуз...

Бу тасодиф тақдири илоҳийнинг хайрли нишонаси эканига ишониб, унга сўз қотдим, муҳтарам Муҳаммад Шариф. У ҳам худди ўзим сингари ҳеч қайси харитада зикр этилмаган овлоқ бир қишлоқдан экан, мен беш йил тупроғини ялаган дорилфунун даргоҳида, фаранг-румо бўлимида таҳсил оларкан. Алвастикўприкдан ўтиб, ном қуриб кетгандек алифбо ҳарфлари билан аталган янги ва чалкаш мавзелар томон аста сўзлашиб кетдик. У истиқомат қиладиган беш қаватли ошиён яқинига етганимизда биз гўё минг йиллик ошноларга айланган эдик.

“Яна шу автобусга чиқармикансиз?”, деб илтижо билан сўрадим хайрлашаётиб.

Унинг кўзларида ноёб бир туйғу — ҳаё акс этди, бошини қуйи солди.

Эртаси тушдан кейин телба кўнгил амрига бўйсуниб, дорилфунун сари йўл олдим. Теракзор майдончада кўзим тўрт бўлиб ўлтирдим. Вақтики, дарслар тугаб талабалар гурас-гурас чиқа бошладилар. Нақ Фарангистону Румода туғилиб ўсгандек башанг толибу толибалар, кумуш кулгилар, тилло табассумлар... Аммо, муҳтарам Муҳаммад Шариф, шу тобда Сиз айтган каби, қулогим қозон қулогидек гап эшитмас, кўзим узук кўзидек ҳеч нарса кўрмас эди. Бу ҳолат қаршимда то Қун-

дузнинг гул рухсори пайдо бўлгунига қадар давом этди. У мени узоқдан кўрди, кўргани он, сездимки, юзлари анордек қизариб кетди, кўзларини ерга тикди ва шу кўйи бош кўтармай ёнгинамдан ўтиб кета бошлади. Рўбарў бўлганимизда бор журъатимни жамлаб салом бердим. У оҳистагина жавоб қайтарди, бир лаҳза тўхтаб икки оғиз сўзламоққа доимий ҳамроҳи — ибo йўл қўймади.

Мен эса эртаси ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам... яна кўп кунлар дорилфунун остонасида интизор туравердим. Дарахтлар баргини тўкди, ёмғирлар ёғди. Муттасил ёғаверса, ёмғир тошга ҳам қор қиларкан, мавлоно Гулханий. Ниҳоят, мен ҳам ишқ йўлида чеккан азобу заҳматларим эвазига олий мукофотга сазовор бўлдим: Қундуз оқшомлари сим қоқиб турмоғимга розилик билдирди.

Эслайсизми, ўша ўтган кунларни?..

Умрим маъно қасб этгандек эди. Ҳаммани, ҳатто домлам Эшмуҳамедову Роҳибарни ҳам яхши кўриб қолгандек эдим, гарчанд муҳаббат дардига гирифтор бўлиб, кўпдан буён Сиз билан мулоқотни йиғиштириб қўйган эсам-да, далли девона дилимни англашингизга, бинобарин, Муътамир подшоҳ бечора ошиқ—араб Уяйнага ҳомийлик қилганидек, Сиз ҳам бир қошиқ қонимдан кечиб, лутф кўрғазишингизга, саодатли бир соатда совчи ҳам, тўйбоши ҳам ўзингиз бўлишингизга аздаҳидил инонар эдим. Ахир, умр савдоси бобида Сизга тенг соҳибтажриба кам, Бойўғли ва Япалоққушдек икки чарс қайсарни қуда-андачилик ришталари ила чамбарчас боғлаганингизни аҳли китобхон яхши билур. Ёдимда, ўша кунлар бир уйда бир ўзингиз, тегрангизда гала-гала қуш, инсон овозига, инсоний ҳароратга зор бўлиб ўлтирардингиз. Надоматки, мен буни сезмас, подшоҳ каби сархуш, мағрур юрар эдим, шоҳнинг эса, ҳазрат Навоий айтмоқчи, мунглиғ мушаввашлар билан не нисбати?..

Баъзан Қундуз билан барча ошиқлар сингари хилват хиёбонларда сайр қилмоқни тилаб қолардик. Минг таассуфки, Тошкентдек пойтахти азимда хилват хиёбоннинг ўзи йўқлиги боис аксарият Алвастикўприк ёқаларида, бузилиб бораётган боғлар атрофида оҳиста кезиб юрар эдик. Қундуз ўқишидан, юмушларидан, олис қишлоқдаги соғинган кекса ота-онасию ёш ука-сингилларидан сўйлаб берарди. Унинг ҳикоялари ўзидек соф, содда, маъноли бўларди. Фаранг-румо бўлимидаги ҳою

ҳаваслар, ёлгон ҳашамлар, кибр-ҳаволар унга зигирдек ҳам юқмаган эди, қиз бола боши билан бу оҳанрабо таъсиридан мусаффо қолгани мени мудом ҳайратга соларди. Унинг кийимлари ҳам бениҳоя одми бўларди, мен буни камтарликка йўйиб қувонардим, бироқ энди ўйлаб қарасам, ўн тўққиз яшар қизга камтарликни ягона зийнат қилиб тақмоқ ҳам инсофдан эмас экан. У шоҳи-ипакларга, дунёнинг анвойи либосларига жуда-жуда муносиб эди. Аммо биз у пайтлар бунга зинҳор эътибор бермасдик, мавлоно Гулханий, мана, мана, нон ҳурмати, чин сўзим шу.

“Ўйимизда иккита сигиримиз бор, — дерди Қундуз баъзан туйқусдан маъюсланиб, — знамнинг оёқлари кузда шишиб кетади, соғиб бер, деб кимга ялиниб ўтирган эканлар...” Гоҳо у бирданига ўйга толиб, ўқишини сиртқи бўлимга ўтқазиб кетмоққа қарор қилганини айтиб юрагимга гулгула солар, гоҳ эса хомуш тортиб қолганимни кўриб кулар эдики: “Муҳаббат гулшанига сигир оралаб кетди-ку!”

У “Зарбулмасал” китобини мактабда эл қатори варақлаган эди-ю, бироқ сўзлари ҳаминша зарофатга тўлиқ бўларди, нозик лутфларини тинглаб доимо завқ қилардим.

Зарофатли одамнинг ўзи замонамизда оз қолди, мавлоно Гулханий.

Ушанда Қундуз, билибми-билмай башорат қилган экан: бир қаро кунда биз шунчалар асраб-авайлаган, суқ назарлардан пинҳон тутган озода гулзорни сигир эмас, қутурган ҳўкиз поймол қилди...

Яна куз келди. Чаман-чаман очилган пахталарни қувнаб-қувнаб тергали минг-минглаб шаҳар аҳли сафарбар этилди. Жамики улов далага жўнатилди. Фақат трамвайни жўнатмоқнинг иложи бўлмади. Рўзномаляр саҳифасида андоқ сўзбўронлар бошланиб, кўз очирмай қўйди; саксон яшар момонинг этак тутгани ҳам, тўқсон яшар бобонинг ҳиммат камарини белига боғлагани ҳам, беш яшар гўдакнинг гўзага бўйи етмаса-да, умумхалқ ҳашарига отлангани ҳам, уч кунлик келинчакнинг оқ саҳарни пайкал оғушида қаршилагани ҳам... ҳеч нарса қолмади. Ҳаммамиз учун ҳурматли зотлар эса “ойнаи жаҳон”дан боқиб, “миллион эгатларга сочилган” умумқўшинга амр қилар эдиларки, сўнгги мисқолигача! Жон бериб, қон бериб, шараф-шон бериб бўлса-да!..

Ялли хуруж бошланган кунни мен бир ҳафта муқаддам Назарбекдан — ойлик янтоқ ўримидан қайтиб энди

ишга чиққан эдим. Менга бундоқ ҳайроналик билан боқманг, мавлоно Гулханий: гарчи биз илмий-тадқиқот муассасаси деб аталмиш даргоҳда ишласак-да, чопиққа чиқамиз, яғана қиламиз, пиёз ўтаймиз, пичану янтоқ ўрамиз, патинжондан тортиб пахтагача терамиз ва бир мисқолини ҳам қолдирмасдан ҳукуматга тўплаб берамиз. Сўнгра агар шу ишлардан озгина фурсат орттиргудек бўлсак, илму урфон билан ҳам машғул бўламиз. Алқисса, оёғимни қўлимга олиб фаранг-румо бўлимига қараб чопдим. Ҳовлиқиб етиб борсам, афсуски, ватанпарварлик ташаббусига биринчи бўлиб қўшилган фаранг-румолар чидаб туролмай ҳафта бурун жўнаб кетган эканлар. Бўшашиб идорага қайтдим. Роҳибар чақиртирган эканлар. ҳузурларига кириб, эрта тонгда Арнасойда бўлишим кераклигидан хабар топдим. Назарбекдан келган қопим ҳали оғзи ечилмай турган эди, орқалаб жўнадим. Бениҳоя хурсанд эдим: Арнасой билан Дўстликнинг ораси қочиб кетган эмасдир, ахир!

Очигини айтсам, пахта теримига илк марта бунингдек қувонч билан отланмоқда эдим. Мен туғилиб-ўсган юртларда у пайтлар ғўза битмасди, шу боис ёшлик чоғларимиздан кунботардаги узоқ-узоқ далаларда ётиб пахта терардик. Бешинчи синфда ўқиб юрган кезларимда Кўкоролга борганимни хотирлайман. Об-ҳаво одатдагидек ноқулай келиб, мавсум ўша йили ҳам аччиқичакдек чўзилган, биз учун нақ етмиш икки кун давом этган эди. Париж Коммунасининг умрича. Биз ҳам коммунарлар каби сабот-матонат кўрсатган эдик.

Энди баъзан ўйлаб, ўн икки яшар боланинг қўлидан нимаям келарди, деб шубҳага бораман. Мозийда-ку мисоллар кўп: Бобур ўн икки ёшида Андижон тахтига ўтирган, Моцарт, дейлик, симфония ёзган, лекин энг буюк даҳо ҳам ўн икки яшарида Кўкорол чўлларида етмиш икки кун пахта теролган эмас — тарихни варақ-варақ ахтариб ҳам бу янглиғ ҳодисани ҳеч қайси солномадан тополмайсиз.

Кўк ёмғири устимизга томади, кўз ёшимиз — ерга, ер лой бўлади — аҳволимиз вой, пайтава қуриydi — шўримиз ҳам, қуёш мўлтирайди — биз ҳам мўлтираймиз, макарон шўрва қайнайди — жиғилдон қайнайди, маймунлар йиғлайди — биз йиғламаймиз. Қуни бўйи қўшиқ айтиб пахта терамиз, хуфтонда этингимизни судраб ётоққа қайтамиз, бир қошиқ оби ёвфон ютмасимиздан уй эгаси — Маммад деган баджаҳл турк эшикни очиб мўралайди: апил-тапил кийиниб жўнаймиз. Турк-

нинг ўн чақирим нарида томорқаси бор, поёни йўқ, томорқасида ерёнғоқ бор, қазиб олгани вақти йўқ, бироқ уйда ҳашарчи бор, ҳашарчининг тили йўқ, бироқ дили бор, дилида журъати йўқ, аммо алами бор, ойнинг иссиғи йўқ, ёлғиз шуъласи бор, ишсеварга туну куннинг фарқи йўқ, иш бор, иш бор, фақат иш бор!

Орамизда Турсун деган бола бўларди. Энг нимжонимиз шу эди. Бир йил аввал отаси ўлган, доим бурнини тортиб юрарди. Мавлуда деган опачаси мактабда супуриқчи, пахтага ошпаз бўлиб келган эди. Кечқурун овқат сузилган пайти биз бўриваччалардек бечора Турсунни ўртага олиб талар эдикки, Малув апачанг ёнга карчикани кўп солибди, мана, меникидан иккита макарон ортиқча, гўштинг ҳам кўпга ўхшайди-ку, аблаҳ?! Ниҳоят, Турсун шўрликнинг емишини заҳар-заққум қилиб, кўнглимиз таскин топар ҳузуримиз қонгандек бўлар эди.

Меҳнат ҳайвонини одамга айлантирганидек, баъзан одамни ҳам ҳайвонга айлантириши ҳеч гап эмаслигига ана шунда имон келтирганман, мавлоно Гулханий.

Бир саҳар уйғониб кўзимизни очсак, бояқиш Турсун кулала бўлиб тиришганча инграб ётибди. Яқинига бориб бўлмайди — бадбўй димоқни ёраман дейди. Кулманглар, деб йиғлайди бечора, кулманглар, оғайнилар, ўрнимдан туролмай қолдим, вой, қорним, ўлиб қоламан, Малувни чақириб беринглар, жон оғайнилар!..

Биз эса қорнимизни ушлаб қотиб-қотиб кулардикки, ана шундоқ бўлади, нафси ёмон ҳайитда ўлар, дейдилар, киннамиз кириб, тешиб чиқибди-ку, ахир!

Оёғимиз олти бўлиб кўчага югурдик — бошқалардан суюнчи олгани. Радиодан айтса ҳам шунчалик тез тарқамас: “Бешинчи “Б”даги Турсун бор-ку, ўша иштони-га...”

Минг лаънат! Минг карра лаънат, мавлоно Гулханий! Энди жирканаман ўзимдан — ўша пайтда Турсун боёқишдан жирканганим учун! Ушанда бошқаларга қўшилиб суюнчига югурганим учун! Бир маҳал шўрлик Малув келди, йиғлаб-йиғлаб жигарини покиза қилди, кимларнидир қарғади, отасини йўқлаб яна кўз ёш тўкди. Биз эса ташқарида, туркнинг айвончасида ҳамон ҳиринглашиб турардик.

Салдан кейин муаллимлар, директор келди. “Тез ёрдам”, дўхтирлар келди, лекин улардан аввал қазо элчиси аллақачонлар келиб Турсун бечоранинг қисматини ҳал қилган экан-у, ҳеч кимса буни сезмаган экан.

Турсунни касалхонага олиб кетишди.

Кейин биз уни қайтиб кўрмадик.

Фақат бир ойдан сўнг, мактабда ўқиш бошланган куннинг эртасига ўқитувчимиз Эсон ака бизни Турсуннинг уйига олиб борди.

Эшикни кўк кийган Малув очди.

Шу-шу, Кўкоролни ёмон кўриб қолдим. Дорилфунунда биз билан бениҳоя хушфезъл, одобли, жажмондек бир қиз ўқирди. Исми Барно эди, мен оламда исми жисмига бунчалар мос тушган одамни жуда кам кўрганман. Йигитларнинг бари унга ошиқ, қизларнинг жами унга маҳлиё эди-ю, ёлғиз менгина уни ёқтирмасдим: Барно Кўкоролдан эди. Кўкорол раҳматли Турсунни ёдимга соларди, Турсуннинг хотираси эса менга ўзимни, ўзимнинг ўша пайтдаги жирканч қиёфамни эслатарди.

Нимасини айтайин, мавлоно Гулханий, шундан кейин пахта теримларидан ҳам безиллаб қолдим. Дунёдаги истаган қора юмушга — гўр қазишу гўлаҳликка, ичакчавоғу молхона тозалашга ҳам тайёр эдим-у, пахтага чиқ, десалар, шайтонлаб қолгудек бўлардим. Билмадим, қай ғаддор кимсанинг касри туфайли безабон, бегуноҳ оқ пахта кўзимга бало-қазодек ёмон кўриниб қолган эди. Мана энди, орадан йиллар ўтиб, илк маротаба пахтага ёруғ юз билан, умид ҳам қувонч билан бормоқда эдим. Ич-ичимда ҳеч нарсадан истяхола қилмай мени далага жўнатган Роҳибардан миннатдор ҳам эдим. Пахта баҳона — дийдор ғанимат.

Менинг содда, софдил Қундузим, толеим осмондаги ёруғ юлдузим ишқда тенглик шартини ниҳоятда устун кўярди. Букун мен ҳам шу тенглик даражасига кўтарилганимдан беҳад шод эдим: Қундуз ҳашарчи эди, мен ҳам ҳашарчи бўлдим. Йўлда кетиб борарканман, унинг шу хусусда айтган сўзлари беихтиёр ёдимга тушарди. Бир куни нимадир муносабат билан бировни эсладик, унинг бўй етган икки фарзанддан воз кечиб, тақдирини ёш қиз билан боғлаганини гурунғ қилдик. Кимдир кўнгил, деди, кимдир — муҳаббат. Шунда Қундуз хомуш тортиб айтдики, мен шу одамнинг самимиятига ишонмасдим, негаки, жигарининг қонидан бунёд бўлган ўз зурёдига меҳр кўргазолмаган киши қандай қилиб бегона кимсага меҳр пайдо қила олсин? Сўнгра у ўйланиб айтган эдики, муҳаббатнинг ягона шарт бор, бу — тенгликдир, шу туйғу йўқ жойда ҳар қандай эзгу ният ҳам ғорат топур, ишқ оламида бировнинг қуллигию

иккинчи бировнинг истибдоди бошланур... Кейинчалик мен бу борада кўп фикр қилдим ва ўзимча шундай бир қарорга келдимки, ўртамизда тенглик барқарор бўлмагунча, яъни Қундуз ҳам дорилфунун гувоҳномасини қўлга олмагунча тўй ҳақида оғиз очмаган маъқул. Ўзим ҳам унгача қоққан қозикдек жойимда қотиб турмаслигим, номзодлик унвонига эришмоғим керак. Демак, ўшандаги хомхаёлларим бўйича икки йилдан сўнг Шаҳрисабз томонларга совчи бўлиб боришингиз лозим эди, мавлоно Гулханий. Насиб этса, албатта. Афсуски, у пайтда бу ҳикматли каломни тилимга ҳам олмаган эканман. Охир-оқибат эса... насиб этса, келар Шому Ироқдин, насиб этмаса, кетар қошу қовоқдин, деганларининг ўзи бўлди...

Ариасойга келиб ўрнашдимۇ кечқурун Дўстликка қараб йўл олдим. Фаранг-румо бўлими тупканинг тагида жойлашган давлат хўжалигида пахта тераётган экан, ярим кечаси етиб бордим. Муҳтарам Муҳаммад Шариф, “Зарбулмасал”да тасвир этганингиздек муҳташам бир чолдевор (бизлар буни барак деймиз, лекин бу асло чучвара дегани эмас) олдида ловиллаб гулхан ёниб турибди, дорилфунунда нақ Фарангистону Румода туғилиб ўсгандек кўринувчи барно толибалару ўктам толибларни асло таниб бўлмайти — бамисоли Қашқадарё чўлларини Хоразм даштларидан келган жайдари ўспиринларга ўхшайти. Фақат Қундуз, менинг Қундузимгина асло ўзгармаган эди. Ислиқи кийимларда ҳам юлдуздек чақнаб, барак ёнидаги якка туп садақайрағочга суянганча ловиллаб ёнаётган гулхану энкрсимон рақс тушаётган йигит-қизларга маъюс термилиб турарди. Мени кўрдию бирданига алланечук титраб кетди, беихтиёр паришон, афтодаҳол алфозда икки қадам ортига чекингандек туюлди...

“Қундуз! — дедим қўрқиб, энтикиб, — сенга нима бўлди, Қундуз? Тобинг йўқми?”

“Ассалом! — деди у куч билан кулмоққа тиришиб. — Менга нима қилибди? Ўзингиз нечуксиз, дарагингиз йўқ?”

“Мендан ранжима, Қундуз”, — дедим кафтларини қўлимга олиб.

“Нега ранжийин? Қўйинг, анавилар қараб турибди. Қачон келдингиз?”

“Ҳозир. Пичандан тўғри буёққа жўнатишди”.

“Ҳа-а, — деб бош ирғади Қундуз ва кўзларида бир лаҳзагина озор акс этди: — Мен эса, мана... юрибман”.

“Биз жуда яқиндамиз, Қундуз, — дедим ҳовлиқиб, — энди ҳар куни келиб тураман”.

Бунга жавобан Қундуз лом-мим демади.

“Юпун кийинибсиз, Фулом ака, — деди ачиниб, — совуқ ҳам тушиб қолди...”

“Нега ҳайдаяпсан, Қундуз?”

У бошини қуйи эгиб, эшитилар-эшитилмас пичирлади:

“Кеч бўлиб кетди, ноқулай...”

“Нимаси ноқулай? Нимаси ноқулай? Бу фаранг-румоларинг бари мен учун бир тийин, эшитяпсанми, бир тийин!”

“Майли, Фулом ака, майли, домлаларимиз ҳам...”

“Қундуз! Қийнама мени! Қийнама! Соғиниблар кетдим-ку, Қундуз!”

“Хўп, Фулом ака, фақат эртага, эртага гаплашайлик, хўп, денг, ўзингиз яхшисиз-ку...”

Менинг яна бошим айланиб, зимистон чўлу биёбонлар кўзларимга нурафшон водий бўлиб кўринди. Қундузнинг дийдорию бир оғиз ширин сўзидан маст, сархуш одамдек чайқалиб, тагин бўйинсундим: “Хўп, Қундуз, айтганинг бўлсин, фақат менга бир кулиб қарагин. Ана шундоқ! Бўпти, хавотир олма, ҳозироқ жўнайман, кўзимга қараб кетаман, ҳеч ким билан ёқалашмайман, йўлда ҳам адашмайман”.

Йўловчи машиналарга осилиб, пойи пиёда йўл юриб, йўл юрсам ҳам мўл юриб, саҳарга томон ўз барагимга етиб келдим. Кўзларимга қум тиқилгандек ачишарди, ётиб бирпас мизғимоқчи бўлдим, эплаёлмадим. Қундузни ўйлайвердим, юрагим зирқираб, аллақандай бегона, мавҳум бир хўрлик туйғуси эза бошлади.

Ахир, у ҳеч қачон мен билан бу тахлит муомалада бўлмаган эди-ку! Ҳеч маҳал менга бунчалар паришон боқмаган эди-ку! Нега у бу қадар маҳзун эди-ю, маҳзунлигини яширмоққа бу қадар зўр бериб уринар эди?

Мавлоно Гулханий, фалак одамизотга раво кўрган уқубатлар орасида шубҳа азобидан ҳам кўра оғирроғи бормикан?

Кун ёришиб, одам одамни танийдиган бўлганида судралиб барагимдан чиқдим. Ишбошимиз Жўллийбой акага йўлиқиб, ижозат сўрадим. Аҳволимни кўриб, яна кўрқиб кетди: “Ука, — деди, бош чайқаб, — адои тамом бўпсан-ку. Кириб, қимирламай ёт”.

Халойиқ ишга тарқаб, оёқ ости босилгач, йўлга туш-

дим. Икки соат бурун ўтиб келган йўлларимдан телбага ўхшаб ортимга қайтдим.

Қундузни поёни йўқ пахтазорда, ярим этак кўрак устида кечагидек маънос ўлтирган ҳолда топдим. Қунботарга қараб, неларнидир ўйлаб, ғамга ботиб ўлтирарди, тепасига етиб борганимни ҳам сезмади. Қўлимда бир сиқим пахта, юрагим увишиб, аста қаршисида тиз чўқдим: “Ҳорма, Қундуз!” У ялт этиб бурилиб қаради, қизарган кўзлари, қайрилма киприкларида ёш йилтираб кўринди ва ногоҳ бошини кўксимга қўйиб, унсизгина йиғлаб юборди. “Қаёқда эдингиз, Ғулом ака, — деб шивирлади алам билан, — қаёқларда эдингиз?!” Мен гумроҳ, табиийки, у пайт бу сўзлар маъносини англаб етмадим, қиз кўнглининг таманнолари деб қабул қилдим унинг юз-кўзларини силаб ғўлдирадим: “Хафа бўлма, юлдузим, мана, келдим-ку” Қундуз бирданига юлқиниб оғушимдан чиқди, укпардек тўзғинган сочларини шошапиша тузатиб, дуррасини бошига тортди ва менга андуҳ тўла бир нигоҳ билан шундай тикилдими, мавлоно Гулханий, жигар-бағрим узилиб кетгандек туюлди. “Нега бундай қарайсан?!” дедим зор қақшаб. “Ўзим, — деди у кўзларини ҳамон кўзларимдан узмай, — ўзим...” “Гапир, Қундуз, — деб илтижо қилдим титраб, — гапирсанг-чи, нима бўлди, ахир?! Нега индамайсан, Қундуз?!” Ниҳоят, у ҳушини йиғиб, ўрнидан турди, уст-бошини қоқди, бўғзига тиқилиб келган хўрсиниқни бир киприк қоқиб мардоналик билан ютди-да, нақ юрагимга ханжар ургандек: “Энди бошқа келиб юрманг, Ғулом ака”, деди... Шундагина мен унинг сўз оҳангидан бу гаплар қиз қалбининг истиғнолари эмаслигини англадим — ўлтирган жойимда тош каби қотдим. Кўзларимга нур қайтиб, оёқларимга яна мадор ато бўлганида Қундуз пайкал этагида, бошини қуйи солганча уфқ томон кетиб борарди. Уфқ эса яқин эди. Бахтим, саодатим, толе юлдузим лаҳза сайин мендан абадиян узоқлашиб кетмоқда эди. Жўякларга қоқилиб-суриниб, жонимнинг борича ортидан югурдим. Упкам бўғзимга тиқилиб қувиб етдим-у, елкаларидан тутиб ўзимга қаратгали журъатим етмади. “Тўхта, Қундуз, — деб ялиндим холос, — мени тириклайин ўлдириб кетма, гуноҳим не, айтиб кет”. У қайрилиб тўхтади, маъсум кулгичларида яна зўраки кулги заиф жилва қилди. “Сизда ҳеч бир гуноҳ йўқ, Ғулом ака, — деди аллақайларга қараб, — қанча гуноҳ бўлса, энди менинг бўйнимда. Мен... мен сизга тенг эмасман!”

Бир ўлиб тирилган кимсанинг умри узоқ бўлади, дейдилар, муҳтарам Муҳаммад Шариф. Баъзан ўйлайманки, менинг ҳам умрим узоқ бўлса керак — ўша лаҳзада бир ўлдим у сўнг не замонлар ўтиб қайта тирилдим.

Ҳаммасини бирданига яққол англадим, кўнглим муздек бўлиб, унда фақат совуқ қаҳр қолди. “Ким у?! — деб сўрадим тишларим такиллаб. — Айт, қайси ҳароми у?! Айт, йўқса, ҳозир сенинг ўзингни... ўлдираман!” Қундуз, кўзлари тўла жикқа ёш, индамай, жаллод кундасига бош қўйгандек, қаршимда бўйин эгди. “Арзаймайди, — деб пичирлади бир маҳал, — на у, на мен бунга арзиймиз”. Сўзлари ҳам, хоксор, музтар қиёфаси ҳам менга тажассуми риё бўлиб туюлди, ақлимни йўқотдим, юз-кўзлари аралаш устма-уст тарсаки тортдим, кейин яна қўл кўтардим фақат меҳрга, фақат ардоққа муносиб бу нурли чехра, бу теран кўзлар чексиз қайғуга гарқ эканини кўриб, инграб юбордим. Қундуз юзларини чангаллаб, базўр ўрнидан тураркан, армон билан бош чайқади: “Нега мени илгарироқ урмадингиз, Фулом ака?!” Шундагина ҳушим ўзимга қайтди. “Қўлим синсин, Қундуз, — дедим ич-ичимдан бўзлаб, — қўлларим синсин...”

Лекин энди на бўзлаш, на қаргишу таъна-надоматдан зарра наф йўқ — бўлар иш бўлган, бўёғи сингган эди. Энди менинг чекимга тушгани аччиқ армон эди, холос, чекка тушгач эса, чеклашмоқдан ўзга чора йўқ.

Ишонган тоғда кийик ётмас, деганлари наҳот шундоқ бўлса, мавлоно Гулханий?

Қундузнинг сўнгги илтижоси шу бўлди: “Фулом ака, биламан, мени ҳеч қачон кечирмайсиз. Фақат унутмангки, мен сизга муносиб эмасман деганим — сиз менга муносиб эмассиз, деганим эмас”.

Шу жумбоқни айтдию бошини эгиб, этагини судраб, устимдан кулгандек тиржайиб турган пайкал аро бора-бора узоқлашиб кетаверди. Шу палла, шу сонияларда ақлу идроким, кўзим, қўл-оёқларим фақатгина жаҳолатга, жаҳолатнинг қаҳрли тилидан чиққан “Кетдик!” деган ҳукмгагина итоат қилар эди — кетдим. Маккапоя босилган машинага тирик жасадимни ортиб, барагимга қайтдим.

Бу тун — йигирманчи октябрь, илиқ куз оқшоми эди, бироқ у менга ялдо кечаси каби бениҳоя туюлди. Тонг отмади. Балки дунё энди абадиян зулматда қолур, деб ўйлай бошлаганимда, уфқ уф тортиб уйғонди.

Девонавор юриб йўлга чиқдим. Арнасойда ҳали ҳамма ухлаб ётарди. Дўстликка етиб келганимда олди одам энди ўрнидан туриб бет-қўлини ювмоқда эди. Фаранг-румо бўлимнинг ётоқхонасида эса бу вақт қиёмат-қойим қўпган эди: тонг қоронғисида Воҳид деган уйғур ошпаз бола ошхона эшигини очиб қарасаки, шифтда Қундуз...

Шаҳрисабз — яшил шаҳар, мотам либосингни кий!  
Қундуз кетди. Ўзи билан бирга бир умрлик армонларимни, то қабрга киргунимга қадар суяқ-суякларимни сирқиратадиган интиқом туйғусини, аламли ва шармисор бир сирни ҳам олиб кетди.

Атрофда — тумонат одам. Ўнг томон боқсам ҳам одамизотга кўзим тушади, сўл томон боқсам ҳам. Аммо буларнинг қайси бири қотил?! Қайси биридан бахтиқаро Қундузим учун, ўзим учун қонли қасос олайин?! Эҳ, қани эди, лоақал изларининг гардини топсам, ит бўлиб искар эдим, умрим адо бўлгунига қадар излар эдим... Қайда у, қайси бири у?! Қай бурчакка биқиниб олган?... Нима қилиб қўйдинг, Қундуз? Мен сенга ишонардим-ку? Сен туфайли оламга, одамга ишонардим-ку? Энди кимга ишонайин? Энди қандай ишонайин?

Талотўп бўлди, сўроқ-тергов бошланди. Қундуз умр бўйи бирор одамга, одам нима, ҳатто чумолига озорни раво кўрган эмас эди, фавқулодда фожиасидан ҳам бирор кишига айтарли зиён-заҳмат етмади. Ёстиғи остидан чиққан икки энли хатга бир оғизгина қилиб: “Чарчадим”, деб ёзиб қолдирган экан. Мен ҳам эл қатори сўроқ бердим. Кўп гапни қудуқ бўлиб ичимга ютдим. Билардимки, энди уларнинг ҳеч бири Қундузга шараф келтирмагай. Даъво-жанжал йўқ, гувоҳ-исбот йўқ, терговлар тугади. Енгил-елпи ҳайфсанлар, кўз ёшлари, дафн, ҳаёт абадияти... Яна ёлғон айтаяпман, тергов тугагани йўқ. Токи мен тирик эканман, у давом этмоғи муқаррар, муҳтарам Муҳаммад Шариф. Ўзимни ҳаргиз кечиролмайман: ўшанда Қундузнинг сабр косаси тўлган экан-у, мен сўнгги томчи бўлган эканман.

Баъзан эса, туриб-туриб, ўзгача хаёлларга ҳам бораман. Ахир, у Лайли эмас, Қундуз эди, мен ҳам Мажнун эмас — бор-йўғи бир Фулом эдим, бас, шундай экан, ишқимиз қиссасини бу қадар қайғули хотима топдирмоқ шартмиди, деб ҳам ўйлайман. Сўнг ўзимга ўзим жавоб айлаб дейманки, у ҳолда Қундуз Қундуз бўлмас эди, буткул бошқа кимсага, ажаб эмаски, бошқа нарсага айланиб қоларди. Айтайлик, гулбеорга.

Содир бўлмиш бу воқеаларда менинг ҳам гуноҳим бормиди, деб тушу кун баъзан ўзимни тафтиш қиламан. Шунда юрагимнинг туб-тубидан бир неча ўн овоз бараварига нидо бериб ҳайқиради: “Айбдорсан! Айбдор!”

Ўртайдиган жойи шундаки, орадан мана, тўрт йил ўтибди ҳамки, ҳали Қундузни бирор марта туш кўрганам йўқ. Ҳатто баъзан юз-кўзлари қандайлигини ҳам унутиб қўйгандек сезаман ўзимни. Сарғайган дафтарлар қатида сақланаётган икки-учта суратни олиб қарашга юрагим дов бермайди. Ва мудом шу боис ҳайрон бўламанки, нега энди шунча вақт ўтиб, лоақал бирор марта уни тушларимда кўрмасам?

Наҳотки дийдор қиёматга қолгани чин бўлса?

“Ана шундоқ, мавлоно Гулханий, — дедим ниҳоят ҳасратимга яқун ясаб, — нотавон қулингизнинг бошидан мундоқ савдолар ҳам ўтган. Ўтинаман, ўйламанки, юрагида ишқ ўтидан йилт этган нишона йўқ, деб. Йўқ, аксинча! Эҳтимол, то ҳануз юрагимни куйдириб ётган ишқ алангаси сўнганида эди, балки мен ҳам ўзгага кўнгиш қўйган бўлурмидим... Ҳозирча эса, бу ўтда ёлғиз ўзимнинг ёнганим ҳам кифоя — бегуноҳ бир одамни ҳам бу аланга домига тортмоқ айни ноинсофликдир. Имоним комилки, Сиз ҳам буни маъқул топмай, заҳарханда бир киноя билан қайдадир чимдиб ўтур эдингиз”. Шундай деб бошимни кўтариб қарасамки, рўпарамда ўлтирган Муҳаммад Шарифдан ном-нишон ҳам йўқ. Ҳайрон бўлиб ўрнимдан турдим. Қўшни хонада қушларнинг чағур-чуғури тағин авжига чиққан, патир-путур қанот қоққан товушлар баралла эшитилиб турар эди.

Аста дераза олдига бориб, иккала тавақасини ҳам ланг очиб юбордим. Димоғимга аччиқ куйинди иси урилди. Яқин атрофда қайдадир хазон ёқиларди. Энтикиб-энтикиб ҳаво симирганча ташқари боқарканман, юз қадамлар нарида, катта йўл адоғида, жўхориси ўриб олинган яйдоқ дала бошида ловиллаб гулхан ёнаётганига кўзим тушиб қолди. Аввалига, хазон шу ерда куйдириляётган экан, деб ўйладим, бирок гулханнынг кўкка ўрлаган баланд шиддати, теварак-атрофни кундузидек ёритиб юборган ёруғ шуъласи эътиборимни ўзига тортди. Диққат билан тикилиб қараб, буниг махсус ёқилган гулхан эканини пайқадим. Унинг атрофида давра қуриб нима ҳақдадир қизғин суҳбатлашиб ўлтирган уч кишининг қиёфаси ғира-шира кўзга чалинарди. Шошиб ортимга бурилдим, стол устидан кўзойнагимни олиб тақдим ва дастлаб одми тўнга ўранган Муҳаммад Ша-

рифнинг хиёл букчайган қоматини кўрдим. Ёнидаги одамлар ҳам ниҳоятда таниш кўринарди. Синчиклаб қарадим у кўзларимга ишонмай қолдим; тунги ҳамсухбатларнинг бири қирғийбурун, сочлари фатила-фатвела бўлиб елкасини тутган, эгнига кигиз чакмон ташлаб олган киши... ёпирай! Наҳотки Гоголь бўлса?! Улай агар, асло адашаётганим йўқ: қувтабассум, хушмўйлов бу кимса поёнсиз хаёллар соҳибни Николай Васильевич Гоголнинг нақ ўзи эди, чарсиллаб ёнаётган гулханга узун, қоқсуяк қўлларини тутганча Диканка қишлоғи оқшомларидан мароқ билан ҳангома қиларди. Унинг қаршисида эса қора аҳо қийган, ранг-бўйи қоронғи тун зулматида янада оқариб кўринган бошқа бир таниш сиймо кулоҳсимон қалпоғини тиззасига қўйиб аланга шуъласига жимгина тикилиб ўлтирарди. Ханс Христиан Андерсен! Ёруғ ғусса билан йўғрилган сирли қиссалар ижодкори! “Ё тавба! — деб пичирладим ҳайрат бармоғимни тишлаб, — одам чарчагандан сўнг кўзига ҳар балолар кўринаверар экан-да! Наҳотки ўнгим бўлса? Унда... унда булар ярим кечаси қайдан келиб қолди? Муҳаммад Шариф шу боис ғойиб бўлиб қолган экан-да! Ё, қудратингдан!”

Яна ҳайронлик билан улар томон тикилдим. Уларнинг қандай қилиб тил топишгани менга қоронғи, лекин тил топишгани аниқ эди — суҳбат бениҳоя қизгин давом этарди. Гулхандан уч-тўрт қадам нарида шотиси кўтариб қўйилган аллақандай бир араванинг кўлагаси қорайиб кўринар эди. Умуман, ғаройиб манзара эди бу: тепада — юлдуз тўла осмон теварак-атрофда — уфқ қадар чўзилган дала, ўртада — ловиллаб гулхан ёнар, унинг теграсида оламнинг уч зукко донишманди дунёнинг устидан кулиб ўлтирар эди!

Бирданига маънос тортиб қолдим, кўнглим шу гулхан тафтини, унинг ёнидаги суҳбат ҳароратини тилади. Кийиниб, даҳлизга чиқдим, қаршидаги хона эшигига қулоқ тутдим: қушлар бозори авжида, осмон узилиб ерга тушса ҳам бирортаси сезмайди. Аста тирқишдан мўраладим: анқодан тортиб булбулгача, тосқорадан тортиб чурраккача жамики қушлар бунда чарх урар эди-ю, соҳибни салотин Муҳаммад Шарифнинг қораси кўринмасди. Хотиржам бўлиб, секингина ташқари чиқдим.

Куз келгани рост экан. Муздек аёз, оёқ остида дийдираган барги хазон бунини ҳар қадамда таъкидлар эди. Уйни айланиб ўтиб, ловиллаб гулхан ёнаётган томон

Йўл олдим. Ана у, кўкка сапчиб турибди! Сухбат ҳам гулхандек қизиган, бедор ҳамсухбатлар гуруннга шу қадар берилган эдиларки, қўл чўзса етгудек жойдан дақиқа сайин шуъла сочиб ғиз-ғиз ўтаётган уловларга пинак ҳам бузмасдилар.

Ўн қадамлар чамаси қолганда бирданига ўйга толдимки, қандай қилиб бораман? Айтмаган жойга йўмаган таёқдай...

Бир зумдан сўнг кўз ўнгимни тўсган бу андиша пардаси кўтарилиб, яна олдинга боқдим. Ё фалак, кўр бўлайинки, агар қаршимда қоп-қора бўшлиқдан ўзга нарса бўлса! Ҳушим учиб, ён-атрофга саросималаниб қарадим. Ортимда, ҳув узоқда юз бир кўзли деразалари билан ижара уйим гунгурсдек бўлиб қорайиб турибди, рўпарамда — шипшийдам жўхориюя, сал юрсам тоғ бўйи уюлиб ётган ахлат тепасига етаман. Ё қудратингдан! Гулхан қайга ғойиб бўлди?! Андерсен-чи? Гогол-чи? Муҳаммад Шариф?! Ахир, ҳозиргина уларни ўз кўзим билан сўқир бўлгур мана шу кўзларим билан кўрган эмасмидим?! Ҳар бирининг ўлтирган жойини ҳозир ҳам аниқ кўрсатиб бермоғим мумкин!

Ақлу ҳуш бошимдан учиб, яна ижара уйимга қайтдим. Хонамга кираётиб қўшни хонага қулоқ тутдим: жимжит. Қушлар ҳам сайраб чарчаб, ниҳоят, тинган бўлсалар керак. Ён-веримда рўй бераётган сирли ҳодисалардан таажжуб ва ҳайратим чандон ортиб, аста жойимга чўзилдим. Кўзим илинди, бир маҳал кимдир эшикни оҳиста очиб кираётганини пайқаб, уйғониб кетдим. Ҳовлиқиб, бошим тепасидаги иопармон тунчироқни ёқдим у эшик тирқишидан қалами тўнининг этакларини ҳилпиратиб ўтаётган Муҳаммад Шарифнинг дароз қома тиги кўзим тушиб қолди.

У гулхан ёнидаги тунги базмдан қайтиб келмоқда эди!

Эрталаб ўрнимдан турган заҳоти бориб дўхтирга кўринишга аҳд қилиб, яна мудраб кетдим. Жўллийбой акам айтмоқчи, балонинг олдини олган тузук.

Тонгга яқин одатдагидек эринчоқлигим тутиб, аллапайтгача “ана тураман-мана тураман”, деб тўшакдан қўзғалмай ётдим — иссиққина ўриндан сира чиққим келмасди. Оқибат, нонуштани нася қилиб, чала-чулпа соқол қиртишладим у ишхонага қараб чопдим. Автобус бекати томон йўртмоқлаб кетарканман, қизиқиш ғолиб келиб, атай йўлни чапга солдим — кечқурун гулхан ёнган жойни кўрмоқчи бўлдим. Бордим. Кўрдим. Кўзим-

га ишонмадим: йўл четида, шипшийдам пайкал бошида чала ўчган шох-шабба, ҳали ҳовури кўтарилмаган бир уюм кул...

Ишхонада кўрган-кечирганларимни айтиб юрагимни бўшатай десам, оҳким, ҳамдард йўқ. Ёлғиз ишонганим Жўллибой ака, лекин у ҳам пойинтар-сойинтар гап-сўзларимни тинглайвериб, шу даражага бориб қолганки, яна бир карра шу хусусда оғиз очгудек бўлсам, руҳий касалликлар шифохонасига ўзи қўш қўллаб элтиб ташлаши тайин. Шу сабаб ҳеч кимсага дамимни чиқармай қўяқолдим.

Тушликдан кечроқ қайтдим. Хонада тамадди қилиб ўлтирган Жўллибой ака (унинг ошқозони касал, овқатни уйдан олиб келади) нон кавшаганча: “Ука, Динора опанга сим қоқар экансан”, — деб қолди.

Оббо! Маошга ҳали уч кун бор-ку! Ижара ҳақининг муддатини асли мояна кунига тўғрилаб олсам бўларкан-у, шунга ҳам ҳеч ҳафсала қилмадим-да!

Шошиб беканинг ишхонасига сим қоқдим. Бекамиз бугун ишга чиқмабдилар. Уйларига қўнғироқ қилдим. Ҳеч кимса жавоб бермади. “Тушликдан сўнг истироҳат қилиб ётган бўлсалар ажаб эрмас”, деган хаёлга бориб, яна ишга киришдим.

Кечга яқин сирли қўнғироқни эслаб, тағин сим қоқдим. Ҳамон жимлик. Шунда Жўллибой акамдан йигирма беш сўм қарз сўрадим. Қасаба уюшмасининг хазиначиси эди у, ўнг ёнбошидаги темир қутида мудом беш-ўн сўм бўларди, калитни эса иштонбоғига боғлагандек қилиб эҳтиётларди. Жонини чиқариб бераётгандек ниқиллаб, аранг бешта беш сўмлик олиб узатаркан, тўтиқушдек бир гапни такрорлар эди: “Сайфулла ака билмасин, жон ўка!” Қўлёмалар бўлимидаги Сайфулла ака унинг эски ганими эди, Жўллибой акам ундан Азроилдан қўрққандек қўрқарди.

Қарзини чўнтакка солиб кечқурун беғам-бепарво бойвачча ниқобини юзимга тортиб, беканинг уйига — Дорилмуаллимин томон йўл олдим. Муҳаммад Шариф букунча бир тирикчилигини қилар. Ана, бижилдоқ, эркатой қушлари бор, бир оқшом шуларнинг ризқига шерик бўлиб турар!

Дорилмуаллимин ишхонамиздан у қадар узоқ эмасди, дарровда етақолдим. Хусну ҳашамнинг олий мақомига кўтарилган обод кўчалар бўйлаб бекамизнинг уйига равона бўлдим.

Дорилмуаллимин шаҳар четидаги озода, сокин мав-

зелардан бўлиб, дорилфунун биқинида жойлашгани ва аксарият дорилфунун муаллимлари истиқомат қилгани вазидан шундай деб аталарди. Аммо уч йилдан буён келиб-кетиб юриб, бу ерда муаллимлар бармоқ билан санарли эканига ишонч ҳосил қилдим. Бу ерда ҳар турли катта-кичик арбоблар, аҳли тижорат, аҳли чайқов ва турфа хил аҳли бекорчи умргузаронлик ила машғул эди.

Динора опамизнинг ҳовлиси Дорилмуаллимнинг қоқ ўртасида жойлашган, Қўқон хони дейсизми, Бухоро амири дейсизми, Хева хони дейсизми, истаган ҳукмдорингизнинг ўрдаси билан ҳусн талашадиган муаззам бир мулк эди. Бекамизнинг ўзи ифтихор билан айтишича, қай бир йили етмиш беш мингга харидор чиққан-у, булар кўнишмаган. “Бу жойни жой қилгунча умрим адо бўлди, наҳот умримнинг баҳоси етмиш беш минг бўлса?!” дерди Динора опамиз ўксиниб. Поччамиз Шерлон ака хандон ташлаб кулар эдики: “Бизнинг умримиз-чи, бизнинг умримиз ҳисобга кирмас экан-да, а, хоним?” “Албатта ҳисобга кирмайди, — деб жилмаярди Динора опамиз, — сизнинг умрингиз бебаҳо-ку, хўжайин, бирор нарса билан ўлчаб бўларканми? Лекин худолигингизни айтинг, агар мен хала қилмаганимда ҳалиям ўша уч хонали каталакка тиқилиб ўтираверардингиз, тўғрими?” Шерлон ака бунга жавобан кулиб қўярди, холос.

Улар дастлаб ҳозир мен истиқомат қилаётган ошиёни сотиб олишган. Ишхоналарига яқинроқ бўлгани учун. Эр-хотин шаҳар ташқарисидаги руҳий касалликлар шифохонасида муқим йигирма етти йил бирга ишлаб келадилар. Расман поччамиз хастахона бошлиғи, лекин мен бунинг аксинча эканини аллақачон сезиб олганман. Бу ошиён учун ўн минг тўлашган. “Ўн минг у пайтлар катта пул эди, — дейди Динора опамиз уҳ тортиб, — қутулгунча ўлиб бўлганмиз. Кейин бу иморатга унадик. Э, укажон, бу дунёда қийналгандан поччангиз иккаламиз қийналдик. Энди, ишқилиб, болачақамиз роҳатини кўрса — бас. Тирик жонга жой ҳеч ортиқчалик қилмас. Мана, Жаҳонгир укангиз ҳам катта бўлиб қолди”.

Ҳа, Жаҳонгир укамнинг ҳам бўйи чўзилиб қолган. Бултур учинчида ўқирди, бу йил тўрттинчига ўтибди. “Агар ўнинчини битириб уйланса ҳам олти йил бор экан, — деб аста хомчўт қиламан. — Ўлдими, ахир унгача менга ҳам ишхонамдан уй-пуй тегиб қолар”.

Гарчи Жуллибой акам шу лаллайиб юришим булса, кирк йил қиёматда ҳам бошпана тегмаслигини айтиб кўнглимга ваҳима солиб турса-да, мен некбин одам, умид билан яшайман. Лекин бари бир унга қадар уй хўжалари билан муносабатни сариёғдек силлиқ олиб бормоқ лозим. Чунки бунингдек соз, қулай ижара уйни мен, мана, ўттиз тўққизтасини алмаштириб энди кўришим. Ижарадан айрилмасликнинг ягона йўли — вақтида ҳисоб-китоб. Ҳисобли дўст айрилмас, деб бежиз айтмаганлар, шундай эмасми, мавлоно Гулханий?

Енғоқдан ясалиб, нақшу нигор ўймакорлик ила жило берилган дарвова қаршисида бир зум нафас ростлаб, аёта кўнғироқ тугмасини босдим. Хийла вақтгача бирор шарпа сезилмади. Бир оздан сўнг яна кўнғироқ чалдим. Ҳеч қандай садо бўлмагач, остона ҳатлашга журъат этдим. Дарвозахонада оққушдек солланиб турадиган сутранг “Волга” кўринмасди. Тўрдаги ярқираган кошона сари қадам босмоққа юрагим дов бермай, дарвоза ёнидаги бир уй, бир айвоқ томон юрдим. Бу ерда Шерлон акамизнинг отаси Раҳмон бобо яшайдилар. Ешларини ўзлари ҳам аниқ билмайдилар. Бир сўрасангиз, саксон олти дейдилар, бир сўрасангиз, бир кам тўқсон. Ана, бобомиз хонтахта устидан ёпилган нимдошгина кўрпани сандал қилиб китоб кўриб ўлтирибдилар. Бошларида гули ўчган тақя, яқтакнинг асл рангини кимёвий текширув йўли билан ҳам аниқлаб бўлмаса керак. Оёқ остига тўшалган шолчанинг тусига қараб туриб, киши беихтиёр бу матоҳ Раҳмон бобо дунёга келмасидан беш-ўн йиллар буруң шу жойга солинган бўлса керак, деган хаёлга бориши тайин. Қорасувоқ уйнинг токчаларида икки-учта чегаланган чойнак-пиёла, тахмонда ҳам уч-тўртта шапаракдек кўрпача, пойгакдаги улкан қалача кавуш Раҳмон бобонинг паришон рўзғорини безаб туради. Қачонки бу хонадонга келсам, ота-боланинг турмушидаги тафовутни кўриб турли ўйларга борар, аммо бирор хулоса чиқармоққа, очиги, ботинмас эдим. Раҳмон бобо мен ғира-шира танирдилар, ҳар гал ўзимни қайта танитишимга тўғри келарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Саломимга алиқ олдилару бетимга қараб ўйланиб қолдилар.

— Мен Гуломман, Юнусободдаги уйдан келдим, — дедим у кишининг мушкулларини осон қилиб. — Бардам-бақувватмисиз, бобо?

Раҳмон бобо мамнуният билан бош ирғадилар.

— Юнусовотда Маҳзар полвон билан тариқ эккан-

миз, — дедилар дафъатан қадим замонларга шўнғиб. — Маҳзар полвоннинг хотини ўшоғда чиллашир бўлиб ўлган. Икки ўғил ўшандан қолган. Кейинги хотинидан уч қиз...

Мен сир бермай кулиб ўлтиравердим.

— Кеннойим қаёқдалар, ота? — дедим бир пайт у кишини хаёл дарёсидан тортиб чиқариб.

Раҳмон бобо кўзларини қисиб, менга норози қарадилар.

— Кетган, — дедилар хийла ўтиб, нохуш кайфиятда. — Ҳаммаси кетган. Шерлон ҳам, неваралар ҳам.

Тағин сўзсиз қолиб, китоб кўрмоққа тутиндилар.

— Қаёққа кетишди, ота?

— Булар базмсиз туrolмайди. Бугун божасиникида зиёфат. Қамокдан қутулиб кепти. — Раҳмон бобо шундай деб аста атрофга алангладилар, сўнг бирданига товушларини пасайтириб, шивирладилар: — Шерлоннинг топгани ҳаром, Шунақа. Фитр рўза бермайди бадбахт. Бир уйига кирувдим. Юзтача пиёласи бор экан. Ҳаром ҳаммаси. Чой ичиб бўлмайди.

Раҳмон бобога, худди қаршимда мугузли одам ўлтиргандек, ағрайиб тикилдим.

— Кишининг моли, — деб уҳ тортдилар Раҳмон бобо.

Тилимга тушов тушган, нима деяримни билмай гаранг ўлтирардим.

— Ҳафта сайин қўй сўйиб туради, — деб ҳасратларини давом эттирдилар Раҳмон бобо. — Ўзича меҳрибон бўлиб менга ҳам чиқаради. Бирор луқмасини оғзимга солсам кошки экан. Ҳаромни еб бўлмайди, ўғлим. Кўп бўлди, мен билан гаплашмай қўйган. Ёлғиз ўғил эди, худога не ёмонлигим ўтган экан...

— Хафа бўлманг, ота, ярашиб кетасизлар, — деб тасалли бергали шошилдим ва шундагина сездимки, Раҳмон бобо мени аллақачон унутиб, ўзларига ўзлари дардларини айтиб ўлтирган эканлар.

— Ёлғон гапиради, Ҳаммаси. Келин-ку ямламай ютади. Болани ҳам ўргатган. Норасидани-я! Одамнинг фақат лафзи ҳалол. Агар лафз ҳам булғаниб кетса, тамом — одамнинг бошидан оёғигача ҳаром. Яратгандан қўрқаман, эрта бир кун шу ноқобил фарзанд учун ҳам сўроқ берарман, деб...

Мутаассир бўлиб, бободан ижозат сўрадим. Зеро, менинг бунда ўлтиришимдан энди ҳеч қандай наф йўқ эди. Ижара ҳақини унга берсам, баттар ранжитмоғим тайин эди, шу боис қўшни хотин Хадича холага қолдирдим.

Уйга қайтдим, Муҳаммад Шариф ҳақ деб йўлимга термилиб ўлтирган экан, норизо тўнғиллаб қўйди. Кулиб, узрхоҳликлар қилиб, дарҳол бир қошиқ оби ёвгон пиширмоққа тутиндим, сўнг икковлон шакаргуфторлик ила таом тановул этдик. Чой маҳали унга беканинг уйига борганимни, Раҳмон бободан эшитган ажабтовур ҳангомаларни сўйлаб бердим. Муҳаммад Шариф бирданига хаёлга толди, ўрнидан туриб оғир уҳ тортди, хона бўйлаб нари-бери бетоқат одимлар экан: “Чайнамаини еганлар оғримайин кетарлар”, деди.

Эртаси тушга яқин Динора опа қўнғироқ қилди. “Хадича хола айтдилар келганингизни, — деди у, — сизни фақат шунинг учун йўқламовдим. Бу, сиздан бесўроқ бир иш қилиб қўйдик, хафа бўлмайсиз-да”. “Хўш-хўш?”, дедим юрагим нохуш тортиб. “Бир уятли одам илтимос қилиб қўймади, ўғлига тузукроқ жой ахтариб юрган экан, йўқ деёлмадик. Сиз энди битта хонага ўтиб турасиз-да, у бола буёққа жойлашар. Бугун-эрта бориб қолишса, ҳайрон бўлманг, деб... Мен унга ўзимнинг калитимни бердим. Энди, мен сизга ишонаман, синашта бўлиб қолганмиз, кўз-қулоқ бўлиб турасиз-да, майлими, Гуломжон?” “Майли, — дедим бўшашиб, — ўзи тузук бола эканми, ишқилиб?” “Ҳа, қўнгилингиз тўқ бўлсин, — дедилар бека хотиржам, — таги кўрган одамлар. Уғлининг оти Шодиёр экан, иккинчи курсда ўқирмиш. Ака-укадек яшайверасизлар, қайтага, гангур-гунгур. Ахир, машойихлар айтган-ку, эрга берсанг ошингни — эрлар силар бошингни, итга берсанг ошингни — итлар тортар бошингни, деб... Бўпти, Гуломжон, сизга ишондим-а?”

Оқшом чоғи бу хабардан огоҳ бўлиб, Муҳаммад Шарифнинг капалаклари учиб кетди. Биз сенинг бирла шу умидда аҳду қарор қилибмидик, дегандек таъна билан қараб қўйдилар. Шошиб узр айтдим, хижолат ичра ёлдирадимики, начора, мусофир итнинг думи қисик. Мавлоно Гулханий ўринларидан туриб, елкаларига тўнларини ташладилар: “Авлороқ улдулки, аввал бориб Бойўғлига учрасам, ҳарна ҳижрат тадоригини кўрайлик, тоинки қаҳратон қиш чилласида кўчаларда дарбадар итдек суринмайлик”, деб жўнай бердилар. Минг тавалло билан базўр тўхтатиб қолдим, уйимиз тор бўлса ҳам, қўнғимиз кенг, тақсир, ўзингиз ҳам, жамики туюрларингиз ҳам хонамга сиғасизлар, дея айланиб-ўргилиб, аранг кўндирдим. Би-

лардимки, Муҳаммад Шарифдан айру тушсам, ҳаётим бениҳоя бефайз, бениҳоя нурсиз бўлиб қоларди. Мавлоно иккилана-иккилана ризолик билдирдилар, лекин хонамга кўчиб ўтгач ҳам, секингина хўрсиниб: “Тор жойда ош егандан кенг жойда мушт еган афзал”, деб қўйдилар.

Эртаси тонгда барвақт туриб, қўшни хонага чиқдим. Мавлоно Гулханий кеча оқшом маталгўй қушларига ижозат бериб юборган, шу сабаб хона кимсасиз эди. Тўрт томонда момик патлар, ҳас-чўп, қуш тезағи сочилиб ётар, кўпдан бери супурги тегмаган бу хонумон харобалик сари юз тутган эди. Ҳар нечук, озода қилиб қўяйин, эман ёғочининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани, деган андишага бориб, супургию ҳўл латта кўтариб келдим, қандил тугмасини босиб, не кўз билан кўрайинки, хона ёғ тушса ялагудек ярақлаб, чинни-чироқ бўлиб турибди!

Бошимни қашлаб, ҳайрат бармоғимни тишлаб, дамим ичимда, индамайгина изимга қайтдим. Муҳаммад Шариф ошхонада хўриллатиб чой ичиб ўлтирардилар.

Кечқурун идорамизда қарори уч кун бурун битиб қўйилган навбатдаги машварат бўлди. Гапирмаган бир жон қолмасин, деб ваҳий келгандек, қимирлаган кимса борки, бари сўзга чиқди — фикр эмас, тилнинг намоёнлиги бўлди. Роҳибаримиз машваратни чўзиб, чўзган сари ҳузур қилиб, яйраб-яшнаб ўлтирдилар, амал лаззатидан сархушу сармаст, кенгашни моҳир дарғадек беҳато бошқариб бордилар. Мансабнинг шоири-да Роҳибаримиз. Йиғин тарқаб, кўчага чиққанамизда, зулумот чўккан, киши кишини танимаслик даражасига етган эди. “Оббо, — деб тўнғиллади Жўд-либой акам, — ўғригина болалар, пописис борми, деб сўрайдиган вақт бўпти-ку!” Ичимни итлар тирнаб уйга отландим — сўнги пайтлар устма-уст кеч қолиб, Муҳаммад Шарифни қайта-қайта ранжитмоқда эдим. Ҳар қалай, кўнгли ярим, ҳужрасидан мосуво бўлган... Шундоқ ҳаёллар оғушида апил-тапил ошиёнамизга етиб келдим, эшик қия очиқ экан, қўнғироқ тугмасини босиб ўлтирмасдан остона ҳатладим ва даҳлизга кирганим он хижолатдан лавлағи бўлиб кетдим: овсарликни қарангки, гафлат босиб бировнинг уйига кириб қолибман! Оёқ остида — узун пойандоз ловиллаб ёнар, йўлакдан соф, сарин бир ис уфурур эди, рўпарадаги хонада антиқа хорижий жиҳозлар саф тортган, нимпушти пардалар нафис солланиб турибди... Хай-

риятки, адашганимни ҳеч кимса сезмади — уй эгалари ошхонада экан шекилли. Шоша-пиша ташқарига чиқиб, эшикни ёпарканман, кўзим беихтиёр тепадаги сўлкавойдек тунукага зарб этилган рақамларга тушди: 114. Гангиб, девордаги ёзувга қарадим: 8. Ақлим баттар шошди. Афтидан, ўзимнинг ижара ошиёнимга ўхшайди, лекин... Агар шу вақт ичкаридан гулдураган йўғон товуш эшитилмаганда, билмадим, қай пайтгача эшик ортида бесар турар эканман. “Шадяр! — деб қичқирди аллаким. — Мана бунга қаерга қўяйлик?” Шундагина миямга фикр юритмоқ иқтидори қайтадан ато бўлди. Шодиёр! Демак, кўчиб келибди-да.

“Алвидо, Бойқуш! Алвидо, Кордон! Алвидо, базми туюр!” — дея хаёлан шивирлаганча қўнғироқ тугмасини босдим. Эшик шу заҳоти шаҳд билан очилдию ярим яланғоч, хушсурат бир йигит мушакларини ўйнатиб, таҳдидомуз сўради: “На керак?” “Салом, Шодиёр, — дедим кулимсираб, — ҳорманг!” “Мен Шадяр эмас, — деди у хўмрайиб. — Шадяр керакми?” Аста бош ирғадим, таклифни кутмай ичкари кирдим ва йигитнинг баттар нафратига сазовор бўлдим. “Ким? — деган янгроқ овоз келди ошхонадан, сўнг хитойи чийдухобадан бежирим камзул-шим кийган, бояги йигитдан-да кўркамроқ ўспирин рўпарамда қадди-қоматини намоён этди. “Мен Фуломман, — дедим қўл узатиб ва шундагина исмимнинг бу қадар ғариб эканлигини алам билан ҳис қилдим. Чиндан ҳам, Шодиёр ёки Шадяр деган қарсиллаган ном қаёқдаю айтганингда писиллаб чиқадиган Фулом деган исм қаёқда! — Яхши келдингизми?” — деб қўшимча қилдим азбаройи такаллуф юзасидан. Шодиёр бир зум менга ҳайрон тикилиб турди, кейин нимадир ёдига тушгандек, бош ирғаб қўл чўзди. “Зўр, — деди у гўлдираб (кейин билсам, оғзида елим сақич бор экан), — келдик. Қаерда ишлайсиз? Шодиёр ишхонамизнинг номини умрида эшитмаган шекилли, елка учуриб қайдалигини сўради. “Фалон магазин ёнида”, — деб тушунтирдим у га. “А-а, — деб бош ирғади у, — зўр магазин. У ерда ёки қиз бор. Флора. Классний товар”. Сўнг шу заҳоти мен унутдию шиппагини судраганча шипиллаб ошхонага кириб кетди, ичкарида уймалашаётган ўртоқларига нимадир қизиқроқ гап айтди чамаси, жўровоз қаҳқаҳа янгради.

Уст-бошимни ечиб, мен ҳам аста хонамга кирдим. Муҳаммад Шариф бурчакдаги лиқилдоқ курсида қуни-

шибгиня ўлтирар; кунни билан қўш ҳайдаган чоракор-дек ҳорғин кўринар ва бу ҳолат унга сира-сира ярашмас эди. “Ҳа, тақсир? — дедим ясама хушҳоллик билан. — Таслим бўлган кўрғонбегидек хомушсиз?” Мавлоно Гулханий кўзларию кўллариининг имоси билан мени товуш чиқармасликка ундаб, шарпадек сас-сиз юриб ёнимга келди. Қўшни хона томон бош ирғаб шивирладики: “Менинг бунда макон тутганимни зинҳор кимса билмасин”. “Нега энди, мавлоно Гулханий? — дедим таважжуҳ билан. — Яширишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Чумчуқдан кўрққан тариқ экмас. Мен ҳозироқ чиқиб уларни огоҳ этиб кўюрман, токи бирортаси сизга ношоён сўз айтиб юрмасин...” “Асло, асло ундай қилмагайсан, — дея бетоқат пичирлади Муҳаммад Шариф, — агар менга ором тиласанг, бунда мавжудлигим пинҳон тутгил”. “Демак, ёлгон сўйлашим лозим?” — деб сохта қовоқ уйдим. “Ёлгон айтса бўлур, — деб уҳ тортди мавлоно, — айтгучи доно бўлса...” “Майли, лекин сиримиз икки кунда фош бўлур, ахир уларнинг ҳам кўз-қулоғи бор”. “Ажаб содда Ғуломсан, — деб кулди Муҳаммад Шариф, — шунча вақтдан бери ҳамошиёну ҳамтовоқ бўлиб, шу нарсага ҳануз фаҳминг етмайдурки, мени фақат қалб кўзи билан кўрмоқ, дил қулоғи билан эшитмоқ мумкин. Ўзга хатти-ҳаракатлар бери бекордур”. “Бас, шундай экан, — дея бўш келмадим мен ҳам, — унда, бу қадар эҳтиёткорликка на ҳожат? Сурма ютган хўроздек бўғилмай, товушингизни қўйиб гапираверинг”. Мавлоно бош чайқадиларки, ўзингга эҳтиёт бўл-у, қўшнингни ўғри тутма...

Таом маҳали етиб, қоринлар сурнай навосини бошлади. Мен эса, азбаройи ғуломлигимга бориб, шу кунгача қарийб хўжайин бўлиб келган уйимда ошхонага чиқиб, бирор оби ёвгон пиширмоққа истиҳола қилиб турардим ва бу ҳақда ўйлаганим сари тобора ғам босар эдики, бойвачча болаларга ўхшайди, гўштсиз қозон оссам, не хаёлга боришаркин? Пиёз қолганмиди-йўқми? Идиш-товоқ улардан бўшамаган бўлса, қандоқ қиламан?

Бошим қотиб, Муҳаммад Шарифга юзланган кўйи айтдимки, шу уй ҳам жонимга тегди, ишхонамга узоқ, ҳар кун ит азобида бориб-келаман, исимаиди, совуқлигини қараиш, катта кўчанинг оғзи, шовқин-сурон-чи... Мавлоно Гулханий дийдиёмни тинглаб, мийиғида кулди: сани сўзунг анга ўхшарки, бир одам яхши кўрган

дўпписини тез сувга оқизиб, ҳарчанд тараддуд билан ололмади, маҳрум бўлиб айтур эрдик: “Йўқолғони ҳам хўб бўлди, бошимга ҳам тор келур эрди”, деб...

Ўзимни тутолмайин кулиб юбордим ва лаҳза ўтмай қайғу ариди: Муҳаммад Шариф яна бир фаройиб ҳангома сўйламоққа бошлади.

Вақтики, эшигим туйқусдан такаллуфсиз очилиб, Шодиёр кириб келди.

— Зўрмисиз? — деб жилмайди у, сўнг хонамга бир қур назар ташлаб, стол устида ётган китобни нима учундир қўлига олди, орқа-ўнгини айлантириб, варақлаган бўлди. — “Зар-бул-ма-сал”, — деб ажнабий бир сўзни ўқигандек ҳижжалаб ўқиди-да, лабларини чўччайтириб: — На дегани бу? — деб сўради. Жавобимни ҳам кутиб ўлтирмай, дераза рафидаги бошқа китобларга нигоҳини югуртирди. — Кўп-ку! — деди бош чайқаб. — Барини ўқиганмисиз? — Қизиқ бола экан бу: савол бераркан-у, жавобингизни кутмас экан. Эҳтимол, одати шудир, эҳтимол, жавоб бериб эмас, сўраб ўргангандир. Эски имлодаги бир рисола диққатини тортди, аввал китобга, кейин менга синчиклаб тикилди. — Қуръон ўқишни биласизми? — деди, дедию тўшагимнинг бош томонида ётган пластинкаларни кўриб қолди. — Ортиқ йўқми? — дея уларга қўл чўзди ва тағин оғиз очишимга имкон бермай: — Зира борми? Ош қилиямиз, — деди-да, хонадан чиқди.

Бу фаройиб мулоқотдан чандон ҳайратланиб, мен ҳам ортидан эргашдим.

Ошхонада боя остонада кўрганим яримьяланғоч йигитдан бошқа яна бири мўйловли, бири мўйловсиз иккита дароз ўспирин бор эди. Ичкари кирдиму аграйиб қолдим: ошхонани танимадим. Ё тавба, қачон рўй берди бу мўъжиза: ошхонамизнинг деворларига қордек оппоқ ҳар турли катта-кичик жавонлар ўрнатилибди, ярқироқ столу курсилар пайдо бўлибди. Домлам Эшмухамедовнинг ошхонасида кўрган эдим бундоқ олмоний жиҳозларни. Домлам бечора шуларга эришаман, деб аллақайси дўкондорнинг қизи билан бирга беш йил қайта ўқиб чиққан эди...

Йигитлар менинг паришон аҳволимга парво ҳам қилмай қўл бериб кўришдилар. Танишдик. Иккитаси — Уктам билан Қадамбой, бўлғуси дўхтирлар, Шодиёрнинг синфдош жўралари экан, Сафар эса Шодиёр билан бирга терговчиликка ўқиркан. Ҳашарни ош билан ниҳоясига етказмоққа аҳд қилибдилар-у, лекин би-

рортаси ҳам палов дамлашни билмас экан. Бу иш менинг қўлимдан келишини билиб, беҳад суюниб кетишди. “Яшанг-э, оға! — деди боядан бери хўмрайиб ўлтирган мушакдор Сафарбой ва ўрнидан туриб столдаги “заҳри қотил”дан пиёлага тўлдириб узатди. — Олинг эса, Шадыр билан қўшни экансиз!” Олдик. Гангур-гунгур гаплашиб, ош қилишга тутиндик. Оч қоринга симирилган шароб таъсиридами, ҳар нечук, ўспиринлар энди кўзимга ниҳоятда содда, мард, ёқимтой кўрина бошлади, уларни қишлоқдаги бўш-баёв иниларимдек суйгим келди, гап-сўзларини тинглаб, завқим ошди.

Таом тайёр бўлди. Катта хонада танаввул қилмоққа келишилди. Бир косага сузиб (ўзи кечирсин), қўшниларимнинг кўзини шамғалат қилиб Муҳаммад Шарифга олиб кириб бердим. Дераза қаршисида ҳануз ғамга ботиб ўлтирган экан, аста ўгирилиб қаради, таомни олдига қўйиб ҳарчанд ундасам ҳамки, чурқ этмади. Шодиёр йўлакдан бетоқат бақирди: “Келсангиз-чи, ахир, ош совиди!” Мавлоно Гулханийдан узр сўраб, лекин кўнглим бир хил бўлиб, катта хонага чиқдим. Худди келин тушадиган хонадек ясатилибди. Тўрда кўзгусига қулоч етмайдиган рангли “ойнаи жаҳон”, оромижон юмшоқ курсилар, оёқ остида майин патгилам, биллур қадаҳлар... Оғзим ланг очилиб ошга тикилиб қолдим. Бир тилак икки-уч марта такрорландики, энг ёмон кунимиз шундай бўлсин! Таомдан сўнг Қадамбой бурчакдаги магнитофон тугмасини босди, элсевар хонанда ашула бошлади. Бир нафас ашула айтиб тин олди-да: “Бу йилги пахта планларимиз ҳам тўлсин”, деди. Гувв этиб қийқириқ, чапак, ҳуштак янгради. Хонанда жазава бўрони босилишини бир оз кутиб тургач: “Биз санъаткорлар хизматимизни сизга манзур қилолсак, ўзимизни бахтли деб ҳисоблаймиз”, деди. Яна шаршарадек қийқириқ, яна оломон ер тепган... Сафарбой ҳам азбаройи завқи жўшганидан ўлтирган жойида ҳуштак чалиб юборди.

Шу тариқа базми жамшид давом этаркан, мен секин узр сўраб хонамга чиқдим. Чой дамлаб, мудроқ элитган Муҳаммад Шарифга ичирдим. “Жавр бўлганда сизга жавр бўлди, — дедим ачиниб, — қушларингиз дийдоридан бенасиб қолдингиз. Қачонки, лозим бўлса, баҳузур менинг хонамга чорлайверинг, ҳеч бир истиҳола қилманг”, “Сен бунинг ташвишини тортма, — деди

Муҳаммад Шариф, — жамики аҳли туюрга фармон берилдиким, бундан буён кенгашга тунда эмас, кундуз ҳозир бўлғайлар. Узингнинг ҳолинг нечук, мутаассир кўринурсан?” “Кўнглим ғаш, тақсир, — дедим ростига кўчиб, — қўшниларимиз баланд охурдан сув ичган кимсалар кўринади, ҳайронман... Она сути оғзидан кетмаган гўдакка бунча асъасаю дабдаба, билмадим, на ҳожат экан”. Мавлоно Гулханий истеҳзо билан кулдики: “Гапларингдан суқ ҳиди келур. Унутмаки, суқ ҳасаднинг қариндоши бўлур”. “Қўйсангиз-чи, мавлоно, — дедим астойдил, — ранжиб, — келиб-келиб, шу сўтакка ҳасад қиламанми? Ҳасад қилганим ёлгон, лекин алам қилгани... рост”. “Сабр қил, — деб таскин берди Муҳаммад Шариф, — сабр санинг дардинга дармон бўлур”. “Тоқайгача?! — деб шивирладим надомат билан, — тоқайгача, мавлоно Гулханий?!”

Саволимнинг жавоби сукут бўлди.

Қўшни хонада ертепар базм ярим тунга қадар давом этди. Меҳмонлар гоҳ йўлакка югургилашиб чиқар, гоҳ ичкаридан шайтоний қаҳқаҳа эшитилар уларнинг толмас чакаклари тинганда магнитофоннинг темир жағи ишга тушар эди.

Соат учдан ошганда қўноқларнинг бирортаси ҳам умрида андиша кўчасидан ўтмаганига қаноат ҳосил қилдим, сабр косам тўлиб-тошдию ирғиб турдим, қаҳр билан эшикни очиб кирдим. Кўрсамки, тўрт баҳодир тўрт томонда тиррайиб қолган, темир қути ўзи ўчиб, ўзи айтиб ётган экан! Ҳайронлигим баттар ортиб уни ўчирдим, тириклайин кабоб бўлмоқ хавфидан халос этгани учун ич-ичимдан тангрига шукроналар ўқиб, қайтиб чиқдим. Юз берган ҳодисани тасодифга йўйиб, шаробнинг касофати билан боғлаб, тонгга яқин, ниҳоят, мизғиб кетибман.

Кечқурун ишдан келсам, уй жимжит, Шодиёрнинг қораси ҳам кўринмайди.

Муҳаммад Шариф билан аллапайтгача чақчақлашиб ўлтирдик ҳамки, дарағи бўлмади.

Шодиёр шу бўйи уч кечаю уч кундуз бадар кетди. Тўртинчи кун қора хуфтонда бурнидан тортса йиқилгудек бир аҳволда сўлжайиб кириб келди, эгнидаги узун чарм ёмғирпўшини ечиб бир бурчакка ташлади-да, менга қараб илжайди: “Зўрмисиз?” Сўнг одатдагидек жавоб кутмай, пойабзалини ҳам ечмасдан телефонга ёпишди, кимгадир сим қоқиб, ниманидир суриштирди, тагин менга юзлаиб: “Сафар келмади-

ми?”, дедию хонасига кириб кетди. Ярим соатлардан сўнг бутунлай ўзга либосларда жавлон уриб чиқди, ошхона йўлагига турганимни кўриб, қўл силкиб қўйди: “Биз кетдик эса”.

Эрталаб уст-бошимни олай деб, даҳлиздаги жавонни очсам, миҳда осиглиқ чарм ёмғирпўшига кўзим тушди. Қачон келди экан — сезмабман ҳам.

Намозшомда уйга қайтиб, уни онадан туғилгандек бир қиёфатда кўрдим: авратини ёпиб турган бир парча лунгидек олачипор иштончани айтмаса, қарийб ширяланғоч эди. Борлигимда ғазаб ўти иштиғолланиб, азбаройи энсам қотганидан чурқ этмай хонамга қамалиб олдим.

Бу оламда мудом ўз хаёллари билан танҳо қолган инсон бахтлидир. Мен бунингдек саодатни дунёнинг ҳеч қайси лаззатига алмашмаган бўлурдим. Лекин ўлим ёмонгаким, ҳеч вақт ёлғиз қолмоққа имкон бермагай! Эшигим очилиб, саватдек сочлари тўзғиган Шодиёр бояги қиёфатида бостириб кирди. “Қорин очиб кетди-ку, оқсоқол, — деди ишшайиб, ёлдор кўрагини қашиганча, — ё бир нима пиширайлик, ё юринг, бирор жойдан тамадди қилиб келайлик”. Қаҳрим кўзиб, бир захримни сочмоққа ҳам чоғландим-у, тагин шайтонга ҳай бердим. “Ука, — дедим Жўллибой акамга тақлид қилиб, — аввал бир одамга ўхшаб кийиниб олинг-чи, кейин гаплашармиз”. “Қўйсангиз-э, оқсоқол, — деди у пинак бузмай, — қиз борми бунда? Бўлса, кўрсатинг, гаплашайлик. Иссиқни қаранг, ҳаммом-ку! Гўшт келтирганман, нима қилай?” “Майли, аввал кийиниб олинг”, — деб такрорладим қатъият билан. Шодиёр билинар-билинемас қизаргандек бўлди-ю, эгнига калта қўйлак, жинси шимини кийиб чиқди.

Биргалашиб таом тайёрламоққа киришдик. Умуман, мен унга тушунолмайд қолган эдим. Бир қарасанг, кўнгли очик, танти йигитга ўхшайди, бир қарасанг, дордан қочган каззобнинг ўзи. Айтишича, бу ўқишга қизиқмас экан, отаси қўймай киритибди, ўзига қолса ё футболчи, ё артист бўлмоқчи экан. “Менга калла ишлатмайдиган ўқиш бўлса”, — деди у орзуланиб. Дунёда иккита нарсани — рок-музыкаю машина ҳайдашни яхши кўраркан. “Қвин”, “Ливин-блуз”, — деди у кўзлари қислиб, — кайф! Шошманг, ҳозир қўйиб келаман”. Музыка садолари остида мени қалб бисоти билан таништиришда давом этди. Уйларида ўзининг “Жигули”си бор экан, “ноль олти”, ўнинчини битирар

йили туғилган кунига совға этилган, яп-янги турган эмиш, отаси, қарзларингдан қутулиб, учинчи курсга ўтсанг, Тошкентга олиб келиб бераман, деб ваъда қилган эмиш. Онлада икки ўғил, бир қиз эканлар, у тўнғич эмиш. Ешлигида ўладиган касалга йўлиқибди, дўхтирлар Масковнинг касалхоналарига ётқизиб аранг асраб қолган экан. Шу кунларда отаси Тошкентга, сессияга келиши керакмиш. Мен меров, гуломлигимга бориб сўрадимки: “Нима, отангиз ҳам сиртқи бўлим-да ўқийдиларми?” “Қанақа сиртқи бўлим? — деди Шодиёр ажабланиб. — Анов, катта сессияга келади”. Сўнг нимадир эсига тушиб: “Эй, мен рўйхат тайёрлаб қўяйин”, — деди-да, чўнтагидан қоғоз-қалам олиб, ишга киришди. Рўйхати нима экан, деб ҳайрон бўлдим. Эрталаб холодильник устида ётган бир варақ қоғозга кўзим тушиб, гапнинг маънисига етдим. Шодиёр қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан битган рўйхат ушбу турур:

*Сиёсий иқтисод — 50 с.*

*Логика — 40 с.*

*Диамат — Сафарбой қўйдиради (50 с.)*

*Военка — коньяк (1 та, Казанцев)*

*Дав. ҳуқ. — ?*

*Атеизм — Худойберди Олланазаровичга тел.*

Англадимки, Шодиёр қишки имтиҳонга қаттиқ тайёргарлик бошлаб юборибди.

Таомдан сўнг ошхонада чой ичиб ўлтирар эканмиз, у туйқусдан сўраб қолди: “Мамашокиров деган домлаи танимайсизми, фалсафадан?” “Йўқ, — дедим ҳар эҳтимолга қарши, ҳадиксираб. — Нима эди” “Э, аблаҳ экан, қўймаяпти, — деди у бошини қашлаб, — декан айтса ҳам қўймаяпти”. “Нега қўймас экан, қўяди, — дедим далда бериб, — яхшироқ тайёрланинг-да”. “Э! — деб қўл силтади Шодиёр, — юз эллик десам ҳам қўймади. Ҳай, ўзига қийин. Шундай қилаверса, яқинда ҳайдалиб кетади”.

Шодиёр бу гапларни ишонч билан сўзлар ва шу ишончидан қўрққулик эди.

Чидаб туrolмадим, уни инсофу диёнатга чорлаб кўрдим. “Қасбингиз бениҳоя нозик, Шодиёржон, — дедим салмоқлаб, — бунақа чала-ярим ўқисангиз, эрта бир кун қийналиб қолмасмикансиз? Ҳар қалай, инсон тақдири деган гаплар бор”. “Эй, қизиқ экансиз, — деди Шодиёр тамаки бурқситиб, — битириб олсам, ишнинг энасини кўрсатиб қўярдим. Отам...” “Ота-она-

га сўянган тузук, лекин мавлоно Гулханийдан қолган бир гап борки, ўз ақлинг билан кенгаш". "Қанақа гулхан?" — деб сўради Шодиёр. "Гулхан эмас, Гулханий. Шоир ўтган шунақа". "Ҳа, — деди Шодиёр, — мен "Гулхан" журналими деб ўйлабман". "Шу кишининг доно бир ҳикмати борки, — дедим унинг ҳафсаласи сўнганига эътибор бермай, — ўйнашга ишониб, эрсиз қолма, деган... Ёш йнгитсиз, ҳали истиқболингиз олдинда, бир мартагина бериладиган умрни ҳаром-ҳариш йўлларга сарф қилсангиз, билмадим, охири қандоқ бўларкин?" "Нима ҳаром-ҳариш? — деди Шодиёр елка қисиб, — ҳамма қатори, кўпчилик нима бўлса, биз ҳам шу. Ўзингиз айтдингиз, умр бир марта берилади, ўйнаб-кулган қолади, бошқаси — бир тийин". "Тўғри айтасиз, — дедим мулойимлик билан, — шунинг учун ҳам ҳаётнинг қадрига етиш керак". "Мана, қадрига етяпман-ку, — деди Шодиёр кулиб ва ҳомуза тортди. — У, соат ўн икки-ю. Ҳай, ётайлик эса, эрталаб вақтлроқ уйғонсангиз, мени ҳам уйғотиб қўярсиз". Сўнг эринибгина керишди-да, ўрнидан қўзғалди.

Мавлоно Гулханий ухламай мени кутиб ўлтирган экан, чой дамлаб кирдим. "Болага озроқ амри маъруф қилдим, — дедим, — одам ачинади, яхши йнгит, ҳайфки, бузулгон-да". Муҳаммад Шариф бетимга киноя билан боқиб, бош чайқадики: "Сўзни айтғил уққонга, жонин жонга суққонга, айтиб нетарсан онадан бемаҳал туққонга..." Мен эътироз билдириб дедимки: "Бу бир ёш ниҳол, тарбияси чатоқ бўлган, холос, ҳали йўлга солса бўлур. Кўрасиз, мен уни шундай мулла қилайки..." Мавлоно Гулханий ишончсиз кулди: "Бемаҳал ниҳолни ўзга ерга ўрнатсалар, ул ҳам кўкармас".

Муҳаммад Шарифнинг бу сўзларини эшитиб, унинг чиндан ҳам тарихан чекланганига яна бир карра ишонч ҳосил этдим ва шу важдан у билан баҳслашиб ўлтирмай, чарчоқни баҳона қилиб, уйқуга ҳозирлик кўра бошладим. Шубҳасиз, мулла Гулханий эски замонлар — киши кишига ўртоқ, дўст ва биродар эмас, бир-бирига бўри бўлган давр фарзанди, бинобарин, ҳаётини ақидаси ҳам шунга яраша бўлуви табиийдир. Кўз ўнгимда ёш бир вужуднинг ҳалокат сари кетаётганини кўра туриб, наҳотки тинчгина ухламоққа менинг виждоним йўл қўйса?! Йўқ, Шодиёрни нотўғри тарбия таъсиридан қутқариб, адлу инсоф сари бошламоқ лозим. Ишонаманки, унинг мудроқ кўзларини очиб, рост кўчаларга олиб кирсам, мендан ўла-ўлгун-

ча миннатдор бўлади. Ахир, бу бечора ҳам бировларнинг азиз фарзанди, тўқликка шўхлик қилиб адашиб юрибди, холос.

Шу пайт кўнглимдан кечган хаёлларни англагандек Муҳаммад Шариф дераза олдида ўлтирган жойидан овоз берди: “Шул бола уч хислатдан ташқари эмас: аввало, кўзи бежо — уятни унутгандир; иккинчи, вужудидан тарёк иси келур — афюнга рағбати зўрдур; учинчи, бошдан-оёқ зино ботқоғига ботгандур, охиروқибат эл андин нафрат қилур”. “Тақсир, меҳрингизга ҳам, қаҳрингизга ҳам тараф йўқ, — дедим қизишганимни сездирмасликка тиришиб, — лекин бу сафар назаримда, хийла ошириб юбордингиз. Муштдек ўспиринга бунча маломат тошини отмайлик-да, яхшиси, унинг ҳам дил асроридан бохабар бўлайлик. Не бало, ё мени рашк қиляпсизми?” Шундай деб бошимни кўтариб қарасам-ки, мавлоно Гулханий аллақачон пинакка кетибди...

Шодиёрнинг хонасида ҳабаш хонандалар авж пардада куйлай бошлади. Урнимдан туриб, эшикни чертдим. Шодиёр ола-чипор лунгисидан чиқиб келди “Илтимос, товушини пасайтирсангиз”, — дедим аста. У ҳайронлик ила елка қисди: “Нега? Яхши-ку?” “Мен ҳам ёмон деяётганим йўқ, лекин атрофда биздан бошқа одамлар ҳам бор”. “Қисиманг-э!” — деб кулди Шодиёр ва хонасига кириб кетди, бироқ орадан сал фурсат ўтиб, ҳар тугул, музика товуши пасайди.

Эрталаб юз-қўлимни ювиб, унинг эшигидан оҳиста мўраладим: Шодиёр тош қотиб ётарди. Секин елкасидан туртдим: “Туринг, граф, сизни буюк ишлар кутяпти!” Шодиёр бетоқат тўлганиб, ёнбошига ағдарилиб олди. “Турмайсизми?” — дедим кулгим қистаб. “Э! — деб норизо тўнғиллади у. — Соат неча бўлди?” “Саккиз”. Вақтли экан-ку, озгина ётайлик”. “Биринчи соат дарсингиз йўқми?” “Қим билади дейсиз, — деб эснади Шодиёр, — бўлганда нима...” Бари бир ҳол-жонига қўймадим, кечқурун Авлонийдан кейинги “муаллим усонийлик”ни бўйнимга олганим учун Шодиёрни қайта тарбиялаш ишига иштиёқ билан киришдим.

Нари-бери чой ичиб кўчага чиқдик. Сезиб турибманки, Шодиёр бўйнидан боғлангандек аранг бораётир. Қарасам, йўлни ҳам автобус бекатига эмас, чапга қараб солмоқчи. “Ҳа?”, десам, “Юринг, таксида кетамиз”, дейди. “Ҳали эрта, бемалол улгурамиз”. “Эй, сизга нима бўлган ўзи, шу автобусга чиқиб бўла-

дими?" "Нега чиқиб бўлмас экан? Мен ҳар кун бориб келаман-ку". Шодиёр менга бениҳоя ачиниб тикилди. "Юринг, — деди сўнг қатъий қилиб, — мен сизни ташлаб ўтаман". Такси тутиб, жойлашиб ўлтирганимиздан кейин у айтдики, отаси, машинангни оққелиб бергунимча таксида юратурасан-да, деб узр сўраган экан. Индамай кулиб қўяқолдим. Ўзга олам, ўзга одатлар...

Шодиёр йўлда, ўқишхонаси ёнида тушиб қолди. Унга сабру матонат, инсофу диёнат тилаб, мен идорага равона бўлдим. Бориб, Жўллийбой акамга маслаҳат солдим. Тақдир мени умр чорраҳасида тарбияси қийин бир ўспирин билан рўбарў келтирганини айтиб, энди уни тўғри йўлга бошламоқ учун қандоқ саъй-ҳаракатлар қилишим лозимлиги хусусида ундан кенгаш сўрадим. Жўллийбой акам, эринмаган одам, кўз-ойнагини олиб қўйиб, Шодиёрнинг насл-насаби, феъл-атворини синчиклаб обдан суриштирди, охири гамгин бош чайқаб уҳ тортди-да, Навоийнинг назми билан жавоб берди:

Байт:

*"Ким кучук бирла хўтикка қанча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмаслар асло одами"*.

Дунёда ўзи некбин одам қолмабди. Шу аччиқ хулосага келдим-у, аммо қароримдан қайтмадим: Шодиёрни қутқараман! У бир нозик новда, қай тарафга эгсанг шу томонга эгилаверади. Майли, хизмату заҳматларим пинҳон қола қолсин, лекин бари бир яхшилик қиламан-у, дарёга соламан — холиқ билмаса, балиқ билур.

Оқшом шу кайфиятда иштиёқманд бўлиб уйга отландим. Келиб кўрсамки, хонадонимизда байрам, байрамки, ит эгасини, мушук бекасини танимайди! Шодиёр ва Сафарбой иккита қиз билан ошиёнимизни буткул забт этган, еру кўкни зириллатган оҳанглар огушида сармаст, "зикр тушиб" ётибди!

Билмадим, бундоғ вазиятда бошқа одам нима қилган бўлурди, лекин мен гангиб серрайиб туравердим, ниҳоят, оёқ учида юриб хонамга ўтдим. Бирорта курси йўқ, китобу қоғозларим гўё бир даста мирғазаб келиб тинтув қилгандек ағдар-тўнтар...

Бу ҳолни кўриб, фигоним фалакка чиқиб кетди. Мени урсалар-сўксалар, тилимни кессалар чурқ этмай чидашим мумкин, бироқ қоғоз-қаламларимга дахл қилгудек бўлсалар, жоним нақ бўғзимга келарди, илло уларни мулки маҳрам деб, инсон ҳуқуқлари мажмуа-

сининг илк бандларига дохил деб билардим. Шунча йиллардан буён одамизот исини хуш кўрмай ижарама-ижара танҳо яшаб юришимнинг ҳам боиси аслида шу эди. Не кўз билан кўрайинки...

Вужудимга жаҳолат ўти туташиб, бир бурчакда қисилиб-қимтинибгина ўлтирган Муҳаммад Шарифга найзамни санчдим: “Тақсир, ишонмагил дўстингга, деганлари шу экан-да?! Бурнингизнинг тагида нобакорлар хонамизни ғорат қилсалар ҳам бир оғиз “қўй”, деб айтишга ярамабсиз-да?! Сиздан умидимиз бу эмас эди, боракаллоҳ!” Мавлоно Гулханий қўшни хона томон бир қараб олиб, ҳазин пичирладики: “Бу феълингдан қайт, эй содда Ғулом! Ёмоннинг кучи япалоққа етибди бўлмасин тагин! Бу гапинг бирла манга кўп озор бердинг, алфозларингга борман!” Бирданига сўзларимдан ўзим уялиб, тақсиримга кетма-кет узрхоҳликлар айтдим. “Сан бу гапингдан, — дея ҳамон ўпкалаб давом этди мавлоно Гулханий, — тевани бўтаси онаси бирла муножот қилғонидин беҳабар ўхшарсан”. “Нечук беҳабар бўлайин?” — дедим хижолатдан нам тортиб. “Тева зор йиғлаб айтганидек, манда агар зарра каби ихтиёр бўлса эди, бу янглиғ забун бўлмас эдим”. “Ахир, бу касофатни эрталаб, кўрдингиз, етаклаб кетган эдим, инсофга энар, деб хаёл қилган эдим, — дедим бўғилиб, — қачон галасини бошлаб келақолди?” “Чошгоҳдин сўнг, — деб уҳ тортди Муҳаммад Шариф, — эндигина туюрларни тўплаб, Кўрқуш била Куйканакдан аҳвол сўраб туриб эдимки, қарсиллаб эшик очилди, келдилар кириб, қўлларинда шишалар, бошладилар базм! Темир қутиларининг қулоқларини бурадилар, Исрофил сур чалгандек бадҳазм нағмалар янгради. Ва бир-иков ду жўба бирла коҳили намозни муҳтасиб тутиб ургандек дангур-дангурга ура бердилар ва бир-иков даф орқасини, ўғрининг орқасини ўтга тоблагандек тоблаб бердилар. Алқисса, нағма навосини фалак-фалакдаги малоикаларга еткура бошладилар... — Ғазабдан бир тутам бўлиб, жизғанакка етган эрсам-да, мулла Гулханийнинг рок-музыкага берган бу ғаройиб таърифидан завқ қилиб, беихтиёр кулиб юбордим. — Сўнг ўшал кўзи бежо бача жўраси бирла бу ён кирди, минг шукр Оллоҳгаким, мени кўрмади, курсиларни кўтариб жўнай берди, жўраси тўхтаб, китоб-қоғозларингни кавлаштирмаққа тутинди. Ҳар бало бўлса — ана шунда бўлгандур...” Мурдор панжа теккан китоб-дафтарларимга ҳайрон тикилдим

ва ич-ичимда Шодиёрни ҳам, ювуқсиз жўраларини ҳам лаънатлаганча аҳд қилдимки, эртагаёқ бу нохуш аҳволни Динора опага етказмоқ керак! Акс ҳолда бу бадбахт ҳаммамизни шарманда қилмоғи тайин. Лекин аввал бир танобини тортиб кўяйин! Ҳали мўйчинак тишламаган-да, нонни “нанна” деб юрибди! Кўзларинг бир мошдай очилса, ана, ундан кейин кўрамиз!

Қаҳрнинг қудрати билан шахдам юриб йўлакка чиқдим, эшикни қарсиллатиб очган кўйи Шодиёрнинг хонасига бостириб кирдим. Тўрдаги диванда Шодиёр чордана қурган, нақ биқинида сочлари қоп-қора, ёшгина бир қиз мушук боладек унинг елкаларига суйканиб ўлтирарди. Мени кўриб, ёввойи бир қараш қилди-да, кафтини Шодиёрнинг тиззасига қўйди. “Салют!— деб ишшайди Шодиёр, сўнг қўл силкиб, деди:— Зўрмисиз? Тортасизми?” Дафъатан унинг гапини англаёлмай: “Нима?!” — деб сўрадим. Шодиёр ияги билан пастак курси устидаги кулдонга, тутаб турган бир жуфт папиросга ишора қилди: “Бир кайф қилайлик ахир!” Шундагина унинг хира, маъносиз кўзларига, қизнинг шармисор қиёфасига қараб, нима гаплигини тушундим, юрагим орқамга тортиб кетди: Муҳаммад Шариф кечаги башоратида қанчалар ҳақ экан!

Қўшни хонадан эса Сафарбойнинг бўғиқ товуши, қиз боланинг қиқир-қиқир кулгиси, “Қўлингизни олинг... қўйворинг...” деган, эътироздан кўра рағбатга мойил овози баралла эшитилиб турарди.

Э фалак, кимларга ошно этдинг мени?!

Булар билан ҳозир ҳар қандай мулоқот бориб турган бемаънилик бўлур эди, шу боис алашим бўғзимда, индамай эшикни ёпиб, хонамга қайтдим.

Тамом! Эртагаёқ Динора опани бошлаб келаман! Ўз кўзи билан кўрсин! Мабодо бу баттолнинг отаси ҳам келиб қолса, беканинг оғзидан эшитсин! Мен аҳмоқ, мен хом сут эмган банда, кимни паноҳимга олиб, кимни қайта тарбияламоқ бўлиб юрибман?! Етти иқлимда менингдек нодон ғулом бормикан? Мен дунёдан орқада қолибман, шундай орқада қолибманки, энди умримнинг охирига қадар минг жаҳду жадал қилсам ҳамки, яқин бормоғим гумон — ахир, у мени кутиб турмайди, шитоб ила ўз шаҳду шиддатида давом этади. Аён, аён бўлдики, мулла Гулханийга қўшилиб мен ҳам ўз қобиғимга ўралиб, тарихан чекланиб қолибман. Мен билган одамизот фарзандлари ҳам ўзгарибди, ўзга кўчаларда ўзга ақидалар жилва қилиб юрибди.

Иштироб ичра бўғилиб ётарканман, хаёлимдан тур-  
ли-туман ўйлар кечди: шартта ўрнимдан турсаму  
тўғри бориб тегишли жойдан одам бошлаб келсам,  
тилсиз гувоҳ бўлиб турганим бу шармисор ҳолатдан  
огоҳ этсам!.. Бироқ бунинг ортидан бир талай нохуш  
ғавғолар тизилиб келмоғи муқаррарки, оқибати, энг  
енгил кўчса, ижара хонамдан айрилмоғим тайин. Кейин  
терговхонага танда қўйиб қоламанми: хўш, нашани  
ким келтирди? Қайдан келтирди? Нега илгарироқ ха-  
бар қилмадингиз? Сизнинг хонангизни ҳам бир кўрсак...  
Мулки маҳрамимга яна дахл қилинса... Йўқ-йўқ, ҳар  
печук, Динора опадан бемаслаҳат бундоғ иш тутмаган  
маъқул. Уй кимники, деган савол ҳам чиқиб қолса,  
тилимга кўндаланг калтак келмайдими?

Лекин нега тонг отақолмайди? Кишига бу қандоғ  
азобки, нақ қулоғим тагида ҳамон шаҳвоний қийқи-  
риқлар, кайфу сафо, рахнагар мусиқа... Гўё бир боғ  
янтоқ устида ётгандек бетоқат тўлғанар эдим.

Мен бу ошиёнимга Қундузни бор-йўғи икки марта  
таклиф этган эдим — ортиқ ҳаддим сиғмаган. У келиб,  
қўймасдан кир-чиримни ювиб, тансиқ таомлар билан  
мени сийлаган, сўнг чой ичиб бўлмасимиздан кетмоқ  
тараддудига тушган эди. Энди ўйласам, ўшанда икки-  
миз ҳам чўчирдикки, холи қолсак, ким билсин, туйғу-  
ларимизга эрк бериб юборармидик... Бу чўчиш зами-  
рида мавлоно Гулханийдан истиҳола ҳисси ҳам  
мужассам эди. Қолаверса, иккимиз ҳам ич-ичимизда  
истар эдикки, ишқнинг пинҳон мавжлари минг йиллар  
бурун ота-боболаримиз бошидан қандоқ кечган бўлса,  
бизнинг бошимиздан ҳам худди шундоқ сирли ва мах-  
фий кечсин — тўю томошалардан сўнг, бир-биримизга  
нондек ҳалол бўлганимиздан сўнг. Зеро биз инсон, инсон  
фарзандлари эдик, бинобарин, инсонийлик тилар эдик..

Муҳаммад Шариф ҳам бардош беролмади, уҳ  
тортиб, ўрнидан қўзғалди. Тун узоғи ва уқубатидан  
ҳазин овоз билан шиква қилиб дедикки:

*“Бу печук тунки ани тонги йўқ,  
Е муаззинларини бонги йўқ.  
Е муаззин минор миндимукин?  
Йиқилиб бўйни они сгндимукин?!  
Е хўрозни тамоғидин тулки —  
Тутди маҳкам ва ё ер ютди”.*

Агар мавлоно Гулханий билан ҳамхона бўлмаган-  
нимда, бу ғурбатларга чидаёлмай ақлу ҳуш мени

аллақачонлар тарк этарди. Мана, ҳозир ҳам дилимдағи қайғу булутларини икки оғиз лутф билан тарқатиб юборди-қўйди.

Емонларга инсоф тилаб, ниҳоят, тонгга яқин уйқуга кетдик.

Эртаси ишхонага етиб келганимда ҳамон жаҳл отидан тушмаган эдим, ғувиллаб турган бошимда ҳар турли аламзада режалар ғужғон ўйнарди. Чиндан ҳам, энди масалани кўндаланг қўймоқ лозим. Мен-ку, майли, бўларни бўлган бир ғуломман, лекин мулла Гулханийдек покдомон бир одамни наҳс босган бу ошиёнда мажбуран тутиб турмоқ... Ё улар чиқиб кетсин, ё биз!

Бекага сим қоқдим. Ишхонасидан “Бетоб”, деган жавоб бўлди. Кечга томон арзи ҳол қилгани уйларига ўтиб бордим. Борсам, бекамиз, дарҳақиқат, қаттиқ учиниб ётган эканлар. Эгниларида парча гулли халат, бошларини зангори дурра билан маҳкам танғиб олибдилар, бугун упа-элик сурилмаганиданми ёки бетоблик таъсирими, кўринишлари ҳам ҳорғин, ҳам паришон эди. “Яхши бўлди келганингиз, — дедилар инқир-синқир қилиб, — энди кимни чақирсам экан, деб бошим қотиб турувди”. Сўнг камбағалнинг чорбоғидек келадиган муҳташам равонга бошлаб кирдилар. Равоннинг қоқ ўртасида йиғма пиллапоя турарди. “Мана шу қандилни, кейин анави исқот қолгур пардаларни олиш керак, — дедилар уҳ тортиб, — кучим етмай...” “Мана, ҳозир-да”, — дедим чаққонлик билан пиллапояга тирмашиб ва бирин-кетин пардаларни қисқичдан бўшатиб, бекага узата бошладим. Хийла уриниб, чанг босиб кетган залварли, кунгирадор биллур қандилни ҳам бир амаллаб олишга муваффақ бўлдим. “Тинчликми? — деб сўрадим пиллапоядан тушаётиб, — уста чақирганмисиз?” “Йўғ-э, — дедилар бека, — ўтган йили ремонт қилдирдик-ку. Шу, ўзи...” Кейин бирданига кўзлари ғилтиллаб, атрофга олазарақ аланглаб, шивирладилар: Шерлон акамиз қамалиб қолибди! Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, қуруқ тухматга учраб... Илоё қасд қилганлар паст бўлсин. Танангизга ўйланг, ука, ахир, наҳот жиннихонада ўғирлайдиган бир нарса бўлса?! Жиннининг ризқини егунча тош еган афзал эмасми?! Бу ҳаммаси бир-иккита ғаламиснинг иши эмиш, бекамиз кимлигини жуда яхши биларканлар, майли, уларга ҳам боққан бало бордир. У киши мени ўзига укасидек яқин олгани учун бу гапни айтаётган эмиш, аслида

ҳеч овоза қилишнинг ҳожати йўқмиш... Турган жойим-да бўшашиб, ғўлдирадимики, майли, хафа бўлманг, туҳмат бўлса, таги чиқиб қолар... Бека тасаллига қулоқ ҳам солмай, гапда давом этдиларки, шу қандил ўлгурни ҳам яхши ният билан икки ярим мингга олишган экан, узоқроқ бир қариндошлариникига элтиб қўйишармиш. Бирдан юзлари ёришиб айтдилар: ақлимнинг ишлаганини қарангки, хайрият, машинани укамнинг номига олганимиз, композитор у, биров шубҳаланмайди. Сўнг лаблари лабларига тегмай менга қаттиқ тайинладиларки, укажон, энди эҳтиёт бўлинг, бирортаси бориб суриштира, уйдагилар йўқ, командировкада денг, мен жиянлариман, бир ойга ўқишга келганман, ўзлари шу ерда туришади, денг! Мен унга бу ишларни бир ёқли қилсам, ўзим ҳам ўтиб қоларман. Асли, тузукроқ харидор чиқса, шу уйни сотиб қутулар эдим... Шундай деб сирли равишда пичирлаб қўйдилар: терговчи ўлгурнинг ҳам нафси жаҳаннам экан, ўнта сўраяпти.

Бу гапларни эшитиб, ҳолим бисёр фаромуш бўлди, тагин ғуломлигимга бордим — оғзимдаги гапим оғзимда қолиб, бека билан нари-бери хайрлашдим: андиша қилдимки, ўлганнинг устига чиқиб тепган бўлмасин.

Имиллаб ортимга қайтарканман, Раҳмон бобонинг қия очиқ даричасига назарим тушди. Бобо шиллиқ кўзлари ёшланиб дераза олдида кўк ятакларини ямаб ўлтирардилар. Аста ўзимни панага тортдим.

Демак, ҳижрат муқаррар. Яна қайдин ижара топдим? Қандай бўлар экан қирқинчи ошиёним?

Уйимизда эса ҳануз байрам давом этарди! Чўпоннинг айрони кўп, бойваччанинг байрами. Бу оқшом Шодиёрнинг отаси билан тоғаси келибди. Катта хонадаги дастурхонга одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса тоғ қилиб уйилган, ота билан тоға тўрда, Шодиёр Сафарбой жўраси билан елиб-югуриб хизматда!

“Айтаман!”, деб қарор қилдим остона ҳатлашим билан.

Шодиёрнинг отаси жудаям ёш экан, билмаган одам уларни ака-ука деб ўйлаши ҳам мумкин. Аксинча, тоғасининг ёши отасидан кичик экан-у, лекин у анча қаримсиқ кўринарди: сочлари сийрак, кўз остлари салқиб тушган, ҳаракатлари ланж ва сует. Айтишича, ошқозони касал, даволатгани Кавказга кетаётган экан, йўл-йўлакай жиянини кўриб ўтишга аҳд қилибди. Мени дарҳол иззат-икром кўрғазиб тўрға тортиш

ди, Шодиёр бир оғиз сўз билан таърифимни келтирди: “Фулом ака — зўр!” Ота менга юзланиб ҳол-аҳволимни сўради, бугун бекамиз билан кўришганини, у мени мақтаганини айтди, бироқ бечора бекамизнинг бошига тушган савдолар ҳақида оғиз очиб ўлтирмади, мен ҳам чурқ этмадим. Бағоят хушчақчақ, улфат одам экан, бирпасда ўзига ром қилди-қўйди. Тоға билан Самарқандда бирга ўқиган эканлар, талабалик кезлари бошларидан ўтган фаройиб ва кулгили ҳангомаларни галма-гал сўйламоққа тутиндилар. Ҳар замонда ота ёнида ўлтирган Шодиёрнинг сочларини тўзғитиб, бағрига босар, суйгувчи, соғинган падарнинг бу изҳори дили ғоят мутаассир кўринар эди. Бир маҳал тоға анор сўймоқ бўлиб пичоқ сўради. Сафарбой ошхонадан елим дастали пичоғимизни келтирди. Тоға унга синчиклаб назар ташлади, кўнгли тортмади шекилли, дастурхон четига қўйди-да: “Ўтмас экан, Шадяр, дипломатимни очсанг, пичоқ бор, бирини ол-чи”, деди. Шодиёр дик этиб ўрнидан турди. Тоға гулдор қинга солинган пичоқни авайлаб суғурди, олма кесиб, анор сўйди, сўнг пичоқни сочиқ билан артиб Шодиёрга узатди: “Ма, тутиб юрарсан. Эсдалик. Мен иккита олиб эдим”. “Э, зўрсиз, тоға!”, деди Шодиёр ва тоғасини ўлиб қўйди. Пичоқни бир-бир қўлга олиб, томоша қилдик. Нафис нақшлар ила зийнатланган сопида сал пастроқда “Чустдан совға” деб араби имлога тақлидан қийшайтириб битилган ёзув кўзга чалинарди. Бирдан ота хушxabар айтди: эрта-индин гараж муаммосини ҳал қилиб кетар экан, кейин Шодиёрнинг машинасини шофёри олиб келиб бераркан. “Ўзим ҳайдаб келай?”, деб ялинди Шодиёр, бироқ ота мулойимгина қилиб, лекин қатъий жавоб бердики, йўқ, сен ўқишингни пайидан бўл. Шундай деган одам, бутун суҳбат давомида бир оғиз ўглининг ўқишини суриштирмади. Ким билсин, балки ота-бола бу хусусда мен келгунимга қадар сўйлашиб олишгандир?

Ҳануз қароримдан қайтмаган эдим, бироқ одамнинг юзи иссиқ, Шодиёрнинг дастурхонидида ўлтириб, уни отасига ёмонлагани тилим бормас эди. Эҳтимол, эрта-лаб мавридини топиб айтарман.

Талабалик ҳангомалари тугаб, май таъсиридами ёки аввалдан ўзи шундай бетакаллуф эканларми, қайноға-куёв энди “анов мавзулар”да ҳам бир-бирларига ошкора сўйлай бошладилар. Тоға сийрак сочларини сийпаганча, ўша йиллари бирга даврон сургани Гав-

ҳархон билан кечмиш ишқий саргузаштларини батафсил сўйлар, Шодиёр билан Сафарбой бир-бирларига кўз қисиб, завққа ботиб тинглар эдилар. Ошқозони касал одамнинг бу қадар кўп ичиши ва ичиб маст бўлмаслиги мени қаттиқ ҳайратга солмоқда эди. Ота ҳам четда тургиси келмади шекилли, тоға билан бир кеча “жононга борганлари”ни кула-кула ҳикоя қилмоққа тутинди. Қотиб-қотиб кулдилар. Қизиги шундаки, ўшанда армия байрами экан, хотини унга эрталаб хорижий ич кийим совға қилган экан, борган жойида унутиб қолдирибди, тонгга яқин уйга қайтиб, ётоқхонасида ечинаётганида хотини “Ич кийимингиз қани?”, деб сўраганида кўп мушкул аҳволга тушган экан... Бу воқеа уларнинг талабалик йилларида эмас, яқинда, яъниким қайноға-куёв бўлганларидан сўнг содир бўлган, бироқ иккови ҳам бу ҳодисада ҳеч қандай ғайритабиийлик кўрмас, аксинча, “йигитчилик” дея мамнуният билан изоҳ бериб ўлтирар эдилар.

Эҳ, Шодиёр, шўрлик қушим, уянгда кўрганинг қурсин!

Энди мен яна нима дейин?!

Охири замон бўлди, деса,м, биров ишонадимми?!

Мени жиннига чиқармайдими?!

Негаки...

Охири замонда ҳам бундоқ ишлар бўлмагай!

Ахир, қайси замонда қайси инсон кўрибдики, ота ўғлига даста-даста пул тутқазиб: “Бунинг бари ҳаромдан келган, ҳаромга кетиши керак. Ма, ўғлим, е, ич, ўйна-кул, энг зўрларини сур”, деса! Қайси замонда қайси инсон кўрибдики, тоға жиянини бағрига босиб: “Кавказга опкетай, онаси ўнмаганлари ўзи қўйнингга кирди”, деб айтса!

Алҳазар, алҳазар! Булардан қочмоқ керак! Фақат қочиб қутулмоқ керак!

Лекин қайга?

Қайдасиз, Муҳаммад Шариф? Менинг ақлим шошди, энди ўзингиз мадад беринг, не қилайин: дастурхонига туфуриб туриб кетайинми ёки бетимни сидириб, шулар қатори тубан тушиб, дилимда борини айтайинми? Нега бош чайқайсиз, мавлоно Гулханий? Эшакнинг қулоғига танбур чертмакдан наф йўқлигини ўзим ҳам яхши билурман, аммо...

Вақтики бемаҳал, ота билан тоға чайқала-чайқала ўринларидан турдилар. Меҳмонхонага қайтажақларини айтиб, такрор-такрор хўшлашдилар. Ота қўлимни

маҳкам қисаркан, амирона оҳангда деди: “Мартнинг бошида кутаман, Шодибёр олиб боради. Баррага тўйиб келасиз”. Бир-бирларини сургашиб, йўлакдан пастрга тушиб кетдилар. Қадам товушлари тинди. Эшик-деразаларни ланг очиб, барча хоналарни шамоллатдим. Қамалган ғуборларни қувдиму қўноқлардан қолган бадғўй хаёлларни қува олмадим.

Бу тун хонада ёлғиз эдим. Муҳаммад Шариф мени огоҳ этмай, қайгадир ғойиб бўлибди. Сезиб юрибман, сўнгги пайтлар у ана шундай кишибилмас кўздан йўқоладиган одатлар чиқарди. Чурқ этиб оғиз очолмайман. Эҳтимол, бу ошиёнда қайнаса қони қўшилмас кишилар билан ҳамнафас бўлгандан кўра яйдоқ далада базўр милтиллаб турган гулхан ёнида озода кўнгил билан дилдираб ўлтирмоқни афзал билар? Эҳ, қани эди, имконим бўлсаю мен ҳам бошимни олиб бир сари оёқ етгунча кетсам! Дунёнинг туганмас ташвишларидан халос бўлиб, дилим фақат ҳур хаёлларга тўлиб!

Шу ўй билан қандай қилиб кийинганимни билмай қолибман. Ён-веримга боқсамки, катта кўчанинг қоқ ўртасида турибман. Пойи пиёда йўлга тушдим. Бир пайтлар, умримнинг масъуд онларида Қундуз билан беармон кезган йўлларим бўйлаб аста юриб кетдим. Борар манзилимнинг тайини йўқ, лекин юрагимда асло қайғу йўқ, ўзим ўзимга бек, ўзим ўзимга хон, кўнглим истаганча кетабердим. Кўча-кўйлар жимжит, ҳар замон-ҳар замон олисларда дайди итлар ҳуради, кеч қолган машиналар чироғи милтиллаб кўзга чалинади. Алвастикўприк томонларда, телеминора пойгакларида шамол ҳуштак чалиб, қадимги бир куйни хиргойи қилади. Шу лаҳзада шамолга бениҳоя ҳавас қилардимки, қани эди, мен ҳам шундоқ эркин бўлсам... Ариқларда йилтираб кўринган сувларга боқиб хаёл сулардимки, қани эди, мен ҳам мана шундоқ ўз ҳолимча оқиб ётсам... Бошимда бошпана ташвиши, ёмонлар қутқуси бўлмаса... Не учундир кўнглимнинг бурчида бир умид пинҳон эдики, мана ҳозир мавлоно Гулханий ёқиб ўлтирган гулхан қаршисидан чиқурман.

Бироқ гирдо-гирдим қуюқ зимистон, ҳеч қайда гулхан шуъласидан асар ҳам кўринмас эди.

Фалак кўк тоқида қуёшдан гулхан ёққунига қадар бедор кезиб юравердим. Хайриятки, тонг отди, йўқса, шу кетишда қишлоғимга довур пиёда бориб қолардим. Боя паришон кезиб юрган чоғим юрагимда шундоқ

бир енгиб бўлмас истак уйғонган эдики... Чиндан ҳам, мен ўзи бу ерларда нима қилиб саргардон тентирайман? Бу шаҳри азимда итим адашганмиди? Шу кунгача нима топдим? Бундан кейин нима топаман? Топаманми ўзи ёки фақат йўкотаманми?!

Қадрдоним офтоб момо тилло сочларини тараб, мулойим жилвалар қилганча менга тасалли бермоққа бошлади. Қўй, ўғлон, деб табассум қиларди у, хаёлинг-ни бузма, офир тошни қўйингга сол, қара, атроф қандоқ гўзал, ўзинг қандоқ навқиронсан! Идорангга бор, юмушларинг бошини қўйиб сени кутиб ётибди, Жўллибой оғанг ҳам мунтазирдир. Тушингни сувга айтиб юргандан кўра, иложини топсанг, ошиёнингдан хабар олиб ўт, боёқиш Муҳаммад Шарифнинг ҳоли не кечди экан, у бечоранинг сендан бошқа кими бор?.. Эзгу ўғитлари учун момо қуёшга миннатдор боқдим, юзқўлимни анҳорнинг муздек сувида ювиб, ишхонамга равона бўлдим.

Жўллибой акам ранги-рўйимни кўриб, дарҳол ташвишга тушди. Кўрган-кечирганларимни ипга мунчоқ тергандек бир-бир тизиб баён қилдим. У сўз қўшмай тинглаб турди-да, кейин мендан ранжиди: «Одам бўлмайсан, ўка, шунча кундан бери ёрилиб кетмаганингни қара!» Сўнг бош чайқаб, афтини бужмайтирди, хўрсиниб: «Ҳай, ажалга омон берса, бир иложини қилармиз. Мен маҳалламдан суриштириб кўрай-чи, жой-пой чиқиб қолар,— деди.— Унгача, уйингга бораверасанми ёки бизникида ётиб турасанми?» Жўллибой акамга ташаккур айтиб, ҳали биров мушугимни ништ демганини, демоққа ҳадди ҳам сигмаслигини писанда қилиб, тузукроқ жой чиқса, ўйлаб кўришимни эгардан тушмай билдириб ҳам қўйдим. Жўллибой акам сохта навозишларимга пинак ҳам бузмай, ишига шўнгиди.

Кечқурун юрагим тағин така-пука бўлиб қайтдим-у, ҳар тугул, бу сафар уйимизни осуда топдим. Кутилмаган ҳолки, Шодиёр катта хонада қоғоз-китобга кўмилиб ўлтирарди. Мени кўриб, кўзлари равшан чарақлаб кетди. «Келдингизми, оқсоқол,— деди қувончини яширмай,— зўрмисиз? Бир палов қилайлик. Гап бор». Шундай деб кўзларини маънили қисиб қўйди. Оббо, дедим яна безиллаб, тағин бир балони бошласа керак. Вақтим йўқлигини баҳона қилиб қутулмоқчи эдим, лекин буни қарайгки, Шодиёр ҳозиргина айтган гапи шу ондаёқ эсидан чиқиб, хонамга дафтар-китобини кўтариб кирди. «Бир кўмак бериб юборинг-э,— деди

тирсагимдан тутиб, — бошим ишламай ётир. Сизга чўт эмас-ку бундай нарсалар, қотириб ташлайсиз. Ҳа, партия тарихидан, мана, темаси, саволлари ана бу ёнда. Кўп эмас, ўн-ўн беш бет бўлсин. — самимий жилмайиб, бўйнига олди: — Мени ўлдирсангиз ҳам эплаб ёзолмайман. Гонорар олдиндан. — Киссасини бамайлихотир кавлаб, учта ўн сўмлик чиқариб, дафтар устига ташлади. — Ҳўп эса, мен бир ерга бориб келаман”.

Турган жойимда ҳангу манг қотиб қолдим. Қачон бу қадар сир бериб улгурдим, қачон?!

“Менга қара, бола, — дедим ҳансираб, тишларим қисирлаб сингудек бўлди, — мени ким деб ўйлаяпсан, мараз?!” Шодиёр ҳеч нарсага тушунмай, соддалик билан кўзларини пирпиратди: “Ҳа, озми? Кафедрада доим шунчага тўғрилаб беради-ку?!” “Йўқол кўзимдан!.. — дедиму шайтоннинг сўзига кириб, унга қўл кўтардим, сўнгги лаҳзада аранг ўзимни босиб, шақ-шақ қалтираб қичқирдим: — Иблис, йўқол дейман, одамни диндан чиқарма!” “Иби, нега қичқирасиз? — деб азтаҳидил ҳайрон бўларди Шодиёр. — Мен, нима, бир ёмон гап айтдимми сизга?!”

Йўқ, бекор, бари бекор!

Тўнғиллаб сўкинганча, эшикни қарсиллатиб ёнди.

Муҳаммад Шарифдан ҳануз дарак йўқ.

Уст-бошимни ечмаёқ, ўзимни каравотга ташладим. Юрагим аламдан ёрилмоқ даражасига етган. “Ур, Ур!”, дея гиж-гижлаб гурсиллар эди.

Наҳот бу кеча ҳам Алвастикўприк бўйида тонг оттирсам?

Қачонки, дунё кўзимга игнанинг учидек тор кўринса, поёни йўқ олам ичра ўзимни қўйғали бир қарич жой тополмай қолсам, яғона овунчим — “Зарбулмасал” китобини жимгина варақлар эдим. Бу сафар ҳам жамики хўрлик-ҳақоратларни қулт этиб ютдиму узаниб, мудом бошим устида, столимнинг ўнг томонида хизматга шай турадиган “Зарбулмасал” китобига қўл чўздим. Умидим ул эдики, зора дунёи кўтирни унутсам, соҳибни фаросат ва хушчақчақ қушлар суҳбатига қулоқ тутиб, гавҳару марваридларга бергисиз ҳикмат маъниларни терсам...

Афсус, само тангрилари бу оқшом қатлим сари қасд қилган эканларми, китоб жойида йўқ эди. Кўнглим куз япроғидек увишиб, бир зумда ҳаммаёқни тит-пит қилиб ташладим. Тумшуғимни суқмаган бирор тешик

қолмади. Ҳеч қайда йўқ, гўё умуман мавжуд бўлмагандек. Дарвоқе, кеча бормиди?.. Аниқ эслайман, ишхонага олиб борганим йўқ, бировга бермаганман. Магар зилзила-пилзила бўлиб, ер ютмаган бўлса... Ер ютадиган бўлса, аввало анави бетавфиқни ютмас-миди?

Бисотимда бу китобнинг бир неча нашри бор эди-ю, бироқ пиёз пўстидек юпқагина, кафтим ичра бемалол жо бўладиган шу мўъжаз рисола мен учун айрича қадр, айрича қимматга эга эди: Рейх деган беназир иқтидорли яҳудий мусаввир ажиб бир маҳорат ила тортган ғаройиб сувратлар муқовани безаб турарди. Мен соатлаб шу сувратларга термилиб ўлтирар ва инсон ҳаёлининг чексизлигига қайта-қайта таҳсин ўқир эдим. Мусаввир “Зарбулмасал”да зикр қилинмиш жамики жонзотларни тирик одам қиёфатида тасвир этган, нозик, закий бир услуб воситасида ҳар бир чизги замирига пинҳоний маънолар яширинган эди. Мана, зарбоф тўн кийиб, ёстикдек келадиган китобни қўлтиқлаб олган айёр тулки қув табассум-ла боқиб турибди; нортуя, эгнида олача тўн, тумшугини осмонга кўтарганча наъра тортган каби қаҳ-қаҳ отиб кулаётир, баланд, нақшинкор равонда тақя кийган тақводор Тўтиқуш билан саллани кибр ила қўндирган букри Япалоққуш истехзо ичра уни кузатишмоқда. Бир бурчакда эса — қулоқларида қашқари балдоқлар ярқираган нозпарвар Кунушбону эшикни қия ёпмоқ баҳонасида маҳалланинг шу аломат намойишига мўралайди... Орқа томонда маҳобатли гумбаз, ингичка миноралар, мезаналар шарпаси, пахса девор айрисига занжирбанд тошфонус осилган, кўкда синган қиличдек ҳилол... Бу тасвирга боққаним сари дилимда шундоқ таассурот сезардимки, гўё мен бағрига беадад сирлар кўмилган шу эгри-бугри кўчаларда жуда кўп бор кезганман, гўё буткул умрим шунда кечган, ҳар бир ғишт, ҳар қарич тупроқ гарди болалик чоғларимдан таниш, юрагимда оғриқ каби соғинч уйғотгудек қадрдон...

Йўқ, ҳарчанд тиришганим билан бу сувратга тикилиб туйган завқу ҳайратларимни айтиб битиролмайман. Фақат бу эмас: бу китоб неча йиллардан буён бедор тунларимнинг, ошуфтаҳол кечган кунларимнинг ёлғиз ёдгори эди, сарғайган саҳифаларини қайта-қайта варақлаб Муҳаммад Шарифнинг дийдорига тўяр, унинг сийратигаги гўзал сифатларга ошино бўлиб ўлтирар эдим. Қатларида танҳо ўзимгагина аён ўнларча, юз-

ларча қайдларим бор эди, улар одамизот фарзандларининг турфа феъл-атворига аксарият лол қолганимни ифода қиларди. Фақат бу эмас: уни менга Қундуз Шаҳрисабздан олиб келиб берган эди. Саҳифаларида Қундузимнинг қўл излари, кўз нурлари, қайтмас нафаслари...

Наҳот энди шуларнинг барида жудо бўлсам?!

Ва бирданига хаёлимда барча кўргиликларим сабабкори тулкитабассум билан илжайиб қад ростлади: “Зўрмисиз?”

“Шодиёр! Аблаҳ Шодиёр! — дедим ичимда қалтираб, сиртимда эса, тегирмон тошини елкамга ортгандек вазминлик билан сўрадим: — Китоб қани?”

Шодиёр ҳафсала билан тирноғини тозаллаб ўлтирарди, ишидан бош кўтармай саволимга савол билан жавоб қайтарди: “Қандай китоб?” “Менинг китобим. “Зарбулмасал”, — дедим таъкидлаб. “Мен не билай?! — деб тўнғиллади у ва ярим ўгирилиб, кафтидаги тирноқ остидан қидириб топган кирини бир четга пуфлаб юборди. — Мен не билай? — деб такрорлади яна, — ўзимнинг китобимни очиб кўришга эринаман, сизникини бошимга ураманми...” “Қани бўлмаса?!” — дедим қичқиргудек бир алфозда. Шодиёр лабини жийириб, менга илжайиб қаради. Одатда, кўча-кўйда юрадиган беозор тентак ҳангоматалаб кишиларнинг жонига текканда мана шундоқ ирганиб қараб қўядилар. Буни яққол сезиб турсам-да, парво қилмай қасди-бастига олавердим: “Сиз кўрмаган бўлсангиз, жўраларингиз теккандир, меҳмонларингиз”. “Э! — деб қўл силтади бетоқат Шодиёр ва этагини қоқиб ўрнидан турди-да, варанглатиб магнитофон қўйди, жойига узала тушиб, шифтга тикилиб ётаверди. Хона ўртасида серрайиб қолдим. Кўнглимга иштибоҳ тушди. Чиндан ҳам, бу китобга қайрилиб қарайдиган банда эмас. Фақат битта китобни кечаю кундуз бошига ёстиқ қилиб ётганини кўрардим: “Декамерон”. “Зўр!” — дерди кўзлари чарақлаб. Бу олмагандан кейин жўраси ҳам... “Сафарбой китобларимни кўрган экан...”, дедим куппа-кундузи бировга туҳмат қилаётган кимсадек бўшашиб. Шодиёр узоқ эснаб, ёнбошига ағдарилди: “Иўқолган пичоқнинг сопи олтин бўлар экан-да? Ҳов, ана Сафарга телефон қилинг”. Сўнг эринибгина рақам айтди. Шундан маълум бўлдики, Сафарбой ҳам эл қатори ётоқхонада эмас, телефони бор алоҳида бир жойда

яшар экан. Ким билсин, у ҳам бировни мана шундай қақшатиб турар?

Телефон бетоқат Сафарбойни чорлар, аммо нариги томонда, чамаси унинг арвоҳи ҳам йўқ эди. Эшик тирқишидан кузатиб ўлтирган Шодиёр ҳиринглаб кулди: “Қайси гўрда бирортасининг бутига тиқилиб ётгандир...”

Умидим билан бирга юрагим ҳам узилгудек бўлиб, хонамга чиқдим. Тўрт девор исканжага олиб сиқа бошлади. Хона бўйлаб асабий танобчилик қилар эканман, англадимки, тўрт девор ичра бўғилмоқ учун албатта феодал ўтмишда туғилмоқ шарт эмас экан.

Муҳаммад Шарифдан ҳануз дарак йўқ.

Деразадан ташқарига боқаман. Яна хазон иси димоқларимга урилади. Қайдадир аниқ гулхан ёнаётир. Теграсида мавлоно Гулҳаний, шубҳасиз, ринднафас улфатлари билан давра қуриб ўлтирибди. Менинг бунда чеккан изтиробларим, йўлига интизор термилганларим — ҳамма-ҳаммаси ёдидан кўтарилган. Эҳ, муҳтарам Муҳаммад Шариф, ошинолик қондаси ҳам шундоқ бўлурми?

Ярим кечаси заҳар танг қилиб, ҳожатхонага кирдим. Уйқусизликдан қизарган кўзларим кўрсаки, “Зарбулмасал” китобим саккиз бўлакка бўлиниб, елим тутқичга қистириб қўйилибди!..

Вақт бемаҳал бўлгани боис, ўнг елкамдаги раҳмон қаттиқ ухлаб ётарди. Чап елкамдаги қутқуталаб шайтоннинг жони кириб, вужудимни жаҳолат бўронидан пирпиракдек учириб, нақ Шодиёрнинг олдига элтиб ташлади. Эс-ҳушимни унутиб, устидаги кўрпасини юлқиб очдим: “Бу энангнинг маҳрига тушганмиди, нега йиртдинг, ит?!” Шодиёр талмовсираб, қути ўчиб, сипчиб турди. “Нима?! Нима бу?! Ким бу?!” дея ўпкаси бўғзига тиқилиб беўхшов қичқирди. Шартта чироқни ёқиб, қалт-қалт титраганча китоб парчаларини тумшуғига ниқтадим. “Нега йиртдинг, дейман, газанда!” Шодиёр ниҳоят гапнинг тагига етиб, бесаранжом юзлари алам билан буришиб кетди: “Э, китобинг бошингни есин, — деб сўқинди, — уйқуни ҳаром этиб... — Сўнг ерда тўдаланиб ётган кўрпасини оларкан, гудраниб: — Аҳмоқ Сафар, эшшак... — деб жўрасининг онасини “ишлади”. Тўсатдан менга ўгирилиб, қўлини паҳса қилди: — Настоящий псих экансан! Мениям псих қилмоқчимисан?! Сафар сволочь йиртган бўлса, мен нима қилай?! Бор, ўзига бориб додла!” Бенхтиёр икки

қадам ортимга тисарилдим — жаҳл устида шу қаро тунда бир кори ҳол қилиб қўйишдан чўчирдим... Шодиёр буни ўзича гушуниб, пича руҳланди, устимга бостириб келиб, тишининг орасидан чиққан бир овоз билан сўради: “Хўш, қанча туради шу матоҳинг? Ун баравар тўласам, қутуламанми? Юз баравар тўласам, тинч қўясанми?” “Сенсирама, аблаҳ!” — дедим яна бир қадам чекиниб ва шу заҳоти ортимда эшик борлигини, бундан ортиқ чекиниб бўлмаслигини сездим. Шодиёр шиддат билан қўлимдан китоб бўлакларини юлқиб олди, орқа-ўнгини ағдариб, баҳоси битилган жойини ахтариб топди, ёруққа солиб кўрди ва адоқсиз бир заҳарханда билан тантана қилиб: — Тўққиз тийин! — деб қичқирди, сўнг шодлигига чидаёлмай қаҳ-қаҳ отиб кулди: — Тўққиз тийин! Аҳ, ўламан, тўққиз тийинга ҳали... Мана, сенга ўн тийин, бир тийини сийлов — сув олиб ичасан! Вох-х, тўққиз тийин, тўққ...”

Ана шунда не пайтдан буён кўрқиб турганим воқеа содир бўлди — мен икки қўлидан маҳкам тутиб турган шайтон чангалимдан отилиб чиқиб кетди, бурчакдаги курсини олиб, Шодиёрнинг бошига қараб отди...

Шодиёр сўнгги лаҳзада бошини олиб қочиншга улгурди, курси қарсиллаб елкасига тегди ва оғриқнинг зўридан қичқириб юборганча букчайиб қолди. “Ўлдираман! — деб қутуларди шайтон менга бўй бермай, — ўлдираман сени!” Курси иккинчи бор отилганда Шодиёр бор кучи билан иягимни мўлжаллаб калла қўйиб юборди. Кўзларимда мушак порлаб, бошим деворга гумбурлаб урилди. Урилди-ю, ёрилмади. Ёрилгани тузук эди. Фақат, оғзим шўртаъм бўлиб қолди, пастки лабим музлаб, курак тишим синиб кетганини пайқадим.

Иккимиз ҳам одамлик суратидан чиқиб, ҳайвонлик қиёфасига кирган эдик, ҳансираб-ириллашиб бир-биримизнинг кекирдагимизни узишга интилардик. Ниҳоят, ўнг елкамда ухлаб ётган раҳмон ҳам чўчиб уйғониб кетди. “Одам эмас экансан! — деб шивирлади қути ўчиб. — Ўлдириб қўясан-ку! Ўлдириб қўясан! Бас қил! Ҳозироқ бас қил!” Шайтон эса бош-кўзимни айлантирганча думи билан газабимни кўзгаб айтар эдики: “Ўлдир буни, ўлдир! Шундай хумордан чиқасанки...” Раҳмон, бунга сари капалаги учиб, кўзларини ваҳима билан катта-катта очиб пичирлар эди: “Қамоқда чирийсан! Қамоқларда чириб кетасан...”

Андишанинг раҳнамоси — раҳмон бу сафар ҳам

голиб чиқди: чангалимда мушук боладек биғиллаб ётган Шодиёрни қўйиб юбордим-да, ҳамон титраган кўйи хонамга чиқдим. “Энангни кўрасан ҳали! — деб тўнғиллаганча хириллади Шодиёр. — Қаллангни уздираман, кўркаламуш!”

Ошхонага кирдим, қалтираётган қўлларим билан тўкиб-сочиб бир пиёла сув ичдим, кейин яна... Соат энди уч ярим бўлибди.

Бир оздан сўнг Шодиёрнинг инграгани эшитила бошлади. Инграш туриб-туриб кучаяр эди. Юрагимга ваҳима оралади: ўлиб-нетиб қолса-я? Қим билади, қалтисроқ зарб еган бўлса...

Энди нима қилдим?

Дўхтир чақирсам, дўхтир мелиса ҳам чақирса... Йўқ, ҳар бало бўлса ҳам бу ишга бегонани аралаштирмаган маъқул. Аммо бир кор-ҳол бўлиб қолмаса эди!

Кўнглимда пушаймонлик уйғонган, лаҳза сайин у виждон азобига айланиб, юрагимнинг туб-тубларига игна санчар эди. Шартмиди шунча жаҳолат? Ухлаб ётган одамга қўл кўтардим-а! Ахир, уйқу — ўлим билан тенг, дейдилар! Йўқ, эгилган бошни қилич кесмас, ҳарна бўлса-да, кириб, ҳолидан хабар олайин — ҳар ҳолда, тирик жон...

— Шодиёр бет-бошини сочиқ билан танғиб, қон туфуриб ётарди. Менга кўзи тушди-ю, бесаранжом типирчилаб, ён-веридан қўлга илингудек бирор нарса қидирди. Ёстиғи тагига биллур кулдон яширган экан, олиб жонжаҳди билан кўтарди. “Бас! — дедим ҳам қўлини, ҳам шаҳдини қайириб.— Бўлди дейман! Нега инқиллаяпсан? Қани, кўзингни кўрсат-чи!” “Йўқол! — деб бақирди Шодиёр қизариб-бўзариб ва юлқинганча бетимга туфурди, бошимни олиб қочишга улгурдим, туфуги кўрпасига тушди.— Кўзимга кўринма, аблаҳ” Мардлик қилиб, шундай деб қичқиришга қичқирдию шу заҳоти оғриқнинг зўридан ихраб, жойига гурс этиб қулади. Индамай, ўрнимдан турдим, сочиқни ҳўллаб келиб, қўллари пажара қилиб юзини бекитиб ётган Шодиёрнинг пешонасига босдим, иягидаги, ёноқларидаги қотиб қолган қон изларини артдим. У энди негадир кўзларини юмганча чурқ этмай ётарди. Аъзойи баданини синчиклаб кўздан кечириб, пича енгил тортдим: хайрият, ҳеч ери синиб-нетмабди. Чап қовоғи салгина ёрилибди, холос. Ошхонага чиқиб, бир пиёла илиқ чой билан дори келтириб, оғзига тутдим: “Ич буни”. Шодиёр қутурган

йўлбарснинг кўзлари билан менга ўқрайди: “Нима бу?” “Уйқудори. Оғриқни ҳам қолдиради”. Лом-мим демай дорини ичиб юборди, сочиқни пешонасига босганча терс ўгирилиб олди. “Биринчи ёрдам” кўрсатилган, энди хотиржам пинакка кетаверсам бўларди, бироқ бунинг ўрнига ўнғайсиз бир вазиятда қолиб, қозикдай қотиб туравердим. Сўнг унинг кўрпасини тузатиб, оёқ томонидаги курсига чўкдим. “Ўшининги йиғиб ол, бола, — дедим ниҳоят, товушимга бардам тус беришга тиришиб, — бунақада бир кунмас-бир кун бировнинг қўлида ўлиб кетасан. Буни шаҳри азим деб қўйибдилар, бедарвоза эмас”. “Кўрамиз! — деб хириллади Шодиёр ётган жойидан. — Бировга ўлим тилагунча ўзингга умр тила!” Албатта, Шодиёр бу гапни айтгани йўқ, ичида шундай деб ўйлаётгандир, деб гумон қилдим мен. “Ўхали ёшсан, кўзингни оч,—дея насиҳатда давом этдим, — бу кетишда охири шундай афсус қиласанки, лекин унда кеч бўлади. Билмадим, муштдай бошингдан бунча бузғунчилик, бунча фитна, ахир, мен сенга яхшилик қилмоқчи эдим, наҳот яхшиликка ёмонлик қайтаверса?” Шодиёр сачраб ўрнидан турди: “Ўа, яхшиликка ёмонлик экан! — деди лаблари гезариб. — Мен сенга яхшилик қилиб, уйимга қўйиб ўтирибман! Нимага бақраясан? Мен бу уйни сотиб олганман! Ичидаги ҳамма нарсаси билан! Сени ҳам қўшиб! Йигирма мингга, билдингми! Хоҳласам, уйга қўяман, хоҳласам, кетингга тепаман! Тушундингми?”

Чўчиб-сапчиб ўрнимдан турдим: Шодиёр бу гал менинг хаёлимда эмас, рўпарамда рўй-рост сўзламоқда эди!

Қайдасиз, Муҳаммад Шариф? Қадрингизга энди етаётирман. Мени мудом «ажаб содда Ғуломсан», деб суяр эдингиз. Энди билдим, сиз мени азбаройи аяганингиздан шундоқ деб атар экансиз. Аслида мен ажаб лақма, ажаб аҳмоқ ғулом эканман.

Бирданига миям ажабтовур равишда ишлаб кетди: тунов кунги Динора опанинг ҳасратлари, отанинг тўсатдан ташрифи... Ахир, ўша кун ўз оғзи билан айтдику, опангизни кўрдим, деб! Ўҳ, сотқин бека, сотқин дунё! Энди мен нима деган одам бўлдим? Устимдан ўзгалар бир буюмдек савдо қилгач, мен чинакам ғулом бўлмай, кимман? Лекин нега бу чаёнвачча шунча кундан буён чурқ этиб оғиз очмади?

“Нега менга айтмадинг?” деб алам билан вишилладим.

Шодиёр хира пашшадан безор бўлган кимсадек қўлларини ҳафсаласиз тўлғади: отасининг гапини икки қилолмабди. Отаси тайинлаган эканки, бу кўркаламушни қўлдан чиқарма, калласи ишлайдиган кўринади, ўқиш-пўқишингга ёрдами тегар, ош-овқатингга қараб, хизмат-пизматингни қилиб юрар, дебди. Ҳали мен қон қусишим тайин экан. Ҳали Шодиёрнинг оёқларини ўпар эканман — у титраб-қақшаганча оғзидан кўпиклар сочиб, истиқболимни ана шундоқ башорат қилар эди.

“Майли, Шодиёр, сен ҳам шошма! Биз энди курашга кирдик. Биласанми, курашда фақат қўллар ҳеч наредан тоймаслар — зеро уларнинг кишандан ўзга йўқотадиган нарсалари йўқтур! Сен энди ўзингга эҳтиёт бўл, Шодиёр ука!”

Хаёлан ана шундоқ ўтли нутқ ирод қилиб, аслида эса тору мор бўлиб хонамга чиқдим. Ҳа, энди минг оташзабонликдан фойда йўқ — ёв кетгандан сўнг қиличнинг эрга чоп.

Судралиб кийиндим, судралиб йиғиштириндим. Бир сидра уст-бошимни, энг зарур китоб-қоғозларимни олдим, қолганини пухта саранжомладим. Эшигимнинг қулф-калитсиз эканига афсусланиб, бир парча қоғозни елимлаб ёпиштирдим-да, хонани “муҳрладим”. Сўнг моли дунёмни Шодиёрга, Шодиёрни жаҳолат тангрисига топшириб, уйдан чиқиб кетдим. Ишқилиб, Шодиёрга инсоф берсину абгор рўзгоримни деразадан улоқтирмасин!

Алвастикўприк ёқасига борганда бирданига юрагим увишди: Муҳаммад Шарифнинг ҳоли не кечади? Ахир, у ҳориб-толиб мени излаб келса-ю, арвоҳимни ҳам тополмай... Нобакор Шодиёр зиён-заҳмат етказмасмикан?

Аммо ҳозир оламда ҳеч куч йўқ эдики, мени ортга қайтаролса.

Бошим қотиб, хийла вақт кўприк устида иккиланиб турдим. Ахийри, тақдир иноятига умид боғлаб, таваккал билан олға кетавердим. Ҳали сўфи обдастани қўлига олмасидан ишхонага етиб келдим. Ойнаванд дарвозани чертиб, йўлакдаги кўҳна диванда тамшаниб ухлаб ётган қоровулимиз Охун бувани уйғотдим. У кўзларини ишқай-ишқай тўнғиллаб эшикни очди, лекин сал ўтмай келганимга хурсанд бўлиб кетди: биргалашиб чой ичдик.

Бугун Жўллибой акамнинг уйда ишлайдиган куни эди, кечқурун “семиз” журналга ёзаётган мақоламни маслаҳатлашиш баҳонасида ҳовлисига ўтиб бордим. Ош

еб, гийбат аралаш суҳбатга берилиб кетганимиздан мақола наққос ёдимиздан кўтарилибди, бемаҳал бўлгани учун ётиб ухладик ва эрталаб нонушта пайти унга дардимни айтдим, Жўллибой акам хотинини чақириб деди: “Мана шу Фуломни ижарага қўйсак, нима дейсан? Бир бўлмагур жойга ҳам бекорга ой сари йигирма бешдан тўлаб ётган экан”. “Гапингиз қурсин, — деди янга хижолат бўлиб, — жойгаям пул оладими одам? Фуломжон, ҳеч тортинмай, ўз уйингиздагидек тураверинг. Маҳалламизда яхши қизлар кўп, зора шу баҳона бошингиз иккита бўлиб қолса”. “Ҳа-я, ажабмас, иккита бўлгандан кейин бошинг ишлаб кетса”, деди Жўллибой акам пичинг қилиб ва биргалашиб идорага жўнадик.

Жўллибой акам билан Ойпора янгамнинг иккита ўғли бор эди. Шу кундан эътиборан мен “учинчи ўғил” бўлиб, шу ерда истиқомат қила бошладим.

Чоршанба куни кечқурун менга ажратиб берилган кунжак хонада юрагим сиқилиб, паришон китоб варақлар эдим. Қачон бир бошпана топилади-ю, қачон яна ўз хаёлларимга кўмилиб ўлтирар эканман, деб ўйлардим. Жой топсам, Шодиқўрғонда қолган кўч-кўронимни олиб келар эдим. Жўллибой акам билан хотини чандон меҳрибонликлар кўрсатгани сари мен баттар хижолатга тушар эдим. Кўнглим ҳарчанд кенг бўлгани билан каталакдек ҳовлию пастак бу хоналар...

Туйқусдан эшик очилиб, китобдан кўзимни уздим. Жўллибой акамнинг тўнғич ўғли Кунтуғмиш одатда шу пайтларда таомга айтиб чиқарди. Лекин, таажжубки, эшик очилди-ю, ҳеч кимса кирмади. Ҳайрон бўлиб ўлтирганимда елкамга кимдир аста қўлини қўйганини сездим ва шошиб ўгирилдим у жилмайиб турган Муҳаммад Шарифни кўрдим! Ҳам ҳайрат, ҳам севинчдан тилим калимага келмай қолди. Кейин, ўзимни пича босиб, қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилида дўқ қилмоққа бошладим: “Ҳа, тақсир, қаёқлардан сўраймиз?” Мавлоно Гулханий, юзларида ҳануз ўша таниш табассум балқиб, бош чайқади: “Билмадим, ҳар ким ўз бошини қуруққа олиб қочаверса, оламнинг аҳволи не кечар экан...” “Қочган ким ахир” — дедим бўш келма. “Йўқ, хотиринг жам бўлсин, — деди Муҳаммад Шариф ва кўзларини ерга олди, — сенга таъна-маломат тақмоқ ниятида эмасман. Иймон қочаётир, иймон”. Бир муддат сўзсиз қолдик. “Ҳай, қайларда эдингиз, одамни хавотир қилиб” — дедим “Мен мулки борлиқни кездим. — деди мулла Гулханий, — аввал — Ургут, сониян — Янгиқўрғон,

Работ, Пушоғар, Эски сабот, Муғулчикин, Фируз, Шаҳристон, Бешсарой, Манғит, Кенағас, Янгиариқ, Бекобод, Хайробод... Қунушбону оймнинг маҳрларини битирдим. Ва шу тариқа “Зарбулмасал” китобим ҳам адоғига етди. Қиссамнинг интиҳосида беҳад маъюс бўлиб қолдимки, ҳар нечук содда Гулом бўлсанг ҳам, сенга ўрганиб қолгон эканман. Хузурингга ошиқдим: бедарак экансан. Излай-излай, мана, охир, топдим...”

Беихтиёр кўзларимдан ёш чиқиб кетди: “Юрагим шундоқ ғаш эди,—дедим шивирлаб, — шундоқ ғаш эдики, бу оқшом сизни кўрмасам, билмадим, ҳолим не кечарди. Шукр тақдиргаким, лоақал сиз мени йўқлаб келдингиз...” “Ғалат сўйлайсан, йигит, — деди Муҳаммад Шариф, — бошингдан кечмиш жамики савдо менга аён. Хотирингда бўлса, мен ўшандаёқ огоҳ этган эдимки, ҳар кимки ножинсдин мурувват тилар, гўё тол ёғочидан зардолу тилайдур. Бошингни кўтар, кўнглинг озодадур. Рубъи маскунда бундан-да буюк саодат йўқтур. Сен энди бундоқ хонанишин бўлма, дунё кез, кўрасанки, олам бепоён, яхшилик ҳам, яхшилар ҳам олам ичра беҳисоб. Ёмонлар ҳам улардан оз эмас, аммо шуларни деб ўз ёғига жаҳонни қовурмоқ оқиллар иши эмас. Дунё кезсанг англайсанки, инсон беҳудуд борлиқ қаршисида бир заррадир. Шунда сен дилингни ўртаган қабоҳатларни унутгайсан. Яхшилик — оламнинг устуни эканига имон келтиргайсан. На чораки, зару зўр ҳамма замонларда ҳам бўлган. Бу офатнинг давоси надур? Ожиз ақлим бунга етмайдур. Аммо сочим оқариб, тубига етганим ҳикмат шул: инсон экансан, инсон қалбига яхшилик уруғини сочгину уни меҳр чашмаси билан суғоргил. Энди эса, эй содда Гулом, агар ижозат этсанг, тун яримдан ўтганда кулбангга аҳли туюрни чорласам. Ажаб эмаски, сен ҳам уларни соғинган бўлсанг?”

Шу тун яна бағрим тўлиб қолди.

Тонгласи Жўллибой акам суюнчи сўраб чиқди: икки маҳалла наридан менга бир жой топибдилар. Ен-атрофи бузилаётган экан, лекин ҳали икки-уч йил дахлсиз турармиш, унгача эса — ё эшак, ё подшо, ё Афанди. Энг муҳими, ҳовли эгасиз экан. Чой ҳам ичмасдан, ҳовлиқиб кўргани бордик. Эғнидаги мошранг камаулига ГТО, ДОСААФ нишонларини қаторлаштириб тақиб, кўзларига сурма қўйган бир соқолсиз оқсоқол бизни кутиб олди, индамай эшикни очиб, ҳовлига бошлаб кирди. Аён бўлдики, бу жой маҳалла қўмитасининг собиқ идораси экан, қўмита чойхона ёнидаги янги би-

Нога кўчиб ўтгандан сўнг бу ер бушаб қолибди. Бир уй, бир айвон, томи шифер билан ёпилган. Иморат анча путурдан кетган, лекин бундан тузукроғини менга ҳозир аммамнинг эри ҳам топиб беролмайди. Бирор йил амал-тақал қилиб турарман. Тунука, қоғоз, картон билан наридан-бери ўралган девор ортида кетакетгунча чалдевор, узоқда саф тортиб қад ростлаб келаётган осмонўпар бинолар. Чалдеворни кўриб, юзим ёришди: Муҳаммад Шариф қушлари билан яйрайдиган бўлди-да! “Маъқул”, деб юбордим шу хаёл таъсирида. “Яхшилаб супуриб-сидирилса, бинойидек жой”, — деди бизни бошлаб келган Сиддиқхўжа ака. У маҳалла қўмитасининг раиси экан. “Хўп, ижара ҳақи қандай бўлади?”, деб сўрадим тараддудланиб. Оқсоқол бу гапни эшитмагандек қўл силтади. Кейин Жўллибой акамдан билсам, бир тийин ҳам керакмас, дебди фақат шу қўмитага шиор-пиор керак бўлганда, қарашиб юборса бас. Чамаси, Жўллибой акам шунақа ҳунариям бор, деб нархимни оширган бўлса керак.

Оқсоқолнинг бу хусусда шарт қўйгани бежиз эмас экан — бўлғуси ошиёнимни синчиклаб кўздан кечиргач, бунга ишонч ҳосил қилдим. Айвоннинг бурчагига қорёмғирда ивиб путурдан кетган беш-олтита қулочга сизмас алвон-тахталар тахлаб қўйилган экан. Бирини ағдариб, ранги ўчган ёзувларга назар ташладим: “Чорвачилик—зарбдор фронт!” Иккинчисида: “Ишламаган—тишламайди!” Хонанинг ис босган деворлари ҳам ҳар турли ташвиқот қоғозлари билан зийнатланган эди. Уларнинг бирида филдек келадиган пашша тасвири бўлиб, тагида қатъий буйруқ зикр этилган эди. “Соғлиқ душмани — пашшаларни қиринг!” Чап томондаги деворнинг қарийб ярмини эгаллаган афишасимон қоғоз эса аҳли фуқарони жамғармаларини омонат кассаларда сақлашга даъват қиларди. Оёқ остидаги полнинг чириган ёғочлари қадам босганим сари гижжакдек нолавор бир мусиқа чаларди.

Табийки, бу Юнусободдаги ордона қолган муҳташам ошиёна эмас, бироқ ўзига яраша фазилатларга эга эди. Энг муҳими, ерга яқин, бўйрадек бўлса-да, саҳни бор. Гирдо-гирдидаги чалдеворни айтмайсизми!

Ишдан барвақтроқ қайтдим бошимни маҳкам таниб, кулбаи вайронани обод қилмоққа киришдим. Мавлоно Гулханийнинг хурсандчилиги чексиз эди. Унинг елкасида мудом тумшайиб ўлтирадиган Бойўғлининг ҳам чиройи пича очилгандек. “Мен қизимни жамолига

яраша қалин солурман, — дерди у. — Минг чалдевори токчабанд бўлса, янги ганж-хок қилгон бўлса, ҳеч Бойўғлини сояси тушмаган бўлса, унарман ва илло мундин бири кам бўлса, унамасман”. Муҳаммад Шариф менга секин кўз қисиб, баттол Бойўғлининг қайсарлигидан унсизгина куларди.

Алқисса, икки кеча вақтимни сарфлаб, бошпанани одам кирса бўлгулик бир аҳволга келтирдим. Эшигимнинг оғзини маҳалла аҳли култепа қилиб олган экан, базўр тозалаб, узоқ ўйловлардан сўнг деворга илк шиор битдим: “Ахлат ташлаган ахлатдай хор бўлсин!” Сўзнинг қудратини қарангки, эртаси ҳам, индини ҳам ҳеч кимса бу ерга чўп ташлашга ҳам журъат этолмади! Ҳолбуки, деворга ўқлоғидай-ўқлоғидай ҳарфлар билан битилиб, култепа тагида кўмилиб ётган бошқа бир ёзув ҳам бор экан: “Ахлат ташлаганга — 50 сўм жарима!!!” Жарима олмайдиган бўлганим учун уни оҳақ билан оқлаб қўяқолдим.

Оқсоқолга бу ишим бениҳоя маъқул тушибди. Лекин шиорнавислигим бошимга битган бало бўлади шекилли: Жўллибой акамнинг айтишича, оқсоқол шу шиордан йигирма-ўттизта ёзиб беришимни илтимос қилибди. Эшитиб, елка қисдим. Начора, аравасига тушгандан кейин ашуласини ҳам айтишга тўғри келади.

Қуни бўйи қўш ҳайдаган чоракордек ҳориб-чарчаб, намозшомдаёқ ухлаб қолдиму кечаси тўрт йил мобайнида биринчи маротаба Қундузни тушимда кўрдим! Уша илк дафъа учратганимдек оқ, оппоқ кўйлақда, сочлари тўлқин-тўлқин чайқалиб осмони фалақда, парқу булутлар устида қайгадир оҳиста учиб кетаётган эмиш. Ҳарчанд зўр бериб чорласам ҳамки, овозим етмасмиш. Бир маҳал нақ қулоғим остида унинг: “Шаҳрисабзга келинг, Фулом ака, — деган қадрдон товушини аниқ-таниқ эшитдим, ҳароратли нафасини яққол туйиб, аъзойи баданим бир тотли жимирлаб кетди. — Шаҳрисабзга келинг, — деб такрорларди у, — кўкламда, майлими? Албатта келасиз-а?” У бениҳоя юксакда, қўл етмас, кўз етмас само бағрида оққушдек сузиб юрарди-ю, мен унинг маъсум чеҳрасини шундоққина равшан кўриб турардим.

Кўнглим бир хил бўлиб уйғондим. Талай вақт шифтга термилиб ётганча тушимга таъбир изладим. Қундуз, Қундуз... Энди мен Шаҳрисабзга қандоқ борайин? Нима деб, қайси юз билан борайин? Сен бўлмаганингдан кейин Шаҳрисабз тугул, шу сабзан олам менга татирми-

ди? Лекин нега менга бу қадар илтижо билан ўтиндинг? Қим билсин, ҳузурингга элтар йўлларни ўт-ўлан кўмиб юбордимикан? Кўклам кезлари, эҳтимол, қабринг пойида бир калима сўз билан ёд этмоғимга интизордирсан? Билмайман, билмайман, бироқ, ҳар қалай бу бежиз аломат эмас. Шаҳрисабз бормоғим керак. Зудлик билан!

Юрагим шошиб, ўрнимдан турдим.

Ҳамма нарса/тахт бўлиб, шанба куни кечқурун кўчкўронимни олиб келмоққа аҳд қилдим. Тушдан сўнг секин чиқиб жўнаётган эдим, Жўллибой акам тўхтатиб айтдики, сен бориб лаш-лушингни йиғиштириб туравер, мен Шокирни олиб бораман, икки соатда ишдан қайтиб келади. Овора бўлманг, дедим, такси-пакси қилиб келарман. Жиннимисан, мен қўшнимга айтиб қўйганман, деди Жўллибой акам ранжиб. Э, ағдарма мошинга ортадиган бунча мол-дунёни қайдан оламан, дедим бошимни қашиб. Бир четда жимгина кузатиб турган Муҳаммад Шариф мийиғида кулимсираб сўз қўшди: камбағал бўлсанг, кўчиб боқ.

Борар жойни Жўллибой акамга яхшилаб тушунтириб, Юнусободга равона бўлдим. Борсам, Шодиқўрғон тақа-тақ берк, деразалар зимистон. Ўша куни жаҳл устида чўнтагидаги калитни улоқтириб келган подон Ғуломни сўкканча бўғилиб кута бошладим. На Шодиёрдан, на Жўллибой акамдан дарак бўлди. Тажанглигим тутиб, теварак-атрофни айланиб келишга қарор қилдим. Автобус бекатигача бордим, ундан бозорга ўтиб, қўлимни чўнтагимга суққанча нарх-наво билан қизикдим, тўрва-халта кўтарган кампирларга қўшилиб, картошканинг баҳоси осмон баравар сапчиганидан даргазаб бўлдим. Ганжа Қорабоғдан келиб пўртаҳол сотиб ўлтирган қоши қора, кўзи қора боғбонлардан битта қизил пулга бир кило пўртаҳол олдим. Жўллибой акамнинг ўғиллари Кунтуғмиш билан Алпомиш ҳар оқшом пўртаҳол деб хархаша қилар, отасининг эса ҳар оқшом эсидан чиқиб қолар эди. Эсидан чиқмай нима ҳам қилсин: пўртаҳолнинг kilosи ўн сўм, маошгача ҳали олти кун бўлса... Изимга қайтиб қарасам, собиқ маконимнинг деразаларида чироқ кўринди. Ҳовлиқиб, саккизинчи қаватга кўтарилдим. Бир вақтлар қадрдон бўлган, энди эса буткул бегона эшик ортида бир зум нафасимни ростлаб, қўнғироқ тугмасини босдим. Қўнғироқ булбул бўлиб сайради, лекин ичкаридан қилт этган шарпа сезилмади. Яна устма-уст қўнғироқ босдим. Анчадан

кейин Шодиёрнинг уйқу ва зарда аралаш бўғиқ товуши эшитилди: “Ким?!” “Очинг. Нарсаларимга келдим”, дедим босиқлик билан. Эшик шарақ-шуруқ қилиб очилди, Шодиёр, кўзлари қизарган, сочлари тўзғиган, доимгидек қарийб яланғоч қиёфада йўлакда турарди, бетимга қайрилиб ҳам қарамади — тўғри хонасига кириб кетди. Тан олиб айтишим керакки, терговчилик ўқишига тоби тоқати бўлмаса-да, қонун-қондадан бирмунча хабардор экан — бир пайтлар мен истиқомат қилган, энди эса унинг хусусий мулкига айланган хона эшигидаги сўрғичланган “муҳр” дахлсиз турарди. Ичкари кириб, димиқиб кетаёздим. Супурги тегмаган хонумон хароб, деб бежиз айтмайдилар, гард-ғуборга тўлган собиқ маконимда нафас олиб бўлмасди. Дарҳол деразани ланг очиб юбордим, сўнг шоша-пиша нарсаларимни йиғиштирмоққа бошладим. Ҳозир Жўллибой акам ҳам келиб қолса керак. Шодиёрнинг хонасидан ҳамон ўша раҳнагар мусиқа эшитилиб турар, чамаси, бу оқшом ҳам у ёлғиз эмас эди.

Бир маҳал телефон жиринглади. Хўжайин шипиллаб чиқиб келди-да, дастакни қулоғига тутди, кейин турган жойидан менга қараб ўқрайди: “Телефон!” Жўллибой акам экан. “Бир оз кутасан-да, ўка, — деди, — Шокир энди келди. Овқат еб олай, жўнаймиз, деяпти. Фақат йўлда бир жойга кириб ўтсам, дейди. Бирпасга.. “Э, майли, — дедим суюниб, — бемалол, мен ҳам ҳали тайёр бўлганим йўқ”. “Ҳа, бўпти”, деди Жўллибой акам хотиржам тортиб.

Шодиёрнинг хонасидан қичиқ нағмаю аёл товуши билан бирга таралаётган ўткир бир ҳид бутун йўлакни тутиб кетган эди. Нима экан-а бу? Э, менга нима! Улиблар кетмайдими!

Китобларни ўраб-боғлаб, ўрин-кўрпамни йиғиштираётганимда тўсатдан бошимда қаттиқ оғриқ ҳис этдим. Гўё мана ҳозир ёрилиб кетадигандек туюларди. Ёдимга тушди: бир сафар суваракларни қираман, деб, ҳаддан зиёд дори сепиб юбориб, икки-уч кун мана шуидоқ бошимнинг оғриғига чидаёлмай юрган эдим. Рўби рўзгоримни йиғиштириб тахт қилгач, бениҳоя чанқаганимни сездим. Қани энди, бир пиёлагина қайноқ чой бўлса! Чойнак-пиёлани жойлаб қўйганимдан қайта очишга эриндим-да, ошхонага чиқиб муздек сув ичиб келдим, сўнг хона ўртасида, курсига суянганча қўнғироқ кута бошладим.

Шодиёр икки марта шиша кўтариб ўтди.

Жўллибой акам негадир ҳаяллаб қолди. Урнимдан туриб, дераза олдига яқинлашдим. Кўзим етганича узоқларга тикилдим. Куз куни ҳам бир тутам, соат саккиз бўлмасидан ҳаммаёқ зимистон, нақ ярим кечага ўхшайди. Ҳавода аччиқ куйинди иси кезади. Чамаси, ҳануз яқин-атрофда хазон ёқилмоқда. Хазон бўлган япроқ ҳам кўп экан-да ҳали-ҳамон ёқиб адо қилишолмайди. Ия, анави нима? Гулханми? Ҳа-ҳ, гулхан, ловиллаб, кўк тоқига чирмашиб, атрофни кундуздек ёритиб ёнаётган гулхан! Худди ўша эски жойида — бир маҳаллар мени нақ эс-ҳушдан айиргудек ҳайратга солган яйдоқ жўхорию адоғида гуриллаб ёнмоқда! Теграсида учтўрт киши давра қуриб ўлтирибди. Қиёфатлари танишдек. Бор қувватимни кўзимга тўплаб, миждаларимни қисиб ўша томонга тикилдим ва оҳиста гурунг бериб ўлтирган Муҳаммад Шарифни кўрдим. Тинмагур одам экан-да бу мулла Гулханий! Қачон бу ерга етиб келмоққа улгурди экан? Юрагимда яна ҳавас қўзғалди. Ҳамсуҳбатлари кимлар бўлди экан? Ринднафас шоирлар — Маҳзуб, Мажзуб, Мунтазирми? Поёнсиз хаёллар соҳиби Гоголми? Андуҳга йўғрилган сирли қиссалар ижодкори Андерсенми? Нималарни сўйламоқда экан улар? Шу гулхан теграсида давра қурганларда ҳам армон борми-кан?

Енгинамда нимадир гумбурлаб қулади, кейин кимдир жонининг борича қичқирдию шу заҳоти унинг фарёдини қасира-қусур мусиқа садолари босиб кетди. Илкис қайрилиб қарадим: Шодиёрнинг хонасида отўйини бошланган эди. Аёл жон-жаҳди билан ер тепар, йиғи аралаш алланималар деб қичқираб, Шодиёр гўлдираб таҳдид қилар, ҳабаш хонадалар эса уйни бошларига кўтариб уларнинг иккаласидан ҳам баланд келмоққа тиришар эди. Билмаган одамга бу маконда қиёмат кўпгандек туюлиши мумкин, аммо бундаги сирру асрордан бохабар кимса пинак бузмаслиги табиий, зеро бу Шодиёрнинг одатий тунларидан бири эди, холос. Шу боис эшикни зичлаб ёпдим-да, қўлимга илинган китобни варақлашга тутиндим. Беш-ўн дақиқа ўтди, аёлнинг жазаваси баттар кучайди, у энди ёлғиз ўзи тўртта забардаст занжининг наъравор нағмаларини босиб уввос тортар эди: “Қўйвор! Қўйво-ор! А-а-а! Онажон, вой, онажон! Қутқарингла-ар!”

У “онажон”лаб бежиз додламас — қутурган Шодиёр ҳозир онажонини кўрсатаётгани аниқ эди. Яна нимадир қарсиллаб синди, нимадир гумбурлаб кетди, Шодиёр

болохонадор қилиб сўқинди, темир карнайлар қулоқни қоматга келтириб ҳайқира бошлади. Ортиқ бу машмашага чидаб туролмай, пастга тушиб кутмоқчи бўлдим, энди ўрнимдан турган ҳам эдимки, қаршимдаги эшик шарақлаб очилдию қип-яланғоч бир аёл жон талвасада ўзини менинг хонамга қараб отди. Бу воқеа кўз очиб-юмгунча рўй берганидан илон авраган бақадек қотиб қолдим. Аёл ичкари кирасолиб, қўлидаги синган курси оёғини эшик тутқичига тикди, шу заҳоти Шодиёр бир ҳўкиз кучи билан эшикни итариб-тепишга тушди! “Оч, қанжиқ! — деб ваҳшат соларди у ҳансираб, — очмасанг, нақ онангни...” Жойимда ҳамон қимир этмай ўлтирардим, зеро бу можарода мен тилсиз гувоҳликдан ўзга ишга ярамас эдим. Беихтиёр аёлга кўз қирим билан назар солдим ва унинг бу қадар ёш, бу қадар чиройли эканини кўриб, алам билан юзимни четга бурдим — қовуннинг яхшисини ит ейди доим... “Баттар бўл! — деб қаҳр ила пичирладим ўзимча. — Сенларнинг жазоингни Шоди айғирлар берсин!” Терс ўгирилиб ўлтирарканман, нима қиларимни билмас эдим. Ҳозир Жўллибой акам Шокирни бошлаб келса, бу не шармандалик? Емаган сомсага пул тўлаб... Йўқ, ҳозир чиқиб кетаман, менга деса, бир-бирини пишириб есин!

Шартта ўрнимдан турдим. Қиз дераза рахида ётган йиртиқ газетани парда қилиб, ўрин-кўрпаларим ортида биқиниб ётар, елкалари дир-дир титрар эди. Буни кўриб, жон-поним чиқиб кетди: тўшагимни наҳс бостиради! “Тур ўрнингдан! — деб бақирдим. — Бир нарсамга қўлингни теккизсанг!...” Қиз, кўзлари саросима ичра телбаланиб, қалтираб-қақшаб, бурчакка тўрт оёқлаб сургалди, ваҳший ҳайвондек бўйнини ичига тортиб, уввос солди. Юз-кўзи моматалоқ, қон-қус, сочлари кирпитикан бўлиб ҳурпайган... Шодиёр эшикни қасирақусур урганча энди иккаламизни кўшиб сўка бошлади: “Очларинг! Оч, деяпман, ўлдираман икковингниям!” Эшик олдига яқинлашганимни кўрдию қиз жонҳолатда ит каби эмаклаб келиб, оёқларимга ёпишди, ғайришуурий бир тарзда қичқирди: “Очманг! Очманг! Жон ака, қутқаринг мени! Улдиради, очманг!” Ирганиб, шартта оёғимни тортиб олдим. “Опкелган акажонинг қутқарсин сени, — дедим нафратимни босолмай, — келишга келволиб, нега энди биғиллайсан?” “Алдади мени, алдади, — деб ҳўнгиллаб йиғларди қиз, — билмай қолдим, алдаб...” “Алдади?! — деб сўрадим истехзо билан, — алдаса, бу ерга ҳолва егани келибмидинг?! Баттар

бўл!" Эшик тутқичига қўл чўздим. Шунда қиз кутилмаган бир абжирлик ила сапчиб ўрнидан турди, жонжаҳди билан мени итариб юборди. Кўзларида мода арслоннинг даҳшати ёнарди! Ҳозир ҳеч балодан қайтмас эди у, ҳайқиб, дераза олдига чекиндим. Шу пайт эшикнинг ўртасидан муштдек жойи ўпирилиб тушди. — Шодиёр болғами, болта билан гурсиллатиб урмоқда эди. Қиз қўллари билан кўксини чала-ярим бекитганча, авратини ҳам яширмоқни унутиб, Шодиёрга ҳам аталган қаҳру ғазабинини қўшиб, менга мислсиз нафрат билан тикиларди. Шу тариқа қанча ўтди — билмайман. "Урдими?" деб сўрадим бир маҳал аста. Қиз эшикка сунганча тиз чўкди, юз-кўзларини чангаллаб, эшитилар-эшитилмас шивирлади: "Урса, уриб ўлдирса ҳам майли эди... Айтолмайман, айтолмайман... А-а-а!" — У шундай деб ўкириб юборди, ажал ғарғараси тутгандек, устмауст ўқчиб, беҳол букчайиб қолди.

Бошимдан оёғимга қадар живирлаб, вужудимга титроқ кирди. Шунчалар тубан кетдинг-а, инсон фарзанди!..

Шодиёр қўшқўллаб эшикни урар, тепар, гумбурлаган товуш кетма-кет сўроқ бўлиб миямга қадалмоқда эди: эй, бахтиқаро, бадбахт қиз! Отанг ўлганми сенинг? Отанг ўлган бўлса, онанг ҳам ўлганми? Ота-онанг ўлган бўлса, ака-уканг ҳам ўлганми? Ака-уканг ҳам ўлган бўлса, ор-номусинг ҳам ўлганми? Озод аёл бўлиб, қишлоғингдан шу умидда келибмидинг? Худобехабар онанг, гўл, ландавур отанг, эҳтимол, ўлмагандир, қизим отин бўлиб келади, деб шишиниб юргандир! Шубҳасиз, бир кун отин бўлурсан — қариганингда! Эй аблаҳ Шодиёр, нега ўшанда сени ўлдириб қўяқолмаган эканман?! Савобга қолардим — яна бир манглайи қорани жувонмарг қилмас эдинг!

Қачон одам бўласан, эй одамизот?!

Шу лаҳза эшик қарсиллаб қизнинг устига қулади. У додлаб, эшик тагидан аранг ўрмалаб чиқди-да, менга ёпишиб олди. Шодиёр, кўзлари қонга тўлган, бир қўлида гўшт чопадиган болта, бир қўлида пичоқ, остонада шипдек бўлиб турарди. "Тегма!— деб қичқирди менга қараб. — Меники у! Эшитяпсанми, меники! Пулини мен тўлаганман! Ўлдираман, қўйвор!" Қизнинг чангалидан силтаниб чиқиб, Шодиёр томон икки қадам юрдим. Қиз бурчакка тиқилиб, гужанак бўлиб олди, қинидан чиқаёзган кўзлари гоҳ менга, гоҳ Шодиёрга телбаланиб боқар, оғзи бир томонга қийшайиб борар эди.

“Ташла қўлингдагиларни! — деб амр қилдим ва товушимни титрамай чиққанига ўзим ҳам ҳайрон қолдим. — Ташла, мен ҳозир кетаман.” “Иўқ-о-ол!” деб қичқирди Шодиёр ва болтасини боши узра баланд кўтариб, тикка бостириб кела бошлади. Шундагина ҳушим учиб кетди: у мутлақо ўзини билмас эди. Боягина бутун уйни тутиб ётган бурқираган иснинг нималигини энди англадиму юрагим орқамга тортди. То мени ўйимни ўйлагунимча болта ёнгинамдан шип этиб ҳавони сермаб ўтди, базўр чап бериб қолдим. Шодиёр бир сакрашда қизнинг тепасига етиб борди, сочидан чангаллаб, эшик сари судради. Қиз илондек тўлганиб, ўзини кўтариб отар, бошини тарс-тарс деворларга урар эди. Кўзларим тиниб, нафасим бўғзимга тиқилди. Дафъатан, Шодиёр мен умримда биринчи маротаба кўриб турган етти ёт бегона, насл-насаби бетайин бир қизни эмае.. Қундузни судраб кетаётгандек туюлди!

Балки Қундуз ҳам ўшанда, ўша машъум соатда мана шундоқ ваҳший малъун чангалига тушгандир? Бундан баттар қийноқларга дучор бўлгандир? Ушанда ҳам мадад қўлини чўзгали бирор кимса топилмагандир? Қундуз, шўрлик, баҳтиқаро Қундуз...

Сесканиб тушдим. Шодиёрнинг орқасидан бориб, қўлига жон-жаҳдим билан урдим. Болта учиб кетди. Елкасига чанг солдиму қизга қараб қичқирдим: “Қоч! Жонинг борича югур! Тез!” Қиз орқа-ўнгига қарамай, йўлак томон эмаклади. Шодиёр, туман босган кўзларида мисли кўрилмаган бир олов чақнаб, ортига ўгирилди, худди бўғизланган одамдек хириллаб: “Улдираман сени!” деб пишқирди. Таъқибдан қочиб, орқага чекин ар эканман, туйқус хона ўртасига етганда ер билан битта бўлиб сочилиб ётган, Кунтуғмиш ва Алпомишга аталган пўртаҳолнинг бирини босиб олиб тойиб кетдимун ақ кўз ўнгимда ярақлаган пичоқ сопидаги “Чустдан совға” деган ёзувга кўзим тушди, Шодиёр кўксимга миниб, нафасидан ўт сочиб яқинлашганида том битиб бораётган қулоқларимга ёввойи бир қичқириқ чалингандек бўлди ва шунда билдимки...

*...анда Бойўғли билдики, тақдирни тадбир енги билан яшириб бўлмас экан...*

Сўнг нигоҳи қаршисида ловиллаб ёнаётган гулхан пайдо бўлди. Гулхан атрофида ўлтирган Муҳаммад Шариф худди шу лаҳза юраги безовта санчиб, ирғиб ўрнидан турди, қўлларини у томон чўзиб, фарёд солганча югуриб кела бошлади. Афсус, минг афсуски, у ҳар-

чанд югургани билан ҳаргиз бу содда Гуломга қўмакка етиб келолмасди — ахир, ораларида икки асрдан зиёдроқ масофа бор эди-да...

Гулхан эса ҳамон гуриллаб ёнар, денгиздаги маёқ каби тобора ўзига чорлар, Гулом ўзидан, ўзлигидан буткул кечиб, шу порлоқ аланга томон кетиб борар эди. Вужуди пардек енгил бўлиб қолган, лаблари маҳкам қимтилган, гўё ҳозир бир ҳимо бўладию осмони фалакларга учиб кетади. Парвозга чоғланган озод қуш янглиғ оҳиста қанот қоқар экан. “Кўнгул озодадур, — деб шивирлар эди у, — кўнгул озодадур, дунёга арзи эҳтиёж этмас...”

1986



## АНТУАН ДЕ СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ

### КИЧКИНА ШАҲЗОДА

Леон ВЕРТга

Бу китобчани катта ёшдаги одамга бағишлаганим учун болалардан кечирим сўрайман. Узимни оқлаш учун шуни айтишим мумкинки, бу катта ёшдаги одам менинг энг яхши дўстим бўлади. Бунинг устига, у дунёдаги ҳамма нарсани, ҳатто болаларга атаб чиқарилган китобчаларни ҳам тушунади. Ва, ниҳоят, у Францияда яшайди, у ерда ҳозир ҳаммаёқ совуқ, очарчилик, дўстим эса таскин-тасаллига бениҳоя муҳтож. Агар буларнинг барчаси ҳам мени оқлаёлмаса, у ҳолда китобчамни бир пайтлар мана шу катта ёшдаги дўстимнинг ўрнида бўлган кичкина болакайга бағишлайман. Ахир катталарнинг ҳаммаси ҳам аввал-бошда ёш бола бўлганлар, фақат бунинг уларнинг озгинасигина билади, холос. Шундай қилиб, мана, мен бағишловга тузатиш киритаман:

Леон ВЕРТга — бир пайтлар ёш бола бўлган дўстимга бағишланади.

Расмларни муаллиф чизган

## I

Олти яшар пайтимда, осуда ўрмонлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Бўлган воқеалар» деган китобда ғалати бир суратга кўзим тушиб қолди. Суратда баҳайбат бўлма

илоннинг бир йиртқич ҳайвонни тириклай ютаётгани акс эттирилган эди. Мана ўша сурат:



Сурат тагига шундай деб ёзилган эди: «Илон ўлжасини чайнаб ўтирмай бут-бутунисича ютиб юборади. Шундан кейин у жойидан қимирлаёлмай қолади ва то ўлжасини ҳазм қилиб бўлгунича сурункасига ярим йил донг қотиб ухлайди».

Мен жунглидаги саргузаштларга тўла ҳаёт ҳақида узоқ хаёл сурдим, сўнг рангли қалам билан умримда биринчи марта расм чиздим. Бу менинг 1-рақамли расмим эди. Мана, мен чизган нарса:



Ижодим намунасини катталарга кўрсатиб, қўрқинчли эмасми, деб сўрадим.

— Шляпанинг нимаси қўрқинчли экан? — деб эътироз билдиришди менга.

Аммо расмдаги нарса сираям шляпа эмас эди. Бу — филни тириклай ютиб юборган бўғма илон эди. Ушанда, катталарга тушунарли бўлсин, деб, илоннинг ички кўринишини ҳам чиздим. Ахир, катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бориш керак-да. Бу менинг 2-рақамли расмим эди.



Катталар менга илонларнинг ичкию ташқи кўринишни чизиш ўрнига жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснихатни кўпроқ ўрганишни маслаҳат беришди. Ана шундан кейин, олти яшар пайтимда рассомликнинг порлоқ истиқболидан воз кечишга мажбур бўлдим. 1-ва 2-рақамли расмларим муваффақиятсизликка учрагач, ўзимга нисбатан ишончимни йўқотдим. Катталар ҳеч қачон ўзларича бирон нарсаи тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб ҳижжалаб тушунтириб беравериш эса охир-оқибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади.

Шундай қилиб, бошқа касб танлашимга тўғри келдию, учувчиликни ўрганиб олдим. Осмони фалак бўйлаб қарийб бутун дунёни кезиб чиқдим. Очигини айтиш керак, жуғрофия менга жуда қўл келди. Бир қарашдаёқ Хитойни Аризона вилоятидан ажрата оладиган бўлдим. Кечаси самода адашиб кетсанг, бу бениҳоя асқотади-да.

Умрим давомида турли-туман жиддий одамларни учратдим. Катталар орасида узоқ вақт яшадим. Уларни яқиндан кўрдим, билдим. Ва бундан, тан олишим керакки, улар ҳақидаги фикрим яхши томонга ўзгармади.

Катталар орасида бошқалардан кўра ақлли ва фаросатлироқ бирор кишини учратганимда унга 1-рақамли расмимни кўрсатардим, — мен уни асраб қўйган эдим, доим ёнимда олиб юардим. Бу одам чиндан ҳам бирор нимани тушунадими-йўқми, синаб кўрмоқчи бўлардим. Уларнинг барчаси расмга қараб туриб: «Шляпа-ку, бу», дерди. Шундан кейин мен уларга на бўғма илонлар, на жунглилар, на юлдузлар ҳақида оғиз очардим. Уларнинг тушунчаларига мослашардим-да, бриж ва гольф ўйинлари ҳақида, сиёсат ва бўйинбоғлар ҳақида гап бошлардим. Шунда катталар мендай бамаъни одам билан танишганларидан беҳад мамнун бўлар эдилар.

## II

Мен шу тариқа ёлғизликда яшардим, дилимни англайдиган бирор ҳамдардим йўқ эди... Олти йил муқаддам самолётимнинг мотори бузилиб, Саҳрои Кабирга қўнишга мажбур бўлдим. Ёнимда на механик, на биронта ҳамроҳ бор эди. Қанчалик қийин бўлмасин, самолётни амаллаб бир ўзим тузатишга аҳд қилдим. Ё моторни тузатаман, ё ҳалок бўламан. Бир ҳафтага базўр етадиган сув қолган.

Шундай қилиб, биринчи кечани ҳувиллаб ётган саҳ-

рода, қум устига узала тушиб ўтказдим. Минглаб чақирим нарида ҳам тирик жон асари сезилмасди. Кемаси ҳалокатга учраб, бепоён океанда сол узра сузиб бораётган одам ҳам менчалик ёлғиз бўлмагандир. Шу боис тонг-саҳарда мени кимнингдир ингичка овози уйғотиб юборганда нақадар ҳайратга тушганимни тасаввур ҳам қилолмасангиз керак.

— Илтимос... менга қўзичоқ чизиб бер! — деган қўнғироқдек товуш янгради ёнгинамда.

— А?..

— Менга қўзичоқ чизиб бер...

Тепамдан гўё яшин ургандек, сапчиб ўрнимдан турдим. Апил-тапил кўзларимни ишқалаб, атрофга алангладим. Қарасам — рўпарамда аллақандай ғаройиб бир болакай менга жиддий тикилиб турибди. Мана, унинг энг яхши сурати, мен уни кейин чизишга муваффақ бўлдим:



Албатта, бу расмда у аслидагидек яхши чиқмаган. Начора, бунга мен айбдор эмасман. Олти яшар пайтимда катталар, сендан рассом чиқмайди, деб роса миямга қуйишгани учун мен бўлма илонларнинг ички ва ташқи кўринишидан бошқа нарсани чизишни ўрна олмадим.

Шундай қилиб десангиз, кўзларимни катта-катта очганча бу ғаройиб болакайга қараб турардим. Одам-зот маконидан минглаб чақирим олисдаги яйдоқ биёбонда эканим ёдингиздан чиқмагандир. Шуниси ғалатики, бу боланинг афт-ангорига қараб, адашиб қолган ёки ниҳоятда ҳориб-чарчаган, қўрқувдан юраги ёрилиб, очлик ва ташналикдан ўлар ҳолга етган, деб бўлмасди. Кимсасиз саҳрода, инсон қадами тегмаган чўлу биёбонда дафъатан пайдо бўлиб қолган бу боланинг кўринишидан бундай фикрларни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмасди. Ниҳоят, менга яна тил ато бўлиб, аста сўрадим:

— Лекин... сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

У тагин оҳисталик билан ва ғоят жиддий оҳангда:

— Илтимос... қўзичоқ чизиб бер... — деди.

Буларнинг барчаси шу қадар сирли, англаб бўлмас бир тарзда рўй бераётган эдики, рад қилишга журъатим етмади. Жазирама саҳро қўйнида, ҳаётим қил устида турган бир паллада қанчалик бемаъни кўринмасин, чўнтагимдан қоғоз-қалам олдим-у, лекин шу заҳоти ўзимнинг асосан жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснихатни ўрганганим лоп этиб эсимга тушди-да, болакайга қараб (ҳатто бир оз аччиқланиб) расм чизишни билмаслигимни айтдим. Бу гапимга у:

— Бари бир қўзичоқ чизиб бер, — деб жавоб қилди.

Мен умримда қўзичоқ расмини чизиб кўрмаганим учун, ўзим билган ўша эски иккита суратдан бирини — бўғма илоннинг ташқи кўринишини чизиб кўрсатдим.

Аммо болакай расмини кўриб:

— Йўқ, йўқ! Менга илон ҳам, фил ҳам керак эмас! Илон ҳаддан ташқари хавфли, фил эса ҳаддан ташқари катта. Менинг уйимдаги нарсаларнинг ҳаммаси кичкина. Менга қўзичоқ керак, қўзичоқ чизиб бер, — деб хитоб қилганида ниҳоятда ҳайрон қолдим-да, шу расмини чизиб бердим.



У расмни синчиклаб кўздан кечиргач:  
— Йўқ, бу қўзичоқ жудаям ориқ-ку, — деди.—Бош-  
қасини чизиб бер.

Мен бошқа қўзичоқ расмини чиздим.



Янги дўстим хушфезллик билан мулойим жилмайиб  
қўйди.

— Бу қўзичоқ эмас-ку, — деди у. — Ўзинг ҳам кў-  
риб турибсан-а, қўчқор-ку бу. Ана, шохиям бор...

Мен қўзичоқни тагин бошқатдан чиздим. Бироқ бу  
расм ҳам унга маъқул бўлмади:



— Э, бу ўлгудай қари-ку. Менга узоқ яшайдиган  
қўзичоқ керак.

Энди сабр-тоқатим тугади. Ахир, тезроқ моторни  
тузатиш керак эди-да! Шунинг учун апил-тапил мана  
шу нарсани чизиб ташладим.



Кейин болага қараб:

— Мана сенга қутича. Қўзичоғинг шунинг ичида  
ётибди, — дедим.

Шунда мени буткул лол қолдириб, бу талабчан ҳакам гул-гул яшнаб кетди:

— Менга худди шунақаси керак эди-да! У кўп ўт ермикан, нима дейсан-а?

— Нима эди?

— Ахир менинг уйимда унчалик серобгарчилик эмас-да

— Унга кўп нарса керак эмас. Мен сенга жудаям кичкина бир қўзичоқ бераман.

— У жудаям кичкина эмас...—деди у бошини эгиб, расмга термиларкан. — Қара! У ухлаб қолди...

Мен Кичкина шаҳзода билан шу тариқа танишдим.

### III

Унинг қаердан пайдо бўлганини ҳадеганда билиб ололмадим. Кичкина шаҳзода мени саволларга кўмиб ташлар, аммо ўзидан бирор нимани сўрасам, эшитмаганга олар эди. Фақат, анчадан кейин, гап орасида тасодифан айтиб қолган баъзи сўзларидан унинг сирли ташрифи бирмунча ойдинлашди. Масалан, самолётимни биринчи марта кўрганида (самолёт расмини чизиб ўтирмайман, негаки, буни бари бир эплаёлмайман), у шундай деб сўради:

— Бу қанақа нарса?



— Бу нарса эмас, самолёт. Менинг самолётим, у  
учади.

Кейин унга, осмони фалакда учиш қўлимдан кели-  
шини Фахрланиб айтдим. Шунда у:

— Э, шошма! Сен ҳали осмондан қулаб тушдинг-  
ми? — дея хитоб қилиб қолди.

— Ҳа, — дедим камтарлик билан.

— Ана холос! Қизиқ-ку!..

Кичкина шаҳзода шундай деб қўнғироқдек товуш  
билан кулиб юборди. Буни кўриб пича аччигим чиқди:



ахир мен, бошимга кулфат тушганда, одамлар бунга жиддий муносабатда бўлишларини ёқтираман-да. Бир оздан кейин у:

— Демак, сен ҳам осмондан тушиб келибсан-да, — деди. — Хўш, қайси сайёрадан келдинг?

«Э, бу кимсасиз саҳрода тўсатдан қаердан пайдо бўлиб қолди, десам, гап буёқда экан-да!», деб ўйладим, ўзимча ва дабдурустан:

— Бундан чиқдики, сен бу ерга бошқа сайёрадан тушиб келибсан-да? — деб сўрадим.

Бироқ у саволимга жавоб бермади. Самолётимни кўздан кечираркан, аста бош чайқади:

— Ҳе, бунинг билан узоқдан учиб келолмайсан, кўриниб турибди...

Сўнг нима ҳақдадир хийла ўйланиб қолди. Кейин чўнтагидан мен чизиб берган бояги қўзичоқни олиб, уни гўё қимматбаҳо хазинадек томоша қилишга киришди.

«Бошқа сайёралар» хусусидаги бу чала-ярим эътирофдан сўнг кўнглимдаги қизиқиш ҳисси нақадар аланга олиб кетганини тасаввур қила олсангиз керак. Иложи борича кўпроқ нарса билиб олиш ниятида устмуст савол ёғдира кетдим:

— Сен қаёқдан учиб келдинг, болакай? Уйинг қаерда ўзи? Қўзичоғимни қаёққа олиб кетмоқчисан?

У ўйга чўмганча жимиб қолди-да, кейин:

— Менга қутича берганинг жуда соз бўлди-да, қўзичоқ кечаси унинг ичида ухлайди, — деди.

— Албатта. Агар ақлли бола бўлсанг, сенга арқон ҳам ҳадя қиламан — қўзичоқни кундузлари боғлаб қўясан. Қозик ҳам бераман.

Кичкина шаҳзоданинг қошлари чимирилди:

— Боғлаб қўясан? Нима кераги бор бунинг?

— Чунки, боғлаб қўймасанг, у бирон ёққа кетиб адашиб қолади.

Буни эшитиб дўстим хандон отиб кулиб юборди:

— Э, қаёққаям кетарди у?

— Билиб бўлмайди-да. Боши оққан томонга кетаверади, кетаверади.

Шунда Кичкина шаҳзода жиддий тортиб:

— Майли, ҳечқиси йўқ, — деди. — Ахир, мен яшайдиган жой ниҳоятда кичкина... — Бир оздан сўнг андуҳ билан қўшиб қўйди: — Бошинг оққан томонга кетаверганинг билан узоққа кетолмайсан...

Шу тариқа мен яна бир муҳим янгилликни кашф этдим: унинг она сайёраси бор-йўғи бир уйдек келар экан!


Очигини айтганда, бу нарса мени унчалик ҳайратлантирмади. Чунки мен Ер, Юпитер, Марс, Зуҳра сингари улкан сайёралардан ташқари, яна юзлаб бошқа сайёралар мавжудлигини, аксариятига ҳатто ном ҳам берилмаганини, улар орасида телескопда ҳам кўриш мушкул бўлган миттивойлари ҳам борлигини билар эдим. Астроном олим ана шундай жимит сайёрани кашф этаркан, унга ном қўйиб ўтирмайди, балки рақам билан атаб қўя қолади. Масалан: 3251-астероид, дегандек.

Менда, Қичкина шаҳзода Б — 612 деб аталмиш мўъжаз сайёрадан тушиб келган, деб ҳисоблашга имкон берувчи жиддий асослар бор. Бу астероид телескопда фақат бир марта — 1909 йили, бир турк астрономи томонидан кузатилган эди.

Ушанда астроном ажойиб кашфиёти ҳақида халқаро астрономия конгрессида маъруза қилган, аммо унинг гапига бирор кимса ишонмаган, чунки у туркча кийинган эди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар!

Буни қарангки, Б — 612 деб аталмиш астероиднинг бахтига, турк султони ўз фуқароларига, ўлим жазоси таҳдиди билан, европача кийинишни жорий этди. Уша астроном 1920 йили кашфиёти ҳақида тағин маъруза қилди. Бу сафар у энг сўнгги модада кийинган эди — ҳамма унинг гапини маъқуллади.

Б — 612 деб аталмиш астероид ҳақида сизга бундай батафсил сўзлаб ўтирганимга, ҳатто унинг тартиб рақамини келтирганимга катталар сабаб. Чунки катталар рақамларни жуда яхши кўришади. Агар уларга янги дўст орттирганингиз хусусида айтиб қолсангиз улар ҳеч қачон энг асосий нарса ҳақида сўрамайдилар. Улар ҳеч қачон: «Унинг овози қанақа? Қанақа ўйинларни яхши кўради? У капалак тутадими-йўқми?», деб суриштирмайдилар. Улар: «Еши нечада? Нечта оға-иниси бор? Оғирлиги қанча экан? Отаси қанча мояна олади?», дея сўрай кетадилар. Сўнг шу тариқа ўзларича одамни билиб олган бўладилар. Мабодо катталарга: «Мен қизғин ғиштли чиройли бир уйни кўрдим, деразасида ёронгул очилиб турибди, томида каптари бор», деб айтсангиз, улар бу иморатни сира ҳам кўз ўнгиларига келтира олмайдилар. Уларга: «Мен юз минг франкли уйни



кўрдим», деб айтиш лозим — шундагина улар: «Ана гўзаллигу мана гўзаллик!», дея хитоб қиладилар.

Худди шунингдек, агар уларга: «Кичкина шаҳзода чиндан ҳам мавжуд эди, у ниҳоятда ажойиб болакай эди, яйраб куларди, бир кўзичоғим бўлса, дерди. Кўзичоғим бўлсин, деган одам, ростдан мавжуд бўлади-да», десангиз, ҳайрон елка қисиб қўядилар-да, сизга худди эсипаст гўдакка қарагандек қарайдилар. Аммо бордию: «У Б— 612 деган сайёрадан учиб келган эди», деб тунтирсангиз, бу гапга узил-кесил ишонишади ва ортиқ турли-туман саволлари билан сизни безор қилишмайди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар. Улар хафа бўлиб ўтиришга арзимади. Болалар катталарга нисбатан кенгфеъл ва кечиримли бўлишлари лозим.


Аммо бизлар, яъниким ҳаётнинг нима эканини англайдиган кишилар, номерлар ва рақамлар устидан қаҳқаҳ уриб куламиз! Мен, масалан, ўзимга қолса, ўшбу




қиссани худди сеҳрли эртақдек бошлаган бўлурдим:

«Бор эканда, йўқ экан, бир Кичкина шаҳзода бўлган экан. У ниҳоятда кичкина — ўзининг танасидан салгина катта бир сайёрада яшар, бирорта ҳам дўсти йўқлигидан қаттиқ изтироб чекар экан...» Ҳаётнинг нималигини англайдиган кишилар бунинг эртақдан кўра кўпроқ ҳақиқатга ўхшашини дарҳол пайқаган бўлур эдилар.

Зеро мен китобимнинг шунчаки эрмак учунгина ўқилишини асло истамайман. Бўлиб ўтган у воқеаларни қайта эслаш мен учун ғоят оғир, уларни ҳикоя қилиш ҳам осон эмас. Дўстим қўзичоғи билан бирга мени тарк этганидан буён орадан олти йил ўтди. Уни унутиб юбормаслик учун ҳам у ҳақда сўйламоқчиман. Чунки дунёда дўстларни унутиб юборишдан ҳам қайғулироқ нарса йўқ, ахир дўст бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да. Қолаверса, мен, ёруғ оламда рақамдан бошқа нарсага қизиқмайдиган катталарга ўхшаб қолишни сира-сира истамайман. Мана шу боисдан ҳам мен рангли қаламлар билан бирга бўёқлар солинган қутича сотиб олган эдим. Менинг ёшимда қайта бошдан расм чизишга киришиш — айтишга осон, холос, чунки мен бутун умрим давомида бўғма илоннинг ташқию ички кўринишидан бошқа нарса (уни ҳам олти яшар пайтимда чизганман) чизмаган эдим-да! Албатта, ҳозир иложи борича аслига ўхшатишга ҳаракат қиламан, бироқ бу ишни қойилмақом қилиб бажараман, деб кафиллик беролмайман. Шунинг учун портретларнинг бири бинойидек чиқса, иккинчиси мутлақо ўхшамаслиги ҳам мумкин. Кичкина шаҳзоданинг бўйи тўғрисида ҳам





шу гапни айтиш лозим: расмларнинг бирида у ҳаддан ташқари улкан, бошқасида эса — ҳаддан ташқари кичкина бўлиб кўринади. Шунингдек, кийимининг ранги ҳам ёдимда йўқ. Шу боис эсимда қолганича, тусмоллаб, хаёлан чизавераман. Ниҳоят, мен баъзи бир муҳим тафсилотлар тасвирида хатога йўл қўйишим ҳам мумкин. Аммо сизлар мени маъзур тутарсизлар, деб умид қиламан. Дўстим менга ҳеч қачон бирор нарсани туншунтириб берган эмас эди. Эҳтимол, у мени ҳам худди ўзи қатори деб ҳисоблагандир. Бироқ, афсуски, мен қутича деворлари аро қўзичоқни кўришга қодир эмас-



ман. Балки мен катталарга озроқ ўхшаб кетарман. Чамаси, қариётган бўлсам керак.

## V

Кун сайин мен Кичкина шаҳзоданинг сайёраси ҳақида, дўстим уни қандай қилиб тарк этганию сафар чоғи қандай саргузаштларни бошидан кечиргани ҳақида янги-янги маълумотларни билиб ола бошладим. Хонаси келиб қолганида у шу ҳақда озми-кўпми гапириб қоларди. Шу тариқа, учинчи кун Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида рўй берган баобаб балосидан воқиф бўлдим.

Бунга ҳам аслида ўша қўзичоқ расми сабаб бўлди. Кичкина шаҳзода, чамаси, нимадандир қаттиқ шубҳага тушгандек эди, тўсатдан менга қараб:

— Айт-чи, қўзичоқлар ростдан ўт ейдими? — деб сўради.

— Ҳа, ростдан.

— Э, зўр экан унда!

Қўзичоқнинг ўт ейиши нега бунчалик муҳим эканини, табиийки, тушунмадим. Лекин Кичкина шаҳзода шундай деб қўшимча қилди:

— Бундан чиқдики, улар баобабларни ҳам ер эканда?

Мен бу гапга эътироз билдириб айтдимки, баобаб дегани ўт-ўлан ёки бута эмас — минора бўйи келадиган баҳайбат дарахт; агар у сайёрасига бутун бошли фил подасини ҳайдаб борганида ҳам, улар бирорта баобабни ея олмайди.

Кичкина шаҳзода бу гапни эшитиб, мийиғида жилмайди:

— Унда, филларни бир-бирига мингаштириб қўйиш керак... — Сўнг пича ўйлашиб, мулоҳазакор оҳангда давом этди: — Баобаблар энди униб чиққан пайтида жудаям кичкина бўлади.

— Тўғри, лекин нега энди қўзичоқнинг баобабни ейиши керак?

— Э, емаса бўлмайди-да! — дея хитоб қилди у, гўё бениҳоя оддий, ибтидоий бир ҳақиқат хусусида сўзлаётгандек.

Гап нимадалигини англаб етгунча роса бошим қотди.

Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида ҳам бошқа сайёралардаги каби фойдали ва зарарли ўт-ўланлар ўсар экан. Демакки, у ерда доривор, шифобахш ўтларнинг уруғи билан бирга, зараркунанда ва бегона ўсимликларнинг уруғлари ҳам мавжуд. Аммо уруғ ҳали тупроқ

тагида мудраб ётаркан, кўзга кўринмайди, шу боис унинг зарарлими, фойдали эканини билиш ҳам мушкул. Фақат ер уйғонгачгина уруғ-ҳам аста-секин ниш уриб ёруғ олам сари талпинади, куртак очиб барг ёзади-да, қуёшга бўй чўзади. Қаттиқ ердан қалтираб чиққан чоғида у нимжонгина, беозор бир гиёҳ бўлади. Агар у бўлгуси гулкўчат ёки маймунжон бўлса, майли, бемалол ўсиб-унаверсин; бордию қандайдир зараркунанда ўсимлик бўлса, таг-томири билан юлиб ташлаш керак. Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида ана шундай зарарли мудҳиш уруғлар бор экан — баобабларнинг уруғи. Сайёранинг тупроғида шу ёвуз уруғ тўлиб-тошиб кетган экан. Агар баобабни ўз вақтида пайқаб юлиб ташланмаса, кейин ундан қутулишнинг иложи бўлмайди. У бутун сайёрани эгаллаб олади, баҳайбат, қутурган томирлари билан уни ҳар томондан чирмаб эза бошлайди. Мабодо сайёра мўъжазгина бўлсаю, баобаблар сон-саноксиз бўлса, у ҳолда улар уни тилка-пора қилиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас.

— Бизда шундай бир қоида бор, — деди Кичкина шаҳзода кейинчалик менга. — Эрталаб уйқудан туриб, юз-қўлингни ювгач, уёқ-буёқни йиғиштиргандан сўнг дарҳол сайёрангни тозалашга киришмоғинг лозим. Баобабларни ҳар қуни, канда қилмай йўқ қилиб туриш керак. Аммо уларни гулкўчатидан ажрата билиш керак: иккаласининг ниҳоли бир-бирига жудаям ўхшайди. Бу ҳаддан ташқари зерикарли иш, лекин сираям қийин эмас.

Бир гал у менга, мана шу гапларни бизнинг болалар ҳам тушунсин, десанг, бир расмини чизиб кўрмайсанми, деб маслаҳат берди.

— Агар улар қачондир сафарга чиқмоқчи бўлсалар, бу нарса ғоят қўл келади, — деди у. — Бошқа ишлар бир оз кечикса ҳам зиён қилмайди, аммо баобабларни ўз ҳолига қўйиб берилса, охири вой бўлади. Мен бир сайёрани биламан, у ерда бир дангаса яшарди. У уч туп ниҳолни вақтида қўпориб, ташламади, оқибатда...

Кичкина шаҳзода бу ҳақда батафсил сўзлаб берди, мен эса ўша сайёранинг расмини чиздим. Бировга ақл ўргатишни ёмон кўраман, аммо баобабларнинг нақадар хавфли эканини жуда оз одамгина билади, ваҳоланки, астероидга қадам қўядиган ҳар бир киши муқаррар равишда бу даҳшатли хатарга дучор бўлади. Шу сабабдан мен ҳозир одатимга хилоф тарзда: «Болалар, баобаблардан эҳтиёт бўлинглар!», деб ҳайқир-



гим келади. Барча дўстларимни кўпдан буён таҳдид солиб турган шу бало-қазодан огоҳ қилиб қўймоқчиман, чунки улар шундай хатар борлигини бир пайтлар мен ҳам мутлақо билмаганимдек ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун ҳам мен овора бўлиб шу расмни чиздим, шунинг учун ҳам қилган меҳнатимга заррача ачинмайман. Эҳтимол, сиз, нима учун бу китобда манави баобабларнинг тасвиридан бошқа бирорта ҳам таъсирли расм йўқ, деб сўрарсиз. Бунга мен оддийгина қилиб шундай жавоб қайтараман: бошқа расмлар ҳам таъсирчанроқ чиқсин, деб, мен роса уриндим, бироқ, афсуски, қўлимдан келмади. Баобабларни чизаётган пайтимда эса, бу чиндан ҳам мудҳиш хатар, уни даф этишни асло кечиктириб бўлмайди, деган фикр менга илҳом бағишлаган эди...

Эҳ, Кичкина шаҳзода! Аста-секин мен сенинг нақадар ғамгин ва якравг ҳаёт кечирганингни англаб едим. Узоқ йиллар мобайнида ягона дилхуш эрмагинг қуёш ботар пайт — ғурубни томоша қилишдан иборат бўлган экан. Мен буни тўртинчи кун эрталаб, ўзинг сўз орасида:

— Ғурубни жудаям яхши кўраман. Юр, қуёшнинг ботишини томоша қиламиз, — деб қолганингда сездим.

— Э, унда бир оз кутиш керак.

— Нимани?

— Қуёш ботишини-да.

Бу гапни эшитиб, аввал беҳад ҳайрон бўлиб қолдинг, кейин эса ўзингнинг устингдан ўзинг кулиб:

— Назаримда, ҳалиям уйимда юргандекман! — дединг.

Ҳақиқатан ҳам, Америкада кун чошгоҳ бўлганда Францияда кун ботишини ҳамма биледи. Агар у ердан бир лаҳзанинг ичида Францияга етиб борилса, қуёш ботишини ҳам томоша қилиш мумкин. Бахтга қарши, Франция бу ердан узоқ, бениҳоя узоқ. Сенинг сайёранг-да эса тагингдаги курсичани бир неча қадам нари сурсанг бас — ғурубга истаганча узлуксиз мафтун бўлиб термилавериш мумкин эди...

— Бир сафар мен бир кунда қирқ уч марта қуёш ботишини томоша қилганман!

Орадан сал ўтгач, хиёл андуҳ билан яна шундай дединг:



— Биласанми... баъзан юрагинг нимадандир гуссага тўлиб кетганда, ботаётган қуёшга бирпас термилиб ўтирсанг борми...

— Демак, гурубни қирқ уч марта томоша қилган кунинг жудаям хафа бўлган экансан-да?

Аммо Кичкина шаҳзода бунга жавобан индамади.

## VII

Бешинчи куни эрталаб, тағин ўша қўзичоқ сабаб бўлиб, Кичкина шаҳзоданинг сиру асрорини билиб олдим. У, гўё узоқ вақт сукут ичра ўйлаб шу хулосага келгандек, дабдурустдан:

— Қўзичоқ ўт ер экан, бундан чиқди, гулни ҳам ейиши мумкин экан-да? — деб сўради.

— Ҳа, тўғри келган нарсани еяверади.

— Ҳатто тиканли гулниям ейдими?

— Ҳа, тиканли гулниям.

— Ундай бўлса, гулга тиканнинг нима кераги бор?

Буни мен ҳам билмасдим. Ҳозир жудаям банд эдим: моторнинг бир гайкаси ейилиб кетган, шуни бураб чиқаролмай, қонимга ташна бўлиб турардим. Авзойим бузуқ эди — аҳвол тобора оғирлашиб бормоқда, сув деярли тамом бўлди, бу мажбурий қўнишнинг охири расво бўлмаса эди, деган гўлгула юрагимга ўрмалай бошлаган эди.

— Хўш, тиканнинг нима кераги бор?

Кичкина шаҳзода бирон бир савол бераркан, жавоб олмагунича қўймас эди. Тош қотиб кетган гайка ҳадеганда буралавермагач, фигоним фалакка чиқиб, оғзимга келган гапни гўлдирадим:

— Гулга тиканнинг сираям кераги йўқ, азбаройи ёмонликка чиқаради.

— Шунақами?!

Жимлик чўкди. Анчадан кейин у ранжиган оҳангда:

— Гапингга ишонмайман, — деди. — Ахир, гуллар жудаям занф, оққўнгил-ку. Ўзларини ботир кўрсатиш учун ҳам тикан чиқаришади, гўё шунда улардан ҳамма кўрқадигандек...

Индамадим. Ҳозир ўзимча жаҳл билан гўлдираб қасам ичмоқда эдим: бу лаънати гайка шу сафар ҳам чиқмаса, болға билан шундай айлантириб соламанки, майда-майда бўлиб кетади!.. Бироқ Кичкина шаҳзода тағин хаёлимни бузди:

— Уйлайсанки, гуллар...

— Э, ҳеч нарсани ўйламайман-э, мен! Қалламга келган гапни айтдим-қўйдим-да. Кўриб турибсан-ку, жиддий иш билан бандман.

У менга ҳайратдан донг қотиб тикилди:

— Қанақа жиддий иш?!

У ҳамон мендан нигоҳини узмасди: мен эса, афт-башарам қоп-қора мой, қўлимда болға, унинг кўзига ниҳоятда нотавон бўлиб кўринаётган манави шалдироқ арава — самолёт узра энгашганча асабий тутақиб турардим.

— Худди катталарга ўхшаб гапирасан-а! — деди у.

Уялиб кетдим. У эса аяб-нетиб ўтирмай, гапида давом этди:


— Ҳаммасини чалкаштириб юбординг... ҳеч нарсани тушунмас экансан!

Чиндан ҳам унинг қаттиқ жаҳли чиққан эди. Аччиқланиб бошини чайқаркан, тилларанг сочлари шамолда тўзғиб кетди.

— Мен бир сайёрани биладан, у ерда юзи бўзарган бир жаноб яшайди. У умрида бирор марта гул ҳидлаб кўрмаган, бирор

марта юлдузларга тикилмаган. У: ҳеч қачон бировни севган ҳам эмас, умрида бирон-бир юмушни ҳам бажарган эмас. У фақат бир иш билан — рақамларни бир-бирига уриштириш билан овора. Эртаю кеч худди сенга ўхшаб яккаш: «Мен жиддий одамман! Мен жиддий одамман!», деб такрорлагани-такрорлаган. Тағни гердайиб-кеккайиб юришини айтмайсанми! Аслида у одам эмас, қўзиқорин.

— Нима дединг?



— Қўзиқорин, деяпман! — Кичкина шаҳзода азбаройи аччиқланганидан, ранги бўздек оқариб кетди. — Миллион йиллардан буён гулларнинг танасида тикан ўсади. Ва миллион йиллардан буён қўзичоқлар гулларни бари бир еб қўяди. Шундай экан ҳеч қандай наф кўрмаса ҳамки, гулларнинг тиканига бунчалик зўр беришининг боиси нимада? Наҳот мана шу жумбоқни англаш зарур иш бўлмаса? Наҳотки гуллар билан қўзичоқлар ўртасидаги асрий адоват сири муҳим нарса бўлмаса? Ахир бу ўша юзи бўзарган жанобнинг ҳисобкитобидан кўра жиддийроқ ва зарурроқ эмасми? Айтайлик, мен бу дунёда на тенги, на ўхшаши бўлган бир гулни биламан, у фақат менинг сайёрамдагина ўсади. Энди бир кун жимитгина қўзичоқ шартта борсаю уни шаққос еб битирса! Нима иш қилиб қўйганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаса... Балки бу ҳам сенингча муҳим нарса эмасдир?

У қип-қизариб кетди, бир зумдан кейин тагин давом этди:

— Агар бошқа миллионлаб юлдузларда учрамайдиган бир гулни яхши кўрсанг, шунинг ўзи ҳам кифоя: осмонга боққанинг замон ўзингни бахтиёр ҳис этасан. «Олисларда, қайдадир менинг ҳам гулим бор», деб шивирласанг бас — кўксинг тоғдек юксалиб кетади. Бордию қўзичоқ тўсатдан уни еб қўйса борми, оламдаги жамики юлдуз бирданига сўнгандек бўлади-қолади! Сенга қолса, бу сираям муҳим нарса эмас!

У ортиқ гапиролмади, нафаси тиқилиб, ҳўнграб юборди. Атрофни қоронғилик чулғади. Қилаётган ишимни шартта ташладим, бадбахт гайкаю болға ҳам, ташналигу ўлим ваҳми ҳам дафъатан унут бўлди. Менинг юлдузимда, Ер аталмиш менинг сайёрамда Кичкина шаҳзода ўксиб-ўксиб йиғлар — уни юпатмоқ даркор эди. Мен уни бағримга босганча қўлимда аллалай бошладим: «Сен кўнгил қўйган гулга ҳеч ким тегмайди... қўзичоғининг тумшуғига ўзим нўхта чизиб бераман... мен...» Бундан бўлак нима деяримни билмасдим, ақлу ҳушим тамоман бошимдан учган, ўзимни беҳад беўхшов ва ўнғайсиз сезардим. Нима қилсам у дилимни анларкин? Тутқич бермай мендан лаҳза сайин узоқлашиб бораётган бу беғубор кўнгил садосини қандай қувиб етсам экан? Ахир, аслида кўзёш дегани — англаб бўлмас, сирли бир салтанат эмасми?

Ҳадемай бу гулни яхшилаб билиб олдим. Қичкина шаҳзоданинг сайёрасида ҳаммавақт оддийгина, беҳашам гуллар ўсарди. Улар камбарг, беозоргина бўлиб, ниҳоятда кам жойни эгаллар, эрталаб очилиб, оқшом чоғи сўлиб қолар эди. Бу гул эса, кунларнинг бирида шамолда қайдандир учиб келиб сайёра тупроғига тушиб қолган уруғдан униб чиққан эди. Қичкина шаҳзода бошқа ўт-ўлан, гулчечакларга асло ўхшамаган бу мўъжаз ниҳолдан кўзини узолмасди. Бордию у баобабнинг бирор янги хили бўлса-чи? Аммо ниҳол тез орада юқорига қараб бўй чўзишдан тўхтади-да, ғунча тугди. Қичкина шаҳзода умри бино бўлиб бундай катта ғунчаларни кўрмаган эди, ғаройиб мўъжиза рўй беражанини кўнгли сезиб, бетоқат кута бошлади. Нотаниш, номаълум ғунча эса ҳамон юз очишни хаёлига келтирмас, яшил гумбаз ичра пинҳон ўтирганча ҳануз ўзига оро берар эди. У қунт билан ранг танлар, гулбарг либосларни нозик баданига бир-бир ўлчаб кўрарди — ёруғ оламга аллақандай лолақизғалдоққа ўхшаб, ҳурпайган-тўзғиган ҳолда дийдор кўрсатишни сира-сира истамасди-да. У ҳусни жамолини бор латофатини бутун жозибаси билан намоён этмоқни орзу қиларди. Ҳа, ана шундай ўзига бино қўйган гўзал эди у!

Сирли тайёргарлик шу йўсин узоқ давом этди. Ва, ниҳоят, бир саҳар чоғи, қуёшнинг илк нурлари кўриниши биланоқ гулбарглар оҳиста очилди, бу лаҳзага шу қадар узоқ тараддуд қилган гўзал эса ширин эснаб:





— Эҳ, эсизгина, барвақт уйғониб кетибман-ку... Авф этинг мени... — деди. — Ҳаммаёғим тўзғиб ётувди-я...

Кичкина шаҳзода ҳайрат ва завқини яширолмади:

— Нақадар чиройлисиз-а!

— Йўғ-э, ростданми? — деди гулғунча бунга жавобан астагина. — Ҳа, балки сезгандирсиз, мен қуёш билан бирга туғилганман-да.

Кичкина шаҳзода бу ғунчанинг камтарлик бобида намуна бўлолмаслигини пайқади, бироқ у шунчалар дилбар ва латиф эдики, одамни беихтиёр довдиратиб қўярди!

— Нонушта вақтиям бўлиб қолдимиз дейман, — деди у салдан кейин. — Барака топкур, менга ёрдам қиларсиз-а?

Кичкина шаҳзода беҳад хижолат бўлди, кўзачада муздек булоқ сувидан келтириб уни суғорди.





Кўп ўтмай гўзал гулгунчанинг хийла мағрур ва аразчилиги ҳам маълум бўлиб қолдию Кичкина шаҳзода у билан тил топишаман деб роса қийналди. Бир куни гул, поясидаги тўртта тиканни кўрсатиб:

— Қани, йўлбарс зўр бўлса, буёққа келсин, мен унинг ўзидан ҳам, ўткир тирноғидан ҳам қўрқмайман! — деди.

— Менинг сайёрамда йўлбарс яшамайди, — деб эътироз билдирди Кичкина шаҳзода. — Кейин, йўлбарслар ўт емайди.

— Мен ўт эмасман-ку, — деди гулгунча ранжиб.

— Кечиринг мени...

— Йўқ, мен йўлбарсдан сираям қўрқмайман, аммо елвизак деган нарсдан юрагим чиқиб кетади. Сизда парда йўқми, мени шамолдан тўсиб қўйсангиз?



«Ғалати-я, ўсимлик бўлатуриб елвизакдан қўрқадди... — деб ўйлади Кичкина шаҳзода. — Жудаям кўнглини топиш қийин экан бу гулнинг...»

— Бу ер роса совуқ экан. Кечқурун мени шиша қалпоқ билан ўраб қўйинг, хўпми? Сайёрангиз ҳаддан ташқари бефайз экан. Мен келган жойда-чи...

Гулғунча гапини тугатмай жимиб қолди. Чунки буюёққа у ҳали уруғ чоғида учиб келган эди-да. Ўзга оламлар ҳақида шу боис ҳеч нарса билмаслиги табиий эди. Осонгина фош бўлишинг муқаррар вазиятда эса ёлғон гапирмоқ — бориб турган аҳмоқликдир! Гулғунча хижолат тортди, сўнг гўё Кичкина шаҳзода, ўзини унинг олдида қанчалар гуноҳкор эканини сезсин, деган маънода устма-уст йўталди:

— Қани парда, борми?

— Мен боя бориб олиб келмоқчи эдим, лекин гапингизни бўлишга...

Шунда гулғунча яна қаттиқроқ йўтала бошлади: майли, унинг виждони баттар қийналсин!

Кичкина шаҳзода, гарчи бу феруза гулни яхши кўриб қолган, унга хизмат қилишдан бахтиёр бўлса-да, кўп ўтмай кўнглида шубҳа уйғонди. У шунчаки айтилган ҳавойи гапларни юрагига яқин олар, шу сабаб ўзини бениҳоя бахтсиз сезар эди.

— Бекор унинг гапига қулоқ солган эканман, — деб қолди у бир кун менга. — Ҳеч қачон гулларнинг айтганига қулоқ солмаслик керак экан, уларга термилиб, ҳидларидан баҳраманд бўлиш лозим экан, холос. Менинг гулим бутун сайёрани хуш бўйларга буркаган эди, мен эса бундан фақат қувониш зарурлигини билмасдим. Йўлбарс ҳақидаги, тирноқ ҳақидаги анави гапларга келсак... улардан одамнинг кўнгли завқ-шавққа тўлиши керак эди, мен бўлсам аччиқланиб ўтирибман-а... — Бир муддат сукут сақлаб, андуҳ билан эътироф этди: — Ушанда ҳеч нимани тушунмаган эканман! Оғиздаги сўзга эмас, амалдаги ишга қараб баҳо бериш керак эди. У менга ўзининг муаттар бўйларини армуғон этди, ҳаётимни нурга чулғади. Мен ундан қочмаслигим керак эди! Ўша қовушмаган ҳийла-найранглар замирида нозик бир латофат мужассам эканини пайқашим керак эди. Ахир, гуллар шунчалик беқарорки!.. Аммо мен ниҳоятда ёш эдим, муҳаббат сир-асроридан беҳабар эдим.

Англашимча, у жаҳонгашта қушлар билан бирга парвоз қилишга қарор берган. Охирги кун и эрталаб у одатдагидан кўра бошқачароқ ғайрат билан сайёрасини тозалашга киришди. Кунт ва зўр ҳафсала билан уйғоқ вулқонларни тозалай бошлади. Сайёрада иккита уйғоқ вулқон бўлиб, улар/нонушта тайёрлашга жудаям қулай эди. Бундан ташқари, яна битта сўнган вулқон ҳам бор эди. Бироқ, бу сўнган-ку, деб хотиржам юриб бўлмайди-да, деди у. Шу сабабдан уни ҳам эринмай тозалаб чиққан. Вулқонларни чинни-чироқдек озода қилиб тозаласангиз, улар тутуну қурум чиқармай бир маромда биқирлаганча қайнаб ётади... Албатта, биз — Ердаги аҳли замин, ғоят кичкина одамлармиз, вулқонларимизни тозалашга кучимиз етмайди. Шунинг учун ҳам улар бизга шу қадар кўп зиён-заҳмат етказад.

Кичкина шаҳзода баобабларнинг сўнгги ниҳолларини юларкан, хиёл ғуссага ҳам ботди. Балки энди сираям бу ерларга қайтмасман, деб ўйлади. Аммо бу тонгнинг ҳар кунги одатий юмушлари унга ғайриоддий завқ бағишламоқда эди. Ажойиб феруза гулни охирги бор суғориб, устини шиша қалпоқ билан ёпиб қўйишга чоғланаркан, ўпкаси тўлиб, ҳатто йиғлагуси келиб кетди.

— Хайр, яхши қолинг, — деди у. Гул чурқ этмади.

— Хайр сизга, — деб такрорлади Кичкина шаҳзода.

Феруза гул йўталиб қўйди. Совуқ қотганидан эмас, албатта.

— Аҳмоқлик қилган эканман, — деди у ниҳоят. — Кечир мени. Бахтинг ёр бўлсин...

Товушида таъна-дашномдан асар ҳам сезилмасди. Кичкина шаҳзода қўлида шиша қалпоқ, лолу ҳайрон қотиб қолган эди. Бу латофат, бу меҳр қаёқдан пайдо бўлди экан?

— Ҳа, мен сени яхши кўраман, ҳа... — деган титроқ оҳанг янграрди қулоқлари остида. — Айбим шундаки, сен бун билмасдинг. Бу унчалик муҳим ҳам эмас аслида. Лекин сен ҳам худди мендек тентак эдинг. Майли, бахтингни топ, омадингни берсин... Қалпоқни четроққа қўй, у энди менга керакмас.


— Аммо, шамол...

— Йўқ, унчалик шамолламаганман... Тунги шабнам менга наф келтиради. Ахир, мен — гулман-ку.

— Аммо, ҳайвонлар, ҳашаротлар...



— Агар мен капалаклар билан танишмоқчи бўлсам, бир-иккита гумбакнинг зулмига дош беришим керак-ку, капалаклар чиройли бўлса керак. Бўлмаса, энди менинг олдимга ким ҳам келарди? Сен узоққа кетаётган бўлсанг... Ҳайвонлардан эса қўрқмайман. Мениям ўткир тирноқларим бор. — У соддадиллик билан тўрттала тиканини кўрсатди-да, шундай деб қўшиб қўйди: — Бўлди, бас, ортиқ чўзаверма, бардош бериш қийин, ахир! Модомики кетар бўлсанг — хайр, яхши бор.



У ўзининг силкиниб-силкиниб йиғлаётганини Кичкина шаҳзода кўришини истамасди. Бу жудаям мағрур гул эди...

## X

Кичкина шаҳзоданинг сайёрасига 325, 326, 327, 328, 329 ва 330-астероидлар энг яқин эди. Шу боис у дастлаб уларга ташриф этишга аҳд қилди: ҳам эрмак, ҳам нимадир ўрганади.

Биринчи астероидда қирол яшарди. Ипак-шоҳи либосларга бурканганча, у ниҳоятда оддий ва айни пайтда улуғвор тахтда савлат тўкиб ўтирарди.

— Э, мана, фуқаро ҳам келиб қолди! — деб хвтоб қилди қирол Кичкина шаҳзодани кўриши билан.



«У мени қаёқдан биларкин? — деб ўйлади Кичкина шаҳзода. — Ахир умрида биринчи марта кўриб турибди-ку!»

Билмасдики, қироллар дунёга жўнгина қарайдилар, улар учун жамики одам — фуқаро.

— Яқинроқ кел, қани, сени бир яхшилаб кўриб олай-чи, — деди қирол ниҳоят кимгадир қироллик қилиши мумкинлигидан ўлгудек талтайиб.

Кичкина шаҳзода ўтиришга жой излаб ён-верига аланглади, бироқ қиролнинг ҳашамдор жуббаси бутун сайёрани қоплаб олган эди. Тик тураверишга тўғри келди. Бениҳоя қаттиқ чарчаганидан бир пайт аста хомуза тортди.

— Ҳукмдорлар ҳузурида эснаш мумкин эмас, — деди қирол. — Мен сенга эснашни ман қиламан.

— Мен... тўсатдан, билмай қолиб... — деди Кичкина шаҳзода қаттиқ хижолат тортиб. — Мен узоқ йўл юриб келдим, ухлаганим йўқ эди...

— Ҳай, ундай бўлса, эснашингга рухсат бераман, — деди қирол. — Кўп йиллар бўлди ўзим ҳам бирорта эснаган одамни кўрмаганимга. Мана, ҳозир роса қизиқиб қолдим. Демак, қани, эсна! Буйруғим шундай.

— Аммо... уяляяман энди... бошқа қилолмайман, — дея гўлдиради Кичкина шаҳзода ва қип-қизариб кетди.

— Ҳимм... ҳимм... Унда, унда... сенга буйруқ шу: гоҳ эсна, гоҳ...

Қирол гапини чалкаштириб, ҳатто бирмунча ранжигандек ҳам бўлди. Чунки қирол учун энг муҳими — ўзига сўзсиз итоат қилиниши эди, у итоатсизлик ва шаккокликка тоқат этолмасди, чунки мутлақ ҳукмдор эдида. Бироқ у гоят оқкўнгил эди ва шу ваядан фақат оқилона фармойишларгина берарди.

«Агар мен генералимга, денгиздаги оқ чорлоққа айланасан, деб амр этсам-у, генерал буйруғимни бажармаса, — дерди у, — бу унинг эмас, менинг айбим бўлади».

— Утирсам майлими? — дея бўшашибгина сўради Кичкина шаҳзода.

— Амр этаман: ўтир! — деб жавоб берди қирол ва виқор билан ҳашамдор жуббасининг бир этагини пича йиғиштирди.

Лекин Кичкина шаҳзода ҳайрон эди: сайёра-ку шундай жимит экан, қирол кимнинг устидан ҳукмронлик қиларкин?

— Аъло ҳазратлари, — деб сўз бошлади у, — бир нарсани сўрасам майлими?

— Амр этаман: сўра! — деди қирол шоша-пиша.

— Аъло ҳазратлари... сиз кимнинг, ниманинг устидан ҳукмронлик қиласиз?

— Ҳаммасининг, — деб жавоб берди қирол оддийгина қилиб.

— Ҳаммасининг?

Қирол камтарона бир ҳаракат билан ўз сайёрасига шунингдек, теваарадаги бошқа барча юлдуз ва сайёраларга ҳам ишора қилди.

— Сиз шуларнинг ҳаммасига ҳукмдорлик қиласизми? — деб қайта сўради Кичкина шаҳзода.

— Ҳа, — деб жавоб қайтарди қирол. Зеро у чиндан ҳам қонуний мутлақ ҳукмдор бўлиб, ҳеч қандай тўсиқ ва чекланишлари билмасди.

— Юлдузлар ҳам сизга бўйсунадими? — деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Бўлмасам-чи, — деди қирол. — Юлдузлар бир зумда бўйсунди. Мен итоатсизликка чидаб туролмайман.

Кичкина шаҳзода бениҳоя ҳайратга тушди. Эҳ, қанийди, унинг шундай қудрати бўлса эди, қуёш ботишини тўйиб-тўйиб томоша қиларди! Қунига қирқ икки марта эмас, балки етмиш икки, ҳаттоки икки юз марта ғурубга термиларкан, курсчасини нари-бери қўзғатишга ҳам ҳожат қолмасди! Бирданига у ўзи тарк этган сайёрасини эслаб ғуссага чўмди, бир оздан кейин журъат тўплаб:

— Мен қуёш ботишини томоша қилмоқчи эдим. Бир марҳамат қилинг, қуёш ботсин, деб фармон беринг, — деди.

— Бордию мен бирорта генералимга капалак бўлиб гулдан-гулга учиб юришни ёки фожиавий асар яратишни, ё бўлмаса, оқ чорлоққа айланишни буюрсам-у, генерал буни бажармаса, ким айбдор бўлади — менми, уми?

— Сиз, аъло ҳазратлари, — дея бир лаҳза ҳам иккиланмай жавоб қилди Кичкина шаҳзода.

— Мутлақо тўғри, — деб тасдиқлади қирол. — Ҳар кимдан қурби етадиган нарсани талаб қилиш керак. Ҳокимият энг аввало оқилона бўлиши лозим. Агар халқингга, денгизга ташлашни буюрсанг, у исён кўтариб инқилоб қилиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам мен сўзсиз итоатни талаб эта оламан, чунки амр-фармонларимнинг барчаси оқилонадир.

— Қуёш-чи, қуёш ботиши нима бўлади энди? — деб сўради Кичкина шаҳзода. У то саволига жавоб олмагунича тинчимас эди.

— Қуёш ботади, шошмайтур. Мен бу ҳақда тегишли буйруқ бераман. Аммо олдин қулай вазият етилишини кутиб тураман, зеро ҳукмдорлик ҳикмати ҳам ана шунда.

— Ҳўш, қулай вазият қачон етилади? — деб суриштирди Кичкина шаҳзода.

— Ҳимм... ҳозир... ҳим... — дея қалин календарни титкилай бошлади қирол. — Қулай вазият... ҳим... мана бугун кечқурун соат еттидан қирқ минут ўтганда етилади. Амр-фармонимнинг қанчалик сўзсиз бажарилишини кўрасан ана шунда.

Кичкина шаҳзода тагин эсвади. Афсус, бу ерда ғу-

рубни истаган вақтингда томоша қилолмас экансан!...  
Очирини айтганда, у энди зерика бошлаган эди.

— Мен борай, — деди у қиролга. — Бошқа қилади-  
ган ишим ҳам қолмади.

— Йўқ, кетма! — деди қирол. У ўзига фуқаро топиб  
олганидан ниҳоятда хурсанд эди ва ундан айрилишни  
сира-сира истамасди. — Қол, мен сени министр этиб  
тайинлайман.

— Қанақа министр?

— Ҳимм... бор ана, адлия министри бўлақол.

— Аммо бу ерда суд қиладиган бирорта ҳам одам  
йўқ-ку?

— Қим биледи дейсан, — деб эътироз билдирди қи-  
рол. — Ахир мен ҳали бутун қироллигимни синчиклаб  
кўздан кечириб чиқмаганман-да. Кўриб турибсан, анча  
қариб қолганман, арава қўядиган жойим йўқ, яёв юриш-  
га эса чоғим келмайди.

Қичкина шаҳзода аста эгилиб, сайёранинг нариги  
чеккасига назар ташлади.

— Мен аллақачон синчиклаб қараб чиқдим! — деб  
хитоб қилди у. — Уёқда ҳам ҳеч зор йўқ.

— Ундай бўлса, ўзингни ўзинг суд қилақол, — деди  
қирол. — Бу дунёдаги энг оғир иш. Ўзингни тергаш,  
суд қилиб ҳукм чиқариш ўзгаларни суд қилишдан кўра  
минг карра қийинроқ. Агар ўзингни тўғри суд қила  
билсанг, демак, чиндан ҳам донишманд одам бўлиб  
чиқасан.

— Ўзимни истаган жойда суд қила оламан, — деди  
Қичкина шаҳзода. — Бунинг учун ҳузурингизда қоли-  
шимга асло ҳожат йўқ.

— Ҳимм... ҳимм... — деди қирол чайналиб. — Назар-  
римда, сайёрамнинг аллақайси ерида бир қари кала-  
муш яшаса керак. Кечасилари бир балоларни қитирла-  
тиб юрганини эшитаман. Мана шу каламушни суд қил-  
санг ҳам бўлаверади. Вақти-вақти билан уни ўлимга  
ҳукм қилиб турасан. Унинг ҳаёт-мамоти сенга боғлиқ  
бўлади. Аммо ҳар сафар кейин уни афв этиш лозим.  
Бу қари каламушни асраб-авайлаш керак, ахир ўзи  
бор-йўғи битта-я...

— Мен бировларни ўлимга ҳукм қилишни ёқтир-  
майман, — деди Қичкина шаҳзода. — Умуман, менинг  
кётар вақтим бўлди.

— Йўқ, бўлмади, — деб эътироз билдирди қирол.

Қичкина шаҳзода йўлга равона бўлмоқчи эди-ю,  
лекин кекса ҳукмдорни хафа қилишни истамасди.

— Агар аъло ҳазратлари амр-фармонларининг сўз-сиз бажарилишини хоҳласалар, — деди у, — у ҳолда, менга ҳозир оқилона фармойиш беришлари лозим. Масалан, сиз менга бир лаҳза ҳам ҳаялламай йўлга тушишни буюришингиз мумкин. Сезишимча, бунинг учун ниҳоятда қулай шарт-шароит мавжуд...

Қирол индамади. Кичкина шаҳзода хийла кутиб турди-да, аста хўрсиниб, йўлга тушди.

— Сени элчи қилиб тайинлайман! — деб қичқирди қирол унинг ортидан шоша-пиша. Шу тобда у гўё умрида гапини биров икки қилмагандек мамнун ва хотиржам кўринарди.

«Ғалати халқ-да, бу катталар», деб қўйди Кичкина шаҳзода ўзича, йўлида давом этаркан.

## XI

Иккинчи сайёрада шуҳратпараст яшарди.

— О, ана, мухлис ҳам келиб қолди! — деб хитоб қилди у Кичкина шаҳзодани узоқдан кўриши билан.



Ахир, иззатталаб одамларга ҳамма уларнинг мухлиси бўлиб кўринаверади-да.

— Салом, — деди Кичкина шаҳзода. — Шляпангиз жудаям антиқа экан-а?

— Бу — таъзим бажо келтиришга, — деб тушунтирди шуҳратпараст. — Мени олқишлаган пайтда таъзим бажо айлашим лозим. Бахтга қарши, буёққа бирор кимса қадам ранжида қилмаяпти.

— Э, шундайми? — деб қўйди Кичкина шаҳзода, у ҳеч нарсани тушунмаган эди.

— Бир чапак чалгин, — деди шуҳратпараст унга.

Кичкина шаҳзода кафтларини бир-бирига уриб чапак чалди. Шуҳратпараст шляпасини бошидан олиб, тавозе билан таъзим қилди.

«Қари қиролнинг юртидан кўра бу ер қизиқроқ экан», деб ўйлади Кичкина шаҳзода ва тагин чапак чалди. Шуҳратпараст яна шляпасини бошидан олиб таъзим бажо келтирди.

Беш минутча шу тахлитдаги қарсак-таъзимдан сўнг Кичкина шаҳзода бундан ҳам зерикди.

— Нима қилса, шляпангиз бошингиздан ушиб тушади? — деб сўради у.

Аммо шуҳратпараст бу гапни эшитмади. Иззатталаб одамлар мақтовдан бошқа ҳамма нарсага қар бўлишадими-да.

— Сен ростдан ҳам менинг чин мухлисим бўласанми? — деб сўради у Кичкина шаҳзодадан.

— Мухлис бўлиш дегани нима?

— Мухлис бўлиш дегани — бу сайёрада менинг энг гўзал, энг башанг, ҳаммадан бой ва ҳаммадан ҳам ақлли эканимни тан олиш демакдир.

— Лекин сайёрангда ўзингдан бошқа зот ҳам йўқ-ку!

— Бари бир. Кел, менга бир яхшилик қил, яйраб қолай: мени бир мақтагин!

— Мақташга-ку, мақтайман-а, — деди Кичкина шаҳзода хиёл елка қисиб, — аммо бундан сенга нима наф?

Шундай деб шуҳратпарастни ҳам аста тарк этди.

«Ҳақиқатан ҳам, катталар жуда ғалати халқ-да», деб ўйлади йўлга тушаркан, соддалик билан.

## XII

Кейинги сайёрада пиёниста яшарди. Кичкина шаҳзода у ерда кўп бўлмади, бироқ шу қисқа вақт ичидаёқ юраги ғаш тортиб чиқди.



У сайёрага қадам қўйганида, пиёниста олдидаги бўш ва тўла шишалар сафига жимгина тикилиб ўтирарди.

— Нима қиляпсан? — деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Ичяпман, — деди пиёниста хўмрайиб.

— Нега?

— Унутмоқчиман.

— Нимани? — деб сўради Кичкина шаҳзода пиёнистага раҳми келиб.

— Шу ишимнинг уятлигини, — деди пиёниста тан олиб ва бошини қуйи солди.

— Қайси ишинг? — деб сўради Кичкина шаҳзода, бояқишга ёрдам беришни жон-дилидан истаб.

— Ичишим уят! — деди пиёниста ва қайтиб оғиз очмади.

Анчадан сўнг Кичкина шаҳзода лолу ҳайрон бўлиб, тагин йўлга тушди.

«Ҳа, шубҳасиз, катталар жуда-жуда ғалати халқ», деб хаёлидан кечирди йўлида давом этаркан.

### XIII

Тўртинчи сайёра корчалон одамга қарашли эди. У шу қадар банд эдики, Кичкина шаҳзода ҳузурига кириб келганида ҳатто бош кўтариб ҳам қарамади.

— Салом, — деди Кичкина шаҳзода. — Папиросингиз ўчиб қолибди.



— Иккига уч — беш. Бешга етти — ўн икки. Ун иккига уч — ўн беш. Салом. Ун бешга етти — йигирма икки. Йигирма иккига олти — йигирма саккиз. Гугурт чақишгайм вақт йўқ. Йигирма олтига беш — ўттиз бир. Уф! Жами, демакким, беш юз бир миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта.

— Нима у — беш юз бир миллион?..

— А? Э, ҳалиям шу ерда турибсанми?.. Нималигини билмай ҳам қолдим... Ишим шу қадар кўпки! Мен жиддий одамман, валақлаб ўтиришга вақтим йўқ! Иккига беш — етти...

— Нима у — беш юз миллион?... — деб такрорлади Қичкина шаҳзода. У бирор нарса ҳақида сўраркан, то жавоб олмагунича тинчимасди.

Қорчалон одам бошини кўтарди.

Элик тўрт йилдан буён шу сайёрада яшайман. Шунча вақт мобайнида менга бор-йўғи уч марта халақит беришди. Биринчи гал, йигирма икки йил муқаддам қаёқдандир бир тиллақўнғиз учиб келиб қолганида шундай бўлган эди. У шунақанги шовқин солиб визилладики, мен беихтиёр қўшувда тўртта хато қилиб қўйдим. Иккинчи гал эса ўн бир йил бурун бирданига мени бод тутиб қолди. Ҳадеб қадалиб ўтиравергандан кейин... Мени сайр-томоша қилиб юришга фурсатим йўқ. Мен жиддий одамман. Учинчи гал... мана энди! Демак, жами бўлиши керак, эди беш юз миллиону...

- Беш юз миллион нима, ахир?  
 Қорчалон одам жавоб бермаса қутулмаслигини пайқади.
- Беш юз миллион бу, ҳалиги... бор-ку ҳар замонда осмонда кўриниб қоладиган?
- Нима экан у, пашщами?
- Э, йўғ-э, бор-ку кичкина, ялтироқ...
- Арими?
- Йўғэ! Митти-митти, тилладек чарақлайди, истаган тейтак унга боқиши билан хаёли қочиб кетади. Мен жиддий одамман. Хаёл суришга асло вақтим йўқ.
- Ҳа, юлдузларми?
- Э, топдинг, юлдуз.
- Беш юз миллион юлдуз, дегин? Нима қиласан уларни?
- Беш юз миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта. Мен жиддий одамман, аниқликни ёқтираман.
- Ҳўш, шунча юлдузни нима қиласан?
- Нима қиласан, дейсанми?
- Ҳа.
- Ҳеч нарса қилмайман. Мен уларга эгалик қиламан, холос.
- Юлдузларга эгалик қиласанми?
- Ҳа.
- Лекин мен йўлда бир қиролни кўрдим, у...
- Қироллар ҳеч кимга эгалик қилолмайди. Улар фақат ҳукмронлик қилади. Бу бутунлай бошқа нарса.
- Юлдузларга эгалик қилишнинг сенга нима кераги бор?
- Бой бўлиш учун-да, нимага бўларди.
- Бой бўлишнинг нима кераги бор?
- Бой бўлиш, кимдир янги юлдузларни кашф этса, уларга ҳам эгалик қилиш учун керак.
- «Буям худди бояги пиёнистага ўхшаб фикрляпти», дея кўнглидан ўтказди Кичкина шаҳзода ва яна сўроқни давом эттирди:
- Юлдузларга қандай эгалик қилиш мумкин?
- Юлдузлар кимники? — деб сўради қорчалон энсаси қотиб.
- Билмадим. Ҳеч кимники.
- Демак, меники бўлади. Чунки мен буни биринчи бўлиб ўйлаб топдим.
- Шунинг ўзи басми?
- Албатта-да. Айтайлик, кўзадан олмос топиб ол-

сангу эгаси бўлмаса, у сеники бўлади. Агар мияягга тўсатдан бирон бир фикр келиб қолса, дарров унга патент оласан: у энди буткул сеники. Мен юлдузларга шунинг учун ҳам эгалик қиламанки, менгача ҳеч ким уларга эгалик қилишни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Тўғри, — деди Кичкина шаҳзода. — Ҳар қалай, айт-чи, сен уларни нима қиласан?

— Улар устидан ҳукмимни юргизаман, — деди корчалон. — Тинимсиз санаб тураман. Бу жудаям қийин иш. Аммо мен жиддий одамман.

Бироқ Кичкина шаҳзодага бу изоҳ кифоя қилмади.

— Дейлик, менинг шоҳи рўмолчам бўлса, уни бўйнимга ўраб ўзим билан олиб кетишим мумкин, — деди у. — Мабодо менинг бир гулим бўлса, узиб олиб кетишим мумкин. Лекин сен юлдузларни ўзинг билан бирга олиб кетолмайсан-ку!

— Тўғри, аммо мен уларни банкка қўйишим мумкин.

— Қандай қилиб?

— Мана бундай қилиб: қоғозга қанча юлдузим борлигини ёзиб чиқаман-да, кейин шу қоғозни тортмага солиб қулфлаб қўяман.

— Бўлдими шу билан?

— Шунинг ўзи кифоя.

«Қизиг-а! — деб ўйлади Кичкина шаҳзода. — Ҳатто шоҳирона ҳам. Аммо унчалик жиддий иш эмас».

Нима жиддий, нима ножиддий — буни Кичкина шаҳзода катталар сингари эмас, ўзича тушунарди.

— Менинг феруза гулим бор, уни ҳар куни эрталаб суғораман, — деди у. — Учта вулқоним бор, ҳар ҳафтада уларни тозалаб тураман. Биттаси сўнган, уни ҳам тозалайман, ҳар эҳтимолга қарши. Гулимга ҳам, вулқонларимга ҳам менинг уларга эгалик қилишимдан наф бор. Юлдузларга эса сенинг эгалигингдан зиғирдак ҳам наф йўқ...


Корчалон нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ жавоб тополмади. Кичкина шаҳзода йўлига жўнади.

«Йўқ, катталар чиндан ҳам ниҳоятда антиқа халқ», дея соддалик билан кўнглидан кечирди у йўлида давом этаркан.

Бешичи сайёра жудаям гаройиб эди. У бошқа сайёраларнинг ҳаммасидан кичкина бўлиб, сатҳига бор-йўғи битта фонус чироқ билан чароғбон жойлашган эди. Кичкина шаҳзода, бепоён коинот қаърида гарддек бўлиб кетган, на бирорта уй, на бирорта тирик жон бўлган бу митти сайёрада чироқ билан чароғбоннинг нима кераги борлигига мутлақо тушуна олмади.

«Эҳтимол, бу одам ҳам тентакдир. Аммо у қирол, шуҳратпараст, пиёниста ва корчалон сингари тентак эмас. Унинг ишида, ҳар қалай, маъно бор. У фонусини ёққан пайтда гўё яна бир юлдуз чақнагандек ёки яна бир гул очилгандек бўлади. Чироғини ўчирган пайтда эса, гўё юлдуз сўнгандек ёки гул сўлгандек бўлади. Жудаям ажойиб машғулот экан. Бу чинакамига фойдали бўлса керак, чунки гўзал иш».

Сайёранинг рўпарасига етиб келгач, у эҳтиром билан чароғбонга таъзим қилди.



— Салом, — деди у. — Нега ҳозир чироғингни ўчирдинг?

— Шарт шундай, — деб жавоб берди чароғбон. — Салом.

— Қанақа шарт?

— Чироқни кечқурун ўчиришим керак. Оқшоминг хайрли бўлсин!

У шундай деб чироқни яна ёқди.

— Ундай бўлса, нега тагин ёқдинг?

— Шарт шундай, — деб такрорлади чароғбон ҳорғин.

— Тушунмадим, — деди Кичкина шаҳзода тан олиб.

— Тушунадиган нарсанинг ўзи йўқ, — деди чароғбон. — Шарт бўлгандан кейин бажариш керак. Салом!

Шундай деб чироқни ўчирди-да, қизил катакли рўмолча билан пешонасини артиб:

— Жуда касбим оғир, — деди. Бир пайтлар бунинг маъноси бор эди. Чироқни кечқурун ёқардим, эрталаб ўчирардим. Ихтиёримда дам олишга бир кун, ухлашга бир кеча қоларди...

— Хўш, кейин шарт ўзгариб қолдими?

— Шарт ўзгармади, — деди чароғбон. — Ҳамма бало шунда-да! Менинг сайёрам кундан-кунга тезроқ айланмоқда, шарт эса ҳамон ўша эскилигича қоляпти.

— Энди нима қиласан? — деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Нимаям қилардим? Сайёра бир дақиқа ичида тўла айланиб чиқади, нафас ростлашга бир сония ҳам фурсатим қолмайди. Чироқни ҳар дақиқада ёқиб-ўчиришга мажбурман.

— Ана холос! Роса қизиқ-ку! Демак, сенинг сайёранг куннинг узунлиги бор-йўғи бир дақиқа экан-да!

— Нимаси қизиқ экан бунинг, — деди чароғбон эътироз билдириб. — Мана, ҳозир иккаламиз бир ойдан буён гаплашиб турибмиз.

— Бир ойдан буён?!

— Ҳа-да. Уттиз дақиқа. Уттиз кун. Оқшоминг хайрли бўлсин!

У шундай деб яна чироқни ёқди.

Кичкина шаҳзода чароғбонга тикилиб қолди. Аҳдига содиқ бу одам унга ҳаммадан кўра кўпроқ ёққан эди. Бир пайтлар ўзининг қуёш ботишини яна бир марта томоша қилиш учун курсичани нари-бери суриб юрганлари ёдига тушиб кетдию бу янги дўстига ёрдам бергиси келди.

— Менга қара, — деди у чароғбонга, — бир йўли бор: сен хоҳлаган пайтингда дам олишинг мумкин, фақат...

— Менинг доим дам олгим келади, — деди чароғбон.

Аҳдга содиқ қолиб ҳам дангаса бўлиш мумкин-да, ахир!

— Сенинг сайёранг шунчалик кичкинаки, — деб давом этди Кичкина шаҳзода, — уч ҳатлаб уни айланиб чиқишинг мумкин. Биласанми, шундай тезлик билан юришинг керакки, қуёш ҳамиша сен тарафда бўлиши лозим. Қачон дам олгинг келса, кетаверасан, кетаверасан... Шунда куннинг узунлиги сен хоҳлаганча давом этади.

— Э, бунинг фойдаси кам, — деди чароғбон. — Мен дунёда ҳамма нарсадан ҳам уйқуни яхши кўраман.

— Унда, аҳволинг чатоқ, — деди Кичкина шаҳзода ачиниб.

— Аҳволим чатоқ, — деб тасдиқлади чароғбон. — Салом.

Шундай деб тагин чироқни ўчирди.

«Ана одам! — деди Кичкина шаҳзода ўзича, йўлида давом этаркан. — Ҳойнаҳой, қирол ҳам, шухратпарасту пиёниста ҳам, корчалон ҳам ундан нафратланган бўлурди. Аммо, менимча, уларнинг орасида энг расоси шу. Эҳтимол, фақат ўзи ҳақидагина ўйламаслиги учун ҳам у шунақадир».

Кичкина шаҳзода аста хўрсинди.

«Мана мен дўст тутинишим мумкин бўлган одам, — деб ўйлади яна. — Лекин унинг сайёраси шу қадар кичкинаки, икки киши сирмайди...»

Бу ажойиб сайёрага бошқа бир сабаб туфайли ҳам ачинаётганини тан олмоққа у ботинолмади: бу ерда йигирма тўрт соат мобайнида қуёш ботишини бир минг тўрт юз қирқ марта томоша қилиш мумкин эди-да!

## XV

Олтинчи сайёра аввалгисидан ўн баробар катта эди. Унда ёстиқдек-ёстиқдек китоблар ёзадиган чол яшарди.

— Ана буни қаранг-а! Сайёҳ келди! — деб хитоб қилди у Кичкина шаҳзодани кўриб.

Кичкина шаҳзода нафас ростлаш учун стол ёнига ўтирди. Бениҳоя кўп йўл юриб обдан чарчаган эди у!

— Қаердансан? — деб сўради чол.



— Бу катта китобингиз нимаси? — деб сўради Кичкина шаҳзода. — Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Мен географман, — деди чол.

— Географ дегани нима?

— Бу дегани — дарёю денгизларнинг, шаҳар ва тоғларнинг, чўлу биёбонларнинг қаерда жойлашганини биладиган одам.

— Э, зўр экан! — деди Кичкина шаҳзода. — Чиндан ҳам, мана буни ҳақиқий иш деса арзийди!

У шундай деб географнинг сайёрасига назар ташлади. У умрида ҳеч қачон бундай катта сайёрани кўрмаган эди.

— Сайёрангиз жудаям чиройли экан, — деди у. — Айтинг-чи, океанлар борми бу ерда?

— Бунисини билмадим, — деди географ.

— Э-э, — деди Кичкина шаҳзода ҳафсаласи пир бўлиб. — Тоғ борми, тоғ?

— Билмайман, — деди географ.

— Шаҳарлар, дарёлар, саҳролар-чи?

— Буниям билмайман.

— Ахир сиз географсиз-ку!

— Бўлмаса-чи! — деди чол виқор билан. — Гап шунда-да: мен сайёҳ эмас, географман. Менга сайёҳлар жуда-жуда етишмайди. Чунки шаҳарлар, дарёю тоғлар, денгизу океанларни, чўлу биёбонларни географлар ҳисоблаб қайд этмайди. Географ — бу катта одам, унинг

санриб юришга вақти йўқ. У ўз кабинетидан чиқмайди, аммо сайёҳатчиларни қабул қилиб уларнинг ҳикояларини ёзиб олади. Агар уларнинг бирортаси қизиқроқ воқеани айтиб берса, географ ҳужжат тўплаб, шу сайёҳнинг бамаъни одамми ёки бетайинлигини текширади.

— Нима учун?

— Чунки сайёҳ алдаб уйдирмаларни сўзлаган бўлса, жуғрофия дарсликлари чалкашиб кетади-да. Агар у кўпроқ ичадиган бўлса, тагин ташвиш ортди, деявер.

— Нега?

— Негаки, пиёнисталарнинг кўзига ҳамма нарса иккита бўлиб кўринади. Унинг гапига ишониб, географ битта тоғни иккита деб ёзиб қўйиши мумкин.

— Мен бир одамни билардим... Ундан ёмон сайёҳ чиқарди, — деб қўйди Кичкина шаҳзода.

— Бўлса бордир. Хўш, шундай қилиб, агар сайёҳ бамаъни одам бўлиб чиқса, кейин унинг кашфиёти текширилади.

— Қандай текширилади? Бориб кўриб келинадими?

— Э, йўқ. Бу жудаям мураккаб иш. Шунчаки, сайёҳдан кашфиётини тасдиқлайдиган ашёвий далил талаб этилади, холос. Масалан, агар у улкан бир тоғни кашф этган бўлса, ундан катта-катта харсангтошларни олиб келиб кўрсатиши керак. — Географ бирданига ҳаяжонга тушди. — Э, айтмоқ-чи, ўзинг ҳам сайёҳсан-ку! Ҳойна-ҳой, гоят узоқдан келгандирсан. Менга ўз сайёранг ҳақида гапириб бер!

Географ олдидаги қалин дафтарини очди-да, қалам йўна бошлади. Сайёҳларнинг ҳикоялари аввал қаламда ёзиб олинади, кашфиётини тасдиқлайдиган ашёвий далил келтиргачгина, уларнинг хотираларини сиёҳ билан ёзиш мумкин.

— Қулоғим сенда, — деди географ.

— Ҳе, менинг сайёрамда унчалик қизиқ нарса йўқ, — деди Кичкина шаҳзода. — У ерда ҳамма нарса ниҳоятда кичкина. Учта вулқон бор, иккитаси уйғоқ, биттаси аллақачон сўнган. Лекин билиб бўлмайди-да.

— Ҳа, билиб бўлмайди, — деб маъқуллади географ.

— Кейин, менинг бир гулим бор.

— Гулларни ҳисобга олмаймиз, — деди географ.

— Нимага?! Ахир, у жудаям чиройли-ку!

— Чунки, гуллар эфемер саналади.

— «Эфемер»ингиз нимаси?

— Жуғрофия китоблари — дунёдаги энг қимматбаҳо китоблардир, — деб тушунтирди чол. — Улар ҳеч қачон

эскирмайди. Зеро, тоғнинг ўз ўрнидан қўзғалиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ёки океаннинг қуриб қолиши... Биз фақат мангу ва турғун нарсалар хусусидагина ёзамиз.

— Бироқ, сўнган вулқон қайтиб уйғониши мумкин-ку, — деб унинг гапини бўлди Кичкина шаҳзода. — «Эфемер» дегани нима ўзи?

— Вулқон уйғоқми, сўнганми, буни биз, географлар учун аҳамияти йўқ, — деди географ. — Муҳими шундаки, у тоғ. Тоғ эса ўзгармайди.

— «Эфемер» дегани нима? — деб тагин такрорлади Кичкина шаҳзода.

— Бу — ҳадемай йўқ бўладиган нарса, дегани.

— Менинг гулим ҳам ҳадемай йўқ бўладими?

— Албатта.

«Менинг феруза гулим, менинг ягона қувончим мангу эмас экан, — деб андуҳ билан шивирлади Кичкина шаҳзода. — У бало-қазолардан, офату тўфонлардан ўзини қандай асрайди? Бор-йўғи тўрттагина тикони бўлса. Мен уни ташлаб кетдим, хувиллаган сайёрамда ёлғиз ўзи қолган эди-я!»

Шундагина ў тарқ этилган гулига беҳад ачиниб кетди, дилини ғусса чулғади. Аммо шу ондаёқ журъатини тўплаб:

— Энди мен қаёққа борсам экан, нима маслаҳат берасиз? — деб сўради.

— Ер деган бир сайёра бор, шунга бориб кўр, — деб жавоб берди географ. — Унинг нуфузи чакки эмас...


Кичкина шаҳзода йўлга тушди, аммо фикри ёди сайёрасида қолган ёлғизгина гулда эди.

## XVI

Шундай қилиб, у қадамранжида қилган еттинчи сайёра Ер эди.

Ер — оддий сайёралардан эмас! Бунда бир юз йигирмата қирол (негр қироллари ҳам шунга киради, албатта), етти минг географ, тўққиз юз минг корчалон, етти ярим миллион пиёниста, уч юз ўн бир миллион шуҳратпараст, хуллас, жами икки миллиардга яқин катта одам мавжуд.

Ернинг нақадар катталиги ҳақида сизга бирмунча тасаввур бермоқ учун шуни айтиш билангина кифояланаман: электр кашф этилгунига қадар олти қитъада чароғбонларнинг тўрт юз олтмиш икки минг беш юз ўн бир кишидан иборат улкан лашкари тутиб туриларди.



Агар четдан разм солинса, бу қойилмақом бир томоша бўларди. Бу улкан лашкарнинг хатти-ҳаракатлари гўё балетдагидек аниқ бир қоидага бўйсунарди. «Саҳна»га биринчи бўлиб Янги Зеландия ва Австралиядаги чароғбонлар чиқишарди. Улар чироқларини ёқиб, ухлагани кетишарди. Кейин хитой чароғбонларининг навбати келарди. Ўз «рақси»ни адо этиб, улар ҳам парда ортига ғойиб бўлишарди. Улардан сўнг Россия ва Ҳиндистон чароғбонларига гал тегарди. Кейин эса — Африка ва Европа, ундан сўнг Жанубий Америка ва ниҳоят, Шимолий Америкадаги чароғбонларнинг навбати етарди. Шу тариқа ҳеч ким ҳеч қачон адашиб кетмас, ҳамма «саҳна»га ўз вақтида чиқарди. Ҳа, бу чиндан ҳам қойилмақом томоша эди!

Фақат, шимолий қутбдаги ягона фонусни ёқиши лозим бўлган чароғбон билан унинг жанубий қутбдаги ҳамкасбига ҳаммадан ҳам маза эди, иккаласи ҳам ортиқча ташвиш-тараддудсиз яшарди: улар ўз хунарини йилда икки мартагина кўрсатарди, холос.

## XVII

Баъзан ҳаддан ташқари суҳандонлик қилгинг келиб қолганда озми-кўпми муболаға қиласан, киши. Мана, мен ҳам чароғбонлар ҳақида сўзлай туриб, ҳақиқатга

бирмунча хилоф иш тутдим. Ишқилиб, сайёрамизни яхши билмайдиганларда у ҳақда нотўғри тушунча пайдо бўлмаса бас! Аслида одамлар Ер юзида унчалик кўп жойни эгалламайди. Агар унда истиқомат қиладиган икки миллиард одам тўпланиб, худди митингдагидек елкама-елка турса, улар ортиқча қийналиб-нетмай, узунасига кенглиги йигирма миль келадиган майдонга бемалол жойлашган бўлур эди. Бутун инсониятни Тинч океандаги таиғадеккина оролчага ҳам сиғдириб юбориш мумкин.

Каттадар, албатта, бу гапингизга ишонмайдилар. Улар ўзларини жуда кўп жойни эгаллайдиган чоғлайдилар, ўзларини худди баобаблардек баҳайбат ва улугвор ҳисоблайдилар. Сиз шунда уларга аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқишни таклиф этинг. Бу гап уларга маъқул бўлади, ахир улар рақам деса ўлиб қолишади-ку. Сиз эса бу бўлмағур арифметика билан бошингизни қотириб ётманг. Унинг сариқ чақалик ҳам фойдаси йўқ. Билман, сиз шундоқ ҳам менга ишонасиз.



Алқисса, Кичкина шаҳзода Ерга тушгач, атроф-жавонибда бирор тирик жонни кўрмай, беҳад ҳайрон бўлди. Ҳатто, адашиб бошқа сайёрага келиб қолдиммикан, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ шу пайт оёғи остида қум узра кулча бўлиб ётган аллақандай кулранг нарса қўзғалиб қўйди.

— Салом, — деди Кичкина шаҳзода ҳар эҳтимолга қарши.

— Салом, — деб жавоб берди илон.

— Мен қандай сайёрага келиб қолдим?

— Ерга, — деди илон. — Африкада турибсан ҳозир,

— Шунақами? Нима, Ерга одам яшамайдими?

— Бу жой — саҳро. Саҳрода ҳеч ким яшамайди. Аммо Ерга катта.

Кичкина шаҳзода тош устига ўтириб, осмонга тикилди.

— Қани энди, юлдузларнинг нега чарақлашини билсам, — деди у ўйчан оҳангда. — Чамаси, улар, эртаки-кечми ҳар ким ўз юлдузини топиб олиши учун чарақлаб турса керак. Кўряпсанми, ҳув ана менинг сайёрам — шундоққина тепамизда... Аммо у қанчалар узоқда, эҳ-ҳе!

— Чиройли сайёра экан, — деди илон. — Ерга нега келдинг, нима қиласан бу ерда?

— Мен феруза гулим билан уришиб қолдим, — дея иқроор бўлди Кичкина шаҳзода.

— Э, шундай дегин...

Иккови ҳам жимиб қолди.

— Одамлар қаёқда, одамлар? — деб тағин сўради ниҳоят Кичкина шаҳзода. — Саҳрода, ҳар қалай, ўзингни ёлғиз сезаркансан киши...

— Одамлар орасида ҳам ўзингни ёлғиз сезаверасан, — деб қўйди илон.

Кичкина шаҳзода унга синчиклаб тикилди.

— Ғалати жонивор экансан, — деди у. — Йўғонлигинг бармоқдек келмайди-ю...

— Аммо мен қиролнинг бармоғидан кўра кўпроқ қудратга эгаман, — деб эътироз билдирди илон.

Кичкина шаҳзода кулимсиради:

— Наҳотки сен шу қадар қудратли бўлсанг? Лоақал панжанг ҳам йўқ-ку. Сен ҳатто саёҳат қилишга ҳам ярамайсан...

— Мен сени бирорта кема элтолмайдиган олис манзилларга олиб кетишим мумкин, — деди илон, сўнг Кичкина шаҳзоданинг болдирига ҳалқа бўлиб чирмашди. —



Кимгаки тегсам, уни аслига — тупроққа айлантираман, — деди у. — Аммо сен юлдуздан тушиб келгансан, юлдуздек поксан...

Кичкина шаҳзода индамай тураверди.

— Сенга раҳмим келади, — дея давом этди илон. — Тош-метин бу заминда сен шу қадар заиф, ожизсанки... Ёдингда бўлсин, қачонки олисда қолган сайёрангни эслаб юрагинг гуссага тўлса, мен сенга ёрдам қилишим мумкин. Мен...

— Гапингни жуда яхши тушундим, — деди Кичкина шаҳзода. — Аммо нега доим жумбоқ билан сўзлайсан?

— Мен ҳамма жумбоқларни ҳал этаман, — деди илон.

Иккаласи тагин жимиб қолди.

## XVIII

Кичкина шаҳзода саҳрони кесиб ўтди-ю, ҳеч кимни учратмади. Йўлда фақат нимжонгина, рангпар бир гулга дўч келди.

— Салом, — деди Кичкина шаҳзода.

— Салом, — деб жавоб қайтарди гул.

— Одамлар қаёқда? — деб мулойим оҳангда сўради Кичкина шаҳзода.

Кунларнинг бирида ёнгинасидан ўтиб кетаётган карвонга гулнинг кўзи тушиб қолган эди.

— Одамлар дейсанми? Ҳа-а... Улар, чамаси, бештами-олтита эди. Мен уларни кўп йил бурун кўрган


эдим. Аммо уларни қаердан излаш кераклигини билмайман. Шамолдек учиб юришади, илдизи йўқ уларнинг, шунинг учун ҳам топиш қийин.

— Хайр, яхши қол, — деди Кичкина шаҳзода.

— Хайр, — деди гул.

## XIX

Кичкина шаҳзода баланд тоққа чиқиб борарди. Шу пайтгача у ўзининг тиззасидан келадиغان учта вулқондан бошқа бирорта тоғни кўрмаган эди. Сўнган вулқон унга курси бўлиб хизмат қиларди. Шу сабабли, у ҳозир бу юксак тоғдан туриб сайёрани бошдан-оёқ кўздан кечирса бўлар, ундаги жамики одамларни ҳам кўрсам керак, деган фикрга келди. Бироқ тоғ тепасига чиқиб боргач, игнадек ўткир ва ингичка чўққиларгагина кўзи тушди, холос.



— Салом, — деди у ҳар эҳтимолга қарши.  
— Салом... салом... лом... — дея акс садо янгради.  
— Сиз кимсиз? — деб сўради Кичкина шаҳзода.  
— Сиз кимсиз... кимсиз... кимсиз... — дея акс садо янгради яна.

— Келинлар, дўст бўлайлик, мен яккаю ёлғизман, — деди у.

— Яккаю ёлғиз... ёлғиз... — дея акс садо янгради.

«Шунчалик ҳам ғалати сайёра бўладими! — деб ўйлади Кичкина шаҳзода. — Яп-яланғоч, тап-тақир, ҳамма томони игна. Одамларида қувваи ҳофиза ҳам етишмас экан. Айтган гапингни такрорлашдан бошқа нарсани билмайди... Уйимда феруза гулим бор эди, у менинг кўрар кўзим, қувончим эди, у ҳамиша биринчи бўлиб сўйларди».

## XX

Кичкина шаҳзода қум барханлари аро, қоя ва музликлар аро узоқ кезиб юрди ва ниҳоят, йўлга тушиб олди. Ҳар қандай йўл эса одамзот ҳузурига элтади.

— Салом, — деди у.

Унинг қаршисида гул-чечакларга тўла бир чаманзор ястаниб ётарди.

— Салом, — деб жавоб қайтаришди гуллар.

Шунда Кичкина шаҳзода бу гулларнинг барчаси унинг феруза гулига ўхшаш эканини пайқади.



— Тўхтанг, сизлар кимсиз? — деб сўради у лол бўлиб.

— Бизлар — гулмиз, — деб жавоб беришди гуллар.

— Шунақами... — деди Кичкина шаҳзода бўшашиб.

Сўнг дафъатан ўзини бениҳоя бахтсиз сизди. Феруза гул унга, бутун оламда мен каби зебо санам йўқ, деб айтган эди. Мана, ҳозир пойидаги бу чаманзорда эрка гули янглиғ гулларнинг беш мингтаси ял-ял товланиб турибди!

«Агар буни кўрса, у қанчалар хафа бўларди-я! — деб ўйлади Кичкина шаҳзода. — Чамаси, кулгили кўринмаслик учун у зўр бериб йўтала бошлаган, ўзини ҳатто жон таслим қилаётгандек кўрсатган бўлур эди. Мен эса унинг ортидан худди беморнинг ортидан юргандек эргашиб, таскин-тасалли беришга мажбур бўлардим, акс ҳолда, мени ташвишу уятга қўйиш учун ҳам у жон таслим қиларди...»

Кейин хаёлига яна шундай фикр келди: «Мен, ўзимча дунёда танҳо гулга эгаман, деб юрардим, ҳеч қайда унинг тенгию ўхшаши йўқ, деб ўйлардим, ваҳоланки, у оддийгина бир гул экан. Менинг бор буд-шудим ўша оддийгина гулу бўйи тиззамдан келадиган учта вулқондан иборат эди, унинг ҳам биттаси сўнган, ким билсин, балки абадий уйғонмас... энди менинг подшолигим қолдим...»

У майса узра юзтубан тушганча, йиғлаб юборди.

## XXI

Худди шу пайт рўпарасида Тулки пайдо бўлди.

— Салом, — деди у.

— Салом, — дея алик олди Кичкина шаҳзода хушфезллик билан, бироқ теварак-атрофига аланглаб, ҳеч кимни кўрмади.

— Мен бу ердан, — деган овоз эшитилди яна. — Дарахтнинг тагидаман...

— Сен кимсан? — деб сўради Кичкина шаҳзода. — Бунчаям чиройлисан!

— Мен — Тулкиман, — деди Тулки.

— Мен билан ўйнагин, — деб ўтинди Кичкина шаҳзода. — Билсанг, ҳозир шу қадар хафаманки...

— Сен билан ўйнаёлмайман, — деди Тулки. — Мен қўлга ўргатилмаганман.

— Э, кечирасан, бўлмаса, — деди Кичкина шаҳзода,



аммо бир оз ўйланиб: — «Қўлга ўргатилмаган» — дегани нима? — деб сўради.

— Бу ерлик эмас экансан-да, — деди Тулки. — Нима излаб юрибсан бу жойларда?

— Одамларни излаяпман, — деди Кичкина шаҳзода. — «Қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Одамларни излаяпман, дегин? Уларнинг ёнида қуроли бўлади, шуни тақиб овга чиқишади. Жуда чатоқ-да, шуниси. Улар товуқ ҳам боқишади. Ягона маъқул иши шу уларнинг. Сен товуқ изламаяпсанми?

— Йўқ, — деди Кичкина шаҳзода. — Мен дўст излаб юрибман. Хўш, «қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Бу аллақачонлар унут бўлиб кетган тушунча, — деб тушунтирди Тулки. — Бу дегани — ришталар боғламоқ демакдир.

— Ришта боғламоқ?

— Худди шундай, — деди Тулки. — Ҳозир сен мен учун дунёдаги ўзингга ўхшаган юз минг боланинг бирисан, холос. Ҳозирча сен менга керак эмасан, мен ҳам сенга керак эмасман. Мен ҳам сенга ҳозир дунёдаги юз минглаб тулкининг бириман, холос. Аммо бордию сен мени қўлга ўргатсанг, иккимиз бир-биримизга керак бўлиб қоламиз. Сен мен учун дунёдаги ягона одамга айланасан. Мен ҳам сен учун дунёда ягонага айланаман...

— Тушунгандек бўляпман, — деди Кичкина шаҳзода. — Бир гул бор эди... чамаси, у мени қўлга ўргатган экан...

— Бўлиши мумкин, — деб тасдиқлади Тулки. — Ер юзида нималар бўлмайди, дейсан.



— Бу воқеа Ерда бўлмаган, — деди Кичкина шаҳзода.

Тулки ҳайрон қолди:

— Қаерда бўлган? Бошқа сайёрдами?

— Ҳа.

— Уша сайёрада ҳам овчилар борми?

— Йўқ.

— Э, саз экан-ку! Товуқ борми?

— Йўқ.

— Бир кам дунё дегани шу экан-да! — деб хўрсинди Тулки. Аммо зум ўтмай, тагин сўз бошлади: — Ҳаётим жудаям зерикарли. Мен товуқни пойлайман, одамлар эса мени пойлайди. Товуқниям ҳаммаси бир хил, одамниям. Шунинг учун ҳаётим мудом зерикиш билан ўтади. Агар сен мени қўлга ўргатсанг, қоронғи турмушимга нур кирарди. Шунда сенинг оёқ товушларингни мен минглаб одам ичидан ажрата оладиган бўламан. Ҳозир одам шарпасини сезсам бас, дарҳол бекиниш пайига тушаман. Аммо мени қўлга ўргатсанг борми, қадам олишинг худди оҳанрабо мусиқа янглиғ мени ўзига чорлайдию яшириниб ётган жойимдан истиқболингга югуриб чиқаман. Ундан кейин, ҳув анави бугдойзорни кўряпсанми? Қара, бугдой фарқ пишиб ётибди. Мен дон-дун емайман, ғалла билан ишим йўқ. Бугдойзор далаларнинг мен учун ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг қанчалар қайгули эканини билсанг эди! Сенинг сочларинг ажойиб, тилларанг товланади. Агар



мени қўлга ўргатсанг, шундай соз бўладики! Олтин тусли бугдойзор энди менга сени эслата бошлайди. Ва шунда мен бошоқларнинг шамолда чайқалишини яхши кўриб қоламан...

Тулки жимиб қолди, Кичкина шаҳзодага узоқ термилди, ниҳоят:

— Илтимос... мени қўлга ўргатгин, — деди.

— Жоним билан ўргатардим-у, — деди Кичкина шаҳзода, — лекин вақтим зикроқ-да. Мен ҳали дўстлар орттиришим, жуда кўп нарсаларни билиб олишим керак.

— Фақат қўлга ўргатилган нарсаларнигина билиб олиш мумкин, — деди Тулки. — Ҳозир одамларнинг бирор нарсани билишга вақти қолмаган. Ҳамма нарсани тайёрлигича магазиндан олишади. Лекин дўст сотадиган магазин йўқ-да, шунинг учун ҳам одамлар энди дўст орттирмайди. Агар дўст орттирмоқчи бўлсанг, мени қўлга ўргатақол!

— Хўп, бунинг учун нима қилиш керак? — деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Сабр-тоқатни бир жойга йиғиш керак, — деб жавоб берди Тулки. — Дастлаб сал узоқроқда, ҳув



анави ердаги майсанинг устига келиб ўтирасан. Мен сенга аввал бир оз ҳадиксираб қарайман, сен бунга индамайсан, майлими? Чунки сўз бир-биримизни англашимизга халақит беради, холос. Кейин эса кун сайин аста-секин яқинроқ келиб ўтираверасан...

Эртасига Қичкина шаҳзода яна шу жойга келди.

— Яхшиси, ҳар кун иб бир пайтда кела қолгин, — деб илтимос қилди Тулки. — Масалан, агар соат тўртда келадиган бўлсанг, мен соат учдан ўзимни бахтиёр ҳис қила бошлайман. Муддат яқинлашган сари бу қувонч орта боради. Соат тўртда эса юрагим ҳаяжонга тўлиб шодумонлик билан тепа бошлайди. Ана шундагина мен бахт-саодатнинг қадрини сезаман! Бордию сен ҳар кун иб ҳар хил вақтда келадиган бўлсанг, мени бу бахтиёрлик туйғусидан маҳрум қиласан... Расм-русмини тўғри бажо келтириш керак.

— Расм-русм нима? — деб сўради Қичкина шаҳзода.

— Буям аллақачон унутилган нарса, — дея тушунтирди. Тулки. — У шундай бир нарсаки, у туфайли қайсидир бир кун бошқа кунларга мутлақо ўхшамайди, у туфайли қайсидир давр бошқа даврларга мутлақо ўхшамайди. Масалан, менинг пайимда юрадиган овчиларда шундай расм-русм бор: улар пайшанба кунлари қишлоқи ойимқизлар билан кўнгилхушлик қилишади. Шунинг учун ҳам пайшанба дегани жуда ажойиб кунда! Шу кунлари мен аста сайр қилгани чиқаман, ҳатто узумзорнинг чеккасигача бемалол бораман. Агар овчилар маълум кунларда эмас, хоҳлаган пайтларида кўнгилхушлик қилаверсалар, ҳамма кунлар бир хил бўлиб қоларди, унда мен ҳордиқ нималигини билмай ўтиб кетардим.

Шу тариқа Кичкина шаҳзода Тулкини қўлга ўргатди. Мана, ниҳоят айрилиқ чоғи ҳам етди.

— Энди сени эслаб йиғлаб юраман, — дея хўрсинди Тулки.

— Айб ўзингда, — деди Кичкина шаҳзода. — Сени ранжитишни сира-сира истамасдим, ахир, ўзинг айтган эдинг-ку, мени қўлга ўргат, деб...

— Ҳа, албатта, — деди Тулки.

— Лекин йиғлайман, деяпсан-ку!

— Албатта йиғлайман-да.

— Демак, сени қўлга ўргатиб нотўғри қилибман-да.

— Йўқ, — деб бош чайқади Тулки, — бундан хафа эмасман. Эсингдами, олтин бошоқ ҳақида сенга айтган гапларим? — У жимиб қолди, орадан сал ўтгач, тағин қўшиб қўйди: — Уша гулзорга яна бир марта бориб қарагин, феруза гулингнинг оламда чиндан ҳам ягона эканига ишонч ҳосил қиласан. Қайтиб келганингдан сўнг, хайрлашар чоғи сени яна бир сирдан огоҳ этман. Майли, бу сенга мендан ҳады бўлсин.

Кичкина шаҳзода чаманзорга қараб кетди.

— Сизлар менинг феруза гулимга сираям ўхшамасизлар, — деди уларга. — Сизлар ҳали ҳеч нима эмассизлар, чунки сизларни бирор кимса қўлга ўргатган эмас, сизлар ҳам бирор кимсани қўлга ўргатган эмассизлар. Менинг Тулким ҳам аввал шундай эди, юз минглаб бошқа тулкилардан асло фарқи йўқ эди. Аммо мен у билан дўст тутиндим, энди у мен учун ёруғ оламдаги ягона тулкига айланди.

Гуллар хижолатдан қип-қизариб кетишди.

— Сизлар чиройлисизлар, аммо дилингиз бўм-бўш, — дея давом этди Кичкина шаҳзода. — Сизларни деб одамнинг қурбон бўлгиси келмайди. Албатта, феруза гулимга тасодифан кўзи тушиб қолган ўткинчи уни сўзсиз сизларга ўхшайди, деб айтиши мумкин. Аммо унинг ёлғиз ўзи менга сизларнинг барчангиздан кўра қадрлироқ. Чунки мен ҳар куни сизларни эмас, уни суғорганман-да. Парда тортиб, шиша қалпоқ тутиб сизларни эмас, уни изғирину совуқлардан асраб-авайлаганман. Уни деб, капалаклар тезроқ очилиб чиқиб у билан ўйнасин, деб гумбаклар олиб келганман. Мен унинг арзу додини ҳам, нозу фироғини ҳам эшитганман, ҳатто сукутга чўмган чоғларида ҳам кўнглини сезиб турганман. У — меники, у менинг ёлғизим, ягонаман...

Шундан сўнг Кичкина шаҳзода Тулкининг ёнига қайтиб келди:

— Хайр, яхши қол... — деди у.

— Хайр, яхши бор, — деди Тулки. — Мана сенга айтмоқчи бўлган сирли гапим: фақат кўнгил кўзигина очиқ, энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан.

— Энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан, — деб такрорлади Кичкина шаҳзода, бу ҳикматни эслаб қолиш учун.

— Гулинг сенга шунинг учун ҳам қадрлики, унга кўнглингни бергансан.

— Чунки унга кўнглимни берганман... — деб такрорлади Кичкина шаҳзода яхшироқ эслаб қолиш учун.

— Одамлар бир ҳақиқатни унутдилар, — деди Тулки, — аммо сен асло ёдингдан чиқарма: кимники қўлга ўргатган бўлсанг, унинг тақдирига ҳамиша жавобгарсан. Унутма, феруза гулинг учун ҳам жавобгарсан.

— Феруза гулим учун жавобгарман... — деб такрорлади кичкина шаҳзода яхшироқ эслаб қолиш учун...

## XXII

— Салом, — деди Кичкина шаҳзода.

— Салом, — деб жавоб қилди бекат назоратчиси.

— Нима қилиб турибсан бу ерда? — деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Йўловчиларни саралаяпман, — деди назоратчи.

— Мингта-мингта қилиб пөездга ўтқазаман-да, бирини ўннга, иккинчисини сўлга жўнатаман.

Шу пайт ёп-ёруғ деразаларининг ойналарини ярақиратганча тезюрар поезд гумбурлаб ўтиб қолди. Бекат назоратчисининг дўкончаси ҳам зириллаб кетди.

— Намунча шошади бу? — деб ҳайрон бўлди Кичкина шаҳзода. — Шунчалик ошиқиб нимани излайди?

— Буни ҳатто машинистнинг ўзиям билмайди, — деди назоратчи.

Иккинчи томонга ҳам қараб тезюрар бир поезд пишқирганча шовқин солиб ўтиб кетди.

— Бу боя ўтиб кетганга етиб олмоқчимиз? — деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Э, қаёқда, — деди назоратчи. — Вагоннинг ичида ҳозир ҳамма ё ухлаб ётибди, ё дераза олдида қўл қовуштирганча эснаб ўтирибди. Фақат болаларгина бурнилларини ойнага тираб ташқарига тикилиб кетаётган бўлса керак.

— Фақат болаларгина нима излаб юрганини била-

ди, — деди Кичкина шаҳзода ўзича. — Улар латта қўғирчоққа ҳам юрак-бағрини бериб меҳр қўяди, шу сабабли у уларга бениҳоя қадрли бўлиб қолади. Шу сабабли ҳам боладан қўғирчоғи тортиб олинса, ўксиб-ўксиб йиғлайди...

— Уларнинг бахти-да, — деди назоратчи.

### XXIII

— Салом, — деди Кичкина шаҳзода.

— Салом, — деди савдогар.

У ташналикни босувчи, такомиллаштирилган қандайдир бир ичимлик сотиб ўтирарди. Шу ичимликдан беш-олти қултум ичилса бас, кейин бир ҳафта чанқов нималигини билмай юравериш мумкин.

— Буни сотишдан маъни нима? — деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Бу нарсга вақтни жуда қаттиқ тежашга ёрдам беради, — деди савдогар. — Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда шу ичимлик туфайли ҳафтасига эллик уч дақиқа тежаш мумкин экан.

— Ҳўш, ўша эллик уч дақиқада нима қилинади кейин?

— Хоҳлаган ишингни қилаверасан.

“Агар менинг эллик уч дақиқа ортиқча вақтим бўлса эди, — деб кўнглидан ўтказди Кичкина шаҳзода, — тўппа-тўғри булоқ бошига борардим-у...”

### XXIV

Фалокатга учраганимга роса бир ҳафта бўлган эди, ғаройиб ичимлик сотадиган савдогар ҳақида эшитгач, сўнгги қултум сувимни ичиб тугатдим.

— Ҳа-а, — дедим Кичкина шаҳзодага қараб, — бу айтган гапларинг ҳаммаси қизиқ, аммо мен ҳали самолётимни тузатолганим йўқ, мана, кўрдинг, охириги томчи сувни ҳам қуритдим, агар тўппа-тўғри булоқ бошига бориб қолсам, мен ҳам ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблардим.

— Мен дўст бўлган Тулки айтардики...

— Азизим, ҳозир тулки-пулкинг қулоғимга кирмайди!

— Нега?

— Чунки ташналикдан ўлиб кетишимга кўзим етиб турибди...



У гап нимадалигини бари бир тушунмади-да, яна эътироз билдирди:

— Дўстинг бўлса яхши-да, қўрқмай ўлимга ҳам бораверсанг бўлади. Мана мен Тулки билан дўст бўлганимдан шундай хурсандманки...

“Қандай даҳшатли бало хавф солиб турганини у сезмайдиям, билмайдиям. Умрида ҳеч қачон на очликни, на ташналикни кўрган. Унга қуёш нурининг ўзи кифоя...”

Мен буни товуш чиқариб айтмадим, ўзимча ўйладим, холос. Бироқ, Кичкина шаҳзода менга қаради-да, тўсатдан:

— Мен ҳам чанқадим... юр, қудуқ қидириб кўрамиз, — деди.

Мен ҳорғин қўл силтадим: бу поёнсиз саҳрода тусмоллаб қудуқ излашдан нима маъно бор? Аммо бари бир йўлга тушдик.

Узоқ вақт бир-биримизга чурқ этмай бордик; ниҳоят, қоронғи тушиб, осмонда бирин-кетин юлдузлар чарақлай бошлади. Ташналикнинг зўридан мени бир оз безгак ҳам тутмоқда эди, шу боис юлдузларни тушдагидек элас-элас кўрардим. Кичкина шаҳзоданинг гапга ёдимга тушиб, сўрадим:

— Демак, ташналик нималигини сен ҳам билар экансан-да?

Бироқ у индамади, фақат шунчаки сўзлагандек:

— Сув баъзан юракка ҳам керак бўлади... — деб қўйди.

Унинг нима демоқчилигини тушунмадим-у, сўраб ўтирмадим — уни сўроқ қилишнинг беҳуда эканини яхши билардим.

У ниҳоят ҳолдан тойиб, қумга мук чўкди. Мен ҳам

ёнига оҳиста чўзилдим. Алламаҳалгача ҳеч биримиз чурқ этмадик. Бир пайт у секингина:

— Юлдузлар жудаям чиройли, чунки қаеридадир гули бор, фақат кўринмайди, холос, — деб қолди.

— Ҳа, албатта, — дедим мен, ой ёғдусида товланиб ётган қум тўлқинларига тикилганча.

— Сахро ҳам чиройли... — деб қўшиб қўйди Кичкина шаҳзода.

Бу гап чиндан ҳам тўғри эди. Сахро менга ҳамиша ёқади. Қум барханига чиқиб ўтирасан, ҳеч нарса кўринмайди, ҳеч нарса эшитилмайди, аммо бари бир сахро қўйнида нимадир билинар-билимас ялтирайди...

— Биласанми, сахро нима учун яхши? — деди у. — Чунки унинг бағрида, кўз илғамас аллақаерларда булоқлар яширинган бўлади...

Ҳайратдан қотиб қолдим. Бирданига қумлардан таралиб ётадиган сирли ёғдунинг нима эканини англадим. Бир пайтлар, ёш бола чоғимда кўҳна бир уйда яшардим. Нақл қилишларича, бу уйга катта бир хазина кўмилган экан. Равшанки, уни бирор кимса ҳеч қачон топиб ололмади, ким билсин, балки, бирор кимса ҳеч қачон қидириб ҳам кўрмагандир. Аммо ўша миш-миш туфайли уй гўё тилсим қилингандек сеҳрли кўринарди — унинг бағрида сир пинҳон эди...

— Ҳа-а, — дедим оҳиста. — Юлдузми, уйми, сахроми, нимаики бўлмасин, ундаги энг гўзал нарса — кўзга кўринмайдиган нарсадир.

— Дўстим Тулки билан ҳамфикр экансан, жудаям хурсанд бўлдим, — деди Кичкина шаҳзода қувониб.

Салдан кейин у ухлаб қолди. Мен уни қўлимда кўтарганча йўлда давом этдим. Ўз-ўзимдан ҳаяжонланиб кетган эдим. Назаримда, қўлимда нафис бир хазинани кўтариб бораётгандек эдим. Назаримда, Ер юзида бундан кўра нозик ва нафисроқ ҳеч нарса йўқдек туюларди. Ой ёғдусида унинг бўздек оқарган манглайига, юмуқ мижжаларига, шамолда тўзғиб ётган тилларанг кокилларига термилиб борарканман, ўзимга-ўзим, буларнинг барчаси — шунчаки қобиқ, дер эдим. Энг асосий нарсани кўз илғамайди, у сийратда, ботинда пинҳон...

Унинг хиёл очиқ лабларида табассум ўйнарди, уларга тикилиб туриб ўзимча яна шундай деб ўйладим: мана, Кичкина шаҳзода, беозоргина ухлаб ётибди, феруза гулига шунчалар садоқатлики, одамнинг беих-

тиёр кўнгли эриб кетади, гулниинг ёди-хаёли, шам шуъласининг шарпасидек, уни бирон зум, ҳатто уйқу-сида ҳам тарк этмайди... Ва шунда мен унинг асли-дагидан ҳам кўра нозикроқ эканини англадим. Ахир, шам шуъласини эҳтиёт қилиш керак — қутурган ша-мол уни ўчириб қўйиши мумкин.

Алқисса, шу тариқа йўл юрдиму мўл юрдим ва тонг чоғи бир қудуқ бошига етиб бордим.

## XXV

— Одамлар жон-жаҳди билан тезюрар поездларга ошиқиб нима излаётганини ўзлари ҳам билмайди, — деди Кичкина шаҳзода. — Шунинг учун ҳам ором нелигини билмай гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи то-монга зир югурардилар... — Хиёл ўтгач, шундай деб қўшиб қўйди: — Лекин бари беҳуда...

Биз топган бу қудуқ Саҳрон Кабирдаги бошқа қудуқларга ўхшамасди. Одатда, бу ердаги қудуқ қум-ни нари-бери ўйиб ясалган чуқурчадан иборат бўлади. Бу эса қишлоқларда учрайдиган ҳақиқий қудуқ эди. Аммо атроф-жавонибда қишлоқнинг асари ҳам йўқ-лиги учун мен буни тушга йўйиб қўяқолдим.

— Ғалати-я, — дедим Кичкина шаҳзодага, — ҳам-маси тайёр — чамбарак ҳам, челақ ҳам, арқон ҳам...

У кулимсираб қўйди-да, арқонни тортиб, чамбарак-ни буради. Чамбарак худди шалоғи чиққан чархпалак-дек ғичирлаб айлана бошлади.

— Эшитяпсанми? — деб сўради Кичкина шаҳзо-да. — Қудуқни уйғотиб юбордик, ана, энди хиргойи қилишга тушди...

Мен, у чарчаб қолади, деб хавотирда эдим.


— Сувни ўзим тортаман, — дедим шоша-пиша, — сенинг кучинг етмайди.

Сув тўла челақни секин тортиб чиқардим-да, қудуқ-нинг тош қирғоғига авайлаб қўйдим. Қулоғимда ҳамон чамбаракнинг ғичирлаб айланиши акс садо берар, че-лақдаги сув оҳиста чайқалар, мавжларида қуёш шуъ-ласи ўйнар эди.

— Шу сувдан ичгим келяпти, — дея менга жавди-раб боқди Кичкина шаҳзода. — Бир қултум бер...

Шунда мен унинг нима излаб юрганини туйқусдан англадим!

Челақни кўтариб, аста лабига тутдим. У қўзларини юмиб олган, ҳузур қилиб оби ҳаёт смираар эди. Бу



чинакам бир шодиёна эди. Чунки бу оддий сув эмасди. У саҳрода, юлдузлар остидаги узоқ саргардонликдан сўнг, чамбарақнинг ғичирлаб айланишидан сўнг, қўлларимнинг ҳаракатидан сўнг бизга муяссар бўлган ноёб, илоҳий бир неъмат эди. Гўё юракка тенгсиз малҳам эди у...

Сенинг сайёрангда, — деди Кичкина шаҳзода, — одамлар бир чаманзорда беш мингта гул ўстирар экан-у, излаганини тополмас экан...

— Тополмайди, — деб маъқулладим мен.

— Ҳолбуки, улар излаган нарсани бир дона гулдан, бир қултум сувдан ҳам топиш мумкин.

— Тўғри айтасан, — деб тасдиқладим яна.

Кичкина шаҳзода тағин ўйга чўмди:

— Афсуски, кўзлар басир. Кўнгил кўзи билан излаш лозим.

Сувдан мириқиб ичдим. Нафас олишим енгиллашди. Саҳар чоғи қум худди асалдек тилларанг товланади, унга тикилган сари ўзимни бахтиёр сезардим. Чиндан ҳам, нега, недан қайғу чекай?..

— Сен ваъдангининг устидан чиқишинг керак, — деди Кичкина шаҳзода мулойимлик билан, тағин ёнимга келиб ўтираркан.

— Қанақа ваъда?

— Эсингдами, қўзичоғингга нўхта... бераман, деган эдинг?.. Ахир, мен ўша гулга жавобгарман-ку...

Чўнтагимдан чизган расмларимни олдим. Кичкина шаҳзода уларни кўздан кечираркан, кулимсиради:

— Баобабларинг худди карамга ўхшайди-я...

Мен бўлсам, баобабни боплаб чизганман, деб гердайиб юрибман-а!

— Тулкингнинг қулоғи бўлса... шохнинг ўзи! Узунлигини қара-ю! — У яна кулиб юборди.

— Бу гапинг инсофдан эмас, оғайни. Ахир, мен умримда бўғма илоннинг ичкию ташқи кўринишидан бошқа нарса чизган эмасман-да.

— Майли, ҳечқиси йўқ, — деди у мени юпатиб. — Болалар шундоқ ҳам тушуниб олишади.

Кейин мен унинг қўзичоғига нўхта чизиб бердим. Сувратни Кичкина шаҳзодага бердим у негадир юрагим зирқираб кетди.

— Ниманидир ўйлаб қўйгансан-у, менга айтмаяпсан...

Бироқ у индамади.

— Биласанми, — деди ниҳоят, — эртага сизларнинг ҳузурингизга — Ерга келганимга бир йил тўлади... — У тағин жимиб қолди, бир зум ўтгач: — Мен мана шу атрофга тушган эдим... — деди. Шундай дедию дув қизариб кетди.

Негалигини худо биладую дилимни яна қўрғошиндек гашлик қоплади. Лекин бари бир юрак ютиб сўрадим:

— Бундан чиқдики, бир ҳафта аввал, иккаламиз танишган тонгда, одамзот маконидан минг-минг чақирим узоқ бу овлоқ ерларда сен ёлғиз ўзинг бежиз

кезиб юрмаган экансан-да? Осмондан тушган жойинг-га қайтиб келаётганмидинг?

Кичкина шаҳзода баттарроқ қизариб кетди.

Мен энди ҳадиксираб сўрадим:

— Балки, бир йил тўлгани учун шундай қилмоқчимисан?

У яна лоладек қизарди. У бирорта саволимга жавоб бермади, аммо қип-қизариб кетгани — «ҳа» дегани эмасми?

— Қўрқиб кетяпман... — дея сўз бошладим хўрсиниб.

Аммо у гапимни кесди:

— Ишга киришадиган вақтинг бўлди. Турақол, машиангнинг ёнига бор. Мен сени шу ерда кутаман. Эртага кечқурун қайтиб келгин...

Аммо бари бир кўнглим тинчимасди. Беихтиёр Тулкини эсладим. Қўлга ўрганиб қолганингдан кейин баъзан кўзёш тўкишга ҳам тўғри келади.

## XXVI

Қудуқдан сал нарида кўҳна тош қўрғоннинг вайроналари сақланиб қолган эди. Эртаси оқшом ишни тутатиб қайтарканман, узоқдан Кичкина шаҳзоданинг чолдевор устида оёғини осилтириб ўтирганини кўрдим. Яқинлашгач, овозини ҳам эшитдим.

— Эсингдан чиқдимми? — дерди у. — Бу гап худди шу ерда бўлмаган эди-ю, лекин...

Чамаси, кимдир унга жавоб қайтармоқда эди, чунки шундай деб эътироз билдирди:

— Тўғри, бу гап бундан роппа-роса бир йил аввал бўлган эди, лекин бошқа жойда...

Қадамимни тезлатдим. Аммо деворнинг тагида зор ҳам кўринмасди. Бироқ Кичкина шаҳзода ҳамон ким биландир гаплашиб ўтирарди:

— Албатта-да. Менинг изимни қумдан осонгина топасан. Кейин кутиб тургин, бугун кечаси мен ўша ерга келаман.

Деворнинг олди-гача йиғирма қадамлар чамаси қолди, лекин мен ҳануз ҳеч нарсани кўрмадим.

Бир оз жимликдан сўнг Кичкина шаҳзода:

— Заҳаринг ўткирми ўзи? Ишқилиб, мени кўп қийнамайсанми? — деб сўради.

Турган жойимда қотиб қолдим, юрагим орқамга тортиб кетди, бироқ ҳамон бирор нимани тушунмас эдим.



— Кетақол энди, — деди Кичкина шаҳзода. — Мен наста сакрамоқчиман.

Шунда оёқ остига қарадиму икки газ нарига сапчиб тушдим! Деворнинг шундоққина тагида, одамни чақса, ярим минутда тил тортмай ўлдирадиган бир илон бўйинини гажак қилганча Кичкина шаҳзодага тикилиб турарди. Чўнтагимдаги тўппончани пайпаслаганча унга қараб югурдим, аммо илон шарпамни сезиб, қуриб бораётган жилгадек, қум узра аста сирғалганча, билинар-билинимас оҳанрабо сас чиқариб тошлар аро ғойиб бўлди.

Роса вақтида етиб келган эканман, боёқиш Кичкина шаҳзодамни даст кўтариб олдим. Ранги қордек оқариб кетган эди.

— Нима қилганинг бу, болакай! — дедим нафасим тикишиб. — Нега илон билан суҳбат қуриб ўтирибсан?

Шундай деб, унинг доимий йўлдоши — тилларанг шарфици бўйнига тақиб қўйдим, юз-кўзини ювиб, мажбуран сув ичирдим. Аммо бошқа бирор нарсани сўрашга юрагим дов бермади. У менга синчиклаб тикилди-да,

бўйнимдан маҳкам қучди. Юрагининг ярадор қушдек бетоқат типирчилаётганини яққол эшитиб турардим.

— Ниҳоят машинагни тузатиб олибсан, жудаюм хурсанд бўлдим, — деди у. — Энди бемалол уйингга қайтишинг мумкин...

— Шошма, сен буни қаёқдан билдинг?!

Чунки, барча балоларни доғда қолдириб, самолётимни тузатишга муваффақ бўлганимни айтмоқ учун эндигина оғиз жуфтлаган эдим-да!

У, саволимни одатдагидек жавобсиз қолдириб, шундай деди:

— Мен ҳам бугун уйимга қайтаман.

Кейин ғамгин оҳангда қўшиб қўйди:

— Лекин менинг сафарим сеникидан узоқроқ... сеникидан қийинроқ...

Буларнинг барчаси алланечук ғалати эди. Мен уни худди гўдак боладек маҳкам бағримга босиб турардим-у, лекин, назаримда, у гўё оғушимдан сирғалиб чиққанча бўшлиққа сингиб кетаётгандек туюларди, уни тутиб қолишга ўзимни ортиқ қодир эмасдек ҳис қилардим...


У олис-олисларга ҳорғин, ўйчан термиларкан:

— Менда сенинг қўзичоғинг қолади. Қутичаям. Нўхта ҳам... — деди, дедию ғамгин кулимсираб қўйди.

Мен узоқ кутдим. У гўё аста-секин ўзига келаётгандек эди.

— Бирор нарсадан қўрққанга ўхшайсан, болакай...

Қўрқмай ҳам бўладими! Аммо у оҳистагина кулимсиради:



— Бугун кечқурун бундан баттар кўрқсам керак... Муқаррар фалокат туйғуси тагин вужуд-вужудимни музлатиб, карахт қилиб ташлади. Наҳот, наҳотки, унинг жарангдор кулгисини қайта эшитмасам? Ахир, бу кулги мен учун саҳродаги покиза булоқ билан баробар-ку!

— Болакай, кулгингни соғиндим, бир кулгини...

Аммо у бунга жавобан:

— Бугун бир йил тўлади, — деди. — Юлдузим бир йил аввал мен қулаб тушган жойга роса рўбарў келди...

— Менга қара, болакай, ахир, буларнинг барчаси — илон ҳам, юлдуз билан учрашув ҳам аҳмоқона бир туш-ку, тўғрими?

Бироқ у гапимга индамади.

— Энг асосий нарса — кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса... — деди у.

— Ҳа, албатта.

— Бу ҳам худди гулга ўхшайди. Агар олис юлдузлардан бирида ўсадиган гулни яхши кўрсанг, кечаси осмонга боқиб ҳузур қиласан. Кўз ўнгингдан юлдузларнинг жами гулдек очилиб ётади...

— Албатта...

— Кечаси юлдузларга термиласан. Менинг юлдузим бениҳоя кичкина, уни сенга кўрсатолмайман. Шундай бўлгани тузук. У сен учун осмон тўла юлдузнинг бири бўлиб қолгани маъқул. Шунда сен осмонга боқишни яхши кўриб қоласан... Жамики юлдуз сенга



ошно бўлиб қолади. Кейин, мен сенга нимадир совға ҳам қилмоқчиман... — У шундай деб кулиб юборди.

— Эҳ, болакай, болакай, кулгиларингни қанчалар яхши кўришимни билсанг эди!

— Сенга бермоқчи бўлган совғам ҳам мана шу-да...

— Йўғ-э?

— Ҳар кимнинг ўз юлдузи бор. Баъзиларга айтайлик, сарбону сайёҳларга — улар йўл кўрсатувчи, баъзиларга эса шунчаки митти/шуъла, холос, олимларга — ечиш лозим бўлган масала, мен кўрган қорчалонга эса — олтин бўлиб кўринади улар. Аммо бу одамларнинг барчаси учун юлдузлар безабон. Сенинг юлдузларинг эса бутунлай ўзгача бўлади...

— Узгача дейсанми?

— Кечалари осмонга боқасану мен яшайдиган, менинг кулгим янграётган юлдузларнинг барчаси жилмайиб кулаётгандек туюлади. Ҳа, сенинг кула биладиган юлдузларинг бўлади!

У шундай деди-ю, кулиб юборди.

— Юпанганингдан кейин эса (охир оқибат доим юпанасан бари бир) қачондир мен билан ошно бўлганингни эслаб, юрагинг қувончга тўлади. Сен ҳамини менинг дўстим бўлиб қоласан, ҳамини менга қўшилиб кулишни истаб юрасан. Баъзан деразангни мана шундай ланг очиб юборасан-у, шодумон бўлиб кетасан... Шунда дўстларинг, нега у осмонга боқиб бунчалар хурсанд бўлаётган экан, деб қаттиқ ҳайрон бўладилар. Сен бўлса уларга: «Ҳа, ҳа, мен доимо юлдузларга боқиб хушхандон куламан!», дейсан. Улар эса сени, ақлдан озиб қолдимикан, деб гумон қилишади... кўрдингни, қандай чатоқ ҳазил бошладим сен билан...

У яна қўнғироқдек товуш билан кулиб юборди.

— Гўё юлдузнинг ўрнига сенга бир шода жарангдор қўнғироқ совға қилгандек бўлдим...

Яна хандон ташлаб кулди, сўнг тағин жиддий тортди:

— Биласанми... бугун кечаси... йўқ, яхшиси келмай қўяқол.


— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

— Сенга, бирор жойим оғриётгандек... ҳатто жон бераётгандек бўлиб туюлишим ҳам мумкин. Шунақа бўлади ўзи. Келмай қўяқол, керакмас.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У нимадандир қаттиқ ташвишманд кўринарди.

— Биласанми... ҳалиги... илонни ўйлаяпман. Тағин



у сени чақиб олса-я? Ахир у ёвуз ҳайвон-ку. Бировни чақса, ҳузур қилади.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У бирдан хотиржам тортди:

— Ҳа, айтмоқчи, унинг заҳри икки кишига етмайди...

Кечаси унинг қандай туриб кетганини сезмай қолибман. У сассиз-шарпасиз сирғалиб кетиб қолган эди. Ниҳоят, уни қувиб етганимда, у жадал, дадил одим отиб борарди. Мени кўриб:

— Ҳа, сенмисан... — деди, холос.

Сўнгра аста қўлимдан тутди-ю, алланимадан чўчигандек дарров тортиб олди:

— Бекор келяпсан мен билан. Аҳволимни кўриб қийналасан. Назарингда ўлаётгандек кўринаман, лекин бу ёлғон бўлади...

Мен индамай боравердим.

— Биласанми... йўлим ниҳоятда олис, жисмим эса ниҳоятда оғир. Мен уни олиб кетолмайман.

Мен индамай боравердим.

— Бу худди эски қобиқни ташлагандек бир гап. Ҳеч бир қайгурадиган жойи йўқ бунинг.

Мен индамай боравердим.

Унинг бир оз руҳи тушди, аммо бари бир зўр берди:

— Мана кўрасан, жуда соз бўлади ҳали. Мен ҳам юлдузларга термиламан. Шунда жамики юлдуз гичирлаб айланадиган чамбаракли кўҳна қудуқ бўлиб кўринадди. Ва уларнинг ҳар бири менга ичгани сув беради...

Мен индамай боравердим.

— Бир ўйлаб кўргин-а, қанчалик соз бўлади ўшанда! Сенда беш миллион қўнғироқ бўлади, менда эса— беш миллион булоқ...

У бирдан жимиб қолди — бўғзига йиғи тикилиб келди.

— Мана, етиб ҳам келдик. Қўй энди мени, буёғига ўзим борай.

Шундай деб қум узра бемажол чўкди — юрагини қўрқув чулғади. Хиёл ўтгач, секингина шивирлади:

— Биласанми... гулим... мен гулимга жавобгарман. Чунки у шунчалар, заиф, ночорки! Соддалигини айтмайсанми? Ўзини ҳимоя қилмоққа тўрттагина арзимас тиканидан бошқа нарсаси йўқ...

Мен ҳам қумга мук тушдим, оёқларимдан мадор қочиб, чалишиб кетмоқда эдим.

— Мана.. тамом энди... — деди у.

Бир лаҳза тек қолди-ю, сўнг ўрнидан турди. Бир қадам илгари босди...

Мен эса ҳамон жойимдан қўзғалолмас эдим.

Оёқлари остида гўё сариқ яшин чақнагандек бўлди, бир дақиқа қотиб қолди. Йиғламади, бўзламади. Сўнг худди болта урилган дарахтдек оҳиста қулади: на бир шарпа, на бир сас... Илло, қум зарралари тиқ этган товушни ҳам ютиб юборади-да.

## XXVII

Мана, ўшандан буён олти йил ўтди... Ҳанузгача бу ҳақда бирор кимсага чурқ этиб оғиз очганим йўқ. Қайтиб келганимда, дўстларим мени тағин эсон-омон кўриб севиндилар, бироқ кўнглим бениҳоя ғаш эди, сўраган одамга:

— Чарчабман шекилли... — деб қўяқолардим.

Лекин, аста-секин бари бир юпана бошладим. Батамом эмас, албатта. Бироқ шу нарсани яхши билманки, у ўз сайёрасига қайтиб кетган, чунки тонг ёришгач, қум устида жасадини кўрмадим. Унинг жисми унчалик оғир ҳам эмасди-да.

Кечалари юлдузларга қулоқ тутиб ўтиришни яхши кўраман. Гўё беш миллион қўнғироқ шодумон жиринглаётгандек...

Лекин, буни қарангки, қўзичоққа нўхта чизиб бераётганимда, тасмачасини унутган эканман. Энди Кичкина шаҳзода уни қўзичоққа тақа олмайди. Шу боис гоҳ-гоҳ ўзимдан сўрайман: уёқда, дўстимнинг сайёрасида аҳвол қалай экан? Тагин қўзичоқ гулни еб қўйган бўлса-я?

Баъзан эса ўзимга ўзим: «Йўғ-э, ундай эмасдир! Кичкина шаҳзода кечасилари феруза гулни шиша қалпоқ билан ёпиб қўярди, қўзичоққа ҳам кўз-қулоқ бўлиб турса керак», деб таскин бераман-у, бирдан қувониб кетаман. Шунда юлдузлар ҳам оҳиста жилмайиб кулаётгандек туюлади.

Гоҳида эса: «Баъзан нимадир хотирдан фаромуш бўлади-ку, ахир... Унда, ҳар бало ҳам бўлиши мумкин! Борди-ю, Кичкина шаҳзода бир куни шиша қалпоқни эсидан чиқариб қўйса ё қўзичоқ кечаси сездирмай қутчасидан чиқиб кетиб қолса-я...» деб ўйлайман ваҳимага тушиб. Шунда осмондаги қўнғироқларим ҳам унсизгина йиғлаётгандек туюлади...

Буларнинг барчаси алланечук ақл бовар этмайдиган сирли ҳодисалардир. Аминманки, сизга ҳам, Кичкина шаҳзодани яхши кўриб қолган бошқа ҳар қандай одамга ҳам, худди мен каби, коинотнинг аллақайси бурчагида биз ҳеч қачон кўрмаган бир қўзичоқ бизга нотаниш бир гулни еб қўйган-қўймагани асло бари бир бўлмаса керак; дунёнинг кўзимизга қандай кўриниши ана шунга жуда-жуда боғлиқ...

Бошингизни кўтариб, бепоён осмонга боқинг. Сўнгра ўзингиздан: «Уша феруза гул омон бормикан? Бордию қўзичоқ уни еб қўйган бўлса-я?», деб сўранг. Ана шунда кўрасиз — олам кўз ўнгингизда буткул бошқача жилвалана бошлайди...

Ва бирорта катта одам бунинг қанчалар муҳим эканини ҳеч қачон тушуна олмайди!

*Бу ер, менинча, дунёдаги энг гўзал ва энг ҳасратли макон бўлса керак. Саҳронинг бу кимсасиз парчаси сал юқорида ҳам тасвирланган эди, аммо уни яхшироқ кўриб олишингиз учун яна қайтадан чизмоқчиман. Худ-*

ди шу жойда Кичкина шахзода Ер юзида биринчи бор пайдо бўлган, кейин худди шу жойда ғойиб бўлган эди. Диққат билан қараб эслаб қолинг, агар қачонлардир Африкага, сахрога бориб қолсангиз, бу жойни танишингиз осон бўлади. Мабодо шу ердан ўтар бўлсангиз, ўтиниб сўрайман, мана шу юлдуз остида бир нафас тўхтаг! Бордию шу пайт тилларанг сочли бир бола ёнингизга келиб, қўнғироқдек товуш билан кула бошласа, бирорта саволингизга жавоб бермаса, ўйлайманки, кимга дуч келганингизни албатта сезсангиз керак. Ушанда, сиздан ўтиниб сўрайман, дардли дилимга юпанч бериш эсингиздан чиқмасин: унинг қайтиб келганини менга зудлик билан хабар қилинг.



## МУНДАРИЖА

Йўқчилик ва тўқчилик	. . . . .	3
Дўстим Эсонбой	. . . . .	20
Фуломгардиш	. . . . .	30
Е, Жамшид!	. . . . .	39
Бир оқшом эртаги	. . . . .	55
Уч юз олтамиш тўрт кун	. . . . .	62
Бадантарбия	. . . . .	66
Бир қамар сиймо	. . . . .	71
Кўнгул озодадур. Қисса	. . . . .	77
Антуан де Сент-Экзюпери.	Кичкина шаҳзода (гаржима)	152

Адабий-бадний нашр

ХАИРИДДИН СУЛТОН

ВУҚЧИЛИК ВА ТЎҚЧИЛИК

Тошкент «Маънавият» 2000

Мухаррир С. Аҳмедов  
Мусаввир С. Соин  
Бадний муҳаррир С. Аъзам  
Техник муҳаррир Т. Золотилова  
Мусаҳҳиҳ С. Абдусаматова

Теринга берилди 10.02.00. Босинга рухсат этилди 22.03.00. Бичими 84×108<sup>1/2</sup><sub>32</sub>. Литературная гарнитураси. Юзори босма усулида босилди. Шартли б.т. 11,76. Шартли кр.-отт. 12,18. Нашр т. 12,43. 14500 нуска. Буюртма № 19. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 3—00.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй, 2000.

H. 112

6000e

Handwritten scribbles

Handwritten scribbles

Handwritten scribbles



